O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JAMOAT XAVFSIZLIGI UNIVERSITETI

FUQAROVIY HUQUQIY FANLAR KAFEDRASI

“Fuqarolik huquqiy fanlarini rivojlantirish tendensiyalari va fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya

TOSHKENT - 2022

KBK-63.3
A-62

Fuqarolik huquqiy fanlarini rivojlantirish tendentsiyalari va fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish istiqbollari” / Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. – Toshkent. Jamoat xavfsizligi universiteti nashriyoti. 2022. – 500 b.

Taqrizchilar:

M.A.Usmanova – O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti “Jinoiy huquqiy fanlar” kafedrasi professori, yuridik fanlar doktori, professor

A.A.Muxammadiyev – O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti “Fuqaroviy huquqiy fanlar” kafedrasi professori, yuridik fanlar doktori, professor

Ushbu to‘plamdan fuqarolik huquqiy fanlarini rivojlantirish tendensiyalari va fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish istiqbollariga, fuqarolik qonunchiligi bilan aniq asoslarda tartibga solinmagan ayrim shartnomalarning nomlanmagan turlari va xillariga, davlat-xususiy sheriklik, klaster shaklida tadbirkorlikni yo’lga qo’yishg, elektron tijorat, kripto-valyuta aylanmasi, er uchastkalarini xususiylashtirish, ulushli qurilish, autsorsing, autstafing va boshqa zamonaviy fuqarolik-huquqiy institutlarga bag'ishlangan maqola va tezislar o'rin olgan.

© O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2022.

KIRISH

Ma’lumki, Yangi O’zbekiston taraqqiyotining hozirgi bosqichida iqtisodiyotni yanada liberallashtirish, mulkchilik munosabatlarini tartibga solishda davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish, xususiy mulk kafolatlarini himoya qilishni kuchaytirish, tadbirkorlikni rag’batlantirish va xorijiy investitsiyalarni faol jalb etish bo’yicha ustuvor vazifalar belgilab olingan.

Real bozor iqtisodiyoti va ilg’or xalqaro standartlar talablariga javob beradigan, to’g’ridan-to’g’ri amal qiladigan zamonaviy fuqarolik qonunchiligini shakllantirmasdan turib ushbu vazifalarga erishib bo’lmaydi. Fuqarolik-huquqiy tartibga solishning eng muhim qoidalarini belgilovchi qonun hujjati bo’lgan O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi fuqarolik qonunchiligi hujjatlari tizimida markaziy o’rinni egallaydi.

Amaldagi 1995-1996 yillarda ishlab chiqilgan Fuqarolik kodeksi «o’tish davri»da o’z vazifalarini bajarib, mamlakatimizda keng ko’lamli o’zgarishlarini fuqarolik-huquqiy tartibga solishda muhim rol o’ynadi va iqtisodiyotni rivojlantirish uchun mustahkam huquqiy zamin yaratishga imkon berdi. Lekin, bozor islohotlarini yanada chuqurlashtirish, qulay investitsiya va ishbilarmonlik muhitini shakllantirish, xalqaro reytinglarda mamlakat o’rnini yaxshilash hozirgi bosqichda muhim vazifamiz hisoblanadi.

Fuqarolik kodeksida ko’p miqdordagi havolaki normalarning (80 ga yaqin) mavjudligi kodeksning to’g’ridan-to’g’ri amal qiluvchi hujjatga aylanishiga to’sqinlik qilmoqda va uning fuqarolik- huquqiy munosabatlarni tartibga solish borasidagi maqomini pasaytirmoqda;

Shu nuqtai nazardan, fuqarolik qonunchiligini bozor iqtisodiyoti tamoyillari va xalqaro standartlarga muvofiq modernizatsiya qilish, mamlakatimizda iqtisodiy islohotlarni yanada chuqurlashtirish va bozor iqtisodiyotini rivojlantirish uchun zamonaviy fuqarolik-huquqiy asos yaratish maqsadida qonunchilikning jiddiy kamchilik va bo’shliqlarini bartaraf etishga keng imkoniyatlar vujudga kelmoqda. Bunda Fuqarolik huquqiy fanlari alohida o’rin egallaydi.

Ilm-fan yutuqlari va amaliyot asosida fuqarolik qonunchiligini takomillashtirishning ustuvor yo'nalishlari belgilab olingan. Xususan:

- iqtisodiyotni boshqarishda ma'muriy-buyruqbozlik tamoyillari o'z ahamiyatini yo'qotib, eskirgan qoidalar chiqarib tashlanmoqda;

- davlat-xususiy sheriklik, klaster shaklida tadbirkorlikni yo'lga qo'yishg, elektron tijorat, kripto-valyuta aylanmasi, er uchastkalarini xususiylashtirish, ulushli qurilish, autsorsing, autstafing va boshqa zamonaviy fuqarolik-huquqiy institutlar yuzaga kelmoqda;

- fuqarolik qonunchiligi bilan aniq asoslarda tartibga solinmagan ayrim shartnomalarning nomlanmagan turlari va xillari yuzaga kelmoqda.

Shunday ekan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2021-yil 6-noyabrdagi **"Yangi O'zbekiston: Harakatlar strategiyasidan – Taraqqiyot strategiyasi sari"** nomli ma'ruzasining **VII-Tinchlik va xavfsizlikni t'minlash, xalqaro hamkorlikni rivojlantirish** yo'nalishida belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlash maqsadida, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universitetida o'tkazilgan **"Fuqarolik huquqiy fanlarini rivojlantirish tendentsiyalari va fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish istiqbollari"** mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi ishi ham samarali bo'lib, ishlab chiqiladigan takliflar, bildiriladigan fikr-mulohazalar fuqarolik qonunchiligi taraqqiyotiga o'z hissasini qo'shadi, deb o'ylaymiz.

ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЛАРИНИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

О.Окюлов - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси профессори ЎР ФА Давлат ҳуқуқи институти бош илмий ходими юридик фанлари доктори

Ҳар қандай миллий ҳуқуқ тизимини асосини давлатнинг Асосий Қонуни бўлган Конституция ташкил этади. Конституция миллий ҳуқуқ тизимининг барча тармоқларини асосий негизларини белгилаб беради. Шу сабабли ҳам конституция қай даражада мукаммал бўлса миллий ҳуқуқ тизимининг сифатига ҳам таъсир кўрсатади.

Сўнги даврлар Ватанимиз тарихида янги босқични, янги даврни бошлаб берганлигини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий хаётимиздаги туб сифат ўзгаришлар орқали барчамиз хис этмоқдамиз. Бу давр Янги Ўзбекистон даври сифатида ном қозонди. Унинг тараққиёт асосини учинчи Ренесанс ташкил этади. Юртбошимиз айтганидек, муаллим таълим илм асосий харакатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади. Янги Ўзбекистон ҳуқуқий асослари ҳам сифат жиҳатдан яхшиланмоғи лозим. Бу давлатнинг асосий қонуни бўлган Конституциямизга ҳам таълуқлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев янги муддатга лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлис йиғилишида таъкидлаганидек, бугунги кунда хаётнинг ўзи ислохотларимиз мантиғи талаб этаётган яна бир муҳим таклиф илгари сурилди. Бу ҳам бўлса, мамлакатимизда конституциявий ислоҳотларни амалга оширишдан иборат. Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислоҳотлар амалга оширилганини кўрамиз. Шу сабабли, аввало сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслахат қилиб, жахон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги кун ва келгуси

тараққиётимизни белгилаб берадиган асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак.[1]

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқаролик ҳуқуқи фани ва фуқаролик қонун ҳужжатлари учун консептуал доктринал аҳамиятга эга бўлган ҳам сиёсий, ҳам норматив ҳужжат хисобланади. Фуқаролик қонун ҳужжатлари ривожланишида, фуқаролик ҳуқуқи институти ва категорияларини талқин қилишда Конституция мазмунига зид равишда таҳлил этишга йўл қўйилмайди. Фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожлантиришда ҳуқуқ ижодкорлиги Конституциянинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқмоғи лозим ва бу йўналишда ҳам конституцион нормалар билан зиддиятга бориш мумкин эмас. Айни пайтда шундай савол туғилиши мумкин давлатимиз Асосий Қонуни нормалари қай даражада бевосита фуқаролик ҳуқуқий характерга эга ёхуд фуқаролик ҳуқуқий нормаларни шаклланишида методологик қўлланма вазифасини ўтай олади. Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики Конституция миллий ҳуқуқ тизимининг асосий норматив ҳужжатидир. Конституция миллий ҳуқуқнинг барча тармоқлари учун ўзига хос доктринал, концептуал негиз хисобланади.

Конституцион нормаларни таҳлил этиб, шундай хулосага келиш мумкинки, бундай нормалар биринчидан барча ҳуқуқ тармоқлари учун таъсир кучига эга бўлган нормаларга ёхуд бир неча ҳуқуқ тармоқларига таълуқли бўлган нормаларга гохида фақат муайян ҳуқуқ тармоғи учун таъсир кучига эга бўлган нормаларга бўлиниши мумкин.

Биринчи туркумдаги нормаларга, масалан, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олиниши тўғрисидаги нормани кўрсатиш мумкин (15-модда). Шунингдек, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи ҳам (44-модда) умумий универсал ҳуқуқ хисобланади. Айни пайтда баъзи нормалар бир неча ҳуқуқ тармоқлари соҳасида амал қилади. Масалан, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз

[1] Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. Халқ сўзи. 7 ноябр 2021 йил.

кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги тўғрисидаги норма (45-модда) бунга яққол мисолдир. Конституцион нормаларни фуқаролик ҳуқуқий мазмуни юкламаси устувор бўлган турлар ҳам мавжуд. Бунга Конституциянинг 36-моддаси, 42-моддаси, XII-боби (52-55-моддалари)да ўз мужассамини топган.

Албатта, Конституциянинг баъзи нормаларини кенгайтирилган ҳолда талқин этиш орқали фуқаролик ҳуқуқий моҳиятини очиб бериш мумкин. Шу маънода Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг хаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиймати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият хисобланади деб кўрсатилган нормаси (13-модда) кенгайтирилган ҳолда талқин этилиб, фуқаролик ҳуқуқини номоддий неъматлари бўлган объектларни бир туркуми ўз мужассамини топган деб айтиш ўринли бўлур эди. Конституциянинг 53-моддасидаги пурмаъно новеллаларни фуқаролик ҳуқуқи доктринаси негизида ётувчи тамойиллар сифатида қабул қилиш мумкин. Масалан, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин деган норма 2022 йил июл ойида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Судида кўрилган иш бўйича Фуқаролик Кодексининг баъзи нормаларини конституцияга номувофиқлиги тўғрисида хулосага келишга асос бўлди. Шунингдек, Конституциядаги истеъмолчилар ҳуқуқининг устунлиги, иқтисодий фаолият эркинлиги, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги, мулк дахлсизлиги каби консептуал аҳамиятга эга бўлган новеллалар фуқаролик қонунларда батафсил, атрофлича нормалар тизими шаклида ўз ифодасини топганлигини таъкидлаш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда кўтаринки рух билан Конституциямиз мазмунини такомиллаштириш бўйича жараён кетмоқда. Бу жараёнда барча кишилар фаол қатнашмоқдалар. Бу эса Президентимизни Конституциянинг муаллифи халқдир деган сўзларини тўғри эканлигининг исботидир. Ушбу жараёнда кишилар хаётий вазиятлар билан боғлиқ равишда Конституцияни фуқаролик ҳуқуқий нормаларини янада такомиллаштириш бўйича фикр мулоҳазаларини таклиф этдилар. Конституцияга киритиладиган

ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича қонун лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида конституциявий ҳуқуқларнинг муайян сифатдошлар билан туркумланиши ғоятда диққатга сазовордир. Масалан, конституциявий ҳуқуқларни дахлсиз ҳуқуқлар, ажралмас ҳуқуқлар каби сифатларга эга эканлиги келгусида фуқаролик қонунларини такомиллаштиришда эътибор берилиши лозим бўлган нуқталардан бўлиб хисобланади. Айни пайтда муҳокама жараёнида баъзи муаллифлар муқаддас ҳуқуқлар туркуми мавжудлиги тўғрисида фикр мулоҳозалар юритдилар. Бундай фикр мулоҳазалар нафақат ҳуқуқ назарияси, балки цивилистика фани назарияси учун ҳам таҳлилий мушохада предметига айланиши мақсадга мувофиқдир.

Шуни қайд этиш ўринлики, Конституцияга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида цивилист олимлар фаол қатнашдилар. Шу жумладан Ш.Рўзиназаров, Р.Рўзиев., Н.Имомов., Х.Азизов., М.Чориев., А.Мухаммадиев., И.Насриев., С.Холбоев., С.Ғуломов., И.Рустамбеков., В.Эргашев., Б.Самарходжаев., Қ.Меҳмонов., М.Болтаев., Д.Карахожаева., К.Рашидов., М.Баратов ва бошқаларни оммавий ахборот воситаларида, илмий манбалардаги эълон қилинган мақолалари мазмуни бундан далолат беради.

Айни пайтда мен ҳам Конституцияни мазмунан бойитиш бўйича цивилистика фани натижаларидан келиб чиқиб ўз мушохадаларимни ва таклифларимни баён қилишни лозим топдим.

Асосий Қонунда Яратганни зикр этиш масаласиин муоҳокама қилиш ҳам жоиз бўлган бўлур эди. Албатта, Ўзбекистон дунёвий давлат, виждон эркинлиги Конституцияда кафолатланган. Бироқ ахолимизнинг катта кўпчилигида у хох мусулмон бўлсин, хох христиан бўлсин, хох яхудий бўлсин яратганга нисбатан эътиқод ишонч мавжуд. Бу халқимиз менталитетининг асосий ўзак устқурмаси хисобланади. Бинобарин, Конституцияда қадриятларимизни ўзига хос намоён бўлиш хусусияти сифатида Яратган билан инсон ўртасидаги боғланишни қайд этиб ўтиш ўринли бўлар эди. Қуръони Каримда ҳам, бошқа конфессиялар китобларида ҳам Яратган инсонни улуғ мавжудод сифатида дунёга келтиргани, унинг

ўзига хос миссияси ва маъсулияти борлиги қайд этилади. Шундан келиб чиқиб Конституцияда Яратганни қайд этиш динга даъват қилиш маъносида эмас, давлатни диний тусдаги мақомини белгилаш эмас, балки Яратган инсонни олий мавжудод сифатида яратгани ва жамият, давлат уни худди шундай буюк рутбада эъзозлаши маъносида қайд этиш ўринли бўлур эди. Яна шуни эътироф этиш ўринлики жамиятнинг хар қандай тараққиёти, айниқса, илмий техник тараққиёти инсонни мақомини пастлатувчи, уни манфатларини камситувчи қадриятларни қарор топишига олиб келмаслиги лозим. Хеч кимга ва хеч нарсага қарам бўлмаган, ўзини-ўзи ривожлантирувчи сунъий интеллектлар вужудга келиш арафасида бу ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бошқача айтганда келажакда инсон-манфаати устувор олий мавжудод бўлиб қолиши шарт. Шу сабабли ҳам Конституциянинг 13-моддасига биринчи қисм сифатида қуйидаги қўшимча киритиш таклиф этилади. “Инсон яратганнинг олий мавжудоти бўлиб, унинг манфаатлари устуворлигини таъминланиши, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий тараққиёт унинг манфаатларига зид бўлмаслиги шарт”.

Амалдаги дунё конституциялар тизимида Яратганни зикр этиш тажрибаси мавжуд. Масалан, 1949 йил 23 майда қабул қилинган Германия Федератив Республикаси Конституциясининг муқаддима қисмида Конституция қабул қилиш асосларидан бири сифатида Худо ва кишилар олдидаги маъсулиятни англаб етиш кўрсатилган.

Покистон Ислом Республикаси 1956 йил 2 мартдаги Конституцияси муқаддима қисмида, 1959 йил 1 июнда қабул қилинган Тунис конституцияси муқаддима қисмида, 1972 йил 10 мартда қабул қилинган Марокаш Конституцияси 7-моддасида Яратганнинг номи зикр этилиши бунга яққол мисолдир.

Конституцияда белгиланган ҳуқуқий эркинликлар қонунда белгиланган тартибда тўсқинликларсиз амалга оширилиши ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бироқ кундалик хаётда асоссиз равишда конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ эркинликларни амалга ошириш бўйича айрим бюрократлар томонидан асоссиз шартлар қўйилиши учраб туради. Масалан, “чет тилини билмасанг илмий иш

билан шуғуллана олмайсан” қабилида. Албатта, хорижий тилни билиш муҳим аҳамиятга, эга кенг миқёсдаги манбаларни ўрганиш имконини беради бироқ Конституциянинг 42-моддаси ижод эркинлиги тақдим этади, барчага илмий ижодий, бадиий ижодий фаолият билан шуғулланишга имкон беради. Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш хеч қандай шарт билан чекланмаган. Конституциянинг 41-моддасида хар ким билим олиш ҳуқуқига эга деб кўрсатилган. Лекин бугунги кунда кўпчилик олий ўқув юртини тугатганлар учун муайян ташвишли ҳолат мавжуд: хорижий тилни малакали даражада эгаллаган шахсларгина магистратурага қабул қилиниши белгилаб қўйилганлиги тўғрисида хабарлар тарқалган. Билим олиш ҳуқуқини бундай чеклаш кимга керак, ахир Сервантес айтганидек, “Баъзи кишиларни лотин тилини билишлари уларни эшшак бўлишларига хеч қандай тўсиқ бўлмайди”. Албатта бу ўринда ташбеҳ кескин ва ғайриодатий туюлиши мумкин бироқ, бюрократик тизимга шундай муносабат билдиришдан бошқа чора қолмаяпти. Тўғри, ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш тизими мавжуд, бироқ, суд орқали ҳимоя қилиш тартибини белгиловчи процессуал қонунларда ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган шахслар суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Муайян шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлиги бузилаётганлигини кўрсангиз у ўзини ҳуқуқини ҳимоя қилишни истамаса ёки бунга қодир бўлмаса бошқа ваколатли идораларга масалан, прокуратура ёки омбудсманга мурожаат қилмасдан туриб, мамлакатимиздаги хар бир ҳуқуқ субъекти ҳуқуқбузарликларни бартараф этилишини талаб қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Шу сабабли ҳам Конституциянинг 16-моддаси охирги қисмига қуйидаги қўшимча киритиш мақсадга мувофиқдир: “Конституция сохасида ҳуқуқбузарлик бўйича хар ким ҳуқуқбузарликни бартараф этиш талаби билан судга мурожат қилишга хақлидир”.

Ўзбекистон худуди Ўзбекистон Республикаси давлат юрисдикцияси таъсирида бўлган яхлит ҳуқуқий майдон хисобланади. Илгари ҳуқуқий майдон кишилар ўртасида шахсан мулоқот, юзма юз алоқа асосида амалга ошадиган реал ҳуқуқий майдон сифатида

тушунилган. Бугун интернет оламида виртуал ҳуқуқий майдон ҳам вужудга келди ва бу майдонда ҳуқуқий муносабатлар содир этилмоқда, битимлар, шартномалар тузилмоқда, тўловлар амалга оширилмоқда, ахборотлар алмашилмоқда ва хатто ҳуқуқбузарликлар содир бўлмоқда. Кўпчилик виртуал ҳуқуқий майдон макондан ташқарида деб хисоблайди, бу унчалик тўғри эмас. Чунки, виртуал майдондаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси худудидаги ахборот манбалари, ахборот базалари, компютерлар ва бошқа шу каби қурилмалар орқали амалга ошади ва рўй беради. Ўзбекистон Республикаси худудидаги ресурслар орқали ахборотларни узатиш, сақлаш, қабул қилиш орқали мамлакатимиз худудида амалга оширилаётган ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси давлати юрисдикцияси режимига бўйсунмоғи шарт. Шу сабабли ҳам Конституциянинг 3-моддаси 3-қисм сифатида қуйидаги қўшимча киритиш таклиф этилади. “Ўзбекистон Республикаси худуди доирасида амалга ошириладиган хар қандай реал ва виртуал ҳуқуқий муносабатларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари амал қилади.”

Ўзбекистон Республикаси худудидаги мавжуд ҳуқуқий майдонни тартибга солиш давлат томонидан амалга оширилади. Бироқ фуқаролик жамияти ва корпоратив муносабатлар ривожланган сайин давлат ҳуқуқий майдонни муайян соҳаларини ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи тартибга солиш соҳаси учун белгилаб қўймоқда ва бу муносабатлар соҳасида давлат хокимияти идора органлари томонидан норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга чеклов ўрнатмоқда. Йирик акциядорлик жамиятлари, консорсумлар, кластер тизимлари ўзини ички тузилмалари ўртасидаги муносабатларни ўзини ўзи бошқариш ва ўзини тартибга солиш асосида амалга оширади. Айни пайтда шуни ҳам қайд этиш лозимки, мамлакатимизда минглаб нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритади. Сиёсий партиялар, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тузилмалари, ёзувчилар уюшмаси, театр арбоблари уюшмаси, фанлар академияси каби ижодий уюшмалар, Савдо Саноат Палатаси, фермер деҳқон ва томорқа хўжаликлари кенгаши каби тадбиркорлар бирлашмалари

ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи тартибга солишга асосланади ва ўз фаолият соҳалари бўйича локал норматив ҳужжатлар қабул қилмоқдалар. Ўзини ўзи тартибга солиш ва ўзини ўзи бошқариш бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам спортнинг алоҳида турлари бўйича кўнгилли жамоат бирлашмаси бўлган спорт федерацияларида кенг қўлланилмоқда. Ушбу янги объектив реаллик Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий майдонни тартибга солишда олий юридик манба бўлган Конституцияда ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим. шу муносабат билан Конституциянинг 58-моддасига 3-қисм сифатида қўйидаги қўшимча киритиш таклиф этилади: “Жамоат бирлашмаларининг ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзини тартибга солиш соҳасидаги фаолияти соҳаси бўйича давлат хокимият ва бошқарув идоралари томонидан норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш йўл қўйилмайди.”

Мадомики, ҳуқуқий майдон тўғрисида гап борар экан шуни ҳам унутмаслик лозимки мамлакатимизад ҳуқуқий майдоннинг иштирокчилари бўлиб фуқаролар, давлат ва юридик шахслар хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эса асосий субъектлар сифатида асосан фуқаролар, давлатнинг ҳуқуқий мақоми ўз мужассамини топади. Бироқ реал воқеъликда жуда катта субъектлар гурухини юридик шахслар ташкил этади. Улар тижорат ва нотижорат ташкилотлари кўринишида мавжуд. Тўғри, Конституцияда жамоат бирлашмалари ҳуқуқий мақомини белгилаш муносабати билан уларни ҳуқуқ - мажбуриятлари муайян даражада белгилаб қўйилган. Лекин, Конституцияда мамлакатимиз иқтисодиётининг асоси бўлган тадбиркорлик субъектлари - тижорат юридик шахслари тўғрисида нормалар мавжуд эмас. Бу ўринда эътироз бўлиши мумкин, юридик шахслар фуқаролар ва давлат томонидан ташкил этилади, бинобарин, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фуқаролар ва давлат ҳуқуқ мажбуриятларининг ўзига хос хосиласидир. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, юридик шахслар ҳуқуқ-манфаатлари фуқаролар ҳуқуқ манфаатлари билан боғланган, тўқнашган вақтда ўзига хос коллизиялар, англашилмовчиликлар юзага келиши мумкин. Дунё мамлакатлари конституциявий тажрибасида бунинг ечими мавжуд.

Масалан, Эстония Республикасининг 1992 йил 28 июнда қабул қилган Конституциясининг 9-моддаси 2-қисмида юридик шахслар фуқаролар учун белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш белгилаб қўйилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига қуйидагича қўшимча киритиш таклиф этилади: “Ушбу конституцияда фуқаролар учун белгиланган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар агарда ҳуқуқий муносабат мазмунидан бошқача англашилмаса ёхуд қонунларда бошқача белгиланган бўлмаса юридик шахсларга хам таълуқлидир”.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, амалдаги Фуқаролик Кодексида юридик шахслар рўйхати очиқ. Бу шуни англатадики, мамлакатимизда ФКда бошқа қонунларда назарда тутилмаган ташкилий ҳуқуқий шаклларга эга бўлган юридик шахслар ҳам тузилиши мумкин. Бироқ, Тадбиркорлик Кодекси лойиҳасида тадбиркорлик субъектларини тузиш йўл қўйиладиган ташкилий ҳуқуқий шакллари рўйхатидан тўлиқ ширкат ва коммандит ширкат чиқариб ташланган. Холбуки, бундай ташкилий ҳуқуқий шакллар яқин қон-қариндошлар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, инвестиция битимларида қўлланиш юкига эга. Шу сабабли ҳам Тадбиркорлик Кодекси лойиҳаси амалдаги Фуқаролик Кодекси мазмунига мувофиқ бўлиши ўринли бўлур деб хисоблаймиз.

Конституцияга ўзгартириш қўшимчалар киритиш тўғрсидаги қонун лойиҳасида Фуқаролик Кодекси 991-моддаси 1-қисми айрим новеллалари бевосита Конституциянинг ўзида акс эттирилиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, фуқароларни Ижтимоий иқтисодий ҳуқуқлари тўғрисидаги 1966 йилги Халқаро Пактни шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли жиноий жавобгарлик белгиланмаслиги хақидаги нормаси ҳам киритилмоқда. Халқаро Пактда жиноий жавобгарликдан эмас балки жиноий жазонинг бир тури бўлган озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги жазони қўлламаслик хақидаги норма мавжуд. Фикримизча, лойиҳани халқаро пакт билан айнан бир хилда бўлиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шуни ҳам эсда тутиш лозимки, “Хўжалик юритувчи субъектлар

фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги” Қонуннинг 35-моддасида хўжалик шартномаларини қасддан бузганлик билан боғлиқ криминал ҳолатлар бўйича жиноий жавобгарлик шунингдек, маъмурий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган ва бу ҳолатлар Жиноят Кодекси ва Маъмурий жавобгарлик Кодекси нормаларида янада батафсилроқ ўз мужассамини топган. Бинобарин, ушбу масала ҳам атрофлича таҳлил этилиши ва оқилона ечими топилиши талаб этилади. Мана шунда Конституция ушбу масала бўйича фуқаролик қонун ҳужжатлари учун консептуал методологик қўлланма вазифасини бажара олади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг 55-моддаси 1-қисмида табиий ресурслар давлат мулкида бўлиши белгиланган. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, улар бирламчи ҳолатда давлат мулки бўлади. Улардан фойдаланиш бўйича фуқаролик муомиласи доирасида улар хусусий мулкка айланиши мумкин. Масалан, ер ҳам, ер ости бойликлари, (нефт, маъданлар) ва бошқалар. Табиий ресурслар бирламчи статик ҳолатда давлат мулки сифатида абадий қолмайди. Балки улардан фойдаланиш бўйича динамик ҳолатда бирламчи кўринишда ёки қайта ишланган ҳолатларда хусусий мулкка айланиши мумкин. Ушбу ҳолат фуқаролик муомиласи учун муҳим аҳамиятга эга ва уларни конституциявий норма сифатида шаклланишида хисобга олиш келгусида коллизиялар вужудга келишини олдини олади. Шу сабабли ҳам, 55-моддани қуйидаги таҳрирда берилиши таклиф этилади:

“Ер, ер ости бойликлари, сув, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланилиши лозим ва улар **бирламчи ҳолатида** давлат мулкида бўлади. Ер қонунда назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк ҳам бўлиши мумкин.”

55-модданинг 3-қисмида оқилона фойдаланиш таъкидланяпти хобуки бу 55-модданинг 1-қисмида ҳам мавжуд. Шу сабабли ҳам

бундай такрорлаш бартараф этилиши лозим. 55-модданинг 3-қисмини қуйидаги таҳрирда бериш таклиф этилади:

“**Табиий ресурслардан нафақат хозирги балки келгуси авлодлар манфаатини кўзлаб** фойдаланилиши лозим ва улар давлат томонидан муҳофаза қилинади”. Бу исбот талаб қилмайдиган аксиомадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Асосий Қонунимизни фуқаролик ҳуқуқи учун консептуал, доктринал аҳамиятини юқори даражада ошириши ва цивилистика фани назарий ва ҳуқуқий асосларини янада кенгайишига хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

FUQAROLIK HUQUQLARINI HIMOYA QILISH TARTIBI

A.A.Muxammadiyev - O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligini ta’minlash universiteti Fuqaroviy-huquqiy fanlar kafedrasi professori, yu.f.d., professor

Odatda normal fuqarolik muomalasi nafaqat fuqarolik-huquqiy munosabat sub’yektlarining sub’yektiv huquqlarini amalga oshirish balki, ularni ishonchli himoyasi orqali ham namoyon bo‘ladi. Fuqarolik huquqlarni amalga oshirish va himoya qilish faqatgina huquqiy choralarni qo‘llash bilan cheklanmaydi. Uning uchun zaruriy sharoitlarni yaratishga yo‘naltirilgan siyosiy, iqtisodiy, tashkiliy va boshqa xarakterdagi choralar ham mavjud.

Fuqarolik huquqlarini himoya qilish fuqarolik huquqi nazariyasining asosiy kategoriyalaridan biri hisoblanadi.

Fuqarolik huquqlarini himoya qilish qonunda belgilangan doirada ya’ni himoyaning ma’lum bir shakl, usul va vositalarini qo‘llagan holda amalga oshiriladi. Fuqarolik huquqlarining himoya qilish shakli deganda, fuqarolik huquqlar hamda qonuniy manfaatlarni himoya qilishdagi tashkiliy chora-tadbirlar majmui tushuniladi. Fuqarolik huquqlarining himoya qilishning ikki – yurisdikstiyaviy (sud orqali) va noyurisdiksiyaviy (sudsiz) shakllari mavjud.

Himoyaning yurisdikstiyaviy shakli buzilgan yoki nizoli huquqlarni himoya qilishda vakolatli davlat organlarining faoliyatida namoyon bo‘ladi. Uning mohiyati shundaki, huquq va qonuniy manfaatlari buzilgan shaxs o‘z huquqlarini tiklash uchun vakolatli davlat organiga murojaat etadi.

Asosan buzilgan fuqarolik huquqlari protsessual qonunlarda yoki shartnomada belgilab qo‘yilganidek, ishlar qaysi sudlovga taalluqli bo‘lishiga qarab, sud, iqtisodiy sud yoki hakamlik sudi tomonidan himoya qilinadi. Zero O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining X bobida ko‘rsatilishicha, “davlat fuqarolarning Konstitutsiya va qonunlarda mustahkamlangan huquqlari va erkinliklarini ta’minlaydi. Har bir shaxsga o‘z huquq va erkinliklarini sud orqali himoya qilish, davlat organlari, mansabdor shaxslar, jamoat birlashmalarining g‘ayriqonuniy xatti-harakatlari ustidan sudga shikoyat qilish huquqi kafolatlanadi”[2].

Yurisdikstiyaviy shakl o‘z navbatida buzilgan huquqlarni himoya qilishning umumiy va maxsus tartiblariga ega. Umumiy qoidalarga ko‘ra fuqarolik huquq-larini va qonuniy manfaatlarini himoya qilish sud tartibida amalga oshiriladi. Fuqarolik-huquqiy nizolarning asosiy qismi fuqarolik sudlariga to‘g‘ri keladi. Fuqarolik protsessual kodeksning 31-moddasiga muvofiq fuqarolik sudlarga taraflardan hech bo‘lmaganda bittasi fuqaro bo‘lgan nizolarga doir ishlar (qonunda bunday nizolarni hal qilish Iqtisodiy sud yoki boshqa organlarga topshirilgan hollar bundan mustasno) FPKning 279-moddasida sanab o‘tilgan alohida tartibda ko‘riladigan yuridik ahamiyatga ega bo‘lgan faktlarni aniqlash to‘g‘risidagi ishlar, fuqaroni bedarak yo‘qolgan deb topish va fuqaroni o‘lgan deb e’lon qilish to‘g‘risidagi ishlar, fuqaroni muomala layoqati cheklangan yoki muomalaga layoqatsiz deb topish to‘g‘risidagi ishlar, mol-mulkni (ashyoni) egasiz deb topish to‘g‘risidagi ishlar, taqdim etuvchiga deb berilgan hujjatlar yo‘qolgan taqdirda, ular bo‘yicha huquqlarni tiklash to‘g‘risidagi ishlar (chaqirib ish yuritish) hamda qonun bilan sudlarning vakolatiga berilgan boshqa ishlar taalluqli bo‘ladi.

Iqtisodiy sudlar tomonidan iqtisodiyot sohasida yuridik shaxslar, yakka tartibdagi tadbirkorlar fuqaroviy, ma’muriy va boshqa huquqiy

[2] O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, “O‘ZBEKISTON” NMIU,2021.,16-17 b.

munosabatlardan kelib chiqadigan nizolarga oid, tashkilotlar va yakka tadbirkorlarning huquqlari vujudga kelishi, o‘zgarishi yoki bekor bo‘lishi uchun ahamiyatga ega bo‘lgan faktlarni aniqlash, bankrotlik va boshqa ishlar ko‘riladi.

O‘zaro bog‘liq bo‘lib, ba’zilari iqtisodiy sudga, boshqalari esa umumiy yurisdikstiya sudiga taalluqli bo‘lgan bir necha talab birlashtirilgan taqdirda, hamma talablar umumiy yurisdikstiya sudida ko‘rilishi kerak.

Fuqarolik-huquqiy munosabatlaridan kelib chiquvchi nizolarni, shu jumladan tadbirkorlik sub’yektlari o‘rtasida vujudga keladigan iqtisodiy nizolarini hal etishda agar nizoni hakamlik sudiga hal qilish uchun topshirish haqidagi taraflarning kelishuvi – hakamlik bitimi mavjud bo‘lsa nodavlat organ hisoblangan hakamlik sudlari ishni ko‘rib hal qiladi.

Ma’lumki, sud himoyasining asosiy vositasi da’vo hisoblanadi. Da’vo deb huquqni yoki qonun bilan qo‘riqlanadigan manfaatning himoya qilinishi to‘g‘risida sudga yoki boshqa vakolatli tashkilotga murojaat qilishga aytiladi. Bundan tashqari, ba’zi bir holatlarda sud himoyasining vositasi ariza va shikoyatlar ham hisoblanadi.

Ta’kidlash joizki, fuqarolik huquqlari va qonuniy manfaatlarni himoya qilishning maxsus tartibi ma’muriy tartibdagi himoya hisoblanadi. Bu turdagi himoya umumiy qoidadan istisno sifatida, ya’ni qonunda bevosita ko‘rsatilgan hollardagina qo‘llaniladi. Ma’muriy tartibdagi fuqarolik huquqlari va qonuniy manfaatlarni himoya qilishning vositasi shikoyat hisoblanadi. U huquqi buzilgan shaxs tomonidan tegishli vakolatli davlat organiga beriladi. Ba’zi bir holatlarda qonunga muvofiq holda aralash ya’ni ma’muriy – sud tartibidagi himoya usullari ham qo‘llaniladi. Bunda sudga da’vo bilan chiqishdan oldin huquqi buzilgan shaxs sudga shikoyat bilan murojaat qilishdan oldin davlat boshqaruv organiga murojaat qilib chiqishi lozim bo‘ladi. Bular qatoriga patent bilan bog‘liq nizolar, boshqaruv doirasidagi huquqbuzarliklarni hal qilish kabilarni kiritish mumkin.

Fuqarolik huquqlari va qonuniy manfaatlarni himoya qilishning noyuridik shakli davlat va boshqa vakolatli organga murojaat etmasdan

huquqi buzilgan shaxsning o‘zi mustaqil, o‘z xohishi bilan harakat qilishi tushuniladi.

Biroq, bunda himoya ma’lum shartlar asosida amalga oshirilmog‘i lozim bo‘ladi. Ular FKning 13-moddasida nazarda tutilgan. Unga asosan shaxsning o‘zi tomonidan fuqarolik huquqlarini himoya qilish usullari huquqni buzish darajasi bilan baravar bo‘lishi hamda huquqni buzishga yo‘l qo‘yish uchun zarur harakatlar doirasidan chiqib ketmasligi lozim. Masalan, iste’molchi o‘ziga sotilgan nuqsonli tovarni ushlab qolib, yetkazilgan zarar va neustoyka to‘lanmaguncha qaytarib bermaslikka haqli[3].

Fuqarolik huquqlarini himoya qilish usullari deganda qonun tomonidan mustahkamlangan majburiy tusdagi moddiy-huquqiy choralar tushuniladi. Ushbu choralar yordamida buzilgan (nizolashayotgan) huquqlarni tiklash va huquqbuzarga muayyan ta’sir o‘tkazish amalga oshiriladi. Ularning umumiy ro‘yxati FKning 11-moddasida mustahkamlab qo‘yilgan. Ular quyidagilardan iborat:

1) huquqni tan olish (masalan, asarning, birov tomonidan o‘zlashtirilib nashr etilgani to‘g‘risida nizo bo‘lgani holda, shu asarga nisbatan mualliflikni tan olish);

2) huquq buzilishidan oldingi holatni tiklash va huquqni buzadigan yoki uning buzilishi xavfini tug‘diradigan harakatlarning oldini olish (masalan, mulk egasi o‘z mulkidan foydalanish huquqining har qanday ravishda buzilishini bartaraf etish va kelgusida mulkdan foydalanishda xalaqit bermaslik majburiyatini buzuvchi shaxsga yuklash);

3) bitimni haqiqiy emas deb topish va uning haqiqiy emasligi oqibatlarini qo‘llash(FKning 116-125-moddalari talablariga asosan, bitim haqiqiy emas deb topiladi. Haqiqiy bo‘lmagan bitim uning haqiqiy emasligi bilan bog‘liq bo‘lgan oqibatlardan tashqari boshqa yuridik oqibatlarga olib kelmaydi va u tuzilgan paytidan boshlab haqiqiy emasdir. Bitim haqiqiy bo‘lmaganida taraflarning har biri boshqasiga bitim bo‘yicha olgan hamma narsani qaytarib berishi, olingan narsani aslicha (shu jumladan olingan narsa mol-mulkdan foydalanish, bajarilgan ish yoki

[3] Бобоев Ж.И. Право потребителей и их защита по законодательству Республики Узбекистан.//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар,. 2003. № 3. -20-29 б.

koʻrsatilgan xizmat bilan ifodalanganda) qaytarib berish mumkin boʻlmaganida esa, agar bitim haqiqiy emasligining boshqa oqibatlari qonunda nazarda tutilgan boʻlmasa, uning qiymatini pul bilan toʻlashi shart);

4) davlat organining yoki fuqarolarning oʻzini oʻzi boshqarish organining hujjatini haqiqiy emas deb topish (Bu himoya usuli fuqarolik qonun hujjatlariga yangi kiritilgan usullardan biri boʻlib hisoblanadi. Fuqaroning huquqlari va erkinliklarini buzadigan, fuqaroning oʻz huquqlari va erkinliklarini roʻyobga chiqarishiga monelik tugʻdiradigan hamda fuqaro zimmasiga qonunga xilof ravishda qandaydir majburiyat yuklatilishiga sabab boʻlgan xatti-harakatlar vujudga keltiruvchi turli hujjatlari (qarorlari) shikoyat bilan sudga murojaat qilish huquqini vujudga keltiradi. Bunday hujjatlarni haqiqiy emas deb topish sud tartibida amalga oshiriladi.);

5) shaxsning oʻz huquqlarini oʻzi himoya qilishi (mazkur usul noyurisdikstiyaviy usul hisoblanib, oʻz huquqini himoya qilayotgan shaxsdan himoyaviy chora-tadbirlarni qonun talablariga muvofiq amalga oshirishni talab etadi. Bu holatda oxirgi zarurat va zaruriy mudofaa chegaralaridan chetga chiqmaslik, uchinchi shaxslarning huquq va manfaatlariga putur yetkazmaslik shart, ya'ni FKning 13-moddasi talablariga muvofiq, fuqarolik huquqlarini shaxsning oʻzi himoya qilish usullari huquqni buzishga mutanosib boʻlishi hamda huquq buzilishining oldini olish uchun zarur harakatlar doirasidan chiqib ketmasligi kerak);

6) burchni aslicha (natura) bajarishga majbur qilish (masalan, sotilgan ashyo sotuvchi tomonidan ixtiyoriy ravishda topshirilmaganida uning oluvchisiga majburiy tarzda olib berish);

7) zararni toʻlash (shaxs huquqi buzilganligi tufayli koʻrgan zararini toʻla qoplanishini talab qilishi qonun bilan kafolatlanadi. Zararlarni qoplash buzilgan huquq va manfaatlarni uni buzishda aybdor boʻlgan shaxs hisobiga tiklashdir. Majburiyat bajarilmagan yoki lozim darajada bajarilmagan hollarda kreditorga yetkazilgan zararni toʻlash majburiy hisoblanadi);

8) neustoyka undirish (neustoyka (jarima va penya) majburiyatlarni oʻz vaqtida, lozim darajada bajarilishini ta'minlaydigan muhim usullardan

biridir. U qonunda yoki shartnomada oldindan belgilangan taraflarga ma’lum bo‘lgan va majburiyatlar bajarilmay qolganda to‘lanishi lozim bo‘lgan huquqiy chora sifatida namoyon bo‘ladi);

9) ma’naviy ziyonni qoplash (huquqbuzarlik harakati (harakatsizlik) oqibatida jabrlanuvchining boshidan kechirgan ma’naviy va jismoniy (kamsitish, jismoniy og‘riq, zarar ko‘rish, noqulaylik va boshqa) azoblar ma’naviy ziyon hisoblanib, bu azoblarning xususiyati ziyon yetkazilgan haqiqiy holatlar va jabrlanuvchining shaxsiy xususiyatlari hisobga olingan holda sud tomonidan baholanadi hamda pul bilan qoplanadi);

10) huquqiy munosabatni bekor qilish yoki o‘zgartirish;

11) davlat organining yoki fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organining qonunga zid hujjatini sudning qo‘llamasligi;

12) qonunda nazarda tutilgan boshqacha usullar.

Shaxs o‘z buzilgan huquqi yoki qonun bilan qo‘riqlanadigan manfaatlarini himoya qilish maqsadida vakolatli organga murojaat qilganda yuqoridagi usullardan biri yoki bir nechasini qo‘llashni so‘rab murojaat etadi.

Xulosa o‘rnida aytganda, davlat tomonidan fuqarolarning Konstitutsiya va qonunlarda mustahkamlangan huquqlari va erkinliklarining ta’minlanishi, har bir shaxsga o‘z huquq va erkinliklarini sud orqali himoya qilish, davlat organlari, mansabdor shaxslar, jamoat birlashmalarining g‘ayriqonuniy xatti-harakatlari ustidan sudga shikoyat qilish huquqi kafolatlanganligi fuqarolik huquqlari va erkinliklarini himoya qilishning ishonchli himoyasi orqali namoyon bo‘ladi. Fuqarolik huquqlarni amalga oshirish va himoya qilish faqatgina huquqiy choralarni qo‘llash bilan cheklanmasdan, uning uchun zaruriy sharoitlarni yaratishga yo‘naltirilgan siyosiy, iqtisodiy, tashkiliy va boshqa xarakterdagi choralar ham mavjud bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, “O ‘ZBEKISTON” NMIU,2021.-16-17 b.

2.Бобоев Ж.И. Право потребителей и их защита по законодательству Республики Узбекистан.//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар,. 2003. № 3. -20-29 б.

ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

М.А.Усманова –
Ўзбекистон Республикаси ЖХУ профессори

Кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати амалга оширилиши туфайли аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги шакллари ҳаётимизга тобора кўпроқ кириб келмоқда. Нодавлат ижтимоий ҳимояси – халқимизнинг тарихий ва миллий анъаналарига асосланувчи ана шундай янги шакллардандир.

Жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтишидан, барча иқтисодий, демократик сиёсий ислоҳотларнинг пировард мақсадлари, энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир.

Ана шу юксак марраларга эришиш учун мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамиятини қуриш, бир сўз билан айтганда, хақиқатдан ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш учун ўзимизнинг куч-қувват ва ҳаракатларимизни аямаслигимиз керак. Энг муҳими, юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш олдимизда турган барча вазифаларни амалга оширишда энг катта пойдевор бўлишини унутмаслигимиз зарур.

Жамиятда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилиш бош вазифа сифатида илгари сурилар экан, унинг асосий мақсади - тараққий топган давлат, ўз иқтисодий-ижтимоий ҳолатлари бўйича ривожланган мамлакатлардан қолишмайдиган жамият қуриш, фуқаролар учун юксак турмуш шароитларини таъминлаш, ҳар бир инсонга ўз ақлий ва жисмоний салоҳиятини тўла юзага чиқариши имкониятлар яратишдан иборат эканлиги аниқ ва равшан белгилаб қўйилган. Фуқаролик жамияти ташкил этилар экан, ўз навбатида давлат функциялари босқичма-босқич нодавлат тузилмаларига

ўтказилиб борилади, бу эса тараққиётнинг узвий бўлаги ва зарурий босқичи сифатида қабул қилинади.

Ушбу юксак вазифаларни бажара бориб буюк келажагимизнинг муҳташам биносини барпо этар эканмиз бу пойдевори мустаҳкам бинонинг ичида адолат ва хақиқат, меҳр-мурувват, инсонийлик тамойиллари тўла барқарор бўлишини чуқур англашимиз, ҳис қилишимиз мароқлидир. Ижтимоий сиёсатимизнинг устувор йўналиши сифатида кучли ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари амалга оширилар экан, бу иш тобора кенг миқёсга эга бўлиб, нафақат давлатнинг, балки бутун жамиятнинг, ҳар бир олий ҳиммат инсоннинг ишига айланиб бормоқда. Ижтимоий ҳимояни амалга оширишга нодавлат тадбиркорлик субъектлари, нотижорат ташкилотлари, хорижий, гуманитар ва ҳомийлик ташкилотлари, хорижий фуқаролар, савобталаб фуқароларимизни кенг жалб этиш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланиб бормоқда.

Пенсия ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра келажакда фуқароларни ижтимоий таъминлаш бўйича асосий ижтимоий ҳуқуқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни[4] ҳам моҳият жиҳатидан маблағларни жамғариб бориш асосида ижтимоий хатар юз берган тақдирда фуқароларни давлат пенсия таъминоти тизимларидан бериладиган ижтимоий таъминотга қўшимча равишда моддий таъминлаш мақсадини кўзлайди.

Айни пайтда республикамизда қабул қилинган ҳамда жорий этилган қонуннинг ўзига хос айрим жиҳатлари диққатга сазовор ва бу жиҳатларни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирувчи ҳамда жамғариб бориладиган пенсия таъминотини ўзларида жорий қилган мамлакатлардаги бундай пенсия таъминоти тизимларида кузатилмайди.

Ана шундай ўзига хос жиҳатлар сифатида Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия

[4] https://lex.uz/docs/4635016

таъминоти тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилган қуйидаги хусусиятларда кўрсатишимиз мумкин:

- бадаллар тўлашнинг мажбурий-ихтиёрийлиги, мажбурийлиги иш берувчилар томонидан ходимлар учун мажбурий равишда бадаллар тўлаб борилиши шартлиги ва муайян ҳолларда эса айрим шахслар томонидан тўловларни амалга ошириб борилиши (масалан, якка тартибдаги тадбиркорлар, оилавий тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, ўзини – ўзи банд қилган шахслар ва бошқалар) ихтиёрий эканлиги;

- ўтказилган маблағлар жамғариб бориладиган пенсия тизимида махсус жамғариб бориладиган пенсия фондига эмас, балки халқ банки муассасаларида жамғариб борилиши ва тўловлар ҳам ушбу банк орқали амалга оширилиши;

-жамғариб бориладиган пенсия фондининг маблағлари тақсимот қилинган ҳолда мутлақо индивидуаллашганлиги яъни ҳар бир тўловчи субъект учун алоҳида махсус ҳисоб-китоб рақами очилганлиги;

- пенсия фондининг маблағларини иқтисодий тармоқларига инвестиция қилиниши ва у ҳисобдан фонд маблағларини узлуксиз кўпайиб боришига унча катта эътибор берилмаганлиги;

- пенсия таъминоти учун бадаллар ҳар бир ходим томонидан ўз ойлик маошидан тўлансада, аммо бу тўлов унинг даромадларига (даромаднинг камайишига) салбий таъсир қилмаслиги;

- жамғариб бориладиган пенсия тизими учун тўланадиган бадалнинг ходимдан ушлаб қолинадиган даромад солиғи ҳисобидан (солиқни камайтирилиши ҳисобига) амалга оширилиши;

- пенсия таъминоти учун ходимлардан ундириладиган бадал миқдорининг жуда ҳам кам эканлиги ва давлат пенсиясига қўшимча равишда жамғариладиган пенсия тўловлари миқдорининг ҳам жуда кам, аҳамияти унча ката бўлмаган холда бўлиши;

- жамғариб бориладиган пенсия таъминоти учун тўпланган маблағларни ҳисоб варақ эгалари томонидан тасарруф қилиш асослари кенг эканлиги ва маблағларни тўланишининг содда эканлиги.

Моҳият жиҳатдан жамғариб бориладиган пенсия таъминоти Халқ банки билан ушбу жамғариб бориладиган пенсия тизими фондига бадал тўловчи жисмоний ҳамда юридик шахслар ўртасидаги оммавий шартномадан иборат. Шунинг учун жамғариб бориладиган пенсия таъминоти оммавий шартнома сифатида баҳоланиши мумкин, аммо бу аслида фуқаролик ҳуқуқий муносабатдир.

Унинг оммавийлиги шундаки, давлат қонун чиқариш йўли билан ушбу жамғармани жорий этган. Ходимлар эса мазкур фонд билан муносабатга киришишнинг (бадаллар тўлаш тарзида) мажбурийлигини белгилаб қўйган.

Жамғарма билан унга бадал тўловчилар ўртасидаги муносабати фуқаролик ҳуқуқий муносабатдан иборат бўлиб, бадал тўловчи жисмоний ва юридик шахслар Халқ банки муассасалари билан ўзаро битим-шартнома тузадилар. Бу шартнома моҳият жиҳатдан шарти кечиктирилган битимдан иборат бўлиб, ҳисоб рақами эгалари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг мунтазам равишда тўлаб борган бадаллари эвазига қонунда назарда тутилган ва келгусида юз бериши белгиланган шарт (ижтимоий хатар саналувчи воқеа-ҳодиса: кексалик, ногиронлик, боқувчисидан ажралиш) содир бўлганида уларни қўшимча моддий таъминлашга қаратилгандир.

Фикримизча «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги амалда бўлган қонунда ушбу пенсия таъминоти туринг фуқаролик ҳуқуқий жиҳатлари акс эттирилмасдан қолиб кетган ва унинг оммавий ҳуқуқий муносабати эканлигига урғу берилган. Шу туфайли тарафлар яъни бадал тўловчилар ва халқ банки муассасаларининг ўзаро ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, жавобгарликлари тарифи бир томонлама хусусиятга – давлат ҳуқуқий хусусиятига эга. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ижтимоий ҳимоялаш воситаларидан бири сифатида жаҳон амалиётида кенг қўлланиб келинади ва айтиш мумкинки кўпчилик ҳолларда ўзининг ижобий самарасини бериб келган. Ҳатто мамлакатимиз билан нисбатан бир хил иқтисодий ҳамда ҳуқуқий маконга эга бўлган бир қатор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзоси бўлган мамлакатларда ҳам жамғариб

бориладиган пенсия таъминоти йўлга қўйилганлиги қайд этилмоғи лозим.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти шаклан ва усулига кўра, бошқарилиши жиҳатидан ёки бошқа хусусиятларига кўра турли мамлакатлар миллий қонунчилик тизимларида турлича кўринишга эга бўлсада, асл моҳияти жиҳатидан фуқаролар ёш, иқтисодий жиҳатдан фаол ва меҳнатга яроқли пайтларида ишлаб топган даромадларининг бир қисмини эртанги кун учун, ижтимоий хатар юз бергани тақдирда (қарилик, ногиронлик ва хоказо) ёрдам сифатида ажратилиши ҳамда жамғариб борилишидан иборатдир.

Фуқаролар топган даромадларининг бир қисмини жамғариш ва сарфлаш ишлари турлича ташкил этилиши мумкин. Бу вазифани турли давлатларда турлича ҳуқуқий мақомга эга бўлган давлат ёки жамоат органлари амалга оширади. Мисол учун қўшни Қозоғистон Республикасининг 1997 йил 20 июндаги 136-1 сонли «Қозоғистон Республикасида пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида «Ихтиёрий пенсия бадаллари омонатчилар томонидан давлат жамғариб бориладиган пенсия фондига қонунда белгиланган тартиб ва миқдорда тўлаб бориладиган тўловлардан иборат. Бундан ташқари, давлатнинг жамғариб бориладиган пенсия фонди ҳам мавжудлиги ва у мажбурий пенсия бадалларини тўплаш ва тегишли ҳолларда олувчиларга Ушбу жамғарма ҳисобидан маблағ тўлашни амалга оширувчи юридик шахс эканлиги белгиланган.

Россия Федерациясининг 1998 йил 22 апрелдаги «Нодавлат пенсия фонди тўғрисида»ги Қонунида ҳам юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий тарзда тўланадиган бадаллари ҳисобидан давлат пенсияларига қўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти амалга оширилиши кўрсатилган.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда биз «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуни фуқаролик қонунчилиги нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилиши ва унга қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз;

- Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ҳам жамғариб бориладиган пенсия таъминотига оид шартномаларни тавсифловчи, унинг тарафлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарликларини белгиловчи норма киритилиши лозим. Чунки жамғариб бориладиган пенсия таъминотига оид муносабатларда ижтимоий таъминот ҳуқуқи соҳасига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ соҳасига оид услуб ва шакллар кенгроқ қўлланилгандир;

- Жамғарилиб бориладиган пенсия тизими монопол бўлганлиги сабабли, ушбу пенсия тизими кўламини кенгайтириш орқали рақобатни кучайтириш, яъни бошқа молиявий институтларда, тижорат банкларида ҳам жамғарилиб бориладиган пенсия жамғармаларини ташкил этиш;

- тўланадиган бадаллар миқдори йилдан-йилга ўзгартирилиб, камайтирилиб борилмоқда, натижада фуқароларнинг интилишлари сусайиб бормоқда, фуқаролар учун республикада шундай жамғарма борлиги аҳамиятсиз, шунинг учун бадаллар миқдорларини ошириш мақсадга мувофиқ.

Хуллас, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий принципларини, яъни жамиятимизда халқ иродасининг тўла намоён бўлиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш масалалари бугун ҳаётимизда қай даражада ўз аксини топмоқда ва шу талабларга тўлиқ жавоб бериш учун биз яна нималарга эътибор қаратишимиз лозим деган саволларни олдимизга қўйишимиз табиийдир.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ МЕЖДУНАРОДНОГО ЧАСТНОГО ПРАВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Б.Б.Самарходжаев - ю.ф.д., проф.
заведующий кафедрой административного права
Высшей школы судей
Мансуров Артем Фуркатович
докторант Высшей школы судей

1. В 2019 г. в Республике Узбекистан была принята Концепция совершенствования гражданского законодательства, в соответствии с которой начат процесс модернизации действующего Гражданского кодекса. В рамках этого процесса проводится и реформа международного частного права (МЧП). Разработан проект раздела VI Гражданского кодекса Республики Узбекистан «Применение норм международного частного права (коллизионных норм) к частноправовым отношениям», предусматривающий пересмотр правил выбора права, применимого к частным отношениям, связанным с иностранным правопорядком.

Какие предлагаютя изменения? Это:

1) установление приоритета унифицированного материально-правого (прямого) метода регулирования отношений сферы международного частного права;

2) формулировка самостоятельной нормы «основные начала международного частного права»;

3) позиционирование автономии воли сторон как самостоятельного принципа международного частного права;

4) расширение возможности экстерриториального применения иностранного права в Узбекистане или на его отдельных территориях;

5) коррекция оговорки о публичном порядке;

6) разработка модели субсидиарной отсылки для применения права страны с множественностью правовых систем.

Все предлагаемые в Проекте изменения кардинальным образом меняют действующее регулирование. Если эти изменения будут

приняты, Узбекистан получит юридически квалифицированное, доктринально обоснованное и актуальное законодательство по МЧП.

Одновременно есть целый ряд вопросов, на которые следует обратить внимание.

В частности, представляется необходимым:

1) уточнить понятие «иностранный элемент»;

2) разработать и легально закрепить глоссарий основных понятий и терминов;

3) актуализировать регулирование таких институтов, как «правовая квалификация», «установление содержания иностранного права», «обратная отсылка»;

4) разработать самостоятельное нормативное регулирование проблем адаптации, мобильного конфликта, предварительных и побочных коллизионных вопросов.

В целом предлагаемая специалистами модель коллизионного регулирования учитывает основные тенденции развития международного частного права и содержит достаточно гибкие, но при этом вполне определенные и предсказуемые правила выбора применимого права, соответствующие законным ожиданиям сторон[5].

Далее. Какова общая характеристика международного частного права Узбекистана?

На сегодняшний день Узбекистан придерживается модели межотраслевой кодификации норм МЧП.

Вместе с тем во многих странах реализованы модели общей кодификации правового регулирования частноправовых отношений (законы, кодексы МЧП), т.е. в Узбекистане приняты нормативно-правовые акты, регулирующие соответствующие отраслевые отношения с иностранным элементом: Гражданский кодекс, Семейный кодекс, Гражданский процессуальный кодекс, Экономический процессуальный кодекс, Закон «О нотариате», которые содержат коллизионные нормы, составляющие основу МЧП Узбекистана, а также отдельные законы, в которых имеются внутренние материально-правовые нормы международного частного

[5] https://publications.hse.ru/articles/700299256

права, в числе которых Трудовой, Жилищный, Земельный кодексы, Законы о разделе продукции, о международном коммерческом арбитраже, об инвестициях и инвестиционной деятельности, о специальных экономических зонах, о правовом положении иностранных граждан и лиц без гражданства в Республике Узбекистан.

Итак, можно констатировать, что по понятным причинам законодательство Узбекистана по международному частному праву / международному гражданскому процессу развивалось так же, как и законодательство республик СНГ, и до обретения Узбекистаном независимости было кодифицировано на межотраслевом уровне.

Этот уровень сохранился и в законодательстве независимого Узбекистана.

Да, мы рабочая группа, работали над модернизаций раздела VI ГК РУз согласно Концепции совершенствования гражданского законодательства 2019 года. Мы это, конечно же, сделали. Нами даны соответствующие предложения[6].

Но вместе с тем мы - авторы настоящей статьи, Рустамбеков И., Рахманкулова Н., Имамова Д., Мусаев Б. являемся сторонниками иного подхода.

В настоящее время становится актуальным принятие Кодекса МЧП РУз. Чем это обусловлено?

Прежде всего отметим, что этот вопрос был детально раскрыт в докторской диссертации Рахманкуловой Нилуфар Ходжи-Акбаровны.

Далее. Мы сошлёмся на мнение Ирины Викторовны Гетьман-Павловой, которая высказала следующее: «в настоящий момент у экспертного сообщества и законодателя Республики Узбекистан есть прекрасный шанс создать образцовую модель кодификации МЧП, лучшую на азиатском континенте и опережающую европейские образцы. Этим шансом необходимо воспользоваться»[7].

[6] Проект новой редакции Гражданского кодекса Республики Узбекистан (на узбекском языке) Available at: URL: https://regulation.gov.uz/uz/d/29059 (дата обращения: 18.02.2022)
[7] https://publications.hse.ru/articles/700299256

А вот какой формы будет она – решать нам самим. Ниже мы раскроем эти формы и сошлёмя на неопубликованный источник. Анализируя законодательство по МЧП, принятое за последние 30 лет в разных странах и регионах мира, можно утверждать, что основными формами (способами) современных кодификаций МЧП являются следующие.

Внутриотраслевая форма — в рамках общей кодификации гражданского права в соответствующий законодательный акт включается особый раздел, детализированный и обширный, максимально полно регламентирующий большую часть институтов общей и особенной частей МЧП. Нормы международного гражданского процесса, по общему правилу, закрепляются в актах кодификации гражданского процессуального права.

Межотраслевая форма — в акт общей кодификации гражданского права включается особый раздел, содержащий основные нормы и институты общей и особенной частей МЧП. Одновременно отдельные институты особенной части МЧП включаются как самостоятельные разделы в акты отраслевых кодификаций (семейный и трудовой кодексы, отдельные законы). Нормы МГП закрепляются в актах кодификации гражданского процессуального права. Это наша, узбекистанская модель.

Автономная отраслевая форма — издание специального закона, более или менее исчерпывающим образом кодифицирующего МЧП, которое в данном случае позиционируется как самостоятельная отрасль национального права. Нормы МГП закрепляются в актах кодификации гражданского процессуального права.

Комплексная автономная форма (полномасштабная кодификация МЧП/МГП) - издание отдельного закона или кодекса, содержащего одновременно как основные принципы и коллизионные нормы МЧП, так и положения о международной гражданской юрисдикции, о процессуальном статусе лиц, правовой помощи, признании и исполнении иностранных решений. Подобный способ кодификации показывает, что законодатель готов воспринимать МЧП как

самостоятельную подсистему национального права, в состав которой включается и МГП.

Принятие комплексного автономного кодекса по МЧП представляется оптимальным способом кодификации МЧП, в наибольшей степени соответствующим современным правовым реалиям.

Принятие Кодекса МЧП предполагает решение вопросов, являющихся составной частью материального права, объединяющего разные отрасли частного права (гражданского, семейного и трудового и др.). Учитывая неравномерную степень урегулированности отношений международного частного права в указанных отраслях, предполагается, что принятие Кодекса международного частного права РУз позволит устранить имеющиеся пробелы, повысит практическую значимость правоприменения при сохранении единой концепции международного частного права.

Лет 10 назад мы бы ещё подумали бы о целесообразности принятия Кодекса МЧП в Республике Узбекистан. Даже защита диссертации и предложения о необходимости принятия Кодекса МЧП со стороны Н.Рахманкуловой (ноябрь 2016 года) было смелым подходом. Но мы считаем, что пришло время цельного и комплексного правового регулирования отношений, осложнённых иностранным элементом, имеющим частноправовой характер.

Итак, принятие комплексного автономного кодекса по МЧП представляется оптимальным способом кодификации МЧП в наибольшей степени соответствующим современным правовым реалиям. Почему же мы должны идти другим путем?

Что касается образования и науки МЧП в республике? Прежде всего следует отметить, что отсчет целостного преподавания МЧП в нашей стране начался в 1995 году, то есть значительно позже обретения независимости. До этого преподавание МЧП велось в рамках международного публичного права и в объеме где-то 6 часов. Я помню этот курс нам преподавал д.ю.н., проф., ныне покойный Алимов Кадыр Захидович.

Пионером преподавания МЧП был университет мировой экономики и дипломатии – д.ю.н., проф. Рашидов Камил Каюмович вместе с к.ю.н., доц. Убайдуллаевым Зиедулла Сагдуллаевичем начали этот процесс.

Годом позже мы с Хван Леонид Борисовичем разработали учебную программу по МЧП в Ташкентском государственном юридическом институте и тоже начали его преподавание. Помню были личности, которые в этом процессе утверждали, что мы занимаемся «несерьёзным делом» и были люди, которые яростно утверждали, что МЧП это институт МП и т.д.

Затем этот курс преподавался в Академии государственного и общественного строительства при Президенте РУз на факультете Межгосударственных отношений и внешнеэкономических связей (1997г.), юридических факультетах университетов страны. Также отдельно следует отметить, что в ТашГЮИ с 1998 года начала свою работу отдельная кафедра МЧП, которую возглавил наш учитель – академик Академии наук РУз Х.-А.Р. Рахманкулов.

Так как МЧП называют «высшей математикой юриспруденции» данный курс читается на последних курсах юридических вузов, после изучения основных отраслевых дисциплин. Считаем перспективным и необходимым преподавание курса МЧП и в Университете общественной безопасности.

Конечно же ведутся научные изыскания в области МЧП.

Регулярно защищались и защищаются диссертации на уровне к.ю.н., д.ю.н., Phd и DSc, публикуются монографии и научные статьи. Наши ученые вхожи в мировое научное сообщество данного направления. Самарходжаев Б.Б. неоднократно участвовал в качестве члена диссертационного совета и оппонента в странах СНГ на защитах диссертаций по тематике международного частного права.

Также организовывались встречи в учебных заведения страны. Например, с корифеем и легендой МЧП Богуславским Марк Моисеевичем, Сулейменовым Майдан Кунтуаровичем, Менглиевым Шомурад Менглиевичем, недавно состоялась встреча с И.В.Гетьман-Павловой и другими.

2. Споры, которые разрешаются в рамках международного коммерческого арбитража, имеют трансграничный характер, при этом, возникает необходимость в их соответствующем единообразном регулировании национальным законодательством. На практике представляется очень сложным достижение единообразия в регулировании отдельных аспектов международного коммерческого арбитража. Здесь, на наш взгляд, необходимо уделить особое внимание институту обеспечительных мер. Особенность обеспечительных мер в рамках коммерческого арбитража заключается в вовлечении государственного национального суда в арбитражное разбирательство в целях содействия сторонам арбитража в принятии мер по обеспечению их интересов относительно предмета спора, нарушенных противной стороной, до начала или во время рассмотрения дела коммерческим арбитражем. Вместе с тем, объем такого содействия и взаимоотношений между государственным и коммерческим арбитражем по вопросу обеспечительных мер зависят от арбитражного/экономического и гражданского процессуального законодательства того или иного государства. Международные акты [2] почти не раскрывают сущность института обеспечительных мер. Так, Нью-Йоркская конвенция 1958 года не содержит норм о мерах обеспечения, в Европейской конвенции 1961 года говорится лишь о том, что испрашивание одной из сторон временных мер или мер предварительного обеспечения в государственном суде не должно рассматриваться ни как несовместимое с арбитражным соглашением, ни как передача дела в государственный суд для разрешения его по существу (ст. 8). В силу отсутствия детально регулирующих международно-правовых норм, каждое государство по-своему регулирует порядок применения обеспечительных мер в международном коммерческом арбитраже. Как в юрисдикциях стран, так и за рубежом существуют разные подходы в вопросе о компетенции государственного и арбитражного судов на разных стадиях разбирательства при назначении обеспечительных мер. Типовой закон ЮНСИТРАЛ, являющийся базисом арбитражного

законодательства большинства государств, в том числе и Республики Узбекистан, содержит в себе 2 статьи, посвященные обеспечительным мерам. Так, статья 17 предусматривает следующее положение: «если иное не установлено соглашением сторон, арбитражный суд по ходатайству любой стороны вправе назначить обеспечительные меры относительно предмета спора противной стороне, которые сам суд сочтет необходимыми». В статье же 9 говорится: «обращение стороны в суд до или во время арбитражного разбирательства с просьбой о принятии обеспечительных мер не является несовместимым с арбитражным соглашением». В целях развития и унификации обеспечительных мер в области арбитражного процесса Комиссия ООН по праву международной торговли (ЮНСИТРАЛ) [3] подготовила типовые положения об обеспечительных мерах. Такие положения вошли в отдельную главу Типового закона ЮНСИТРАЛ 1985 года. В нём дается определение и классификация обеспечительных мер, перечислены условия их применения, а также установлены полномочия и компетенция государственных судов назначать обеспечительные меры в процессе арбитражного разбирательства. Следует особо отметить о значении норм об обеспечительных мерах с механизмом ex-parte, предусматривающей обеспечение без уведомления и дачи пояснений стороной, против которой направлена мера. Важным новшеством в Типовом законе ЮНСИТРАЛ 1985 года является разработанный правовой режим признания и приведения в исполнение обеспечительных мер. В силу нового правового механизма, установленного в нем, суд в который поступило ходатайство о применении обеспечительных мер, не имеет дискреционных полномочий и вправе отказать в исполнении только по процессуальным основаниям. Правовой режим принятия и отказа в принятии обеспечительных мер в соответствии с ним аналогичен режиму в отношении признания и приведения в исполнение иностранных арбитражных решений по существу, закрепленному в Нью-Йоркской конвенции 1958 года. Закон Республики Узбекистан «О международном коммерческом арбитраже» № ЗРУ-674 от 16

февраля 2021 года [4] предусматривает компетенцию по вынесению обеспечительных мер как арбитров, так и государственных судов. Однако в нем нет специальных норм, регулирующих порядок принятия обеспечительных мер, содействующих арбитражному процессу [5]. В ряде стран в процессуальных кодексах закреплена отдельная глава, посвященная обеспечительным мерам, где, кроме всего прочего, закреплены и обеспечительные меры, вынесенные иностранными судами. Международный арбитраж не входит в национальную судебную систему и не обладает властными механизмами принуждения. Таким образом, определению арбитража не хватает принудительной силы, такой судебный акт может быть исполнен стороной спора только в добровольном порядке. Ответчик, желающий предстать перед арбитрами как добросовестный гражданин, которому нанесены убытки контрагентом, скорее всего, будет следовать предписаниям тех, от кого зависит решение по существу дела. Арбитражный суд может сделать неблагоприятные выводы из отказа от соблюдения обеспечительных мер, например, в случае принятия постановления о сохранении определенных доказательств. Арбитражный суд может приступить к вынесению окончательного решения на основе имеющихся у него материалов и возложить на сторону ответственность за возмещение издержек или ущерба, возникших в результате неисполнения ею данной меры, в окончательном арбитражном решении [6]. До принятия Закона Республики Узбекистан «О международном коммерческом арбитраже» в законодательстве отсутствовали нормы, регулирующие процедуры приведения в исполнение определений международного коммерческого арбитража. В свою очередь, порядок принудительного обращения к исполнению таких судебных актов/определений выводился из принципа взаимодействия международного арбитража и системы экономического правосудия. Далее. Статьей 14 Закона Республики Узбекистан «О международном коммерческом арбитраже» предусмотрена норма, имеющая характерный признак для государств, имплементировавших Типовой закон ЮНСИТРАЛ – «обращение стороны в суд до или во время арбитражного

разбирательства с заявлением о принятии обеспечительных мер и вынесение судом определения о принятии таких мер не являются несовместимыми с арбитражным соглашением». Данное правило гласит о том, что независимо от того находится ли место арбитража в Узбекистане или за его пределами, стороны могут обратиться в государственный суд для реализации назначенных мер. Для сравнительного анализа обратимся к законодательству Российской Федерации, в котором закреплен порядок обращения в компетентный суд с заявлением о принятии обеспечительных мер, определена альтернативная подсудность для рассмотрения соответствующих заявлений: по месту нахождения третейского суда, либо по месту нахождения или месту жительства должника, либо месту нахождения имущества должника. Согласно Закона Республики Узбекистан «О международном коммерческом арбитраже» полномочия по принятию обеспечительных мер возложены на государственные суды. Так, в данном направлении произошли следующие изменения. Законом Республики Узбекистан от 16 мая 2022 года [7] в Экономический процессуальный кодекс Республики Узбекистан введена ст. 28[1] «Дела, связанные с арбитражным разбирательством», где в частности закреплено, что к делам, связанным с арбитражным разбирательством, предусмотренным Законом Республики Узбекистан «О международном коммерческом арбитраже», относятся дела по заявлениям о признании и приведении в исполнение обеспечительных мер и о принятии обеспечительных мер. Также Законом статья 37 Экономического процессуального кодекса Республики Узбекистан дополнена частью шестой, в которой предусмотрено, что заявление о признании и приведении в исполнение обеспечительных мер, принятии обеспечительных мер по иску, рассматриваемому в арбитражном суде, подается в экономический суд по месту арбитража или государственной регистрации должника либо, если место государственной регистрации должника неизвестно, по месту нахождения его имущества. Представляется, что законодательное регулирование института обеспечительных мер в Республике Узбекистан находится

на стадии развития и приведения в соответствие с международными стандартами. Это касается как компетенции арбитров и суда выносить решение об обеспечительных мерах в арбитражном процессе, так и признания и приведения в исполнение аналогичных иностранных постановлений (определений и промежуточных арбитражных решений). Чтобы обеспечить развитие и эффективность международного коммерческого арбитража в современных условиях международных экономических и торговых отношений, необходимо создать четкие взаимоотношения между государственными судами в части принудительного исполнения и международным арбитражем, предписывающим обеспечительные меры. Для этого необходимо закрепить в национальном законодательстве порядок принятия обеспечительных мер, вынесенных иностранными судами. Это позволит обеспечить реальное исполнение решения арбитража по спору на территории любого государства.

АРАЛАШ ВА ЯНГИ (НОМЛАНМАГАН) ШАРТНОМАЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Р.Дж.Рўзиев - Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети “Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар” кафедраси профессори, ю.ф.д.
Н.Р.Рустамова - Ўзбекистон Миллий университети мустақил тадқиқотчиси

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги матнларда ЎР ФК) 354-моддасида тарафлар турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган шартнома (аралаш шартнома) тузишлари мумкинлиги, аралаш шартнома бўйича тарафларнинг муносабатларига, агар тарафларнинг келишувидан ёки аралаш шартноманинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, элементлари аралаш шартномада бўлган шартномалар тўғрисидаги қоидалар қўлланилиши белгиланган. Бунда, муҳими, аралаш

шартномага нисбатан бир-бирига зид келмайдиган шартномалар қоидалари қўлланилиши, таркибий қисмларининг тизимли аломатлари бир-бирини инкор этмаслиги лозим. Аммо, “тизимли аломатлар билан боғлиқ ҳуқуқий механизм таркибий қисмлари унга кирмайди (шартномани тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш шакли ва тартиби, муҳим шартлар доираси ва ҳок.), деб ҳисоблайди Ю.В.Романец [1]. Масалан, транспорт воситаларини ижараси ва лизинг ҳар иккиси ижара шартномасининг мустақил турлари ҳисобланади. Улар иккиламчи тизимли аломатлар бўйича фарқланади: транспорт воситаларининг ижара шартномаси предмети ўзига хос хусусиятлари бўйича, лизинг эса – ижарага берувчининг ижарага олувчи томонидан ижара предметини харид қилишда иштирок этиши аломати бўйича ажратилган. Кўрсатилган иккиламчи омиллар бир – бирига зид эмас. Шунинг учун улар билан боғлиқ меъёрлар ўзаро мос келади. Бинодан бепул фойдаланиш шартномасини тузишда эса савол туғилади. Яъни, ижара шартномаси ва қарз бериш шартномаси институтининг қайси меъёрлари бир-бирига мос келади, қайсилари эса мос келмайди. Бунинг учун ҳуқуқий муносабатларнинг пулли ёки бепуллигидан қатъий назар, бино ижараси бўйича қандай меъёрлар предметга оид ўзига хос хусусиятларни акс эттиришини аниқлаш зарур (улар бинони қарзга олишга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин), қайси бирлари эса пулли омилга боғланган (булар бинони қарзга олишга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас). Ушбу нисбатни таҳлил қилар эканмиз, аввалambор, ер участкасида жойлашган бино ёки иншоот ижарага берилганда ер участкасига бўлган хуқуқни тартибга солувчи бинони топшириш шакллари тўғрисидаги меъёрларнинг айрим қоидаларини бинони қарзга олишга нисбатан қўллаш мумкинми деган савол туғилади. Кўчмас мулкни сотиш ёки рента шартномаларининг мос келиши, шартномада кўчмас мулкнинг баҳосини кўрсатиш зарурми, деган саволларни келтириб чиқариши табиий. Чунки рента шартномасидан фарқли равишда, кўчмас мулкни олди-сотди шартномаси учун баҳо муҳим шарт ҳисобланади. Кўринишича,

шартномаларнинг турли тизимли аломатлари (субъектларга, предметга, пул эвазига, бепул) мутаносиб келиши ҳам мумкин.

Ўз даврида, О.С.Иоффе “аралаш шартномани юридик меъёрлаш унда бирлашган шартнома типларининг ҳар бирига тааллуқли қоидалар билан таъминланади”, [2] деган бўлса, О.Н.Садиков “аралаш шартнома махсус тартибга солишни қўлга киритмай, мажбурият ҳуқуқининг умумий қоидаларига, улар етарли бўлмаганда эса – энг яқин шартнома қоидаларига бўйсунади (қонун аналогияси тартибида)” [3], деган фикрни илгари суриб, “аввал мажбурият ҳуқуқининг умумий қоидалари, ундан кейин – яқин шартнома қўлланилиши” ҳақидаги тартибни ёқлаб чиқади. М.И Брагинский ушбу нуқтаи назарни танқид қила туриб қайд этади: “агар шартнома маълум бир тур шартномалари тўпламидан таркиб топган бўлса, бундай ҳолатда “яқин шартнома” қонунини қўллашнинг имконияти бўлмайди, чунки бундай “яқин шартномалар” бир нечта бўлиши мумкин [4]. Бу фикрни В.А.Ойгензихт ҳам қўллаган [5].

Қачонки, қонунда бир турдаги шартнома учун қандайдир қоида ўрнатилган, бошқаси учун эса ўрнатилмаган бўлса, унда аниқ бир масалани ҳал этиш учун қонунчиликка мурожаат этганда ушбу қоидани қўллаш лозим. Мисол учун, бино ижараси шартномаси учун ер участкаси ҳуқуқи тўғрисидаги қоида назарда тутилган. Бепул фойдаланиш тўғрисидаги шартнома учун эса бундай қоида мавжуд эмас. Кўрсатилган масала бўйича ушбу институт ўртасида қарама-қаршилик мавжуд бўлмаганлиги сабабли бинодан бепул фойдаланишга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Агар аралаш шартномада таркибий қисмлар бир-бирини истисно этадиган қоидаларга бўйсунган бўлса, ягона ечим сифатида энг муҳимроғини, устуворини танлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Одатда, аралаш шартномада битта таркибий қисм асосий мақсадни, бошқалари эса – қўшимча мақсадни акс эттиради. Масалан, сақловчига пул эвазига сақланаётган ашёдан фойдаланишга ҳуқуқ берадиган сақлаш мажбурияти бўйича сақлаш ва ижара таркибий қисмлари бирикиб келган. Ушбу аралаш шартноманинг асосий йўналиши бўлиб мулкни сақлашни таъминлаш бўйича хизмат

кўрсатиш ҳисобланади. Чунки тарафлар айнан шу мақсадда ҳуқуқий муносабатга киришишади. Сақлаш предметидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш эса фақатгина унга қўшилади. Шунинг учун ижара қоидалари ушбу аралаш шартномага фақатгина сақлаш тўғрисидаги меъёрларга зид келмайдиган қисми бўйича қўшилиши мумкин [6].

Шартноманинг барча мақсадлари учун уларнинг муҳимлиги даражаси бўйича тенг тобе бўлиш имконияти мавжуд бўлмаганда, уларнинг таркибий қисмлари бир-бирига зид бўлганда мажбурият пайдо бўлиши мумкин. Жумладан, транспорт воситаси прокати шартномасида иқтисодий тенгсизлик аломатлари бирлашади (прокат) ва ўзига хос предмет (транспорт воситаси). Прокат шартномаси бўйича жорий ва капитал таъмирлашни ўтказиш мажбурияти ижарага берувчи зиммасига, транспорт воситасини экипажсиз ижара шартномаси бўйича эса – ижарачи зиммасига юкланади. Транспорт воситаси ижараси шартномаси бўйича ижарачи транспорт воситасини бошқа шахсга ижарага бериш ҳуқуқига эга прокат шартномаси бўйича ижарачига бундай ҳуқуқ берилмаган. Фикримизча, бунга ўхшаш масалалар қонунчилик даражасида ёхуд юқори инстанция суди томонидан изоҳлаш йўли билан ҳал қилиниши мумкин. Аммо, турли шартномалар аралашиб кетиши натижасида чексиз комбинациялар пайдо бўлишини ҳисобга олсак, бундай битимларни тартибга солиш муаммосини қонунчилик даражасида ёки юқори турувчи суд томонидан изоҳлаш билан ҳал қилишнинг умуман имконияти йўқ. Шу сабабли ўхшаш масалаларни ҳал қилиш учун сифати анча юқори бўлган назарияни ишлаб чиқишга зарурат бор, деб ҳисоблаймиз.

ЎР ФК 354-моддаси 3-бандида аралаш шартномалар билан бир қаторда қонунчилигимиз учун нотипик бўлган янги, номланмаган шартномаларни ҳам тузиш мумкинлиги фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектлари учун қонун ва бошқа ҳужжатларда кўзда тутилган ҳамда кўзда тутилмаган шартномани тузиш имкониятининг мавжудлиги билан ифодаланади. Таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқи назариясида шаклланган янги шартномаларнинг мазмун-моҳияти айнан қонунда белгиланган “Тарафлар қонун ҳужжатларида

назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин” деган қоида асосида очиб берилган. Янги ёхуд номланмаган шартнома деганда, амалдаги фуқаролик қонунчилигида мустаҳкамланмаган ёхуд янги, шунингдек ЎР ФКда назарда тутилган бир нечта шартномаларнинг элементларини битта шартномада жамланган, лекин номи кўрсатилмаган шартнома деб хулоса чиқариш мумкин.

Номланмаган шартнома амалда мавжуд бўлган, бироқ қонунчиликда тартибга солинмаган, миллий қонунчилигимиз шартномалар тизимида бирор бир туркумга киритилмаган шартномадир. Номланмаган шартнома мазмунини тўлиқ тушуниш учун аввал қандай шартномалар “номланган” таърифи остида эканлигини аниқлаштириш лозим бўлади. Номланган деб, бирор бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда номи ва мазмуни кўрсатилган шартномага нисбат бериш мумкин. Мисол учун, ЎР ФК 386-моддаси олди-сотди шартномасига бағишланган бўлиб, ушбу моддага кўра олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олиши белгилаб берилган. Ушбу моддага кўра ҳар қандай олди-сотди муносабатларини ўз ичига олган шартнома “олди-сотди шартномаси” номига эга бўлиб, “номланган” шартномалар доирасида бўлади.

Шартноманинг номланганлиги унинг қонун ҳужжатларида акс этганлиги билан бевосита боғлик бўлсада, бироқ, бугунги глобаллашув даврида янги, аввал мавжуд бўлмаган муносабатлар пайдо бўлмоқда, бу эса ўз навбатида, янги шартнома турларини вужудга келишига олиб келмоқда.

Масалан, бирор маҳсулотни олди-берди шартномаси доим ҳам олди-сотди шартномаси асносида тузилиб ва кўриб чиқилмайди. Электрон домен, яъни, веб сайтларнинг номини сотиш тўғрисидаги битимга назар солайлик. Бу битимга асосан бир юридик шахс иккинчи тарафга – юридик ёки жисмоний шахсга муайян домен исмини (мисол учун www.dba.uz) ни сотади, иккинчи тараф эса сотиб олади. Албатта, ушбу “сотиб олиш” бир, икки ёки кўпи билан беш йилга ушбу домендан фойдаланишни назарда тутади. Шундай экан, ушбу битим олди-сотди шартномаси доирасидами ёки ижара

шартномаси доирасидами? Олди-сотди шартномасида сотилаётган маҳсулот сотувчига тегишли бўлиши ва шартномадан сўнг тўлиғича сотиб олувчига берилиши лозим. Бу ҳолатда домен исми на сотувчига тўлиқ мулк ҳуқуқи асосида тегишли ва на сотиб олувчи уни ўзи истаганича тасарруф эта олади (Мисол учун, уни учинчи шахсларга қайта сота олмайди). Ижара шартномасининг асосий шартларидан бири бу ижара объектининг ижара олувчига унинг табиий амортизацияси билан боғлиқ ҳаражатларни инобатга олган ҳолда муайян ҳақ эвазига ёки текин фойдаланиш учун топширишдир. Доменни сотиб олиш шартномаси ижара шартномасига яқиндек кўринсада, бироқ унда ҳеч қандай табиий амортизация ҳақида гап йўқ. Демак, биз ушбу шартномани номсиз, яъни номланмаган шартнома сифатида баҳолашимиз мумкин бўлади.

Мазкур турдаги шартномаларга мисол сифатида футболчиларни трансфер қилиш шартномасини кўрсатиш мумкин. Бутун дунёда футболчиларни бирор бир клубда фаолият кўрсатиши учун клуб билан футболчи ўртасида шартнома имзоланади. Ушбу битимни меҳнат шартномаси доирасида баҳолаш мумкиндек кўринади. Бироқ, ушбу шартномада “футболчининг сотилиш баҳоси” кўрсатилиб, ҳар қандай бошқа клуб шартноманинг муддати тамом бўлишидан олдин ушбу пул миқдорини клубга тўлаб, футболчини ўз клубига олиб кетиши мумкин. Демак бу меҳнат шартномаси эмас. Бу қандай битим? Одам савдосими? Йўқ, албатта. Бу номланмаган шартноманинг бир кўриниши бўлиб, бу каби шартнома орқали футболчи бошқа клубга ўтишга мажбур бўлиши ва бу муносабат миллий қонунчиликда тартибга солинмаганлиги уни “номсиз” шартномалар турига киритилишига асос бўлади.

Испания, Франция каби Европа мамлакатларида бу каби битимлар “номсиз” тоифасидан “қонунда мавжуд” тоифасига ўтказилган. Зеро, ушбу мамлакатлар қонунчилигида трансфер шартномаси назарда тутилган. Бизнинг мамлакатимизда эса трансфер шартномаси қонунчилик жиҳатидан тартибга солинмаганлиги боис бу турдаги битимлар бугунги кунда “номсиз” кенглигидадир. Мазкур битимларни “қонунийлаштириш” бошқарув ва менежерлик

жиҳатидан ҳам муҳим саналади. Зеро, ушбу шартномалар қонунчиликда ўз аксини топса, бирор клубни бошқарувчиси бу каби битимни тузаётганида унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилмаганидаги жавобгарлик масалалари бўйича аниқ тасаввурга эга бўлади [7].

Мазкур шартномаларнинг номланмаганлигини фақат уларнинг қонунчиликда кўрсатилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Амалиётда трансфер шартномалари турли шаклларда имзоланаётганлигидан келиб чиқиб, келгусида мазкур турдаги шартномаларнинг намунавий шакли ишлаб чиқилиб, барча жамоаларга тадбиқ этилиши мақсадгамувофиқ бўлади.

Юридик адабиётларда, кўпинча, фақат ЎР ФКда мустаҳкамланмаган номланмаган шартномаларни аниқлашга доир қўшимча асослашлар эътиборни ўзига тортади.

Хусусан, лизинг шартномасида мулкни сотиб олишдаги ижарага берувчи ва ижарага олувчининг иштирокидан ташқари кодексда тартибга солинган ижара шартнома муносабатлари, яъни мулкни ҳақ эвазига топшириш шартномаси муносабатлари ҳам акс этганлигини, шартноманинг йўналтирилганлик мақсади ва мазмуни “лизинг” тушунчасидан кенгроқ бўлганлиги боис қонун чиқарувчи лизинг шартномасини ижара шартнома муносабатларига асосли равишда киритилган ва ушбу шартнома ЎР ФКнинг 354-моддасига риоя қилинган ҳолда тузилган деган хулосага келинган [8]. Фикримизча, ЎР ФК 354-моддаси 3-банди мазмуни бўйича аниқ шартнома шаклларини тартибга солувчи қонунлар деганда Ўзбекистон Республикаси қонунларидан ташқари, мамлакатимизда қонун билан ўрнатилган тартибда тасдиқланган, қонун кучига эга бўлган ва уларни турлича талқин қилиш ҳолати пайдо бўлганида миллий меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан устунликка эга халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни тушуниш кераклигини ҳисобга олиб, мавзуси ва мазмуни халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда акс этган, миллий ҳуқуқ тартиботнинг бир қисми бўлмаган шартнома моделлари номланмаган шартномалар сифатида таснифланиши мақсадга мувофиқ.

Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, қонунда у ёки бу фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектлари шартнома тузишади, аммо унинг мавзуси, муҳим шартлари очиб берилмайди ва, хатто номи кўрсатилмайди. Бу маълум маънода қонун уни батафсил тартибга солмаган деб хулоса қилишга сабаб бўлади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунининг 6-моддаси 13-бандида “Рўйхатга олиш маркази билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида амалга оширилади” [9] деб кўрсатилган. Рўйхатга олувчи орган билан буюртмачи ўртасидаги муносабатлар хизмат кўрсатиш шартномаси асосида амалга оширилиши тушунарли. Аммо, қандай қилиб моддий кўринишга эга бўлмаган электрон рақамли имзони фуқаро ёки жисмоний шахсга тақдим этишда тарафлар ўртасидаги шартнома моделини аниқлаш мумкин?

Фуқаролик ҳуқуқи бўйича мутахассислар номланмаган шартнома муаммоларига мурожаат қилиб, кўпинча кўриб чиқилаётган ҳуқуқий ҳодисани турлича “номлар” билан аташади. Қонунда “қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан кўзда тутилмаган” деб таърифланган ҳодиса, адабиётларда қуйидагича талқин этилади: одатдан ташқари мазмунга эга, нотипик, яъни ўзига хос бўлмаган, меъёрдан четга чиққан, номсиз, номланмаган, малакаланмаган шартнома ва хоказо.

ЎР ФК 354-моддаси 3-бандида аралаш шартнома турли шартномаларнинг алоҳида элементларидан ташкил топган деб кўрсатилган. Шу билан бирга таркибий қисмлар деганда, фикримизча, “у ёки бу шартнома мазмунига киритилган алоҳида ажралиб қолган мажбуриятлар эмас, балки тегишли шартнома учун хос бўлган уларнинг маълум бир мажмуини кўзда тутиш лозим”. Зеро, шартнома таркибий қисмлари мажмуи деганда барча ўзгармас қоидаларни эътироф этиш тўғри бўлади

Битта шартномага бирлаштирилган шартномалар ўз-ўзидан қонунчиликка зид бўлиши мумкин эмаслигини тушуниб олиш муҳим.

Аммо, бунда ўзининг ҳуқуқий моҳияти бўйича бир-бирига зид бўлмаслиги лозим.

Шартнома эркинлиги тамойили унинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, аралаш ва номланмаган шартномалар қуйидаги тарзда бирга қўшилиши мумкин. Бир нечта шартномалар таркибий қисмини ўз ичига олган шартнома ўзининг қонуний ифодасига эга бўлиши, яъни қонунда ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатда номланган бўлиши ва ўзининг туғилиши деб фақатгина назария ва (ёки) амалиётни ҳисоблаши, яъни номланмаган бўлиши мумкин.

Шунинг учун қайд этилган номланмаган ва аралаш шартномалар уйғунлигидан фойдаланишни назарий жиҳатдан чеклаш керак эмас. Аралаш шартноманинг аввалроқ келтирилган қонуний таърифи айрим камчиликларга эга. ФК 354-моддаси 4-бандида тарафлар турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган шартнома (аралаш шартнома) тузишлари мумкин. Аралаш шартнома бўйича тарафларнинг муносабатларига, агар тарафларнинг келишувидан ёки аралаш шартноманинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, элементлари аралаш шартномада бўлган шартномалар тўғрисидаги қоидалар қўлланилиши кўрсатилган. Ҳақиқатдан ҳам, аралаш шаклга эга кўпчилик тузилган шартномалар, фақат номланган моделга эга. Аммо, модомики номланмаган шартномалар ҳозирги вақтгача тузилаётган экан, унда томонларга келишувга эришиш учун нима ҳалақит бериши мумкин, қайсики аралаш шаклдаги шартнома сифатида малакаланган бўлади ва ўз навбатида, номланмаган шартноманинг ҳеч бўлмаганда битта элементини ўз ичига олган бўлар эди.

Аммо, ФК 354-моддаси 3-банди ва 4-бандининг таҳлили, аралаш хусусиятга эга номланмаган шартноманинг тузилишини фақатгина шартноманинг бир тури сифатида ажратиш лозим деган хулосага келишга имкон бермайди.

Юқорида баён этилган қонунчиликдаги ноаниқликни ҳисобга олган ҳолда, ФК 354-моддаси 3-бандининг биринчи жумласини қуйидаги таҳрирда баён этишни зарур деб ҳисоблаймиз: “ тарафлар, таркибида турли шартномалар элементлари мавжуд бўлган, қонун

ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан назарда тутилган ҳамда назарда тутилмаган (аралаш шартнома) шартнома тузишлари мумкин”.

Шартнома матнида мавжуд бўлган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини акс эттирувчи барча қоидалар ҳуқуқий тартибга солиш нуқтаи-назаридан ҳар бири алоҳида ҳолатда муҳим ва зарур ҳисобланади.

Номланмаган шартномаларни турли кўринишидаги элементларини битта шартномада бирлаштирган унитар шартномаларга ҳамда қонунчиликка маълум икки ва ундан кўп шартномалар тузилишидан иборат бўлган аралаш шартномаларга ажратиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, унитар номланмаган шартномалар қонунда тартибга солинган битимнинг белгиларини жамлаган шартномалар ва алоҳида турдаги (suigeneris) шартномалар кўринишига эга бўлади. Номланмаган аралаш шартнома элементлари таркибида нафақат қонунга маълум бўлган шартномалар, балки ҳозирги пайтда қонун билан тартибга солинмаган шартномалар элементлари ҳам бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, аралаш ва янги ёхуд номланмаган аралаш шартномаларни фуқаролик қонунчилигида тартибга солиш, хусусан ЎР ФКни такомиллаштириш жараёнида уларнинг мазмун моҳияти ҳамда ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Романец Ю.В. Система договоров в гражданском праве России. –М.: “Юристь”, 2004. –С. 47.

2. Иоффе О.С. Обязательственное право. –М.:”Юридическая литература”, 1975. –С. 38.

3. Садиков О.Н. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой. –М.:Юридическая фирма “Контракт”:Инфра-М, 2006. –С. 493-494.

4. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая: общие положения. –М.:”Статут”, 2002. –С. 412-413.

5. Ойгензихт В.А. Нетипичные договорные отношения в гражданском праве. Учебное пособие. –Душанбе, 1984. –С. 5.

6. Асқаров Н.И. Номланмаган шартномалар тавсифи, таснифи, ҳуқуқий тартибга солиниши. Илмий монография. –Т.:”Navro’z”, 2017. –Б. 152.

7. Асқаров Н.И. Номланмаган шартномалар тавсифи, таснифи, ҳуқуқий тартибга солиниши. Илмий монография. –Т.:”Navro’z”, 2017. –Б. 114-115.

8. Рўзиев Р.Ж. Фуқаролик ҳуқуқий шартномаларни тизимлаштиришнинг илмий-назарий муаммолари. Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами. -2013. №2. –Т.:”ТДЮИ”. –Б. 80-81.

9. Ўзбекистон Республикаси “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни. 2012. ЎРҚҲТ, 2015 йил.

.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИ

В.Р.Топилдиев –
Ўзбекистон Миллий университетининг
ўқув-услубий бошқарма бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор

Маълумки, мамлакатимизда бугунги кунда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишлар иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлиб бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодиётда хусусий мулкнинг мавқеини ошириш, хусусий мулкдорлар синфини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш, рақобат муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш айни вақтдаги долзарб масалалар ҳисобланади.

Дарҳақиқат, юридик фанларнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган фуқаролик ҳуқуқи жамиятда барқарорлик ва ҳуқуқий тартиб

ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда юридик фанларнинг асосий мақсади ҳам ижтимоий муносабатларнинг қонуниятларини ва ҳуқуқий қоидаларини ўрганиш, тадқиқ қилиш, уларга илмий ва амалий баҳо бериш, янгиланаётган жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндошиш ҳамда амалиёт учун ҳар томонлама мукаммал, асосланган назарий ва амалий хулосалар, таклиф ва тавсиялар беришдан иборатдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, ҳуқуқий фанларни ривожлантиришга кенг имконият ва шароитлар яратилди. Ҳуқуқ фанлари ва тармоқлари бўйича фундаментал ва амалий аҳамиятга молик ишлар қилинди, лекин шундай бўлса-да, фуқаролик ҳуқуқий фанларни илмий-назарий тадқиқ этиш ҳали бу соҳада ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларнинг мавжудлиги яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти фандан илгарилаб кетганлиги, юридик фанлар ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнларини концептуал ғоялар ва тавсиялар билан таъминлай олмаётганлиги кабилар шулар жумласидандир.

Бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари кўпинча мавжуд ҳолатни баён қилиш ва тасвирлаш билан чекланиб, фаннинг ҳуқуқий тараққиёт истиқболларини башорат қилишдек муҳим функцияси назардан четда қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўлимизга назар ташлаб, эртанги кунимизга, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз янада ортмоқда. Мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ барча соҳа ва тармоқларда амалга ошираётган ислоҳотларимиз бу борада ҳал қилувчи омил бўлмоқда[8]. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар сезиларли даражада фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

[8]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // -Т.: 2020 йил 31 август.

Шу билан биргаликда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аниқроғи, иқтисодиёт либерал-лашиб, ислоҳотлар чуқурлашмоқда ва кишиларнинг тафаккури, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ўзгармоқда. Кишилар ўз мулкий ва шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида муайян тажрибаларга эга бўлмоқда.

Ҳуқуқий муносабатлар тизимида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар алоҳида ўринга эга. Ҳуқуқий муносабат ҳуқуқ нормаси ва у томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабат боғлиқлигининг ўзига хос тури бўлиб, бунда норманинг мавҳумлиги ва тегишли ҳаётий муносабатнинг аниқлиги ўзаро уйғунлашади[9]. Дарҳақиқат, ҳуқуқий муносабат ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар сифатида эътироф этилар экан, ушбу умумий қоида асосида ҳуқуқнинг алоҳида соҳаларидаги ҳуқуқий муносабатларнинг ажратилишига ҳам у ёки бу ижтимоий муносабатларнинг қайси ҳуқуқ соҳаси нормалари билан тартибга солиниши асос қилиб олинади ва бунда “фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар деганда, фуқаролик ҳуқуқи нормалари томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади”[10]. Фуқаролик ҳуқуқий муносабат деб, юридик жиҳатдан тенг бўлган шахслар ўртасида бўладиган ва фуқаролик ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатга айтилади. Шахслар (фуқаролар ва ташкилотлар, шунингдек, давлат) ўртасида тузиладиган олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, бирор-бир ишни бажариш, ижара, қарз тўғрисидаги шартномалар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар жумласига киради[11].

Маълумки ижтимоий муносабатлар тизимида фуқаролик ҳуқуқи тартибга соладиган муносабатлар кенг ўринни эгаллайди. Айниқса, бу муносабатлар кишилар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муомалада, кундалик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ҳаракатларда кўп учрайди.

---

[9] Халфина Р.О. Общее учение о правоотношении. – М: Юридическая литература, 1974. -С.17.
[10] Теория государства и права /Под.ред. М.Н.Марченко.-М.:Юридическая литература, 1996. – С. 352.
[11] Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм.-Т: ТДЮИ, 2009.- Б.85.

Фуқаролик ҳуқуқининг предметини ифодаловчи ижтимоий муносабатлар доираси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддасида белгилаб қўйилган.[12] Бунга асосан, фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкий ҳамда у билан боғлиқ шахсий-номулкий муносабатларни тартибга солади.

Мазкур муносабатларда иштирок этувчи тарафлар агар юридик жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўлиб, ФКнинг 2-моддасида назарда тутилган муносабатларга киришсагина, улар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга киришган ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шароитида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммоларини назарий-методологик ва амалий жиҳатдан таҳлил этиб ўрганиш долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Шу боис фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш истиқболли тадқиқот йўналишлари жумласига киради. Шу маънода фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қонун ҳужжатларининг роли беқиёсдир. “Юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳеч кимга сир эмас, албатта.Буларнинг барчасини эътироф этган ҳолда, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатларини ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур”.[13]

[12] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. –Т., Адолат., 2018. -547 б.

[13] Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза // -Т.: Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ўтган даврда қабул қилинган 400 яқин яхлит қонунлар ҳаётимизнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги ҳаётийлиги ва тўғридан тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда бу борада ҳали кўп ишлашимиз кераклигини таъкидлаш зарур. Афсуски, хозирги кунда қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда. Бу холат мамлакатимиз қонунчилик тизимига фуқароларимиз, тадбиркорлар, қолаверса, чет эл инвесторларининг ишончсизлигини келтириб чиқариши мумкинлигини унитмаслигимиз керак”.[14]

Бўлажак юристларни тайёрлаш жараёнида фуқаролик ҳуқуқий фанлар жуда катта амалий ахамиятга эга. Ҳусусий ҳуқуқ яъни, фуқаролик ҳуқуқий фанлар таркибига Фуқаролик ҳуқуқи, Оила ҳуқуқи, Тадбиркорлик ҳуқуқи, Халқаро хусусий ҳуқуқ, Мехнат ҳуқуқи, Ижтимоий таъминот ҳуқуқи, Фуқаролик процессуал ҳуқуқ, Иқтисодий процессуал ҳуқуқ ва ҳоказолар киради.

Фуқаролик ҳуқуқий фанларни ўқитиш услубиятини такомиллаштиришга 2021 йилдан бошлаб амалга киритилган **60420100** - Юриспруденция таълим йўналишининг давлат таълим стантартида алохида эътибор берилди бунда таълим стандартига замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда Фуқаролик ҳуқуқи, Оила ҳуқуқи, Тадбиркорлик ҳуқуқи, Халқаро хусусий ҳуқуқ, Мехнат ҳуқуқи, Фуқаролик процессуал ҳуқуқ, Иқтисодий процессуал ҳуқуқ фанларини асосий мажбурий фан сифатида киритиб ўқитиш белгилаб қўйилди.

Ҳозирги кунда барча соха мутахассислари хамда ҳуқуқшунос олимлар томонидан янги замонавий технологияларни қўллашда воситачилик қилувчи ҳуқуқий механизмларни яратиш зарурияти фаол мухокама этилмоқда. Қўпгина ҳуқуқшунослар ривожланаётган

[14]Ш.М.Мирзиёев Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т., “Ўзбекистон” НМИУ. 2017. 8-бет.

ижтимоий муносабатларни норматив-ҳуқуқий тартибга солишни айни вақти эканлигини таъкидлашмоқда. Яъни, жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар, жамоатчилик билан алоқаларни рақамлаштириш борасидаги замонавий технологиялар ҳуқуқшунос-ларнинг эътиборидан четда қолиши мумкин эмас.

Хорижий ва миллий ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича инсон фаолиятининг барча жабхаларида рақамлаштиришнинг ривожланиб бориши даврида инновацион технологияларни тўғри тартибга солинишини ҳуқуқий қўллаб - қувватлаш долзарб ахамият касб этади.

Замонавий рақамли технологиялар (катта маълумотлар, сунъий интеллект, булутли технологиялар, интернет ва бошқалар) жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди. Ушбу технологиялар сиз ва биз томонимиздан ҳар куни қўлланилади ва ҳаётимизга сезиларли даражада таъсир қилади. Янги замонавий муносабатларнинг вужудга келиши билан уларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати пайдо бўлди.

Таъкидлаш жоизки фуқаролик хуқуқий муносабатларга замонавий технологияларни жорий этиш, биринчи навбатда рақамлаштириш орқали жамиятда ахборот хизматларининг юқори даражасини, давлатдаги хар бир шахснинг тегишли ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятини ривожлантиради.

Мамлакатимизда «Рақамли Ўзбекистон - 2030» сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги Харакатлар Стратегияси тўғрисидаги фармонига мувофиқ “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4996-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорнинг асосий устувор йўналишларни назарда тутувчи 2021-2022 йилларда сунъий интеллект технологияларини ўрганиш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурида[15]:

сунъий интеллектни қўллашнинг асосий йўналишлари ва тамойилларини, шунингдек, яқин ва узоқ истиқболда ушбу соҳани комплекс шакллантириш учун шарт-шароитларни белгиловчи Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологиялардан фойдаланишда ягона талаблар, жавобгарлик, хавфсизлик ва шаффофликни белгиловчи норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш;

аҳоли манфаатлари йўлида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, маълумотларни қайта ишлашда давлат органларининг самарадорлигини ошириш учун сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланиш;

фойдали технологик ечимларни ишлаб чиқиш бўйича фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни ўтказиш ва уларни кейинчалик тижоратлаштиришни рағбатлантирувчи сунъий интеллект соҳасида инновацион ишланмаларнинг маҳаллий экотизимини яратиш;

сунъий интеллект технологияларини қўлловчи дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларига рақамли маълумотлардан фойдаланиш учун шароит яратиш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг тегишли маълумотларини тезкор рақамлаштиришни таъминлаш;

сунъий интеллект соҳасидаги илмий ишлар ва ишланмаларнинг инвестицион жозибадорлигини шакллантириш, шу жумладан товарларнинг (иш ва хизматларнинг) ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш;

маҳаллий корхоналар ва мутахассисларнинг сунъий интеллект соҳасидаги ахборот ресурслари ва билимлардан фойдаланиш

[15] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4996-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2021 йил 18 февраль.

имкониятини таъминлаш, шунингдек, зарур таълим муҳитини ривожлантириш;

қўшма халқаро тадқиқот фаолиятини амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, республикамизнинг нуфузли рейтинглар ва индексларда позициясини яхшилаш мақсадида сунъий интеллект ва уни қўллаш технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш вазифалари белгилаб берилган.

Илм-фан ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий этиб бораётган бугунги шароитда дунёнинг ривожланган мамлакатларида давлат ва жамият бошқаруви, ҳуқуқ, иқтисодиёт, саноат, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт, бандлик, қишлоқ ҳўжалиги, мудофаа, хавфсизлик, туризм ва бошқа соҳаларда замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш урфга кирмоқда.

2022 йилда қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60 сонли Фармон ислоҳотларнинг мантиқий давоми ва уларнинг натижасини белгилаш, мамлакатимизни янада янги тараққиёт босқичига кўтариш, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий соҳаларда муваффаққиятларга эришиш жараёнининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини таъминлаш нуқтаи назаридан улкан аҳамиятга эга бўлди.

Бу борада инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди хамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Замонавий технологиялар мунтазам такомиллашиб боргани сайин, табиийки, соҳанинг қонунчилик асослари ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Бу борада мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва

замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.

Замонавий рақамли технологияларга асосланган принципиал жихатдан янги технологик мухитнинг шаклланиши замонавий дунё иқтисодиёти, сиёсати ва ижтимоий жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Замонавий технологик инқилоб яъни, (“рақамли инқилоб”)нинг таъсири миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ тизимида кенг тарқалмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш” концепциясида Фуқаролик кодексини янгилашнинг зарурати тўғрисида тегишли вазифалар белгилаб берилди[16].

Мазкур концепцияга асосан фуқаролик қонун ҳужжатларини виртуал макон, яъни Интернетда вужудга келадиган муносабатларга ҳам татбиқ этиш, келгусида электрон ёки бошқа техник воситалар ёрдамида тузилган битимларни ёзма шаклга тенглаштириш, электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда товарларни сотишнинг, рақамли пул, яъни криптовалюта муомаласининг асосий қоидаларини амалдаги қонун хужжатларида белгилаш лозим.

Бу янгиликлар тадбиркорлар учун фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда замонавий ахборот технологияларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда вақтни тежаш имконини беради. Шунингдек, ҳужжатлар айланмаси, меҳнат ресурслари, логистика, савдо ва юкларни сақлаш жойлари ижараси билан боғлиқ бир қатор харажатларни камайтиришга, электрон тижоратни янада ривожлантиришга туртки бўлади.

[16]Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2019 й., 08/19/5464/2891-сон).

Шу ўринда замонавий рақамли технологиялар бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқий фанлар ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга қандай таъсир қилмоқда деган ўринли савол туғилади.

Рақамли технологиялар одамларнинг кундалик ҳаётига, уларнинг бир-бири билан, ташкилотлар, корхоналар ва давлат идоралари билан муносабатларига таъсир кўрсатади. Рақамлаштиришнинг ижтимоий ва маданий жиҳатлари, экспертларнинг фикрича, алоқа, молия, тиббиёт, қайта тикланадиган энергия, транспорт ва логистика соҳаларида рақамли технологиялардан фойдаланиш билан бир қаторда умумий бошқарув жараёнининг ажралмас қисмига айланмоқда.

Рақамли технология ечимларининг ишончлилиги рақамлаштириш имкониятларини очиш ва одамлар ҳаётини яхшилаш учун зарур. Ишончли киберхавфсизлик даражаси, шахсий маълумотларнинг юқори даражадаги ҳимояси ва маълумотларнинг махфийлиги фуқаролар, бизнес ва давлат, тадбиркорлар ва ходимлар ўртасида ишончни ўрнатиш учун асосдир.

Рақамли технологиялар турли соҳаларда кенг қўлланилмоқда, улар орасида юқори технологияли тармоқларнинг бир қанча йўналишлари мавжуд бўлиб, улар рақамли технологиялар имкониятларига мослашиш жараёнида айниқса фаолдир.

Иқтисодиётнинг анъанавий тармоқлари ва фуқаролик муомаласидаги энг илғор юқори технологияли йўналишларга қуйидагилар киради:

молия ва банк (Fintech);

ақлли энергия (EnergyNet);

таълим (EdTech);

соғлиқни сақлаш (HealthTech);

миллий бизнес имкониятларини рағбатлантириш ва янги бозорларни шакллантириш (International Tech Hubs).

Замонавий рақамли технологияларга асосланган принципиал жиҳатдан янги технологик муҳитнинг шаклланиши замонавий дунё иқтисодиёти, сиёсати ва ижтимоий жараёнларига сезиларли таъсир

кўрсатмоқда. Замонавий технологик инқилоб ("рақамли инқилоб") таъсири миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ тизимига кириб келди.

Олимларнинг таъкидлашича Интернет ашёлар (Internet of things), сунъий интеллект (Artificial intelligence & Deep learning), тақсимланган технология тамойилларига асосланган инсон фаолиятининг рўйхатга олиш реестри (Blockchain), "булутли" компьютер хизматлари (Cloud mputing), "ақлли" комплекслар ва қурилмалар (Smart Everything), катта маълумотлар (Big Data), виртуал ва тўлдирилган реаллик (Augmented & additive reality), замонавий биоинженерия технологиялари (Biotech), киберхавфсизлик тизимлари (Cybersecurity), шунингдек, ижтимоий тармоқлар (Facebook, VK,Twitter), рақамли эгизаклар (Digital twins), рақамли технология платформалари ва бошқа технологиялар принципиал янгиликни шакллантириш учун технологик асос яратди ва уларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш учун муҳитни вужудга келтирди.

Рақамли технологиялар ва рақамли ҳуқуқлар Фуқаролик ҳуқуқини ривожлантиришнинг замонавий истиқболлари кўп жиҳатдан мулкий муносабатлар соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ ва рақамли ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш моделини қўллаш самарадорлигини оширишга олиб келади.

Сўнгги технологик ютуқлар, фан ва техниканинг янада ривожланиши билан биргаликда, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) ҳужжатларида таъкидланганидек, билим ва технология соҳалари ўртасидаги анъанавий чегараларни бекор қилади, инновацияларнинг янги соҳаларга технологиянинг янада мураккаб соҳаларга кириб боришига ёрдам беради. Рақамли технологияларнинг таъсири рақамли объектлар, рақамли технологик платформалар, рақамли хизматларнинг янги турлари, фуқаролик мулки объектларидан фойдаланган ҳолда замонавий фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни ривожлантириш зарурлигини белгилайди.

Замонавий рақамли технологиялар ва техник имкониятлардан кенг фойдаланиш янги технологик тартибга солиш муҳитини шакллантиришга ёрдам беради ва шу билан бирга, фуқаролик-

ҳуқуқий тартибга солишни рақамли технологиялардан фойдаланиш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларига мослаштириш муаммосини долзарблаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига мувофиқ миллий ривожланишнинг асосий мақсадларидан бири Республикамизни технологик ривожланишини жадаллаштириш ва рақамли технологияларни иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга жадал жорий этишни таъминлашдир. Бунинг учун “янги, рақамли иқтисодиётнинг ҳуқуқий муҳитни яратиш учун янги қонунларни қабул қилиш ва барча қонунларимизни янги технологик воқеликка мослаштирилиши керак”.

Рақамли технологиялар жаҳон тараққиётининг асосий омилларидан бирига айланди. 2008 йилдаги жахон молиявий инқирози билан солиштирганда, сўнги 14 йил ичида интернетдан фойдаланувчилар сони 1,6 миллиарддан 4,1 миллиардга ўсди. Худди шу даврда онлайн савдо хизматларидан фойдаланувчиларнинг сони икки баравар кўпайди ва онлайн чакана савдо 1 триллиондан 3,8 триллионгача ўсди.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, рақамли технологияларни жорий этиш самараси Россияда 2025 йилга бориб мамлакат ялпи ички маҳсулотини 8,9 триллион рублга ошириши мумкин. Хитойда 2025 йилга келиб ялпи ички маҳсулотнинг 22 фоизгача ўсиши, АҚШда эса 2025 йилга келиб рақамли технологиялар томонидан яратилган қийматнинг кутилаётган ўсиши 1,6-2,2 триллион долларни ташкил қилиши мумкин.

Бундай прогнозлар мавжуд жараёнларни автоматлаштириш, балки тубдан янги, илғор бизнес моделлари ва рақамли технологияларни жорий этиш билан боғлиқдир. Рақамли технологияларнинг кенг қўлланилиши ижтимоий жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатиб, одамларнинг ижтимоий ҳаётини ўзгартириб, янги билимлар олиш, дунёқарашини кенгайтириш, янги касбларни эгаллаш ва малака ошириш учун мисли кўрилмаган имкониятлар очмоқда.

Буни бир нечта омиллар билан асослаш мумкин:

Биринчидан, замонавий мулкий муносабатларнинг асосий хусусияти рақамли технологиялардан кенг фойдаланишдир. Рақамли технологиялар таъсири остида Фуқаролик Кодексига рақамли ҳуқуқлар институтини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг янги йўналиши сифатида киритиш;

Иккинчидан, фуқаролик ҳуқуқи фанида рақамли ҳуқуқларнинг мазмуни ва уларни амалга ошириш, тасарруф этиш ва чеклаш усуллари, шунингдек яратилган янги рақамли объектлар билан боғлиқ мулкий муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга нисбатан яхлит консептуал ёндашувни ишлаб чиқиш;

Учинчидан, рақамли ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан самарали тартибга солиш, рақамли технологияларнинг барча имкониятларидан фойдаланиш мақсадида уларни фуқаролик муомаласида тасарруф этиш зарурати рақамли фуқаролик муомаласи ва рақамли ҳуқуқларни тартибга солишнинг фуқаролик-ҳуқуқий модели тўғрисидаги консепцияни ишлаб чиқиш;

Тўртинчидан, рақамли фуқаролик муомаласи ва рақамли ҳуқуқларни тартибга солишнинг фуқаролик-ҳуқуқий модели имкониятларини аниқлаш, рақамли ҳуқуқларнинг ҳуқуқий табиати ва мазмунини тизимли таҳлил қилиш, уларни тасарруф этиш усулларини маҳаллий ва хорижий қонунчиликнинг қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, рақамли технологиялардан фойдаланиш соҳасида фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни янада ривожлантириш;

Бешинчидан, рақамли технологиялар таъсирида Фуқаролик ҳуқуқининг ривожланишини рақамли фуқаролик муомаласи ва рақамли ҳуқуқлар феноменини ўрганиш, уларни тартибга солувчи самарали ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш, шу жумладан, фуқаролик ҳуқуқининг замонавий тизими, унинг ҳуқуқий институтларини бугунги кун эҳтиёжларига мослаштириш лозим.

Хозирги кунда рақамли технологиялардан фойдаланиш ва рақамли ҳуқуқлар, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа объектлари, бундай ҳуқуқларни тасарруф этиш хусусиятлари ва рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда яратилган рақамли

объектлардан фойдаланишнинг замонавий муаммолари фуқаролик қонунчилиги бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларида назарий ва амалий жихатдан ўрганилмоқда.

Рақамли технологиялар таъсири остидаги туб ўзгаришлар туфайли мулкий муносабатларда иштирок этадиган янги рақамли объектлар (криптовалюталар ва токенлар, виртуал мулк, сунъий интеллект ва робот қурилмалари ва бошқалар) яратилди, янги турдаги хизматлар пайдо бўлди шунингдек, турли "ақлли" қурилмалар, технологик рақамли платформалар, ақлли шартномалар ва бошқалар), бир сўз билан айтганда ижтимоий тармоқлар кўринишидаги виртуал мулоқотнинг янги муҳити шаклланмоқда.

Замонавий рақамли технологияларнинг таъсири рақамли объектлар, рақамли технологик платформалар, рақамли хизматларнинг янги турлари, фуқаролик мулки объектларидан фойдаланган ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни янада ривожлантириш зарурлигини белгилайди.

Замонавий рақамли технологиялар ва техник имкониятлардан кенг фойдаланиш фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, рақамли технологиялар соҳасидаги интеллектуал фаолият натижалари, давлат бошқаруви, миллий мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида замонавий бошқарув тизимларининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Янги технологиялар янги имкониятларни, янги воситаларни, интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш усулларини, ҳуқуқ эгасига интеллектуал мулк ҳуқуқларидан фойдаланишдан даромад олиш, ушбу ҳуқуқлардан фойдаланишнинг янги усуллари ва шаклларини яратади. Ва бу, ўз навбатида, эксклюзив ҳуқуқлардан фойдаланишнинг янги усулларини ишлаб чиқишни рағбатлантиради, интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш учун янги, янада рақобатбардош бизнес моделларининг пайдо бўлишига ёрдам беради.

Бу вазифаларни бажариш учун бизнинг фикримизча,

биринчидан, рақамли ҳуқуқ ва рақамли фуқаролик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни фуқаролик – ҳуқуқий моделини ишлаб чиқиш;

иккинчидан, “Рақамли фуқаролик муомаласи тўғрисида”ги маҳсус қонун ишлаб чиқилиши ва унда, рақамли ҳуқуқлар, рақамли хизматлар, рақамли технологик платформа, рақамли фуқаролик муносабатларнинг тамойиллари, объектлари ва субъектлари, рақамли битимларнинг турлари, рақамли мулк ҳуқуқи ва турлари ва бошқа тушунчалар белгилаб қўйилиши лозим.

учинчидан, рақамли объектларни (tokenlar) сертификатлаш учун замонавий технологиялар асосида “Рақамли ҳуқуқлар ва уларнинг ҳуқуқ эгаларини рўйхатга олишни рақамли оммавий онлайн реестри”ни яратиш лозим.

тўртинчидан, ҳуқуқни автоматлаштириш, роботларни фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни субъекти сифатида жорий этиш, рақамли молиявий активларни фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида киритиш масалаларини кўриб чиқиш лозим.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, замонавий технологияларни фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга таъсирини илмий тадқиқ этиш, уларнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга, мақсадли йўналтирилган ҳуқуқий тартибга солиш механизмини ишлаб чиқишга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // -Т.: 2020 йил 31 август.

2.Халфина Р.О. Общее учение о правоотношении. – М: Юридическая литература, 1974. -С.17.

3.Теория государства и права /Под.ред. М.Н.Марченко.- М.:Юридическая литература, 1996. – С. 352.

4.Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм.-Т: ТДЮИ, 2009.- Б.85.

5.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. –Т., Адолат., 2018. -547 б.

6.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза // -Т.: Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

7.Ш.М.Мирзиёев Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т., “Ўзбекистон” НМИУ. 2017. 8-бет.

8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4996-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2021 йил 18 февраль.

9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2019 й., 08/19/5464/2891-сон).

СУҒУРТА ШАРТНОМАЛАРИДА СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

К.О.Синдаров - Судьялар олий мактаби профессори, ю.ф.д.,
М.Қ.Комилжонов - Судьялар олий мактаби масъул ходими

Маълумки, ривожланган ҳорижий мамлакатлар, айниқса ҳуқуқ тизими тараққий этган Европа давлатлари ва АҚШда мулкдорлар ҳар хил бахтсиз ҳодисалар, табиат инжиқликлари натижасида ўз мулкига зарар етиши ва уларни қайта тиклаш сарф-харажатларидан унчалик ҳам ҳавотирга тушмайди, кўрган зарари ўрни қопланишига ишонади. Негаки, бу мамлакатларда суғурта бозори ривожланган, суғурта

билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ҳам амалиётда самарали ишлайди, тарафлар шартнома интизомига қаттиқ амал қилади.

Ҳўш, мазкур тизим бизнинг мамлакатимизда қандай ишламоқда? Нима учун одамлар суғурта ташкилотларига унчалик ҳам ишонишмайди? Нима сабабдан тарафлар ўртасида суғурта шартномаси тузилиб, суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда ҳам суғурта компаниялари томонидан тўланиши лозим бўлган суғурта товонлари деярли кўп ҳолларда фақатгина судга мурожаат қилингандан кейин, суднинг ҳам охирги инстанцияси қароридан сўнг, тўламасликнинг иложи қолмагач, қопланади. Бу ерда гап суғурта бозори билан боғлиқ қонунчиликда бўшликлар кўплиги ёки мавжуд қонун ҳужжатлари самарасиз эканлигида эмас. Мамлакатимизда бу соҳада тизимли ислоҳотлар амалга оширилиб, қонунчилик такомиллаштирилмоқда.

Бизнингча, мамлакатимизда суғурта муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллардан бири суғурта қилдирувчиларнинг суғурта шартномаси мазмуни ва унинг муҳим шартлари, шунингдек тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат эканлиги билан тўлиқ танишиб чиқмаслиги ёки бу борада ҳуқуқий тасаввурга эга эмасликлари билан изоҳланади. Ваҳоланки, ҳозирги кунда суғурта шартномалари лойиҳалари аксарият ҳолларда суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилиб, асосан унинг манфаатларига хизмат қилувчи шартларни ўз ичига олади. Суғурта қилдирувчида эса бу шартларни қабул қилиш ва имзолашдан бошқа имкон қолмайди.

Мавжуд қонунчиликка кўра, шартнома эркин ва томонларнинг ўзаро хоҳиш иродасига асосоланган ҳолда тузилиши лозим. Бу шартнома тўғрисидаги умумий қоидаларнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, суғурта шартномасида ҳам тарафлар бир-бирларининг ҳуқуқ ва манфаатларига даҳл қилмаслиги лозим. Буни таъминлаш кўп жиҳатдан шартнома тузиш жараёнида унинг шартларига алоҳида эътибор қаратиши, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат эканлиги, улар қачон ва қандай ҳолларда вужудга келиши ёки бекор бўлиши тўғрисида тасаввурга эга

бўлишига боғлиқдир. Бироқ, бунга доим ҳам амал қилинмайди, бу эса ўз навбатида шартномавий низолар юзага келишига сабаб бўлади. Статистик маълумотларга кўра, Республика иқтисодий судлари томонидан суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низолар юзасидан биргина 2021 йилнинг ўзида 700 га яқин ишлар кўриб чиқилган. Бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 51 фоиз юқори ҳисобланади. Ачинарлиси, мазкур низолар бўйича даъво талабларининг деярли яримини қаноатлантириш рад этилган. Қаноатлантирилган даъволарнинг ҳам тенг ярми кейинчалик апелляция ва касация босқичларида бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Даъво талабларининг аксарият қисми суғурта қилдирувчиларнинг суғурта тавонини ундириш ҳақида эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, масаланинг нақадар жиддийлигини анлаш қийин бўлмайди.

Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 929-моддасида назарда тутилган суғурта шартномасининг муҳим шартлари бўйича келишувга эришишда шартноманинг мухим шартлари аниқ ва равшан баён этилиши, шартнома матни янглиш ва турича тасвирловчи ҳаракатлар ёки таърифлардан ҳоли бўлиши, бир тарафнинг манфаатларига ҳилоф равишда, иккинчи тарафга имтиёз ва устунликлар бермаслиги лозим.

Масалан, даъвогар “Дода Чорва” МЧЖ судга мурожаат қилиб, жавобгар “Ўзбекинвест” АЖ билан тузилган йирик шохли қорамолларни суғурталаш тўғрисидаги шартномага асосан 10 бош қорамоллар заҳарланиш оқибатида нобуд бўлганлиги сабабли суғурта товони ундиришни сўраган.

Суғурта компанияси суғурталанган қорамолларга етказилган зарар суғурта жойида эмас, балки ундан ташқарига чиқиши натижасида содир бўлганлиги боис бу суғурта ҳодисаси сифатида тан олинмаслигини маълум қилади.

Бироқ, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 3.1.4-бандида электр токининг ҳаракати, заҳарли ўтлар ва моддалар билан заҳарланиш, илон ёки заҳарли ҳашаротлар чақиши, ёввойи ҳайвонлар

ва итларнинг ҳужуми, транспорт воситалари билан тўқнашув ва травматик жароҳатлар бахтсиз ҳодиса сифатида белгиланган, суғурта жойи тўғрисида эса бирор бир келишув назарда тутилмаган.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 929-моддаси учинчи қисмига кўра, **агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи ҳисобланган фуқаронинг аҳволини қонунчиликда белгиланган қоидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига қонунчиликнинг тегишли қоидалари қўлланилади.**[17]

Фуқаролик кодексининг 955-моддасида суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозимлиги белгиланган.

Амалиётда суғурта шартномаси тузиш жараёнида суғурталовчилар томонидан юқоридаги нормани ўз манфаатлари йўлида шартномада акс эттириш холлари учраб туради. Масалан, “Ҳамкорбанк”АТБ билан тузилган банкларни комплекс суғурта қилиш шартномасининг 8.4.5-бандида мазкур муддат суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори қарор қабул қилинган кундан бошлаб 15 кун ичида хабар қилиниши белгиланган. Мазкур ҳолатда судлар ФКнинг 929-моддаси 3-қисмига асосланиб, шартномада белгиланган муддатга эмас, балки Фуқаролик кодексининг 955-моддасида белгиланган муддатни қўллашлари лозим бўлади.

Амалиётда суғурта компаниялари томонидан суғурта товонини тўлашга асос бўлувчи суғурта ҳодисасини шартномада белгилашда ўз идоравий манфаатларидан келиб чиқиб, суғурта қилдирувчилар манфаатларини қўпол равишда бузиш холатлари ҳам кўп учрамоқда.

[17] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 2-қисм. 929-модда. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, *07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон. https://lex.uz/docs/180552*

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 34-моддасига кўра, суғурталовчи суғурта шартномасида кўрсатилган шахсга **фақат суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда** суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлаши белгиланган.

Мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси деганда, шартномада назарда тутилган ва унинг содир бўлиши натижасида суғурталовчининг суғурта товонини тўлаб бериш мажбурияти вужудга келадиган воқеа тушунилади.

Фикримизча, суғурта товони фақат суғурта ҳодисаси рўй берганда тўланиши нуқтаи назаридан, суғурта ходисаси ҳисобланувчи ҳолатлар шартноманинг моҳияти, суғурта обекти ва ундан кўзланган мақсаддан келиб чиқиб, оқилона шартларда белгиланиши лозим. Масалан, биргина зотдор қорамолларни нобуд бўлиш хавфидан суғурта қилиш шартномасини мисол қиладиган бўлсак, ҳаётда уларнинг нобуд бўлишига юзлаб факторлар сабаб бўлиши мумкин. Лекин кўпгина ҳолларда сўғирта қилдирувчининг манфаатларига зид равишда шартномада ҳаётда кам учрайдиган воқеалар (илон чақиши, заҳарли ўсимликлар истеъмол қилиши ёки муайян касаллик туридан нобуд бўлиши каби) билан суғурта ҳодисаси доираси чеклаб қўйилади.

Қонунчиликка мувофиқ суғурталовчи агар суғурта шартномасида ёки қонунда кўрсатиб ўтилган суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисидаги далилларни олган бўлса, суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлашни рад этишга ҳақли эмас.[18]

Ушбу нормага кўра, суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақида далилларни олгандан сўнг сўзсиз равишда суғурта товонини тўлаши лозим. Бу ерда сўзсиз деганда судсиз, яъни ҳеч қандай судга мурожаат қилишларсиз деган маънони тушуниш лозим.

Бироқ, амалиётда бунинг тамомила аксининг кузатиш мумкин. Суғурта компаниялари имкони борича суднинг охирги инстанцияларига қадар боришга ҳаракат қилади. Ваҳоланки, бундай

[18] Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 34-модда. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.11.2021 й., 03/21/730/1089-сон. https://lex.uz/docs/5739117

ҳолатларда аслида ҳеч қандай эътирозларсиз суғурта қилдирувчи ёки наф олувчиларга суғурта тўловлари тўлаб берилиши керак. Сабаби тарафлар шартнома тузиш жараёнида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни қабул қилган. Суғурталовчи фақатгина қонунчиликда назарда тутилган асосларга кўра суғурта товони ёки суғурта пулини тўлашни рад этишга ҳақлидир.

Бу каби салбий холатларнинг бартараф этилиши мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантириш, суғурта қилдирувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИНИ, АМАЛДАГИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

В.Э.Умаралиев - Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети
“Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар”
кафедраси доценти, ю.ф.н.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик тизимидаги ҳуқуқ соҳалари доирасида фуқаролик ҳуқуқи алоҳида ўрин эгаллаган бўлиб, жуда кенг қамровли фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига жам этганлиги ҳуқуқшунослар томонидан аксиома каби қабул қилинган деб эътироф этсак, янглишмаган бўламиз.

Агарда, республикамиз мустақилликка эришган дастлабки даврга эътибор берсак, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигининг шаклланиши тарихига оид асосий эпизодларини ёдга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1993 йил 20 майда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов фармойишига асосан, янги кодексларни ишлаб чиқиш бўйича (фуқаролик, маъмурий, жиноят, меҳнат ва бошқалар) тегишли ҳуқуқшунос олимлар, соҳа мутахассисларидан иборат комиссиялар ташкил этилди.

Жумладан, Фуқаролик кодексини ишлаб чиқиш бўйича комиссия раиси этиб, устозимиз, юридик фанлар доктори, академик Х.Р.Раҳмонқулов тайинланди ва кодекс лойиҳаси устида ишчи гуруҳ аъзолраи кенг миқёсдаги иш фаолиятини бошлади.

Таъкидлаш лозимки, Фуқаролик кодексининг 1-қисми 1995 йил 21 декабрда, 2-қисми 1996 йил 29 августда қабул қилинган бўлиб, кодекснинг иккала қисми 1997 йил 1 мартда кучга кирганлигини инобатга олсак, кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишга сарфланган вақтни ҳисобга олган ҳолда, 30 йил вақт ўтганлигини кўрамиз.

Албатта, 30 йиллик муддат давлат ривожланиши учун қисқа вақт бўлсада, қонунчилик соҳасида амалиётда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи,сезиларли вақт деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2019 йил 5 апрелда қабул қилинган Р-5464 сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”[19]ги фармойишига асосан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта асосий йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқадиган вазифаларнинг ижросидан келиб чиққан ҳолда, бозор иқтисодиёти тамойилларидан ва халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда, фуқаролик қонунчилигини модернизация қилиш, бозор иқтисодиёти ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида фуқаролик қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва унификациялаш, илғор халқаро стандартларни амалдаги қонунчиликка имлементация қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, хусусий мулк дахлсизлигининг самарали фуқаровий-ҳуқуқий механизмини яратиш масалаларини ҳал қилиш ғоялари илгари сурилди.

Жумладан, ўзининг долзарблигини ва аҳамиятини йўқотган нормаларни бекор қилиш, замонавий-глобал аҳамиятга эга бўлган фуқаровий-ҳуқуқий институтлар, яъни, давлат–хусусий шерикчилигига асосланган муносабатларни ривожлантириш, кластер

[19] “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши. Халқ сўзи, 2019 й., 6 апрель.

ишлаб чиқаришини, электрон тижорат, крипто-валюталар айланмасиини ташкил этиш,ер майдонларини хусусийлаштириш, улушли қурилиш бизнесини ривожлантириш каби вазифаларни ҳал қилиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги фармойишига илова асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилинди. Унга асосан, биринчи навбатда, кўзланаётган мақсад ва долзарб масала сифатида иқтисодиётни либераллаштириш, иқтисодий муносабатларни тартибга солишда давлат иштирокини қисқартириш, хусусий мулк ҳимоясини янада кучайтириш, чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш устувор йўналишлар каби таъкидлаб ўтилди.

Юқорида қайд этилганидек, фуқаролик қонунчилиги оид норматив ҳужжатлар орасида энг марказий ўринни шак-шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси эгаллайди. Аммо, ушбу кодекс 1 март 1997 йилда амалга киритилганини инобатга олсак, ҳозирда 25 йил, уни ишлаб чиқишга сарф қилинган вақтни қўшганда, 30 йил бўлганини қайд қилиш лозим.

Албатта, бу вақт ичида жамиятимизнинг барча жабҳаларида – иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, шунингдек, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган кенг миқёсдаги ислоҳотлар, халқаро миқёсдаги сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг кенгайиши билан янги поғоналарга кўтарилиши фуқаролик қонунчилиги тизимида ҳам янги муносабатлар, янги турдаги мулк шакллари, тадбиркорлик субъектлари, янги технологиялар, барча соҳаларни рақамлаштириш масалалари янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексини ишлаб чиқиш заруратини вужудга келтирди.

Бу ўринда, Ўзбекистон Респрубликаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббусига кўра, у томондан қабул қилинган 2019 йил 5 апрелдаги 5464- сонли фармойиши[20] муҳим аҳамиятга эгадир.

[20] “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши. Халқ сўзи, 2019 й., 6 апрель.

Амалдаги Фуқаролик кодексида ўз аҳамиятини йўқотган, ҳамда бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда, айрим категориядаги ҳуқуқий институтлар, юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилмалари мавжуд бўлмаган институтлар, бизнинг кодексимизда сақланиб қолгандир.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодекси нормаларида “тижорат таваллчилиги”, “адолатли компенсация”, “шартномавий мажбуриятларни бажаришдан воз кечиш (албатта, қонунда назарда тутилган ҳолларда) каби классик институтларнинг мавжуд эмаслиги, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш жараёнида маълум бир маънодаги муаммоларни келтириб чиқаради.

Ҳуқуқшунос олимларимизнинг эътиборини, яна бир муҳим масалага қаратишларини лозим деб топдикки, давлатимиз ҳуқуқ тизими романо-герман ҳуқуқ тизимига мансуб бўлганлиги туфайли, бизда қабул қилинадиган қонун нормаларида ҳаволаки нормалар кўп учрайди. Бу ҳолат, амалиётда, ҳуқуқни қўллаш жараёнида бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Демак, Қонунчилик палатаси ва Сенат ўз фаолиятида тўғридан-тўғри қўлланишга мўлжалланган қонун ҳужжатлари қабул қилиш даврига ўтишлари лозим[21]. Чунки, қонунчиликда ҳаволаки нормаларнинг мавжудлиги, биринчидан, коррупцион ҳолатларни келтириб чиқаради, иккинчидан, баъзи бир мансабдор шахсларга мансаб ваколатларидан фойдаланишни суистеъмол қилиш ҳолатларига олиб келиши мумкин.

Шу билан бир қаторда, Фуқаролик кодекси нормаларида фуқаролик ҳуқуқи институтларига тааллуқли бўлмаган оммавий ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлиб, бу ҳолат, ўз навбатида, шартномавий муносабатларни ва хусусий мулкка оид масалаларни, асоссиз равишда маълум бир чеклаш ҳолатига олиб келарди.

Эътибор бериш лозимки, Фуқаролик кодексида фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда информация-коммуникация технологиялари

[21] “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида”ги қонун, Қонун ҳужжатлари тўплами. 1995, 157-м.,78-б.

воситалари ва натижаларидан фойдаланиш деярли амалга оширилмаганини ҳам ижобий ҳолат деб ҳисоблаб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг фикримизча, қуйидаги талабларга эътибор қаратмоғимиз лозим:

-ҳозирги даврда ривожланган бозор иқтисодиёти талаблари ва халқаро миқёсдаги стандартларни ҳисобга олган ҳолда,фуқаролик қонунчилигини унификация қилиш, шунингдек, астойдил тизимлаштириш талаб қилинади;

-фуқаровий-ҳуқуқий нормаларга жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий ва одат нормалари принциплари мазмуни киритилиши керак;

-фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларни лозим даражада, виждонан бажарилишини таъминловчи чора-тадбирлар ва воситалардан оқилона фойдаланиш лозим;

-фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик институтини такомиллаштирган ҳолда, зарарни қоплаш масаласини объектив чоралар орқали ҳал қилиш;

-фуқаролик ҳуқуқидаги мавжуд бўлган мерос ҳуқуқида эр-хотиннинг биргаликда васиятнома бериш ва васият шартномалари тузиш тартибини киритиш мақсадга мувофиқдир;

-фуқаролик ҳуқуқининг асосий масалаларидан бири ерга нисбатан бўлган мулкчилик ва мулкка нисбатан инсофли фойдаланувчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилиш лозимдир.

-электрон тижоратга асосланган он-лайн шартномаларини тузиш тартиби ягона норматив ҳужжатда белгиланиши лозим, тадбиркорлик субъектларига оддий шаклларда тегишли идоралар веб-сайти орқали амалга ошириш учун қулай, оддий услуб ва шаклларда берилишини таъминловчи фуқаровий-ҳуқуқий нормалар белгиланиши лозим;

-Фуқаролик кодексининг 4-боби, 41-моддасига[22] – юридик шахсларнинг мулкий ва номулкий характердаги ҳуқуқлари фуқаролик қонунчилигида ўрнатилган тартибда муҳофаза қилинади – матнидаги қўшимча киритиш мақсадга мувофиқдир.

[22] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Тошкент, Адолат, 2021.

ПРАКТИЧЕСКИЕ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СИСТЕМАТИЗАЦИИ ДОГОВОРОВ, НАПРАВЛЕННЫХ НА РАСПОРЯЖЕНИЕ ИМУЩЕСТВОМ

Начальник кафедры
Гражданско-правовых дисциплин
Университета общественной безопасности,
доктор юридических наук, профессор
Чориев М. Ш.

Договоры, направленные на распоряжение имуществом, являются основными и центральными институтами гражданского права, которые играют значительную роль в определении права собственности. Поэтому, не случайно, что в третьем подразделе Гражданского кодекса Республики Узбекистан, который называется “Отдельные виды обязательств”, договоры, направленные на распоряжение имуществом, расположены последовательно на отдельных главах. В частности, главы 29-33 третьего подраздела ГК РУз посвящены. Важно отметить, названные договоры имеют большую значимость не только в распоряжении имущества, но и в возникновении права собственности, и в этом проявляется своеобразность и важность данных договоров. Поэтому, систематизированное гражданско-правовое регулирование данных договоров, объединяя в одну группу, имеет очень важную практическую и теоретическую значимость. Это проявляется в следующих особенностях:

Во-первых, появится возможность более усовершенствовать нормы, регулирующие договорные отношения направленных на распоряжение имущества и создать условия досконального правового регулирования.

Во-вторых, обеспечивает объединение в одну систему и собирать в одну главу или раздел нормы ГК, которые регулируют договоры, направленных на распоряжение имуществом.

В третьих, применение норм ГК в практике, которые регулируют данные договоры, будут иметь более упрощенный вид.

В четвёртых, может служить усовершенствованию форм, условий и порядка заключения, ответственности сторон договоров направленных на распоряжение имуществом.

В пятых, теоретическое и практическое обоснование концептуальной идеи об объединении в одну группу договоров направленных на распоряжение имуществом, в свою очередь, создает своеобразное основание для систематизации гражданско-правовых договоров.

Принимая во внимание вышеуказанные можно сказать, что в формировании гражданского законодательства, а именно, в создании Гражданского кодекса Республики Узбекистан чётко и уместно использована направленность договоров, как основа системного подхода. Однако, беспрерывное развитие рыночных отношений, возрастания роли договоров, как правовое средство регулирования имущественных отношений и возникновения новых социально-экономических отношений, которые регулируются посредством договоров, требует более ясного и чёткого выражения систематизации гражданско-правовых договоров. Например, отношения связанные с продажей недвижимости и, в частности, предприятия подробно урегулировано в параграфах 7-8 главы 29 Гражданского кодекса Республики Узбекистан. Однако если недвижимость или предприятия становится предметом договоров таких, как мены, дарения или ренты, тогда какие нормы должны применяться? В гражданском законодательстве нет прямых указаний по этому поводу. Надо отметить, что в таких ситуациях надо исходить от общего положения. Поскольку, к этим отношения применяются положения норм ГК о продаже недвижимости или предприятия, имеющие организационно-правовой характер и не противоречащие к сути договора дарения или ренты. Например, если недвижимость становится предметом договора мены или дарения, то для определения предмета договора должно соблюдаться положение ст. 484 ГК.

Прежде чем, остановиться на вопросе объединения в одну группу договоров направленных на распоряжение имуществом, надо тщательно изложить систематизацию гражданско-правовых договоров. Поскольку, мысли и идеи учёных правоведов по поводу систематизации гражданско-правовых договоров являются основой для формирования идеи, которая предполагает объединения договоров направленных на распоряжение имуществом в единую систему.

Важно отметить, что мнение учёных о систематизации гражданских договоров, в частности, об объединении договоров направленных на распоряжение имуществом в одну группу, разнообразны и до сих пор этот вопрос не нашёл своё окончательное решение. Прежде всего, это связано подходом учёных, которые при классификации гражданско-правовых договоров основываются на разных критериях.

Критериями формирования системы гражданских договоров являются значимые для права признаки общественных отношений. Один из таких признаков заключается в направленности обязательства, в результате, к которому стремятся его участники. Он обусловливает различные элементы правового регулирования и, прежде всего, права и обязанности, отражающие цель правоотношения [1].

Значимость данного системного фактора была отмечена еще И.Б.Новицким и Л.А.Лунцем, которые писали, что попытка провести классификацию обязательств не по формальным признакам, а по существу, именно в связи с целями в области обязательственного права, «представляет интерес потому, что цель действительно является чрезвычайно существенным моментом для обязательства, определяющим содержание обязательства. Цель обязательства - это удовлетворение известного интереса, которым определяется содержание обязательства. Таким образом, когда классификация оснований возникновения обязательств ставится в связь с целью обязательств, и а классификация должна получить действительно жизненный характер» [2].

Многие ученые-юристы, классифицируя гражданские договоры, исходили из того, что именно данный признак является стержневым системным фактором. Однако не всеми он понимался одинаково. Соответственно, и классификации, проведенные по этому основанию, отличались одна от другой.

Так, М.В.Гордон, рассматривая только обязательства из договоров, выдвинул в качестве основного классификационного критерия правовую цель договора, под которой он понимал те последствия, к которым стремятся его участники [3]. Принципиальная особенность классификации, предложенной М.В.Гордоном, заключается в том, что, используя системный признак правовой цели договора (его направленности), он, в частности, развел по разным группам договоры, направленные на передачу имущества в собственность и во временное пользование. Кроме того, системный признак правового результата автор непосредственно связал с возмездностью (безвозмездностью) обязательства. Так, он усматривает различие в правовой цели не только в получении имущества в собственность, с одной стороны, и в пользование, с другой, но в равной степени при получении имущества в собственность возмездно и безвозмездно. Как следствие, М.В. Гордон объединил в одну группу по признаку правового результата договоры дарения и ссуды.

О.С.Иоффе, основываясь на комбинированном критерии, включающем в себя экономические и соответствующие им юридические признаки, выделил следующие группы договоров: 1) по возмездной реализации имущества; 2) по возмездной передаче имущества в пользование; 3) по безвозмездной передаче имущества в собственность или в пользование; 4) по производству работ; 5) по оказанию услуг; 6) по перевозкам; 7) по кредиту и расчетам; 8) по совместной деятельности; 9) по страхованию [4].

О.А.Красавчиков, в свою очередь, отмечал, что «все отдельные виды обязательств должны быть разграничены между собой по признаку их направленности. В результате такого деления мы получим четыре больших группы обязательств: обязательства,

направленные на передачу имущества; обязательства, направленные на оказание услуг; обязательства, направленные на выполнение работ; обязательства, направленные на передачу денег [5]. В классификации, предложенной О.А.Красавчиковым, в одну группу объединены все обязательства, направленные на передачу имущества. В данной классификации для признака направленности безразлично, в собственность или в пользование передается имущество.

М.И.Брагинский и В.В.Витрянский, используя критерий «результата», разделили гражданские договоры на четыре группы: направленные, во-первых, на передачу имущества, во-вторых, на выполнение работ, в-третьих, на оказание услуг и, в-четвертых, на учреждение различных образований [6]. Как можно заметит, в приведенной классификации, как и в классификации, предложенной О.А.Красавчиковым, в одной группе объединены все договоры, направленные на передачу имущества. В отдельных работах М.И. Брагинский уточняет и изменяет указанную классификацию [7].

Х.Рахманкулов, придерживаясь по общим классифицирующим признакам, разделяет договоров по следующим группам: 1) договоры, посредствующие в отношениях по передаче право собственности или других вещных прав (купля-продажа, мена, дарение, рента); 2) договоры, посредствующие в отношениях по передаче имущества в пользование (аренда имущества, наем жилого помещения, прокат, лизинг и др.); 3) договоры, посредствующие в отношениях по исполнении работ (бытовой подряд, строительный подряд, подряд на проектные и изыскательские работы, подряд на научно-исследовательские, опытно-конструкторские и технологические работы и др.); 4) договоры, посредствующие в отношениях по оказании услуг (возмездное оказание услуг, перевозка, транспортная экспедиция, хранения и др.); 5) договоры, посредствующие в отношениях по представительству (поручение, действия в чужом интересе без поручения, комиссия, доверительное управление имуществом и др.); 6)договоры, посредствующие в организационно-правовых отношениях (заключение учредительного договора и его регистрация, договоры по преобразованию юридического лица,

договоры по совместной деятельности, предварительный договор и др.) [8].

К.Мехмонов, используя критерий «результата» («результат направленности»), разделяет договоров по следующим группам: во-первых, договоры направленные по передаче имущества; во-вторых, договоры направленные по исполнению работ; в третьих, договоры направленные по оказании услуг; в четвёртых, договоры направленные по учреждению разных образований [9].

К.Синдоров, исходя от природы и содержания договоров, выделяет по следующим группам: 1) договоры, направленные на передачу права собственности; 2) договоры, направленные на передачу права пользования собственности; 3) договоры, направленные на исполнение работ и оказанию услуг [10].

Р.Ж.Рузиев, по признаку направленности, всех гражданско-правовых договоров разделяет на семь групп: 1) договоры, направленные на передачу имущества в собственность; 2) договоры, направленные на передачу в пользование объектов гражданских прав; 3) договоры, направленные на выполнение работы или оказание услуги; 4) договоры, направленные на страхование имущественных рисков; 5)договоры, направленные на предоставление отсрочки возврата такого же количества имущества того же рода и качества или на отсрочку оплаты; 6) договоры, направленные на достижение цели, единой для всех участников (общецелевые договоры); 7) договоры, направленные на замену лица в обязательстве [11].

Разнообразие классификаций обусловлено весьма неоднозначным пониманием направленности как системного признака. Что же все-таки необходимо понимать под направленностью договора как системным признаком? Отвечая на этот вопрос, важно помнить, что теоретический и практический смысл любой классификации, проведенной по значимому для договорного права системному признаку, заключается в том, что она позволяет, с одной стороны, объединить в одной группе договоры, требующие единого (в той или иной степени) правового регулирования, а с другой стороны, развести по разным группам договоры, требующие различной регламентации.

Это в полной мере относится и к признаку направленности. Поэтому в него должно быть вложено содержание, позволяющее выработать критерий, на основе которого можно объединить договоры, требующие унифицированного регулирования, и отграничить договоры, которые должны регламентироваться по-разному. Иными словами, системный признак направленности должен иметь нормообразующее значение.

По нашему мнению, предложенные Р.Ж.Рузиевым критерии, которые должны учитываться в систематизации договоров, уместно и обоснованно [12]. Исходя из этого, надо отметить, что при установлении того, какая направленность обязательства несет нормообразующее значение, необходимо учитывать следующее.

Во-первых, фундаментальные особенности содержания договора предопределяются не просто фактическими действиями его участников, а фактическими действиями, имеющими законченную экономическую и юридическую характеристику и вследствие этого значимыми для права. Поэтому направленность обязательства как нормообразующий признак выражается не в основном действии обязанного лица как пиковом, а в экономическом и юридическом результатах, на достижение которых направлено это действие. Это естественно, потому что применение единых норм к различным отношениям возможно лишь в том случае, когда эти отношения имеют сущностное единство, требующее отражения одинаковыми правовыми нормами. Сами по себе фактические действия, как правило, не могут быть основой для унификации, потому что они, будучи вырванными из контекста, не отражают ни экономической, ни юридической сущности правоотношения.

Данный принцип реализован в ГК РУз. Например, в договорах купли-продажи и аренды одно лицо передает другому определенное имущество. Однако сама по себе передача имущества не отражает сути правоотношения. Значение имеет экономический и юридический результат этих действий. Поэтому правовая регламентация купли-продажи обусловливается не просто передачей имущества, а передачей имущества в собственность.

Соответственно, нормативно-правовая база договора аренды предопределяется тем, что имущество передается во временное пользование. Вот почему правила купли-продажи в корне отличаются от арендных норм.

Отсутствие общего нормообразующего признака не позволяет выработать принципы правового регулирования и нормы, которые являлись бы общими для всех обязательств, в которых происходит передача имущества.

Во-вторых, важно учитывать, что экономический и юридический результат как сущность системного признака направленности договора не всегда выражается только в том, в собственность или в пользование передается имущество.

Цель, которую преследуют стороны, вступая в договорные отношения, - явление более глубокое.

Сравним, к примеру, договоры аренды и хранения. Оба эти обязательства предполагают передачу имущества на определенный срок другому лицу с условием его возврата. Но цели их различны. Договор хранения направлен на обеспечение сохранности имущества, а договор аренды - на предоставление возможности извлекать из имущества полезные свойства. Соответственно, при хранении услугу оказывает лицо, принимающее вещь во владение, а при аренде основное договорное действие (предоставление имущества во владение и пользование) совершает лицо, передающее вещь во владение. Поэтому, несмотря на некоторое сходство данных отношений, для них предусмотрено в ГК различное правовое регулирование.

В-третьих, важно учитывать, что направленность обязательства, как системный признак, предопределяется только конечной целью.

Например, договоры купли-продажи и займа предусматривают передачу имущества в собственность. Тем не менее они отличаются друг от друга по признаку направленности. Конечной целью купли-продажи является передача имущества в собственность с получением имущественного эквивалента. Цель заемного обязательства заключается в предоставлении отсрочки возврата такого же

количества имущества того же рода и качества. Именно особенности конечных целей предопределяют принципиально различные конструкции содержания и иных правовых элементов рассматриваемых договоров, что отражено в нормах ГК. Поэтому для объединения в одной классификационной группе договоров купли-продажи и займа, на наш взгляд, нет достаточных оснований.

В то же время нельзя не учитывать, что общие промежуточные элементы, обладающие законченной экономической характеристикой, которые существуют в рамках различных конечных целей, могут служить основой для формирования соответствующих унифицированных норм. Однако эта унификация является вторичной, поскольку отражает общие признаки, существующие в рамках более глубоких различий. Поэтому правовые элементы, которые могут быть унифицированы на основании таких признаков, менее значимы, чем правовые элементы, обусловленные различными конечными целями. Тем не менее значение такой унификации нельзя недооценивать.

Так, договоры купли-продажи и займа содержат общий элемент — передачу имущества в собственность другому лицу. Этот элемент имеет в определенной степени законченную экономическую характеристику: имущество не просто передается другому лицу, а передается займу ряда общих норм, на которые не влияют более глубокие различия, существующие между конечными целями указанных договоров.

В-четвертых, в качестве системного признака может рассматриваться лишь такая направленность обязательства, которая охватывается интересами всех его участников. Цель договорных действий, объективно не имеющая значения хотя бы для одной из сторон, не является основой для формирования правовых норм.

В-пятых, направленность договора необходимо отличать от поведения сторон, обусловленного неисполнением или ненадлежащим исполнением обязательства.

Таким образом, под направленностью обязательства как системным признаком договорного права следует понимать конечные

экономический и юридический результаты, на достижение которых направлены основные действия участников договора.

Учитывая вышесказанные критерии, можно назвать общие признаки и свойства договоров, направленных на распоряжение имуществом, которые дает возможность объединит их в одну группу. Причем данные договоры имеют несколько свойственных признаков, по которым можно объединит их в одну группу.

Во-первых, несмотря на то, что отношения, вытекающие от купли-продажи, мены, дарения, ренты и отчуждения жилого дома (квартиры) с условием пожизненного содержания, носят разнообразный характер и на то, что их регулирует договоры, обладающие разными правовыми природами, их объединяет основное положение (действие), которое целенаправленно предполагает отчуждение имущества. Именно отчуждение имущество (несмотря на то, что они совершаются в разных целях и условиях) образует основной элемент обязательства, вытекающего из этих договоров. Иначе говоря, не смотря на то, что от заключения этих договоров преследуется разные цели, окончательным результатом данных договоров является отчуждение имущества. Именно в данном случае совершается полная передача всех элементов право собственности: владение, пользование и распоряжение. Распоряжение имеет особое значение среди других элементов. Потому что, именно право распоряжения определяет юридическую судьбу имущества, то есть право, которое устанавливает, изменяет или прекращает правоотношения с другими лицами по отношению имуществу [13]. Собственник по праву распоряжения на имущество, имеет совершать разные сделки, заключать договоры, а именно может продавать, дарит, передать в аренду, ставит под залог и т.д.. Собственник потеряв право распоряжения потеряет и имущество. Например, если имущество передаётся на хранение, то собственник предоставляет хранителю только право владения, если имущество передаётся в аренду, то нанимателю предоставляется право владения и пользования, а если имущество продаётся или дарится, то все три элемента субъективного

право собственности полностью переходят другому лицу (новому собственнику). Итак, можно обоснованно отметить, что основным объединяющим признаком договоров, направленных на распоряжение имуществом, является безвозвратная передача всех трех элементов право собственности, и именно это и отличает данных договоров от других, схожих гражданско-правовых договоров.

Во-вторых, распоряжение имуществом является особенной формой реализации правом собственности. По этому, лица передающие имущества по данным договорам должны быт собственником или субъектом других вещных прав, которые обладает правом распоряжения. И это является важным свойством, выражающего принадлежность в одну группу данных договоров.

В-третьих, переданное имущество по договорам купли-продажи, мены, дарения, ренты и отчуждению жилого дома (квартиры) с условием пожизненного содержания, является безвозвратным и это определяет ещё один признак, объединяющий данных договоров в одну группу.

В-четвёртых, лицо, принимающий имущество по договорам купли-продажи, мены, дарения, ренты и отчуждению жилого дома (квартиры) с условием пожизненного содержания, является новым собственником. И это определяет ещё одну общую черту, который свойственно только данным договорам. Причём, данные договоры, в отличие от других гражданско-правовых договоров (например, от договоров аренды, подряда и оказании услуг), служат основой возникновения право собственности.

В-пятых, еще один объединяющий признак указанных договоров заключается в том, что все они имеют сложный предмет, включающий в себя как действия обязанных сторон, в том числе по передаче и принятию имущества (объект первого рода), так и само имущество (объект второго рода).

В-шестых, отмеченные общие черты названных договоров, дают возможность использование правил об одних типах договоров для регулирования отношений, возникающих из иных типов договоров, входящих в группу договоров о распоряжение имущества. Например,

содержащиеся в Гражданском кодексе Республики Узбекистан правила о договоре купли-продажи недвижимости и предприятия подлежат применению к правоотношениям, вытекающим из договоров мены, дарения и ренты. Кроме того, по прямому указанию закона к договору мены применяются соответственно правила о купле-продаже, если это не противоречит существу мены (п. 2 ст. 497 ГК РУз);к договору ренты применяются соответственно правила о купле-продаже и дарения, если не противоречит существу договора ренты (п. 2 ст. 514 ГК РУз).

Основываясь на вышесказанных свойствах, по нашему мнению, договоры направленные на передачу имущества в собственность, целесообразно именовать так, как «договоры, направленные на распоряжения имуществом». А также, мы предпочли дать следующее определение, описывающее общие черты договоров, направленных на распоряжение имуществом: «По договору направленному на распоряжение имуществом одна сторона (поручатель) обязуется передать имущество в собственность другой стороне (получателю) возмездно или безвозмездно. Получатель обязуется принять это имущество, а также если по договору предназначена встречная оплата или исполнение каких либо встречных обязательств, получатель обязуется уплатить определенную денежную сумму (цену) или исполнить определенную обязанность».

Надо отметить, что у указанных договоров имеется ряд классификационных черт, отделяющий друг от друга. В частности, в купле-продаже встречное удовлетворение выражается в денежной форме, мена объединяет в себе два противоположных обязательств (мена товара на товар) свойственное купле-продаже, дарение заключается безвозмездно, в договорах ренты и отчуждения жилого дома (квартиры) с условием пожизненного содержания, встречное удовлетворение является неопределённым. Также, купля-продажа (розничная купля-продажа, государственный контракт на поставку товаров, контрактация, энергоснабжение, продажа недвижимости, продажа предприятия), дарение (дарение и пожертвование) и рента

(постоянная и пожизненная рента) имеет ряд видов, отражающие своеобразных свойств.

Поэтому договоров, направленных на распоряжение имуществом, по внутреннему строению можно классифицировать по нескольким критериям. В классификации договоров, направленных на распоряжение имуществом, признак возмездности и безвозмездности играет значительную роль в нормообразовании. Надо отметить, что нормативно-правовая база возмездных и безвозмездных договоров данной группы абсолютно отличаются друг от друга.

Значит, договоры, направленные на распоряжение имуществом, прежде всего классифицируется на возмездные (купля-продажа, мена, рента и отчуждение жилого дома (квартиры) с условием пожизненного содержания) и безвозмездные (дарение). В свою очередь, возмездные договоры делятся на эквивалентные (купля-продажа, мена) и алеаторные (рента, отчуждение жилого дома (квартиры) с условием пожизненного содержания).

Делая вывод, можно сказать, что принадлежность к одной группе договоров, направленных на распоряжение имуществом, по признаку направленности имеет нормативно-правовую базу и это отражается в последовательной гражданско-правовой регламентации данных договоров. В частности, исходя от роли и значения данных договоров в социально экономической жизни, главы 29-33 третьего подраздела части второй ГК РУз последовательно регулируют договоры купли-продажи, мены, дарения, ренты и отчуждения жилого дома (квартиры) с условием пожизненного содержания. Кроме того, основной и отличительный признак целенаправленности данных договоров от других гражданско-правовых, является передача все три элемента права собственности: владение, пользование и распоряжение.

Список использованных литератур:

1. Рузиев Р.Д. Понятие и значение направленности как основного системного фактора / Батырдын мурасы – ел идеологиясынын бастауы: халықаралық ғылыми-теориялық

конференциянын материалдары. –Шымкент: «Асқаралы», 2010. –С. 247.

2. Новицкий И.Б., Лунц Л.А. Общее учение об обязательстве. – М., 1950. –С.73.

3. Гордон М.В. Система договоров в советском гражданском праве. //Ученые записки Харьковского юридического института. Выпуск 5. 1954. –С.69-70.

4. Иоффе О.С. Обязательственное право. –М.: Госюриздат, 1975. –С.24-25.

5. Красавчиков О.А. Советское гражданское право. Учебник. Т.1. -М.: Высшая школа, 1968. –С.412-413.

6. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. -М.: Статут, 1997. -С.320.

7. Брагинский М.И. Договор хранения. -М.: Статут, 1999. –С.53.

8. Рахмонқулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2005.–С.244-250.

9. Шартнома ҳуқуқи. Ўқув қўлланма /Ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича олий ўқув юртлари магистратура талабалари учун/ Муаллифлар жамоаси. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006.–С. 134.

10. Синдаров К. Қишлоқ хўжалиги оҳасидаги шартномалар. Монография. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –С. 19.

11. Рузиев Р.Д. Понятие и значение направленности как основного системного фактора / Батырдын мурасы – ел идеологиясынын бастауы: халықаралық ғылыми-теориялық конференциянын материалдары. –Шымкент: «Асқаралы», 2010. –С. 249.

12. Рузиев Р.Д. Понятие и значение направленности как основного системного фактора / Батырдын мурасы – ел идеологиясынын бастауы: халықаралық ғылыми-теориялық конференциянын материалдары. –Шымкент: «Асқаралы», 2010. –С. 251.

13. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. / Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов: 4-нашр. Қайта ишланган ва тўлдирилган. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –С. 215.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА АСОСЛАНГАН ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАР

Ф.Тохиров - Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети профессори

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар доирасига қараб ижтимоий ҳимояга асосланган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар – индивидуал ижтимоий ҳимояга ва жамоавий ижтимоий ҳимояга йўналтирилган фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга бўлинади.

Индивидуал ижтимоий ҳимоя шартномалари одатда “манзиллилик” характер касб этади. Улар шахсий характерга эга бўлган шартномалар тоифасига кириб, шартнома тузувчи шахс унинг натижасини қабул қилувчининг ижтимоий ҳимояга муҳтож эканлиги сабабли, айнан у ёки оила аъзоларига ижтимоий ёрдам бериш мақсадидагина шартнома тузади.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар ичида рента ва умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси индивидуал ижтимоий ҳимоя шартномасига яққол мисол бўла олади. Рента шартномасига мувофиқ, бир тараф (рента олувчи) кўчмас ёки кўчар мулкни бошқа тарафга (рента тўловчига) беради, рента тўловчи эса, олинган мол-мулк ўрнига рента олувчига вақти-вақти билан белгиланган пул суммасини ёки уни таъминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериш тарзида рента тўлаш мажбуриятини олади.

Муддатсиз (доимий) ёки умрбод (рента олувчи ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлган давр) рента шартномалари ўзаро фарқланади. Ушбу турдаги шартнома муносабатлари ҳовли-жой, корхона ёки бошқа кўчмас мулклари, бошқа қимматбаҳо кўчар мулклари (масалан, автотранспорт воситаси) бўлган қариялар, ногиронлар, вояга етмаган болалар ва ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган бошқа табақадаги фуқароларни ижтимоий ҳимоялашнинг энг таъсирчан манбаларидан бўлиши мумкин.

Одатда қариялар, вояга етмаганлар, сиҳат-саломатлиги ёмон ёки имкониятлари чекланган фуқаролар ўз даромадларини кўпайтириш мақсадида етарли даражада ҳаракат қилиш имконига ҳар доим ҳам эга бўлавермайдилар. Давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармалари ҳисобига ушбу тоифадаги фуқароларга пенсиялар, нафақалар, бошқа ижтимоий таъминот бериш шаклларида моддий мадад кўрсатилаётган бўлсада, бу ёрдамлар ўз ҳажмига кўра ҳар доим ҳам етарли бўлавермайди, бу шахсларда қўшимча кун кечириш манбаларини қидириб топиш заруратини юзага келтиради.

Шу сабаб қариялар, умрбод ногиронларни ижтимоий ҳимоялашда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга топшириш шартномаси муҳим ўрин тутади, чунки бунда қария ёки ногирон шахс амалда ҳеч қандай ҳаражат қилмагани ҳолда тирикчилик ўтказишнинг асосий манбаини қўлга киритади.

Индивидуал ижтимоий ҳимоялашга асосланган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан яна бири суғурта саналади.

Фикримизча, суғуртанинг айнан ижтимоий ва тиббий суғурта турлари ижтимоий ҳимоя элиментлари мавжуд шартномалар саналади. Тиббий суғурта шартномаси фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишнинг турли кутилмаган воқеа ҳодисалар юз берганда уларни иқтисодий ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаларидан бўлиб, мамлакатимизда ушбу суғурта турини кенг тарқалиши – оммалашуви учун барча зарур чоралар кўрилмоғи лозим. Бу ўз навбатида аҳолини ижтимоий ҳимоялашда муҳим омил бўлади.

Лекин ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ суғурта шартномаларининг бошқа турлари ҳам илмий адабиётларда илгари сурилади. Масалан, М.Аминжонованинг фикрича мамлакатимизда, суғурта бозорини шакллантириш ҳамда кенгайтириш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар қаторида, энг аввало, суғурта хизмати шаклларини янада кенгайтириш ва биз учун ноанъанавий бўлган (тиббий суғурта, ишсизлик суғуртаси, пенсия суғуртаси ва хокозо)

суғурта хизматларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур[23].

Жамоавий ижтимоий ҳимояга йўналтирилган фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга эса муайян шахслар доираси манфаатини кўзлаб тузилади. Айрим ҳолларда бундай шартномаларнинг тузилишида оммавий-ҳуқуқий асослар муҳим ўрин эгаллайди. Бу ерда шартнома конкрет шахсга йўналтирилмайди. Шартнома оферентлари доираси (ёш оилалар, ногиронлар, вояга етмаганлар, беморлар, болалар уйи тарбияланувчилари, қариялар уйида яшовчи фуқаролар, кўп болали оилалар, экологик хавфли худудда яшовчи фуқаролар, табиий офатлар содир бўлган худудлардаги фуқаролар, уруш ҳаракатлари содир бўлаётган худуд фуқаролари ва бошқалар) белгиланади ва шартнома бандига бу киритилади.

2022 йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол махалла йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ишлаб чиқилган давлат дастури аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялашда махаллани тубдан қўллаб-қувватлаш имконини берди[24].

Дастур асосида жорий йилнинг ўтган даврида икки ёшгача боласи бўлган ишламайдиган 203.894 нафар онага 2351,9 миллион сўм, 16 ёшгача боласи бўлган 331.964 нафар оилага 2690 миллион сўм, кам таъминланган 34.333та оилага 295,1 миллион сўм нафақа тўланди. 32.030 нафар 1-синф ўқувчисига 12 турдаги 229,5 миллион сўмлик ўқув қуроллари тарқатилди, “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиларига дарслик сотиб олиб берилиши учун 9,8 миллион сўм маблағ ажратилди. Вилоятда кам таъминланган оила фарзандларига кийим-кечак олиш учун маҳаллий бюджетдан 484,1 миллион сўм ажратилди. Мурувват уйларини таъмирлаш учун республика бюджетидан 450 миллион сўм, маҳаллий бюджетдан 45,8 миллион сўм, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳисобидан 40 миллион сўм, ҳомийлар ҳисобидан 650 миллион сўм ажратилди[25].

---

[23] Аминжонова М.А. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари. Юрид.фан.номз.дисс... –Тошкент, 2004. -26 б.

[24] Http://www.uza/uz/uzb/news.

[25] Http://www.uza/uz/uzb/news.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлат фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан ўзга фуқароларга, ижтимоий жамғармаларга, давлат ижтимоий ҳимоя муассасаларига (болалар уйлари, қариялар уйлари, мактаблар ва бошқалар) кўрсатиладиган беғараз ҳайрия ёрдамлари, эҳсон тадбирлари ўз табиатига кўра ҳадяга оид фуқаролик-ҳуқуқий шартнома муносабатларидан иборатдир.

Ушбу фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, ижтимоий жамғармаларга, давлат ижтимоий ҳимоя муассасаларига (болалар уйлари, қариялар уйлари, мактаблар ва бошқалар) кўрсатиладиган беғараз ҳайрия ёрдамлари, эҳсон тадбирлари ўз табиатига кўра ҳадяга оид фуқаролик-ҳуқуқий шартнома жамоавий ижтимоий ҳимояга йўналтирилган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар туркумига киради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар доирасига қараб ижтимоий ҳимояга асосланган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар аҳамиятини янада ошириш – индивидуал ижтимоий ҳимояга ва жамоавий ижтимоий ҳимояга йўналтирилган фуқаролик-ҳуқуқий шартнома усулларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАР ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

А.К.Закурлаев - Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори

Инсоният цивилизацияси тараққиёти натижасида тўпланган тажриба бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши ҳеч бир мамлакатда равон ва силлиқ кечмаганлигини кўрсатиб турибди. Бозор муносабатларига ижтимоий қадриятлар доирасида ўтилган ва ҳар бир иқтисодий ривожланган мамлакат иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлиги билан ажратиб турган. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тўла-тўкис ҳам бозор иқтисоди, ҳам ижтимоий

иқтисодиёт ҳисобланади. Иқтисодий ривожланиш самарадорлигини ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий адолат билан боғлаш мақсадини кўзлайди.

Мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар динамикаси давлат ижтимоий сиёсатига ҳам, ўзининг жиддий таъсирини ўтказади.

Аввалги даврларда ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоялаш соҳасида давлат ҳукмрон мавқени эгаллаган, ижтимоий ҳимоя асосан оммавий ҳуқуқий усул ҳамда воситалар орқали, амалга ошириб келинган бўлса, бозор муносабатлари шаклланиши ҳамда ривожланиши шароитида, мулкчиликнинг нодавлат шакллари ривожланиб бораётган ва етакчи ўринга чиқаётган ҳозирги босқичда хусусий ҳуқуқий шакллари ва воситаларига тобора кўпроқ мурожаат қилинмоқда.

Шу сабабли мазкур ўзгаришлар хусусий ҳуқуқий тизимга мансуб тармоқлар олдига янги вазифалар қўймоқда.

Бу вазифалар энг, аввало, ижтимоий ҳимоянинг нодавлат, хусусий ҳуқуқий шаклига хос бўлган иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий қатнашувчи шахслар ҳуқуқий мақомини белгилаш кабиларни ўз ичига олади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда баъзи бошқа нодавлат манбаларидан ҳам кенг фойдаланиш имкониятини ишга солиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган фуқаронинг ҳуқуқий мақоми барчага баробардир. Оддий шахс ҳам, кекса ҳам, ногирон ҳам фуқаро сифатида умумий мақомга эга. Ногиронлик ҳаётда айрим қийинчиликлар ва ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин, бироқ бу ҳолат уни фуқаро сифатида камситишга, сиёсий ёки бошқа ҳуқуқларини чеклашга асос бўлмайди.

Айни вақтда шуни ҳам унутмаслик лозимки, давлат айрим тоифадаги шахсларнинг маълум хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзига хос ҳуқуқий мақом белгилаши мумкин. Бироқ бу ҳуқуқий мақомда шахснинг энг асосий эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари ўзгармасдан қолади. Давлат инсонпарварлик, ижтимоий адолат нуқтаи назардан

келиб чиқиб, айрим тоифадаги шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини кучайтириши мумкин.

Меҳнат лаёқатининг пасайиши даромадларнинг камайишига олиб келади, соғлиқ заифлашади, кекса шахс бошқалар кўмагига муҳтож бўлиб қолади. Кексаларнинг эҳтиёжлари ҳам ўзгаради. Одатда эҳтиёж дейилганда инсон организмида ҳаёт фаолиятини сақлаш ва ривожлантиришга бўлган объектив зарурият тушунилади. Албатта, инсон эҳтиёжлари кенг ва ранг-барангдир. Бироқ кекса эҳтиёжлари асосан виталистик, яъни ҳаёт фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ, бунда ижтимоий эҳтиёжлар мазмуни ўзгаради. Кекса инсон жамиятда алоҳида ғамхўрликка муҳтож бўлиб қолади ва бундай ғамхўрлик давлат ва жамият томонидан албатта кўрсатилмоғи лозим. Бу ғамхўрлик замирида нафақат ачиниш, меҳр-саховат, инсонийлик, балки ижтимоий адолат ётади.

Фуқаронинг ҳуқуқий лаёқати (мулкий ҳуқуқий саломатлиги аҳволига кўра лаёқати, ёши билан боғлиқ лаёқати ва бошқалар) оммавий ҳуқуқий ёки хусусий ҳуқуқий усул ҳамда шаклларидаги ижтимоий ҳимоя чоралари шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Айни пайтда фуқароларнинг моддий қўллаб-қувватлашга, амалий кўмакка муҳтож бўлган қатламларни ҳимоялашга оид нормалар ҳамда қоидалар барча ҳуқуқ соҳаларида у ёки бу даражада мавжуддир. Бундай функция айрим ҳуқуқ соҳаларининг бевосита функцияларидан саналса (ижтимоий таъминот ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, оила ҳуқуқи), бошқаларида эса бу вазифалар бавосита уларнинг ўз функциялари амалга оширилиши орқали бажариб борилади. Масалан, маъмурий ҳуқуққа оид нормалар ижтимоий таъминот органларини бошқаришни самарали ташкил этса, Молия ҳуқуқи эса, ижтимоий таъминот ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган давлат маблағлари ва бошқа манбалардан олинадиган маблағларни ўз вақтида ёрдамга муҳтож табақаларга етиб бориши, ўз вақтида ва адолатли тақсимланишини таъминлайди.

Ўзбекистонда тиббиёт ҳуқуқи ўз шаклланишининг илк босқичларида бўлсада, аммо аҳоли соғлиғини сақлашга оид қонунчилик тармоғи ижтимоий ҳимояни назарда тутувчи ҳамда

амалга оширувчи муҳим соҳалардан ҳисобланади. Зеро, қариялар, ногиронлар, ёш болалар ёрдамга энг кўп муҳтож аҳоли табақаси бўлиб саналади. Бу нарса аҳоли соғлиғини сақлашга оид қонунчилик ҳужжатларида, хусусан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунида эътиборга олинган бўлиб, унинг бир қатор моддаларида болалар, ногиронлар, қариялар, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларнинг айрим турлари билан оғриган беморларга тиббий, тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг имтиёзли қоидалари назарда тутилган.

Ҳатто, ижтимоий ҳимоялаш вазифаларидан бир мунча йироқ бўлиб кўринадиган жиноят ҳуқуқи каби ҳуқуқ соҳалари ҳам ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя органлари ишни бир маромда кечишни таъминлаш, бу органлар мансабдор шахслари томонидан йўл қўйиладиган турли суиистеъмоллар, талон-торожларга қарши курашиш йўли билан аслида ижтимоий таъминот тизимлари самарали ишлашини, аҳолининг қонунда назарда тутилган ижтимоий ёрдам билан таъминланиши ҳуқуқини тўла-тўкис юзага чиқишига хизмат қилади.

Фуқаролик қонунларида ҳам кексалар ва ногиронлар манфаатлари алоҳида қўриқланадиган ҳоллар мавжуд. Масалан, ФКнинг 119, 120–моддаларига[81] асосан, муомалага лаёқатсиз деб топилган, ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди. Маълумки, бу икки тоифадаги фуқароларнинг кўп ҳолатларда ногиронлиги белгиланган бўлади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси XXV бобида умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни топшириш шартномаси ҳақидаги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Ўз хусусий турар-жойларига эга бўлган кексалар ва ногиронлар ўз хоҳишларига кўра ушбу шартнома асосида ўзлари учун зарур ҳаёт шароитларини таъминлашлари мумкин. ФКнинг 530-моддасига асосан, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни топшириш ҳақидаги шартнома бўйича бир тараф, яъни ёши ёки саломатлиги аҳволи сабабли меҳнатга лаёқатсиз бўлган

[81] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.

шахс (кекса ёки ногирон) бошқа бир шахсга уй-жойини ёки унинг бир қисмини топширади, мулк олувчи эса бунинг бадалига шахсни то вафот этганига қадар моддий жиҳатдан таъминлаш, яъни натура шаклида уй-жой (квартира), озиқ-овқат билан таъминлаш, уни парваришлаш ва бошқа зарур ёрдамлар бериб туриш мажбуриятини олади. ФКнинг 996-997–моддаларига асосан муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ногирон томонидан бошқа бировга зарар етказилганда жавобгарлик вужудга келмайди. Фуқаролик ҳуқуқида васийлик ва ҳомийлик институти мавжуд бўлиб, у ҳам кексалар ва ногиронларнинг манфаатларига хизмат қилади, одатда муомалага лаёқатсиз ногирон шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунда назарда тутилган ҳолларда мулкий ҳуқуқларини қўриқлаш учун васийлик белгиланади. Ҳомийлик институтининг моҳияти шундан иборатки, улар қисман муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажаришга ёрдам берадилар. Ҳомийлик баъзи ҳолларда жисмоний камчиликлари бўлган, масалан, кўзи ожизлик, майиблик, кексалик сабабли ўз ҳуқуқларини ўзлари амалга ошира олмайдиган ва ўз манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган тўла муомала лаёқатига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланади. Бундай шахсларга нисбатан ҳомийликнинг вазифаси ҳуқуқлар олиш ёки амалга ошириш билан боғлиқ ҳар хил ҳаракатларни улар учун бажаришдан иборат[82]. Меҳнатга лаёқатсиз кексалар ва ногиронларнинг ҳуқуқлари ворислик ҳуқуқи бўйича ҳам ҳимоя қилинади.

Хулоса қилиб, шуни қайд этиш мумкинки, ижтимоий ҳимоя бозор муносабатлари тараққиётига монанд равишда такомиллашиб, чуқурлашиб боради ва бунда давлат ижтимоий ҳимоясининг оммавий ҳуқуқий тизимлари билан бир қаторда нодавлат маблағларини ижтимоий ҳимоялаш жараёнига жалб этувчи, ҳомийлик ҳамда хайрия фаолият ҳуқуқий асосларини белгиловчи хусусий ҳуқуқий тизимларни ҳам янада такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ.

[82] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.-Т.:

ОИЛА ВА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАЪМИНЛАШ

Юрий Пулатов - Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети профессори,
юридик фанлар доктори, профессор
Вали Умаралиев - Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети доценти,
юридик фанлар номзоди, доцент

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси 1-қисимда: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” деб таъқидланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасига кўра: “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-она васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантиради” деган норма белгиланган” [1] .

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бевосита иштирокчи сифатида қатнашадиган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам (“Бола ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” [2] ушбу норма мазмуни ўз аксини топган**.**

Таъкидлаш керакки, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Одатда, ҳуқуқий нуқтаи назардан қаралганда, оила аъзолари ўртасидаги вужудга келадиган ижтимоий муносабатларга доир ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг икки шаклини, яъни, юрисдикцияли ва юрисдикцияли бўлмаган шаклларига ажратилади.

Юрисдикцияли ҳимоя қилиш шакли, бу ваколатли ҳокимият органларининг оилавий ҳуқуқий муносабатларда оила аъзоларининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш назарда тутилади.

Юрисдикцияли бўлмаган ҳимоя қилиш шаклига асосан, фуқаролар ваколатли давлат органларига мурожаат қилмасдан,

ўзлари мустақил равишда, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун доирасидаги тегишли ҳаракатларни амалга оширадилар. Бу ўринда, ҳимоя қилиш услублари, ҳуқуқлари бузилган шахсларга етказилган мулкий ва номулкий зарарлар миқдоридан ёки ноқонуний содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) чегараларидан ташқарига чиқмаслиги керак.

Амалдаги қонунчилик нормаларига асосан, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорларининг ижроси Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси зиммасига юклатилган. Фикримизча, ушбу қабул қилинган ҳал қилув қарорларининг ижросини таъминлаш, бевосита судьяларга ҳам юклатилиши лозим. Чунки, қанчалик адолатли, қонуний ҳал қилув қарор қабул қилинмасин, агарда унинг ижроси таъминланмаса, суд қароридан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Афсуски, бу ҳолат аксиомадир. Шу сабабли, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли нормаларида судьяларнинг ўзлари қабул қилган ҳал қилув қарорлари ижросини таҳминлашдаги маъсулияти ва жавобгарлиги аниқ белилаб қўйилиши керак деб ҳисоблаймиз. Ушбу масала Франция, Германия давлатлари суд тизимида аниқ мустаҳкамлаб қўйилган, шунингдек, судьянинг ўзи томонидан қабул қилган қарори ижросини таъминлаш мажбурияти ва жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш керакки, суд лар амалиётида вужудга келадиган энг кўп муаммолар мана шу қайд этилган ҳолат билан боғликдир. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича қабул қилинаётган, тахминан 10 та қарордан 4 таси ижро этиларкан, қолган 6 тасининг ижроси ёки чўзилади, ёки айрим сабабларга кўра (жавобгарнинг моддий имконияти йўқлиги, турар жой манзилида йўқлиги ва ҳоказо) қисман ижро этилмокда. Шунинг учун, судьялар ўзлари қабул қилган ҳал қилув қарор ижросининг натижаси учун маъсулиятли бўлишлари лозим.

Судья одил судловни амалга ошириш жараёнида асосий ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг 112-моддасида назарда тутилган судьянинг одил судловни амалга ошириш бўйича ваколати

унинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи, шунингдек, уни бошқа мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларидан ажратиб турувчи кенг дискрецион ваколат ҳисобланади.

Шу сабабли, судьяларнинг юридик жавобгарлигига тегишли масалаларни тартибга солувчи нормативужжатларни унификация қилган ҳолда,уларни замонавий талаблар ва халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш лозим.

Буюк Британияда фуқаролик ишларини кўриб чиқиш жараёнида суд маслаҳатчилари нафақат тарафлар учунфуқаролик-ҳуқуқий оқибатни вужудга келтирувчи қарор қабул қилишади, балки, зарарни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини ҳам қабул қилиш ваколатига эгадирлар.

Жумладан, Канада, Франция, Греция, Италия, Россия, Янги Зеландия, Англия, АҚШ давлатларида одил судловни амалга оширишда жамоатчилик наозаратининг ўрни салобатлидир ва суд маслаҳатчилари (суд присяжных) институти суд тизимда кенг жорий этилган.

Францияда суд маслаҳатчилари 16 ёшдан 18 ёшгача вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида, 3 та малакали судья ва 9 та маслаҳатчи қатнашиши лозимлиги – қонунда белгилаб қўйилган. Жумладан, суд маслаҳатчилари айрим тоифадаги, хусусан, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки 75000 евро миқдорида жарима солиш (юридик шахсларга) бўйича жиноят ишларида иштирок этадилар [3].

Айрим категориядаги фуқаролик ишларини судларда кўриб чиқишда

(масалан, алимент ундириш, фарзандликка олиш, мерос билан боғлиқ масалалар,ота-оналарнинг таъминоти), вояга етмаган болалар фойдасига ундирилаётган алимент тўловлари, шунингдек, уларга давлат томонидан тўланаётган ижтимоий моддий ёрдам маблағлари болаларнинг ота-оналари, васийлари, ҳомийлари томонидан мақсадли фойдаланилиши маҳалла

фаоллари ва судлар томонидан назоратга олиниши керак.

Афсуски, амалиётда бу маблағлар ноинсоф баъзи шахсларнинг айби билан болалар таъминоти учун сарфланмаётганлиги фактлари учраб турибди. Масалан, Тошкент шаҳрининг Яшнобод тумани, Авиасозлар, 4-мавзесида ота-онаси билан бирга яшовчи, 2009 йилда туғилган, Н.Самирова, ногирон бўлгани ҳолда, кун бўйи назоратсиз, кўчада юриши, кийим-боши юпун эканлиги, ўз вақтида овқатланмаслиги маълум бўлди.

Ваҳоланки, бу ўсмир учун унинг онаси алимент, шунингдек,давлат ижтимоий хизмат органларидан ҳар ойда моддий маблағлар олиб турганлиги қарамай ўсмир қиз бола, кўчада, назоратсиз тарзда юрганлиги учун ким жавоб беради?

Бу йўналишда албатта, шу каби масалаларни ижобий ҳал қилиниши бшйича, судьялар маъсулиятини ҳам сезиларли даражада ошириш билан биргаликда, жамоатчилик назоратини ҳам кучайтириш керак.

Бу ўринда, Фуқаролик процессуал кодексига тегишли норма киритилиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, Австрия Конституциясининг 91-моддасида – Одамлар одил судловни амалга оширишда қатнашадилар деб белгиланган [4].

Умуман, юридик адабиётларда оила, оилавий муносабатлар тарафлари, никоҳгни қайд қилиш, оила аъзолрининг ўзаро алимент мажбуриятлари масалаларига биор мунча эътибор қаратилагн бўлсада, бироқ, оила аъзоси тушунчаси таҳлилига алоҳида эътибор берилмаган.

Россия Федерациясининг “Судлар тўғрисида”ги қонунида судьянинг оила аъзоси сифатида фақат турмуш ўртоғи - эр-хотин, ота-онаси, фарзандлари, шунингдек, у билан умумий рўзғор юритувчи шахслар тушунилади.

Хулоса қилиб айтганда, бу масалалар юзасидан, юридик адабиётларда бир қанча фикр-мулоҳазалар юритилган [5] Албатта, мушоҳадалар, ҳуқуқшунос олимларнинг таҳлилий фикрлари жуда муҳимдир.

Оила аъзоси – тушунчаси, шунингдек, оила аъзолари қаторига кимлар киритилишига аниқ тасаввурга эга бўлиш учун, асосланган тушунча бўлиши керак.

Бу борада, оммавмий-ҳуқуқий соҳалардаги ёндашув ғамда хусусий ҳуқуқий соҳадаги ўзига хосликлар, уй-жой, оила қонунчилиги, инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир [6].

Юқорида қайд қилинган, она ва бола ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилиш тўғрисидаги фикрларни инобатга олгагн ҳолда, Конституциянинг моддаларига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади:

1. **63-модда қуйидаги таҳорирда берилиши мақсадга мувофиқдир:**

“Оила эркак ва аёлнинг ўзаро розилиги билан биргаликда турмуш қуришлари, шу орқали бир-бирига нисбатан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари, шунингдек, худди шу ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг яқин қариндошчилик, фарзандликка олиш натижасида вужудга келиши ҳам мумкиндир”;

2. **64-моддани қуйидаги таҳрирдаги 3-қисм билан тўлдириш лозим:**

“Давлат болалар ва ўсмирлар учун алоҳида ҳимоя чораларини амалга оширади”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2020, 21-22-бетлар.

2. Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: туплам /Узбекча нашрининг маъсул муҳаррири А.Х.Саидов. – Тошкент: “Адолат” 2004. - 220-241 бетлар; Ўзбекистон Республикасининг “Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси олий Мажлиси палаталарнинг ахборотномаси, 2008. – 1-сон, 1-модда.

3. Қаранг: Конституции мира (Сборник конституций государств мира. Т.6) . – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997. – С. 172.

4. Қаранг: Конституции мира (Сборник конституций государств мира. Т.1) . – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997. – С. 96.

5. Масалан қаранг: Нажимов М. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – долзарб масала. HUGUG va BURCH, 2021. - 10-сон. - 57-бет.

6. Қаранг: Оила аъзолари – тушунчасининг ҳуқуқий таърифи. – Т.: HUGUG va BURCH, 2021. - 10-сон. - 40-бет.

ИМУЩЕСТВЕННО - ДОГОВОРНЫЕ ОТНОШЕНИЯ МЕЖДУ СУПРУГАМИ

Шарипова Г.С. - Доцент кафедры «Обеспечения общественной безопасности». Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

«Как нам известно, главная цель нашей национальной независимости – обеспечить на практике приоритет жизни, прав и интересов, чести и достоинства каждого человека в стране»[26]

Право должно ориентировать общество на свободное развитие человека, на создание условий для развития и использования человеческих способностей, как в интересах отдельной личности, так и в интересах общества.

В Узбекистане на уровне законодательства и государственной политики созданы механизмы обеспечения и защиты прав женщин, в том числе политических. В целях реализации (включая положения международных) правовых актов, устанавливающих основные стандарты прав человека, статья 18 Конституции[27] страны закрепляет равенство полов перед законом, запрещает по половому признаку как дискриминацию в реализации прав и свобод, так и их ограничение.

[1] Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании посвященном 29-й годовщине независимости Республики Узбекистан

[27] Конституция Республики Узбекистан. Т-2021г.

Закон Республики Узбекистан «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин»[28] закрепляет обеспечение равных прав и возможностей для женщин и мужчин быть избранными в представительные органы власти, а также при выдвижении от политических партий кандидатов в депутаты

Необходимо отметить изменения, происходящие в Республики Узбекистан в области политики, экономики, идеологии, затрагивают и государственно-демографическую сферу, в частности брачно-семейные отношения. Нашему обществу не безразлично, каким будет выращено и воспитано подрастающее поколение, каким оно вступит в новое тысячелетие. Нельзя понять и правильно оценить состояние и перспективу развития такого важного социального института, как институт семьи и брака, не изучив тех перемен, которые с ним произошли. Особое значение приобретает изучение перехода от закрытой к открытой системе формирования брака и усиление эмансипации женщин, влияние развития личной свободы каждого из членов сообщества на брак и семью и др.

В данной статье, мы хотим раскрыть некоторые аспекты мотивов заключения брачного договора между супругами, а именно наиболее распространенным мотивом заключения брачного договора, очевидно, будет желание состоятельных супругов не допустить изменения своего имущественного положения

Мотивы изменения законного режима имущества супругов могут быть самым различными - от желания мужа спасти на случай развода предпринимательский капитал до стремления жены добиться равенства с мужем во всем. Однако каким бы мотивом супруги не руководствовались, они не имеют для брачного договора юридического значения.

Как нам известно - Брачный договор это соглашение лиц, вступающих в брак, или соглашение супругов, определяющее имущественные права и обязанности супругов в браке и (или) в

[28] Закон Республики Узбекистан «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин» от 2 сентября 2019 г

случае его распоряжения (ст.29 Семейного Кодекса Республики Узбекистан).

Особенность брачного договора состоит в том, что при помощи него изменяются уже имеющиеся либо вводятся новые имущественные права и обязанности. Так возникает договорной режим имущества супругов.

Брачный договор является консенсуальным, двусторонним, возмездным. Брачный договор может вступить в силу уже с момента достижения сторонами в надлежащей форме соглашения. Брачный договор может быть заключен как до государственной регистрации заключения брака, так и в период брака (ч.I ст.30 Семейного Кодекса Республики Узбекистан). Если договор заключен сторонами, которые только еще намерены вступить в брак, он считается заключенным под отлагательным условием, т.е. начнет действовать лишь с момента регистрации брака (ч. II ст.30 Семейного Кодекса Республики Узбекистан). Брачный договор не может ставить его стороны в крайне неблагоприятное положение или противоречить основополагающим началам семейного законодательства. Одним из таких начал является принцип равноправия супругов. Это означает, что брачный договор не может на одного супруга возлагать только обязанности, должны быть у каждой из сторон договора. Иначе какая-либо из сторон будет поставлена в крайне неблагоприятное положение. Наконец, поскольку брачный договор изменяет законный режим имущества супругов и является взаимным, в нем всегда имеются встречные имущественные предоставления. Так, изменение имущественной обязанности в качестве платы за предоставление лиц дополнительного права и наоборот. В результате брачный договор приобретает черты возмездности.

Цель договора - изменить законный режим имущества супругов для максимального приспособления этого режима к потребностям супругов. В результате изменения законного режима возникает режим договорной, который в какой-то мере иначе определяет имущественные права и обязанности супругов.

Во-первых, брачный договор не может ограничивать правоспособность и дееспособность супругов. Так, в нем не может быть предусмотрен для одного из супругов или для них обоих запрет совершать определенного рода сделки, например, договоры дарения.

Во-вторых, на основании брачного договора не могут быть ограничены права супругов на обращение в суд.

В-третьих, брачный договор не может регулировать личные неимущественные отношения между супругами. Содержание личных неимущественных прав и обязанностей урегулированной в законе и, по общему правилу, не может быть изменено соглашением сторон. Иногда провести границу между имущественными и неимущественными вопросами в семейных отношениях затруднительно. Например, супруги при приобретении общего жилища осуществляют как личное неимущественное право на совместное решение вопросов семейной жизни, так и право распоряжения своими средствами. В этих случаях необходимо придавать определяющее значение имущественным правам и обязанностям и допускать решение таких вопросов брачным договором, если только при этом не нарушаются основополагающие принципы семейного права.

Хотя брачный договор и не может закреплять личное неимущественные права и обязанности супругов, нарушение этих прав может повлечь для нарушителя ряд неблагоприятных имущественных последствий, предусмотренным брачным договором.

В четвертых, определение прав и обязанностей супругов в отношении их детей не может составить содержание брачного договора, поскольку в нем не участвуют и не могут участвовать сами дети. Дети выступают другой стороной, противостоящей супругам, в родительском правоотношении. То, что родителям приходится согласованно решать вопрос, касающихся детей, не лишает родительские отношения приоритетности. Отношения родителей между самими родителями по поводу детей всегда вторичны и не имущественны по своей природе. Поэтому они не могут быть урегулированы в брачном договоре.

В-пятых, брачный договор не может предусматривать положения ограничивающие право нетрудоспособного нуждающегося супруга на получение содержания. Вопросы взыскания алиментов в брачном договоре могут быть решены. Однако в интересах нетрудоспособного нуждающегося супруга закон устанавливает определенные ограничения автономии воли сторон. В брачном договоре нельзя снизить уровень гарантированности права на получение алиментов по сравнению с законным режимом. Но это не означает, что супруги не могут предусмотреть дополнительные права и обязанности по взаимному согласию по выплате алиментов. Например, один из супругов трудоспособен, но относится к числу нуждающихся, и поэтому получает содержание на основании брачного договора.

В-шестых, в брачный договор не могут включаться другие условия, которые ставят одного из супругов в крайне неблагоприятные положение или противоречит семейному кодексу Республики Узбекистан. Поставить супруга в крайне неблагоприятное положение - значить лишить его прав и одновременно возложить на него обязанности. Для многих супружеских прав и обязанностей важна их взаимность. То есть, каждый супругов должен иметь и права и обязанности одного итого же вида. Освободить одного из них от обязанности, значит поставить другого в крайне неблагоприятное положение. Например, оба супруга могут иметь и права и обязанности различных видов, но у одного из них все обязанности могут быть незначительными, а права - весомыми. В этом случае другой супруг оказывается в крайне неблагоприятном положении.

Стороны договора - лица, желающие вступить в брак, или супруги. Брачный договор предполагает наличие специального субъекта, любые другие лица заключить брачный договор не вправе. Брачный договор может быть заключен как до государственной регистрации брака, так и в период брака. Брачный договор, заключенный до государственной регистрации заключения брака, вступает в силу со дня государственной регистрации заключения брака (ст.30 Семейного Кодекса Республики Узбекистан). Таким

образом, при незаконном браке, брачный договор не может действовать. Если же брак уже расторгнут, то бывшие супруги так же не вправе заключить брачный договор. Однако они вправе заключить соглашение о порядке раздела общего имущества.

Изменение и расторжение брачного договора производится на основании ст.32 Семейного Кодекса Республики Узбекистан. Брачный договор может быть изменен или расторгнут в любое время по соглашению супругов. Соглашение об изменении или о расторжении брачного договора совершаются в той же форме, что и заключение брачного договора. Односторонний отказ от исполнения брачного договора по заявлению одного из супругов, т.е. без обращения в суд, не допускается. По требованию одного из супругов брачный договор может быть изменен или расторгнут по решению суда по основаниям и в порядке, установленным Гражданским Кодексом Республики Узбекистан.

Действие брачного договора прекращается с момента прекращения брака, за исключением тех обязательств, которые предусмотрены брачным договором на период после прекращения брака. Например, брачный договор может устанавливать на случай расторжения брака обязанности супругов по взаимному содержанию друг друга или обязательство одного из них предоставить в собственность или в пользование другому какую-либо вещь. В остальной части права и обязанности супругов, вытекающие из брачного договора, прекращаются.

Согласно ст. 33 Семейного Кодекса Республики Узбекистан брачный договор может быть признан судом недействительным полностью или частично по основаниям, предусмотренным Гражданским Кодексом Республики Узбекистан.

Суд может также признать брачный договор недействительным полностью или частично по требованию одного из супругов, если условия договора противоречат ч. V ст. 31 Семейного кодекса Республики Узбекистан.

Таким образом, во избежание споров материального характера договорной режим имущества супругов по-новому семейному законодательству регулируется брачным договором.

Предмет договора - имущественные права и обязанности супругов, подпадающие под законный режим их общего имущества , а также любые другие имущественные права и обязанности, которые могут принадлежать супругам в силу норм гражданского законодательства. Предмет брачного договора, т.е. обычные имущественные права и обязанности супругов, по соглашению сторон изменяются и начинают регулировать отношения между супругами в браке и (или) на случай его расторжения. Как только эти имущественные права и обязанности изменены они сами становятся правилами поведения супругов и тем самым образуют содержание брачного договора.

Форма договора–нотариальная, Брачный договор заключается в письменной форме и подлежит нотариальному удостоверению (ст.30 Семейного Кодекса Республики Узбекистан).

Выбор того или иного основания для регистрации зависит от содержания брачного договора, если с ним решается вопрос об отчуждении конкретной недвижимости в силу самого брачного договора, то тогда он сам является сделкой с недвижимым имуществом, которая подлежит регистрации на основании гражданского законодательства. Однако судьба объекта недвижимости может быть приурочена к договору о его приобретении или отчуждении, который должен быть заключен в будущем. Тогда брачный договор станет предварительным договором, который должен быть заключен в той же форме, что и окончательный договор.

Существенным условием брачного договора является изменение хотя бы одного имущественного права и одной обязанности супругов, которые обычно подпадают под законный режим имущества супругов, на будущее время. Именно этот признак позволяет разграничить брачный договор и соглашение о разделе общего имущества супругов. Соглашение о разделе всегда ретроспективно,

оно направлено в прошлое. Брачный же договор должен установить хотя бы одно правило, рассчитанное на применение в будущем - как в браке, так и при его расторжении.

Срок брачного договора не относится к числу его существенных условий. Брачный договор может быть заключен без указания срока и тогда он действует до прекращения брака, а если брачный договор заключен на случай расторжения брака, то он действует до полного исполнения сторонами своих обязанностей, предусмотренных договором и вступивших в силу после регистрации расторжения брака. Однако стороны брачного договора могут ограничить его действие определенным сроком. По истечении этого срока возникающие между сторонами имущественные права и обязанности вновь подпадают под действие законного режима общего имущества супругов.

Стороны могут также поставить права и обязанности, предусмотренные брачным договором, в зависимости от наступления или не наступления определенных условий. Уже в самом тексте Семейного Кодекса Республики Узбекистан запоминается, по крайней мере, два условия. Во-первых- брачный договор может предусматривать имущественные права и обязанности на случай расторжения брака. Расторжение брака в данном случае будет отлагательным условием. Во-вторых- брачный договор, заключенный до регистрации (отлагательное условие). Однако стороны в брачном договоре могут предусмотреть и любые другие условия, например, приурочить к расторжению брака отмену каких-либо прав, установленных договором.

Содержание брачного договора составляет распространение на имущественные права и обязанности супругов договорного правового режима, в результате чего они изменяются. Измененные права и обязанности по-новому оформляют отношения между супругами и служат ориентирами для их поведения в браке и (или) на случай его расторжения.

Наконец, режим раздельной собственности в отношении всего имущества супругов предполагает, что никакой общей собственности

между ними не образуется. Все имущество разделено. Каждый из супругов приобретает вещи только для самого себя. Возникновение же между ними общей долевой собственности возможно, но только в случаях, предусмотренных законом (например, применительно к неделимым вещам). Общая долевая собственность при раздельности имущества супругов на основании какого-либо договора, кроме брачного, может возникнуть только в случаях, когда договор данного типа в силу прямого указания закона может породить долевую собственность (например, договор простого товарищества). В остальных случаях возможность возникновения общей долевой собственности в отношениях между супругами должна быть предусмотрена брачным договором.

Режим раздельной собственности может быть установлен в отношении одной или нескольких вещей. Причем это имеет смысл только применительно к вещам, которые в рамках законного режима имущества супругов поступают в совместную собственность (общее имущество). Если в брачном договоре такой режим установлен в отношении вещи, находящейся в общей совместной собственности, то в отношении остального имущества остается в силе законный режим.

Допустимо также любое сочетание режимов совместной, долевой и раздельной собственности. Например, супруги могут договориться о том, что их общее жилище переходит в совместную собственность, а любое другое приобретение в период брака недвижимое имущество поступает в долевую собственность. При этом все доходы от предпринимательской деятельности, дивиденды признаются раздельным имуществом того супруга, который их получил.

Брачный договор может быть заключен в отношении как имеющегося, так и будущего имущества супругов (п.2 ст.31 Семейного Кодекса Республики Узбекистан). Изменить правовой режим наличного имущества можно и без помощи брачного договора. При помощи соглашения супруги могут разделить совместно нажитое имущество, т.е. превратить совместную собственность в раздельную. Напротив, вкладывая общие средства в

имущество, принадлежащее одному из них, супруги трансформируют раздельную собственность в совместную. Раздельная собственность может быть преобразована в долевую. Правда, преобразовать совместную собственность в долевую и наоборот без брачного договора затруднительно даже в отношении наличного имущества.

Определить же судьбу будущего имущества способен только брачный договор. Исключение составляет образование общей долевой собственности или раздельной, по соглашению супругов. Например, супруги решают создать коммерческое предприятие по договору простого товарищества и в этих целях объединяют свое раздельное имущество. Что же касается отказа супругов от возникновения между ними в будущем совместной или раздельной собственности, то это должно быть оформлено брачным договором, поскольку предполагает изменение законного режима.

В соответствии со ст. 31 Семейного Кодекса Республики Узбекистан брачным договором супруги в праве изменить установленный законом режим общей совместной собственности, установить режим совместной, долевой или раздельной собственности на все имущество супругов, на его отдельные виды или на имущество каждого из супругов. Если супруги желают установить тот или иной режим в отношении отдельных вещей, они должны оговорить это особо. В противном случае согласованный режим распространяется на все имущество супругов.

Режим совместной собственности. в отношении всего имущества супругов означает, что любое имущество, принадлежащее супругам до вступления в брак, объединяется и на него устанавливается право общей совместной собственности супругов. Возможность существования раздельной собственности супругов при этом исключается. При принятии супругами данного режима их права индивидуальной собственности трансформируются в право общей совместной собственности.

Режим общей совместной собственности может быть установлен в отношении оной или нескольких вещей. Причем это имеет смысл только применительно к тем вещам, которые в рамках законного

режима имущества супругов не поступают в совместную собственность (раздельное имущество). Если в брачном договоре такой режим установлен в отношении вещей, до того принадлежавший супругам индивидуально, то в отношении остального имущества, сохраняется законный режим.

Режим долевой собственности означает, что все имущество супругов переходит в их общую долевую собственность. Долевая собственность устанавливается в отношении как общего имущества супругов, находящегося в их совместной собственности, так и их раздельного имущества, если иное особо не оговорено. При этом было бы желательно четко определить размер долей супругов. Однако, если размер не согласован, доли должны определяться с учетом имущественных вложений и трудовых затрат каждого из супругов в общее имущество. 216 Секция 2. Современные проблемы правового регулирования брачно-семейных отношений

В итоге хотелось бы отметить, что заключение любого договора

должно носить исключительно добровольный характер, как собственно и сам брак. Ибо основной идеей заключения любого договора, в том числе брачного, диспозитивность, т.е., возможность свободного распоряжения субъектом своего права.

Список использованной литературы

1.Конституция Республики Узбекистан. Ташкент :Узбекистон, 2019.С-40..

2. Постановление Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева «Об утверждении концепции укрепления института семьи в Республике Узбекистан» от 27 июня 2018 года, Ташкент. Постановление Президента Республики Узбекистан. Ташкент, 22.04.2019 г. № ПП-4296 [Электронный ресурс] // Национальная база данных законодательства. URL: www.lex.uz

3. Закон "О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин" от 2 скетября 2019 г.[Электронный ресурс] // Национальная база данных законодательства. URL: www.lex.uz

4.Семейный кодекс Республики Узбекистан от 30 апр. 1998 г. № 607-1 (с изм. и доп.) //[Электронный ресурс] // Национальная база данных законодательства. URL: www.lex.uz 4.Комментарии Семейного Кодекса Республики Узбекистан. Ташкент : Адолат, 2000. 448 с.

5. Гражданский Кодекс Республики Узбекистан.Т.Адолат. 2020 г.

7. Уголовный Кодекс Республики Узбекистан Т. Адолат.2021г.

ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИГА ОИД НОРМАЛАРНИ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ғ.Т.Хакимов - ю.ф.н., доцент.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг V-бўлими бевосита ворислик ҳуқуқини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормаларга бағишлангандир. Унга биноан ворислик ҳуқуқи икки хил асосга кўра амалга оширилиши мумкин, яъни, **васиятнома бўйича** ва **қонун бўйича ворислик**.

Ворисликни амалга оширишнинг биринчи асосига тўхталадиган бўлсак, фуқаро ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда васиятнома ёзиб қолдириш орқали бошқа шахсларга тақдим этиш ҳуқуқига эгадир. Фуқаронинг мазкур хоҳиш-иродаси ифодаланган ҳужжат васиятнома деб эътироф этилади.

Васиятнома ёзиб қолдиришнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин ҳисобланади.

Бундан ташқари, мерос қолдирувчи васият қилаётган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома ҳам тузишга ҳақлидир. Яъни, васиятнома ёзиш пайтида муайян мол-мулкнинг васиятноманинг муаллифига тегишли

эканлиги шарт бўлмайди, у хоҳлаган шахснинг эгалигидаги ёки тасарруфидаги ёҳуд ҳар қандай мулкчилик шаклидаги мол-мулкни васият қилиб қолдириши мумкин. Агар шахснинг вафот этган пайтига келиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади, акс ҳолда васиятнома кучга кирмайди.

Васиятнома ёзишнинг яна бир жиҳати шуки, васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақлидир. Бу шуни англатадики, васият қилувчи ўзининг мол-мулкини оила аъзолари, фарзандлари ёки қариндош-уруғларига васият қилиб қолдиришга мажбур эмас, у хоҳлаган шахсга васият қолдириши, турмуш ўртоғи ва фарзандларини ҳеч қандай изоҳсиз меросдан маҳрум ҳам қилиши мумкин.

Васиятнома бўйича яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, васиятнома қолдиришга қонунчиликда талаб ва шартлар ҳам белгиланган. Уларни шартли равишда **умумий талаблар** ва **махсус талабларга** ажратишимиз мумкин. Васиятномани расмийлаштиришнинг умумий талабларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди. Яъни, васиятнома якка бир шахснинг хоҳиш-иродаси бўлиб, у мазмунан махфий ҳисобланади. Иккинчидан, васиятномани ёзаётган шахснинг хоҳиш-иродасини фақатгина унинг ўзигина ифодалай олади, тасдиқлай олади. Шунинг учун ҳам васиятномани унинг номидан бошқа шахс орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

2. Васиятномада меросхўрни тайинлаш ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида ғайриқонуний шартлар киритиб фармойиш бериш мумкин эмас. Яъни, васиятномани тузишда васиятнома бўйича меросхўрнинг зиммасига қонунга зид бўлган шартлар қўйилиши мумкин эмас. Акс ҳолда, васиятноманинг бундай қисми ҳақиқий ҳисобланмайди.

3. Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим. Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим.

Васиятномани расмийлаштиришнинг **махсус талаблари** асосан нотариал тартибда тасдиқланадиган васиятномаларга тааллуқлидир. Улар асосан қуйидагилардир:

1. Нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим. Васиятномани васият қилувчи сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олиш пайтида умумий қабул қилинган техника воситаларидан (ёзув машинкаси, шахсий компьютер ва ҳоказолардан) фойдаланилиши мумкин.

2. Васият қилувчининг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолашдан олдин васият қилувчи унинг матнини нотариус олдида тўлиқ ўқиб чиқиши лозим. Мазкур талаб муҳим аҳамият касб этади. Кўпинча васиятнома ёзиш мақсадида нотариал идорага ташриф буюрган фуқаролар васиятнома ёзиш бўйича ўзларининг хоҳиш-иродасини оғзаки баён этадилар. Нотариус унинг сўзларини васиятнома матнига киритади ва васиятнома лойиҳасини тайёрлайди. Мана шу лойиҳани тайёрлаш жараёнида васиятноманинг матнида, мазмунида техник, орфографик ёки грамматик хатоликлар бўлиши ёҳуд васият қилувчининг хоҳиш-иродаси тўлиқ ифодаланмай қолиши ҳам мумкин. Мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳамда васият қилувчи васият матнининг ўзи хоҳлагандек тузилганига ишонч ҳосил қилиши учун ҳам васиятни ўзи ўқиб чиқиши лозимлиги белгиланган.

Мазкур ҳолат бўйича яна шуни ҳам эътироф керакки, агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қилувчига нотариус томонидан ўқиб эшиттирилади, бу ҳақда васиятномада тегишлича қайд этилиб, васият қилувчи васиятномани шахсан ўқий олмаганлигининг сабаблари кўрсатилади.

Бугунги кунда нотариуслар томонидан васиятномаларни тасдиқлаш жараёни албатта видеога ёзиб олишлари мажбурий талаб қилиб белгиланган.

3. Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек, васиятнома ёзиш, уни тасдиқлаш жараёни махфий ҳисобланади. Мазкур талаб васиятномани ёзган шахсдан ташқари, васиятнома билан боғлиқ барча субъектларга таллуқлидирлар. Умуман олганда, нотариал идорада амалга оширилган ҳар қандай нотариал ҳаракатлар нотариал сир ҳисобланади ва нотариуслар бошқа ҳаракатлар қаторида васиятноманинг ҳам мазмунини сир сақлашга мажбурдирлар.

4. Тегишли шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Юқорида айтилганидек, васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим. Ёзма тузилган васиятнома эса албатта имзоланган бўлиши керак. Акс ҳолда, васиятнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Эътиборли жиҳати шундаки, васиятнома бутунлай ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Васиятномадаги айрим фармойишларнинг ҳақиқий эмаслиги васиятноманинг қолган қисми ҳақиқийлигига дахл қилмайди.

Васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу васиятномага биноан меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларда, яъни, қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Инсон – иссиқ жон. У турли вазиятларда ва шароитларда бўлиши, ҳар доим ҳам васиятномани тасдиқлаш учун нотариусга ташриф буюра олмаслиги мумкин. Юзага келган вазият эса зудлик билан васиятнома ёзишни вазият тақозо қилиши мумкин. Қонунчиликда **нотариал тасдиқланадиган васиятномаларга тенглаштириладиган васиятномалар** ҳам назарда тутилган. Улар қуйидагилардир:

- касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

- фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси байроғи остидаги кемаларда сузиб юрган вақтидаги ана шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

- қидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедициялардаги фуқароларнинг ана шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

- ҳарбий хизматчиларнинг, нотариуслар бўлмаган ерларда жойлашган ҳарбий қисмларда эса, бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳам ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

- озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

- нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалари.

Мазкур васиятномаларга ҳам юқорида келтирилган васиятномаларни тасдиқлашга оид талаблар қўлланилади.

МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Т.Х. Норметов - ЧОТҚМБЮ Гуманитар фанлар Кафедраси катта ўқитувчиси

Мустақил тараққиётимиз даврида эришилган натижалар таҳлил этилар экан, олдимизга қўйган олийжаноб мақсадимиз йўлида салмоқли натижаларга эришганимизга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Илм-фаннинг ривожланиши ва унинг эришган ютуқларидан кундалик ҳаётда кенг фойдаланиш цивилизациялашган жаҳон тараққиётининг бугунги кундаги муҳим хусусиятларидан биридир. XXI аср янги илмий технологиялар асри, фан ва унинг натижалари жамият муаммоларини бевосита ҳал этишга имкон берадиган, энг юксак самарали ишлаб чиқариш кучига айланган асрдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин”[29].

Илм-фаннинг ривожланиши ва унинг эришган ютуқларидан кундалик ҳаётда кенг фойдаланиш цивилизациялашган жаҳон тараққиётининг бугунги кундаги муҳим хусусиятларидан биридир.

Фаннинг ривожланиши нафақат одамлар турмуш тарзини, балки мамлакатлар ва халқларнинг ижтимоий сиёсий қиёфасини тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда, у ёки бу давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, обрў эътибори, куч-қудрати фан ва технологиялар тараққиёти билан ҳам белгиланмоқда.

Демак, юридик фанлар ҳуқуқий тизим ривожини, унинг фаол ҳаракатини, мамлакат ҳуқуқий ҳаётини, унинг келажагини, эртанги ҳуқуқий фаолият йўналишларини белгилаб беради. Юридик фанларга эътибор нафақат ҳуқуқий тизимнинг ўзи, балки у билан ҳамоҳанг тарзда мамлакат ривожига ижобий таъсирини кўрсатади.

[29] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // 2020 йил 24 январь // www.prezident.uz

Ўтган йиллар сарҳисоби шуни кўрсатмоқдаки, Конституция берган имкониятни ҳар бир шахснинг, оиланинг мулкдор бўлишида, тадбиркор бўлишида кўраяпмиз. Бугун бўш ўтирадиган давр эмаслигини ҳамма ҳис қилиб, ўзидан ўтказиб бўлди. Мулкдорликка, тадбиркорликка шунчалар ташкилий-ҳуқуқий, моддий-маънавий шароитлар яратилдики, фақат меҳнат қилиш, изланиш, соҳага инновацион ғоялар ва технологияларни киритиш пайти келди. Мулкдор ўз ҳуқуқларининг устуворлиги таъминланаётганини ҳис қилмоқда. Яъни, мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги принципига кўра, қонун ҳужжатларидаги хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилади. Бу борада шундай тартиб ўрнатилдики, хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ва бекор қилинмайди.

Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этганидек, “Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш — барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим”[30].

Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ижтимоий-сиёсий соҳада бўлгани каби иқтисодий муносабатларни, иқтисодий соҳани ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Зеро, бу икки жиҳат бир-бирини тўлдириши лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Асосий қонунимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцида “ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” экани, “бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби

[30] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // 2020 йил 24 январь // www.prezident.uz

дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин”лиги қатъий белгиланди.

Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Мулк ҳуқуқи муддатсиздир, яъни мулк эгаси ўзига тегишли бўлган мулкдан абадий фойдаланиши, ўзининг мулк ҳуқуқини хоҳлаган вақтда тасарруф этиши мумкин. Ҳеч ким мулкдорга ўз мулкини эгаллаб туриш, ундан фойдаланиш ва уни тассарруф этиш учун муддат белгилаш ҳуқуқига эга эмас.

Мулкка бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

Ўзбекистон Республикасида мулк хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларига эга бўлиб, унинг субъектлари фуқаролар, юридик шахслар ва давлат ҳисобланади.

Мулкнинг объектлари бўлиб, ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар ҳамда интеллектуал мулклар ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқи меҳнат фаолияти, тадбиркорлик фаолияти, мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш, давлат мулкини хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш ва бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлмаган асосларда вужудга келади.

Мол-мулк фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида кўчмас мулкка ва кўчар мулкка бўлинади. Кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк киради.

Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк кўчар мулк ҳисобланади. Кўчар мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш талаб

этилмайди, қонунда назарда тутилган (автомототранспорт воситалари, тракторлар, тиркамалар) ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда шундай мулк шакллари борки, уларни бошқариш ва тасарруф қилишда бошқа мулкдорларнинг розилиги талаб этилади. Жумладан, улушли мулк (масъулияти чекланган жамиятлар, акциядорлик жамиятлари ёки эр-хотининг биркаликдаги турмуши давомида ортирилган мулклар ва ҳоказо).

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Мазкур мулкни яхшилаш, кўпайтириш ва бошқа хўжалик юритуви билан боғлиқ харажатларни сотиш, хадя қилиш, айирбошлаш ва ҳоказоларни амалга оширилишида, бошқа мулкдорларнинг розилиги талаб этилади.

Фуқаролик ҳуқуқи нормаларида агар умумий мулкдорлардан бири мулкни яхшилаш учун қилаётган харажатларини бошқа мулкдорнинг розилигисиз амалга оширган тақдирда, бошқа мулкдор (қилинган сарф мулкни яхшилаш учун сарфланган бўлса ҳам) сарфланган пул маблағи учун ҳисса қўшиш мажбуриятини олмайди ва мулкни яхшилаш учун сарф қилган мулкдор (розилик олмаган) да бошқа мулкдорлардан талаб қилиш ҳуқуқини келтириб чиқармайди.

Давлат мулк шаклларини ривожлантириш мақсадида мулк ҳуқуқи субъектлари ҳуқуқларининг тенглигини таъминлайди ва унинг ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Мулк ҳуқуқи, мулкдорга маълум даражада масъулиятни келтириб чиқаради, яъни мулкдан фойдаланишда мулкдорлар - фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги, экологик муҳитга зарар етказмасликлари шарт.

Мулк ҳуқуқи – фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати (туғилиш давридан) бошлаб вужудга келиши мумкин, яъни янги туғилган боланинг мерос олиши, ҳадя олиши ва ҳоказолар асосида мулк ҳуқуқи вужудга келиши мумкин.

Аммо, мазкур мулк ҳуқуқининг вужудга келиши асосида мулкдан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқи фуқаронинг муомала лаёқати даврининг кириб келиши (18 ёшга тўлганидан сўнг) асосида вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 28-моддасига асосан ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомала лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин ёки 29-моддасида ўн тўрт ёшга етмаганлар томонидан фақатгина майда маиший битимлар, текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқланишни ва давлат рўйҳатидан ўтказишни талаб этмайдиган битимлар ҳамда қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муйян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни (кам миқдордаги пул суммаси билан олди-сотди битимлари) тасарруф этиш борасидаги битимларни тузишлари мумкин.

Мулк ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши, тугатилиши мумкин. Жумладан, мулкдорнинг мулкни сотиб юбориши, хадя қилиши ёки айирбошлаш натижасида, мулкнинг буткул нобуд бўлиши, Фуқаролик кодексининг 202-моддасига асосан национализация, яъни мулк ҳуқуқини ҳақ тўлаш эвазига давлат ихтиёрига ўтказилиши, 203-моддасига асосан реквизиция, яъни форс мажор (табиий офатлар, авриялар, эпидемиялар, эпизоотиялар) ҳолатларида ҳақ тўлаш эвазига олиб қўйилиши, мусодара қилинганда ва бошқа қонунда белгиланган ҳолатларда.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда давлат мулки объектларининг катта қисми давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Бир пайтлар жамиятда якка ва ягона қудратли мулкдор ҳисобланган давлат мол-мулки бозор қонуниятларига мувофиқ равишда мулкдорлар қўлига топширилди. Шу билан бирга, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ижтимоий

ҳаётнинг кўплаб соҳаларида давлат монополиясининг барҳам топишига ва соғлом рақобатнинг шаклланишига ҳамда давлатнинг мулкдорлик мавқеи тубдан ўзгаришига олиб келди.

Кўриниб турибдики, хусусийлаштириш соҳасида бундай тадбирларнинг амалга оширилиши давлатнинг мулкдорлик мақомини муайян соҳаларга йўналтиришини асосий мақсад қилиб қўяди.

Бу борада 1997 йилнинг 1 мартида амалга киритилган Фуқаролик кодекси ўзига хос қадам бўлди. Унда хусусий мулкка таъриф эътироф этилди: “Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонунчиликка мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди”. Бозор муносабатларининг ўзига хос Конституцияси бўлган – Фуқаролик кодекси ўтган йиллар мобайнида ўз миссиясини бажариб келмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мулкий-ҳуқуқий муносабатларни ҳамда мулкдорлар манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизмларини яратмай туриб, ҳуқуқий демократик жамият ва барқарор бозор иқтисодиётига асосланган фаолиятни амалга ошириш мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // 2020 йил 24 январь // www.prezident.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси.

TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINING RIVOJLANISHI ORTIDAN MUALLIFLIK HUQUQI SOHASIDAGI QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISHNING AHAMIYATI: MULKIY HUQUQLARNI JAMOAVIY ASOSDA BOSHQARUVCHI TASHKILOTLAR FAOLIYATI MISOLIDA

A.Yuldashov - Toshkent davlat yuridik universiteti
Intellektual mulk huquqi kafedrasi dotsenti v.b., yu.f.f.d.

Bugungi kunda O‘zbekistonda mualliflik huquqini muhofaza qilishning zamonaviy huquqiy mexanizmlarini takomillashtirish sohasida ilmiy tadqiqot ishlari amalga oshirilmoqda. Bu borada, ayniqsa, mualliflik huquqini muhofaza qilishning shartnomaviy-huquqiy asoslari va mexanizmlarini takomillashtirish, asarlardan foydalanishda “mualliflik shartnomasi” institutini keng joriy etish, taraflarning huquq va majburiyatlarini qat’iy belgilash, shuningdek xalqaro va milliy miqyosida mualliflar mulkiy huquqlarini boshqarishda qo‘llanadigan turli vosita hamda usullarini takomillashtirishning ilmiy-nazariy va amaliy yechimlarini topish dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi 1056-moddasiga ko‘ra, muallifga asardan har qanday shaklda va har qanday usulda foydalanishda mutlaq huquqlar tegishlidir. Ushbu kodeksga ko‘ra, intellektual faoliyat natijasiga yoki xususiy alomatlarni aks ettiruvchi vositaga nisbatan mulkiy huquqlar egasiga ana shu intellektual mulk ob’ektidan o‘z xohishiga ko‘ra har qanday shaklda va har qanday usulda mutlaq qonuniy foydalanish huquqi tegishli bo‘ladi [1].

Shuni ta’kidlash kerakki, mamlakat iqtisodiy ko‘rsatkichlarida mualliflik huquqi obyektlari ulushini hosil qilish va oshirib borish uchun fikrimizcha birinchi navbatda uning huquqiy himoyasi masalalarini ta’minlash lozim. Biroq amaliyotda yuqoridagi qonun normalari hamda mualliflik huquqiga hurmat tamoyillari deyarli “ishlamasligini” ko‘rish mumkin. Bu borada birinchi navbatda “intellektual mulk institutlari” rolini oshirish davr talabi hisoblanadi. Mazkur institutlar qatoriga mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlar, texnologiyalar va

innovatsiyalarni qo‘llab-quvvatlash markazlari, patent vakillari, ilmiy-tadqiqot va o‘quv muassasalarini kiritish mumkin.

Ma`lumki, texnika taraqqiyoti jadallashgan bugungi kunda mualliflik huquqi bilan muhofaza qilinadigan asarlar himoyasini ta`minlash masalasi dolzarb hisoblanadi. Zero, muallif yoki huquq egasi tomonidan asarni himoyasini ta`minlash juda qiyin va moliyaviy jihatdan juda qimmat, kerak bo`lsa aytish mumkinki imkonsiz hisoblanadi. Zero, simsiz aloqa vositalaridan foydalanish darajasi va doirasi juda keng. Har bir foydalanuvchi bilan kelishish va monitoring qilish masalalari haqida o`ylab ko`rishning o`zi yetarlidir. Ayniqsa chegara bilmas internet (virtual) muhitining rivojining o`zi buni yaqqol tasdiqlaydi. Bu jarayonda o`z-o`zidan bozor munosabatlari elementlari ham muhim rol o`ynaydi.

Ma`lumki, muallif yoki huquq egasi o`z asarlariga nisbatan huquqlarni boshqarishni mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqarish tashkilotlarga o`tkazadi. Bu jarayon esa litsenziyalash asosida amalga oshiriladi. Mualliflik huquqini litsenziyalashtirishni quyidagi shakllarda keltirish mumkin: birinchidan, jamiyat va iste`molchilar o`rtasida obro`ga ega bo`lgan foydalanuvchilar mualliflik huquqi bilan muhofazalangan asarlardan foydalanishda mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlar bilan kelishadi va shartnomalar tuzadi; ikkinchidan, foydalanuvchilar litzenziya olishadi va tegishli gonorarlarni to`lab borishadi, o`z navbatida mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlar tegishli haqni (ma`muriy xarajatlar uchun) chegirib olgan holda uni muallif (huquq egasi)larga to`laydi; mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlar o`z reestridagi asarlardan foydalanish holatlarini nazorat qiladi va zaruriyatga ko`ra yuridik harakatlarni amalga oshiradi [2].

Mualliflik huquqi obyektlari ro`yxatdan o`tkazilmasligi nuqtai nazaridan o`z navbatida mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlarga huquq egalikni tasdiqlash va aniqlashitirish bilan bog`liq hisoblanadi. O‘zbekiston Respublikasining “Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to‘g‘risida”gi Qonuni 65-moddasiga ko`ra, mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilot mulkiy huquqlarini boshqarish shunday tashkilot tomonidan amalga oshirilayotgan shaxslarning buzilgan

mualliflik huquqlari va turdosh huquqlarini himoya qilib qonunda belgilangan tartibda o‘z nomidan ariza bilan sudga murojaat etishga haqlidir. Shuningdek, mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilot o`z huquqlari qatorida o‘zi boshqarayotgan huquqlarni himoya qilish uchun zarur bo‘ladigan har qanday yuridik harakatlarni bajarish huquqiga ega. Aynan ushbu turdagi tashkilot tomonidan mualliflik huquqlarini himoya qilish bilan bog`liq holatni quyidagi misol orqali ham ko`rish mumkin.

Mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlar va mualliflar o`rtasidagi huquqiy munosabatlar topshiriq shartnomasi xarakteriga ega hisoblanadi. O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi 817-moddasiga ko`ra, topshiriq shartnomasi bo‘yicha bir taraf (vakil) ikkinchi taraf (topshiriq beruvchi)ning nomidan va uning hisobidan muayyan yuridik harakatlarni sodir etish majburiyatini oladi. Vakil tuzgan bitim bo‘yicha huquq va majburiyatlar bevosita topshiriq beruvchida vujudga keladi. Topshiriq vakil tomonidan bir yoki bir necha muayyan yuridik harakatlarni sodir etish haqida yoki topshiriq beruvchining ishlarini uning ko‘rsatmalariga muvofiq yuritish haqida berilishi mumkinligi belgilangan [3]. Yana shuni qayd etish lozimki, odatda amaliyotda mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlar ko`proq muallif va bastakorlar mulkiy huquqlarini himoyachisi sifatida ko`riladi. Bunga sabab ijrochilarning daromad olish manbalari ko`pligi, xususan bunda musiqiy “nashriyot”lar alohida o`rin tutishligi qayd etiladi. Sababi musiqiy “nashriyot”lar asosan ijrochi yoki fonogramma tayyorlovchi yoki ovoz yozuvchi studiyalar bilan ishlaydi hamda daromad manbasi sifatida ijtimoy tarmoqlar ko`rsatiladi (Youtube, Instagram kabi).

Vaholanki, mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlar ham turdosh huquqlar subyektlari mulkiy manfaatlari ifodachisi hisoblanishadi. Xususan, ushbu jihat Jahon savdo tashkilotining TRIPS bitimi normalariga muvofiq keladi [4].

Ma’lumki, O‘zbekiston Respublikasining 2021 yil 20 avgustdagi “Intellektual mulk obyektlarining huquqiy muhofazasi yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi

Qonuni bilan “Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to‘g‘risida”gi Qonunga zararlar yetkazilishi faktidan qat’i nazar, huquqbuzarlikning xususiyati va huquqbuzarning aybi darajasidan kelib chiqib ish muomalasi odatlarini hisobga olgan holda zarar qoplanishi o‘rniga bazaviy hisoblash miqdorining yigirma baravaridan ming baravarigacha miqdorda to‘lanishi lozim bo‘lgan tovonni to‘lashni nazarda tutuvchi qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritildi [5].

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasining “Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to‘g‘risida”gi Qonuni 65-moddasiga muvofiq, muallif, turdosh huquqlar egasi yoki mutlaq huquqlarning boshqa egasi huquqbuzardan huquqlarni tan olishini, huquq buzilishidan oldingi holatni tiklashini va huquqni buzadigan yoki uning buzilishi xavfini yuzaga keltiradigan harakatlarni to‘xtatishini hamda huquq egasining huquqi buzilmagan taqdirda, u fuqarolik muomalasining odatdagi sharoitlarida olishi mumkin bo‘lgan, lekin ololmay qolgan daromadi miqdoridagi zararlarning o‘rnini qoplashini talab qilishga haqli ekanligi belgilangan [6]. Ushbu moddadagi “mutlaq huquqlarning boshqa egasi” deyilganda aynan mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilot nazarda tutilganligini ta`kidlash lozim.

Yuqoridagi norma orqali tovon miqdori chegaralarining qonunchilikka kiritilishi sudlar uchun javobgarlik chorasini belgilashda muhim asos bo‘lib xizmat qildi deyish mumkin. Zero, ilgari bu kabi norma mavjud emas edi va sudlar tomonidan tovonni belgilash bilan bog‘liq holatlar deyarli kuzatilmagan.

O‘zbekiston Respublikasi “Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to‘g‘risida”gi Qonunning 58-moddasiga ko‘ra, mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilot o‘zi qaysi huquq egalarining nomidan ish ko‘rayotgan bo‘lsa, shu huquq egalarining nomidan va ulardan olingan vakolatlar asosida o‘zi boshqarayotgan huquqlarni himoya qilish uchun zarur bo‘ladigan har qanday yuridik harakatlarni bajarish huquqiga ega. Shuningdek, mazkur qonunning 65-moddasiga ko‘ra, mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilot mulkiy huquqlarini boshqarish shunday tashkilot tomonidan amalga oshirilayotgan shaxslarning buzilgan mualliflik huquqlari va turdosh huquqlarini himoya

qilib qonunda belgilangan tartibda o‘z nomidan ariza bilan sudga murojaat etishga haqlidir. Demak, O‘zbekiston Respublikasi “Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to‘g‘risida”gi Qonun normalariga muvofiq, bu kabi tashkilotlarga o‘z a’zosi bo‘lgan ijodkorlar nomidan ularning huquqlarini himoya qilish uchun barcha protsessual harakatlarni amalga oshirish vakolati mavjud degan xulosaga kelish mumkin.

Rossiyalik ushbu yo`nalishdagi olim Sergey Zyatitskiy jamoaviy asosda mualliflik va turdosh huquqlarni boshqarishning quyidagi 3 ta asosiy turini ajratib ko`rsatgan:

1) qisman jamoaviy boshqaruv yoki “agentlik turidagi jamoaviy boshqaruv”;

2) asarlar va turdosh huquq obyektlaridan shartnomasiz va haq to`lagan holda foydalanish holatlarida jamoaviy boshqaruv;

3) “kengaytirilgan jamoaviy boshqaruv”, mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlarga o`z a`zolari, shuningdek boshqa huquq egalari manfaatlarini himoya qilish yuzasidan harakatni amalga oshirish (shu jumladan, “blanket litsenziya” berish huquqini ham amalga oshirish) [7].

Mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlarga qo‘yiladigan asosiy talablardan biri bu – ular faoliyatidagi shaffoflik va yig‘ilgan mualliflik haqlarini belgilangan shartlarda va muddatda to‘lanishi hisoblanadi. Shunga ko‘ra hamda so‘nggi yillarda O‘zbekistonda ham bu kabi tashkilotlar soni ortib borayotganligi munosabati bilan Hukumatning “Mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlarni davlat ro‘yxatidan o‘tkazish va ular faoliyatini tartibga solish to‘g‘risida”gi qarorini qabul qilish va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi aynan mualliflik sohasidagi vakolatli organga yuklatilishi har tomonlama maqsadga muvofiq bo‘ladi. Xususan, Belarus Respublikasi, Singapur, Filippin kabi mamlakatlarda intellektual mulk bo‘yicha vakolatli organi tomonidan mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlarni ro‘yxatdan o‘tkazish (akkreditatsiya) tajribasi mavjud. Shu bilan birga, taklif etilayotgan ushbu qarorda mualliflik huquqi egalarining manfaatlarini himoya qilish maqsadida mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlar ta’sischilarining minimal soni hamda

ustav kapitalini belgilab o‘tilishi maqsadga muvofiq bo‘ladi. Zero “Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to‘g‘risida”gi Qonunda ham ushbu tashkilotlarni davlat ro‘yxatidan o‘tkazish shartlari va tartibi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilanishi aytib o‘tilgan.

Hozirda mamlakatimizda bir qator bu turdagi jamoat birlashmalari faoliyat boshlagan bo‘lib, bugungi kunga kelib ularning soni o‘sib, (6 ta) shu bilan birga faoliyati takomillashib bormoqda. Xususan, birgina 2019 yilda 3 ta mualliflik jamiyati O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligidan nodavlat notijorat tashkiloti sifatida ro‘yxatdan o‘tkazildi. Yuqoridagilardan kelib chiqib, so‘nggi yillarda O‘zbekistonda mualliflik huquqi bilan bog‘liq nizoli ishlar oshib bormoqda. Bu esa o‘z-o‘zidan ushbu yo‘nalish institutlari (mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlar) faol ishlayotganligidan hamda ijodkorlarning o‘z huquqlarini tushunib yetayotganligidan darak beradi. Shu bilan birga, hozirda O‘zbekistonda mualliflar va huquq egalarining mulkiy huquqlarini himoyasini ta’minlashga doir bir qator islohotlar amalga oshirilayotganligini ta’kidlash kerak. Xususan, mualliflar, turdosh huquq egalari hamda boshqa huquq egalarining qonuniy huquq va manfaatlarini, ularning mualliflik haqi (gonorar)ni adolatli olinishini ta’minlash shular jumlasidandir.

Umuman olganda, mualliflik huquqini jamoaviy boshqarish, xuddi intellektual mulkning boshqa obyektlari kabi muhim sanaladi. Xalqaro darajada huquqi muhofazani biz, tovar belgisi (Madrid tizimi) va ixtiro (PCT tizimi)da ko`rishimiz mumkin [8].

Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar yo‘nalishidagi tadqiqotlardan kelib chiqib, mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlar faoliyatiga doir quyidagi xulosalarga kelish mumkin:

Birinchidan, mulkiy huquqlarni jamoa bo‘lib boshqarish bilan shug‘ullanadigan tashkilotlar huquq egalari shartnoma asosida o‘tkazgan huquqlarnigina amalga oshirishi lozim.

Ikkinchidan, sub’ektlar (muallif, huquq egasi) xohlagan vaqtda bu tashkilotlarning nazorat qilish huquqiga ega bo‘lish imkoniyatini olishlari kerak.

Uchinchidan, mulkiy huquqlarni jamoaviy asosda boshqaruvchi tashkilotlar mualliflik huquqining turli sohalari bo‘yicha tuzilishi mumkin.

To`rtinchidan, tashkilotlar huquqlarining mulkiy huquqlarini boshqarish, ya’ni asarlardan foydalanganda haq yig‘ish bilan shug‘ullansa-da, lekin ular tijorat tashkilotining vazifasini bajarmasligi va o‘z xarajatlarini huquq egalarining ajratmalari hisobidan qoplashligi lozim.

Beshinchidan, bu tashkilotlar huquq egasining topshirig‘iga muvofiq, huquqlarni uchinchi shaxslarga ham o‘tkazish (litsenziya asosida) funksiyasini amalga oshirishi mumkin.

Mazkur takliflar bo‘yicha ishlarni to‘g‘ri va tizimli tarzda yo‘lga qo‘yilishi, o‘ylaymizki mualliflik huquqini himoyasini ta’minlashga bu orqali esa ijodkorlar mehnati uchun tegishli haqlarni to‘lanishiga hamda madaniyat va san’atni mualliflik huquqiga doir qoidalar asosida rivojlanishiga olib keladi. Ushbu jihatlar bevosita xalqaro normalar qoidalari (xususan, TRIPS bitimi) va tamoyillariga mos keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, [National Legislative Database] 21.08.2021-y., 03/21/709/0808-son.

2. Zijian Zhang. Rationale of collective management organizations: an economic perspective. doi 10.5817/mujlt2016-1-4. P.75.

3. Collective Management of Copyright and Related Rights, World Intellectual Property Organization (last visited May 11, 2017), [Available at: http://www.wipo.int/copyright/en/management/].

4. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi [National Legislative Database], 21.08.2021 y., 03/21/709/0808-son. [Available at: https://www.lex.uz/acts/1022944]

5. World Trade Organization (WTO) [Available at: https://wipolex.wipo.int/ru/text/329636].

6. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi [National Legislative Database], 21.08.2021-y., 03/21/709/0808-son.

7. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 21.08.2021 y., 03/21/709/0808-son. [Available at: https://www.lex.uz/docs/-1022944].

8. S.B.Zyatskiy Problemy realizatsii avtorskix I smejnix prav na kollektivnoy osnove v usloviyax razvitiya novyx texnologiy. Diss… na soiskaniy uchenoy stepeni k.yu.n. Moskva. 2003 g.[Problems of implementation of copyright and related rights on a collective basis in the context of the development of new technologies]. Diss... for the degree Ph.D. Moscow

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ҲУҚУҚИ: МАФКУРАВИЙ ЁНДОШИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдухолиқов С. - фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси профессори,
Толипов А.А.– социология фанлари бўйича фалсафа доктори, полковник, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси бошлиғи.

Биз Ўзбекистон халқи 1991 йил 31-август кунидан бошлаб, мустақиллик эълон қилинган кундан бошлаб, тўла қонли равишда демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш сари қадам ташладик. Демократик фуқаролик жамияти икки таркибий қисм – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг диалектик бирлигидан иборат. “Демократия” сўзи этимологик жиҳатдан “халқ ҳокимиятчилиги” маъносини беради, аммо янада тўлиқроқ қилиб айтганда, у манфаатлар уйғунлиги ва унинг бошқарилишидир. Бошқариш ҳам, ҳуқуқларнинг таъминланиши ҳам ҳокимият орқали амалга ошади. Демак, бу таъриф-тавсиф ҳалқ ҳокимиятчилиги феноменини ҳам ўз ичига олади.

Фуқаролик жамияти эса , аввало бор, нодавлат соҳаларни ўз ичига олади. Демократик фуқаролик жамиятининг асосий вазифаси жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашдан иборат. Бу вазифани кўпчиликнинг манфаатларини ифодалайдиган халқ ҳокимияти таъминлайди. Фуқаролик жамиятида фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш асосий ўринга чиқади. "Фуқаролик ҳуқуқи, - юридик фанлари доктори, профессор И.Зокиров, - ... мулкий

муносабатларни ва мулкий характерда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиш ва мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборатдир”.[Қаранг: Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. – Т.:”Адолат”, 1996. 6-бет]. Демак, фуқаролик ҳуқуқларини тадқиқ қилиш фуқаролик ҳуқуқи фанининг предмети ҳисобланади.

Биз 1991 йил 31-августга қадар коммунизм қуриш сари кетмоқда эдик. Коммунизм ғоялари Советлар мафкурасининг бир кўриниши сифатида бизга “Илмий коммунизм” фани орқали сингдириб келинди. Мисол келтирамиз: СССРда 10 ёки 20 сотихли томорқадан фойдаланиш мавжуд бўлса-да, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчилик йўқ қилинган эди. СССР даврида қишлоқ жойларда оила даражасидаги ҳар бир хўжалик учун 5 (беш)та кичик шохли, 3 (уч)та йирик шохли, шаҳар жойларда эса ҳар бир оила хўжалиги учун 3 (уч)та кичик шохли ва 2 (икки)та йирик шохли чорва моллари сақлаш ва фойдаланишга рухсат берилган эди. Фуқаролик ҳуқуқига оид бу ҳолат Совет давлатининг асосчиси В.И.Лениннинг “... биз ҳеч қандай хусусийчиликни тан олмаймиз, биз учун хўжалик соҳасидаги барча нарса оммавий – ҳуқуқийдир”, деган принципига асосланган эди. [Қаранг: Ленин В.И. ПСС., том 44. –М.: “Политиздат”, 1977. С.398]. Демак, СССРда юқорида кўрсатилган чорва молларини сақлашга оид факт, социализмда ўрнатилган мафкуравий принциплардан бири – ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчиликнинг “национализация” қилинишининг амалга оширилиши эди. СССР Конституциясининг 10-моддасида шундай дейилган эди: “СССР иқтисодий системасининг негизини давлат (умумхалқ) ва колхоз-кооператив мулклари формасидаги социалистик мулкчилик ташкил этади”.[Қаранг: Конституция СССР. –М.: “Юридическая литература”, 1987. С.7].

Чунки классик марксизм-ленинизмда ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчилик киши кишини эксплуатация қилишининг, жиноятчиликнинг ва бошқа тартибсизликларнинг манбаи ҳисобланади, деган бўрттирилган қараш мавжуд эди. Масалан, совет криминалогияси бўйича ёзилган дастлабки

дарсликлардан бирида жиноятчиликнинг пайдо бўлиши хусусий мулк вужудга келиши, жамиятнинг синфларга табақаланиши ва давлат ҳокимияти пайдо бўлиши билан боғлиқ ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида ўрганилган.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. ...”. Мазкур конституцион норма Конституциянинг 12-нормасининг амалдаги ифодаси ҳамдир. Унда шундай дейилган: “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.” Ҳақиқатдан ҳам мулкка оид мафкуралар бир неча хил бўлиши мумкин. Улардан бирини субъект ёки субъектлар уюшмаси ўз ҳолатларидан келиб чиқиб танлайди.

Биз ҳам социализмдан демократик фуқаролик жамиятига қадам ташладик. Ўтган асрнинг 90-йилларини эслайлик. Бу ўтиш даврига оид мулкий муносабатлар бўйича юридик фанлари доктори, профессор В.С.Нерсесянц шундай дейди: “Ҳуқуқ нуқтаи назаридан барча фуқаролар – социалистик мулкнинг тенг даражадаги ва тенг ҳуқуқли меросхўрларидир. Ҳар бир фуқаронинг социалистиклаштиришдан маҳрум этилган бутун мулкдаги барча фуқароларнинг тенг улуш олиш ҳуқуқи эътироф этилиши керак. Социалистик мулк индивидуаллаштирилган фуқаролик мулкига айлантирилиши ва ҳар бир фуқаро мулкка нисбатан барча учун тенг бўлган реал субъектив ҳуқуққа эга бўлиши керак.”[Қаранг: Нерсесянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. –Т.:”Адолат”, 2003. 145-бет].

Хўш, республикамизда фуқаролик ҳуқуқига оид бу жараён қандай кечган? Ўша давда шаклланган мулкдорлар мулкка эгалик қилишнинг қайси механизмлари ва ҳуқуқий нормаларидан фойдаланган? Бу – фуқаролик ҳуқуқи тарихида алоҳида тадқиқотларни талаб қиладиган соҳалардир. Биз бугун демократик

фуқаролик жамиятини шакллантириш тизимида эканмиз, унингн тезлашиш темпи кишиларимизнинг фуқаролик позицияларига боғликдир. Фуқаролик позицияси бу - ватанпарварликдир. Фуқаролик позицияси бу – ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонликлардир. Фуқаролик позицияси бу -иймонлилик, жумладан ҳалолликдир. Фуқаролик позицияси бу – ҳар бир фуқаронинг ўз ва жамият мулкига кўз қорачиғидай қарай билишидир. Кишиларимизда фуқаролик позицияларини шакллантиришда зиёлиларнинг ўрни каттадидир. Улар бугунги ва эртанги кунимизнинг йўлбошловчиларидир. Шунинг учун биз олий ўқув юртларида конституцион ҳуқуқ, иқтисодиёт назарияси, Ўзбекистон тарихи фанларини ва Имом Бухорий сабоқларини тўла қонли равишда ўқитиш тарафдоримиз. Бу фанлардан бири ҳуқуқий маданиятни, иккинчиси мулкка бўлган муносабатни, учинчиси мулкдан ҳам устун туйғу – ватанпарварликни, тўртинчиси эса иймон-инсофни шакллантиради. Ижтимоий фанларни чеклаш ва сифатсиз ўқитиш очкўзликни шакллантиради, “дарахтнинг бўшини қурт ейди” қабилидаги жараён келиб чиқади.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТЛАРИНИ МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯМИЗДА-МУСТАҲКАМЛАНИШИ

Дилшод Бобомуродов,
Сирдарё вилояти Прокуратураси
бўлим прокурори

Ўзида юксак инсонпарварлик ғояларини мужассамлаштирган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳаётимизда муҳим ўринни эгаллайди. Мамлакат иқтисодий тизими тубдан янгиланиб, унинг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди. Бозор иқтисодиёти тизимини шакллантириш фуқаролик қонунларини тубдан қайта кўриб чиқишни, мутлақо янгидан-янги қонунлар қабул қилинишини тақозо қилди. Жамиятдаги мулкчилик ва мулкий муносабатларнинг мазмун-

моҳияти ўзгарди. Хусусий мулк ўз қонуний асосларига эга бўлиб иқтисодиётимизнинг янада ривожланиб боришида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар” – деб номланган IX бобининг дастлабки моддасида ҳам айнан мулкдорлик мақоми ва унинг кафолатлари белгиланган. Ушбу бобнинг дастлабки моддаси ҳисобланган 36-моддасининг биринчи жумласида “ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли”лиги мустаҳкамланган. Мазкур қоида шахснинг мулкдор бўлиши қонуний нуқтаи назардан чекланмаслиги ва мулкдорлик мақоми ҳар бир шахснинг хоҳишидан келиб чиқиб амалга оширилишини назарда тутади.

Жамиятимиз иқтисодий негизини белгилаб берувчи конституциямизнинг мазкур нормаси ўзбек давлатчилиги ривожланишини тарихий тажрибасини ҳисобга олиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган устувор нормаларига таяниши билан фуқаролар учун муносиб ҳаётни таъминлашга асос бўлиб, барқарор маданий бозор иқтисодига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти бунёд этишни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

Ушбу нормадаги “ҳар бир шахс” атамасини таҳлил қиладиган бўлсак фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектларини мулкдор бўла олишини назарда тутади. Шуниси аҳамиятлики, қонунчилигимизга мувофиқ фуқаролик ҳуқуқи субектларини қонуний асосларда мулкдор бўлишлари учун бирор бир таъқиқлар ўрнатилмаган. Ҳаттоки, фуқароларимиз туғилмасидан ёки туғилиши билан ҳам мулкдор бўлишга ҳақли ҳисобланади ва қонунчилигимизда бунинг учун барча ҳуқуқлар кафолатлаб қўйилган.

Ушбу конституциявий қоидалар бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик эркинлиги ва хусусий мулкдорлар қатламини шакллантиришда ва шу орқали фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Мамлакатимизда фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган иқтисодий ҳуқуқларини, аввалambор, мулк ҳуқуқини кафолатлаш билан боғлиқ ислоҳотлар самараси ўлароқ, иқтисодий ўсиш

суръатлари мунтазам ошиб бормоқда. Ҳаттоки жорий йилнинг ўн бешинчи ноябрь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги ЎРҚ-728-сон қонуни[1] ҳам соҳа учун айни пайтда ва ўз ўрнида қабул қилинганлигидан далолат беради.

Шахснинг мулкдорлик мақоми ва мулкдорлик асосида қўлга киритадиган ҳуқуқлари Конституциянинг 36-моддаси нормаларидан келиб чиқиб, соҳага оид бир нечта қонунлар ишлаб чиқилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида мулкдор шахснинг мулк ҳуқуқи тушунчаси ва бу ҳуқуқнинг субъектлари доираси ўз ифодасини топган. Ушбу кодекснинг 164-моддасига биноан, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир, 168-моддасига кўра эса, “фуқаролар, юридик шахслар ва давлат мулк ҳуқуқининг субъектларидир [2] деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётини, муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни туб моҳиятида ҳам айнан мулк ҳуқуқини кафолатлаш ётади. Фуқаролик кодексининг 207-моддаси 2-қисмига мувофиқ, шахснинг хусусий мулкка бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслигининг ўзи ҳам мулк ҳуқуқининг кафолатланишини англатади. Мазкур норма Ўзбекистон Республикасида мулкий муносабатларини тартибга солиш борасидаги энг жозибадор қоидалардан бири саналади. Мустақилликка эришгунимизга қадар мулкка эгалик қилиш борасида қатор чекловлар мавжуд эди. Моҳиятан, “миқдор ва қиймат” тушунчалари мол-мулкнинг “ҳажм ва баҳо” бўйича ўлчамларида чегара мавжуд эмаслигини англатади. Бунда айрим мол-мулклар миқдор жиҳатидан жуда катта ҳажмда бўлгани ҳолда қиймат нуқтаи назардан юқори бўлмаслиги ва аксинча миқдори кам бўлган мол-мулк қиймат жиҳатидан жуда юқори баҳоланиши мумкин. Шу сабабли, қонунчилигимизда бир вақтнинг

ўзида хусусий мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслиги қоидаси белгиланган [3].

Шахснинг мулкдорлиги учун муҳим бўлган яна бир қоида мулкнинг дахлсизлигидир. Зеро, “хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин”.

Хусусий мулкка нисбатан белгиланган “дахлсизлик ва давлат ҳимоясида бўлишлик” хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш чоралари орасида ўзига хос ўринга эга. Биринчи навбатда “дахлсизлик” деганда, шахснинг ўзига ёки муайян ҳуқуқларига нисбатан қонунга зид бўлган ҳатти-ҳаракатлар билан у ёки бу даражада таъсир ўтказишни тақиқловчи қонуний чоралар мажмуи назарда тутилади. Иккинчидан, “дахлсизлик” – ҳуқуқ субъектига тегишли ва унинг ваколатлари остида ҳамда хўжалик ҳукмронлигидаги объектнинг ҳар қандай ҳуқуқбузарликлардан холи бўлишини қонун билан таъминланганлигини ҳам англатади [4].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига асосан, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Ушбу Конституциявий норма мамлакатимизда мулк шаклларининг турли хил бўлиши мумкинлигини ўзида ифодалаб, уни миқдорий чегараламайди. Лекин Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси мулкнинг икки шакли хусусий ва оммавий мулкни ҳуқуқий тартибга солади.

Гарчанд, Фуқаролик кодексида мулкнинг икки шакли мустаҳкамланган бўлсада, Конституциянинг 53-моддаси мулкнинг бошқа шаклларда бўлиши мумкинлигини ҳам эътироф этади. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасида мулкнинг Фуқаролик кодексидаги сингари анъанавий икки шаклидан ташқари жамоа мулки, аралаш мулк ҳамда бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларининг мулки каби шаклларда бўлиши ҳам кўзда тутилган.

Бозор муносабатларининг асосини ташкил этувчи мулк шаклларидан бири бўлган хусусий мулк қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган ҳар қандай нарсалар бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 207-моддасига кўра, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланиб, қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бош ислоҳотчи сифатида иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини кафолатлайди. Ушбу кафолатлар бевосита Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) 3-бобида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари белгилаб қўйилган. Унинг 18-моддаси тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг конституциявий кафолатларига бағишланган бўлиб, унга кўра давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари қатори дахлсиздир ва давлат томонидан ҳимоя қилинади. Тадбиркорлик субъекти мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, бошқа ташкилотларнинг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидалиги ҳамда мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва у асосида қабул қилинган қонунлар Ўзбекистон танлаган мустақил тараққиёт йўлининг иқтисодий негизини ҳамда "ўзбек модели"нинг конституциявий-ҳуқуқий асосини белгилаб берди, шунингдек, бозор муносабатини асосини ташкил қилувчи хусусий мулкни ва унинг дахлсизлигини кафолатлайди.

Шу маънода мулкдор ўз мулкига бўлган ҳуқуқларини ихтиёрий равишда, ўз хоҳишига кўра амалга оширади. Мулкдорнинг ўз хоҳиши деганда, унинг ўз эрки, иродаси билан ўз манфаатларини кўзлаб, бировнинг (учинчи шахсларнинг) тазйиқисиз, ғайриҳуқуқий таъсирисиз ҳаракат қилиши назарда тутилади. Агар мулкдорга нисбатан бундай ҳолатда зўрлик, тазйиқ кўрсатилган бўлса, қонун мулкдорнинг хоҳиш-иродаси эркин амалга оширилишини кафолатлайди ва муҳофаза қилади. Айни вақтда мулкдорнинг ўз хоҳишига кўра иш тутишини қонун, инсоф ва адолат доирасида амалга ошириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида мулкдан фойдаланиш жараёнида мулкдорга нисбатан бир қатор мажбуриятлар ҳам юкланган бўлиб, унга кўра мулкдор давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатига зарар етказмаслиги, уларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслик шарт.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси том маънода мулк ҳуқуқини давлат томонидан кафолотловчи, мулк ҳуқуқини устуворлигини эътироф этувчи, мулкдорларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги билан тавсифланади.

Хулоса ўрнида айтганда, мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг конститциявий асослари бўлган ҳар кимнинг мулкдор бўлишга

ҳақлилиги, мулк шаклларининг тенглиги ва мулкнинг дахлсизлиги қоидалари мамлакатимиздаги мулкчилик тизими ва субъектларнинг мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг кафолатларини ифодалайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги ЎРҚ-728-сон қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.11.2021 й., 03/21/728/1046-сон

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.: Адолат -2019.

3. Эргашев В.Ё. Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари. –Т.:ТДЮИ, 2009

4. Раҳмонқулов Ҳ.Р., Рўзиназаров Ш.Н., Оқюлов О. ва бошқалар. Хусусий мулк объектларининг ҳуқуқий мақоми. –Т., 2006

ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО И НЕПРИКОСНОВЕННОСТЬ СОБСТВЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ: СТАТУС, ГАРАНТИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ

Алишер Боротов –
Преподаватель Ферганского государственного университета

Согласно историческим источникам с момента формирования и развития человеческого общества существует такая категория как личная «собственность». Считается, что право собственности, как один из крупнейших институтов гражданского права, занимает особое место в системе экономических отношений. Ведь в зависимости от состояния правового регулирования собственности и материальных благ, от того, кому принадлежит собственность и как она распределяется между членами общества, формируются экономические отношения и определяется будущее развитие страны.

Одним из важных современных явлений, наблюдаемая в законодательной юридической практике, является тенденция к кодификации законодательных актов. С введением в действие Налогового и Избирательного кодекса ряд законодательных актов утратило свою легитимность. В свою очередь, можно перечислить те отношения, которые назревают в связи с кодификацией – связанные с деятельностью некоммерческих организаций, эколого-правовые, здравоохранением, а также с предпринимательской деятельностью.

В своём Послании Олий Мажлису 29 декабря 2020 года Президент Узбекистана Ш. Мирзиёев отметил, что «Намечено пересмотреть около 5 тысяч нормативно-правовых актов, регулирующих предпринимательскую деятельность, сократить их количество, а также разработать Предпринимательский кодекс»[31]. Несомненно, проект Предпринимательского кодекса был разработан. Так что же утверждает наука? В этом выступлении упоминаются аспекты, связанные с предпринимательской деятельностью, собственностью и ее правовыми основами (иерархия и кодификация), а это еще одна большая область, приобретшая свою актуальность в сфере социальных отношений.

В свою очередь возникает вопрос: а в чем выражается важность, необходимость, цель принятия Предпринимательского кодекса, его предмет правового регулирования и системный анализ действующего специального законодательства в сфере предпринимательства?

22 августа текущего года Президент Шавкат Мирзиёев провел открытый диалог с предпринимателями республики, где им были выделены **пять основных направлений** и выдвинуто множество инициатив по каждому из них.

В первом направлении были определены отдельные подходы по поддержке предприятий, в свою очередь разделенные на категории.

В частности, предприятия с годовым оборотом до 1 млрд. сумов – микробизнес, до 10 млрд. сумов – малый бизнес и до 100 миллиардов сумов относятся к категории среднего бизнеса. В связи с этим, с 1 января 2023 года для микропредприятий будет введена единая 4-

[31] https://president.uz/uz/lists/view/4057.

процентная налоговая ставка вместо нынешних ставок (от 4 до 25 %) налога с оборота. Предприятия, годовой оборот которых превышает 1 млрд. сумов и которые перешли на общий порядок уплаты налогов, платят в течение года в 2 раза меньше налога на прибыль. Эти возможности создают некоторое облегчение для 370 тысяч предпринимателей.

Невзирая на экономические трудности, вызванные пандемией, было объявлено, что с 1 января 2023 года ставка налога на добавленную стоимость будет снижена на 12 %.

Второе направление коснулось создания благоприятной системы финансирования. С этой целью было установлено, что на проекты малого бизнеса будет направлено 20 трлн. сумов. Кроме того, коммерческие банки также привлекают средства от международных финансовых институтов. Бизнес нуждается в инфраструктуре и гарантированном рынке. В связи с этим отметим, что возможности в Ташкенте и в отдаленных областях и районах совершенно разные.

Поэтому в третьем направлении ставится вопрос внедрения отдельных подходов к бизнесу, исходя из условий районов и городов. Со следующего года все районы и города будут разделены на 5 категорий в соответствии с их условиями. Они устанавливают отдельные процедуры выдачи налогов, субсидий, компенсаций и гарантий по процентам по кредитам, подключения к инфраструктуре.

Сумма, установленная для приватизации земли, то есть уплаты земельного налога в размере 20, снижена до 10 в городе Ташкенте и областных центрах и в 5 раз в остальных регионах.

Четвертое направление коснулось защиты имущественных прав предпринимателей. Было отмечено, что при отмене решений о выделении земли и имущества в ходе расследования, только суд может принять решение о передаче имущества. Также будут расширены возможности предпринимателей обращаться в судебные органы. В частности, при обращении в административные суды ставка госпошлины снижается в 2 раза. Срок подачи жалобы в суд по решению налоговых органов предпринимателями продлевается с 1 месяца до 3 лет.

В пятом направлении затронуты вопросы контроля за деятельностью предпринимателей и их привлечения к ответственности.

Прежде всего, был объявлен трехлетний мораторий на введение новых мер ответственности и наказаний в отношении предпринимателей. Было сказано, что со следующего года дублирующийся контрольные функции 26 ведомств будут отменены[32].

Итак, в чем же заключается необходимость принятия Предпринимательского кодекса?

Создание правовых основ в ходе процесса формирования системы рыночных отношений в стране осуществлялось не только законами, но и нормативными документами. Многие министерства и ведомства учитывая свои направления деятельности и компетенции приняли тысячи нормативных документов, регулирующих предпринимательскую деятельность. В этих нормативных актах, наряду с рациональными нормами организации и осуществления предпринимательской деятельности в определенных сферах появились нормы, представляющие ведомственные интересы, относящиеся к определенным бюрократическим процедурам, а также те, которые противоречат нормативным документам других ведомств.

В результате возник крайний дискомфорт для правоприменительной практики. Кроме того, продолжается процесс кабинетной нормализации деятельности министерств и ведомств. Реализуются меры по унификации, систематизации, сокращению нормативной массы в сфере предпринимательства. Закон устанавливает принцип приоритета прав хозяйствующих субъектов в качестве решения противоречий в нормативных документах. Однако полноценного внедрения в судебную практику не было обеспечено. Чрезмерная попытка правового регулирования предпринимательской деятельности на практике привела к ограничению независимости, свободы, инициативы хозяйствующих субъектов.

[32]https://uza.uz/uz/posts/prezidentning-tadbirkorlar-bilan-ochiq-muloqoti-yangi-tashabbuslar-qulaylik-va-engilliklar_401053.

Следует отметить, что на данный момент широкий пласт нормативно-правовой базы, регулирующая ведение бизнеса, наблюдается и в некоторых других государствах. Однако в этой области у них не возникает трудностей и проблем благодаря тому, что законы занимают основное положение в нормативном массиве, правовая база обеспечена информационно-коммуникационными технологиями, наличием высококвалифицированных юристов и системы юридических услуг, и, наконец, независимостью судебной практики и правильным применением законов.

Опыт Узбекистана накопленный за годы существования плановой экономики показал, что чрезмерная централизация собственности и возложение всех проблем общества на государство, безынициативность и иждивенчество (как хозяйствующих субъектов, так и обычных граждан) в конечном итоге привели к деградации экономики и в конечном итоге, ее кризису. Однозначно можно сказать, что данный горький факт, приведший к концентрации более 90% материальных благ в руках государства, в реальности вызвало стагнацию экономических отношений[33].

21 декабря 1995 года был принят закон «О стимулировании развития малого и частного предпринимательства»[34], а 14 апреля 1999 года – «О предпринимательстве и гарантиях деятельности предпринимателей»[35]. 25 мая 2000 года, с принятием и введением в действие закона «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности»[36], состоящего из 51 статьи, акцент вышеуказанных законов утратил свою силу. 2 мая 2012 года данный закон (ныне действующий на практике) был принят в новой редакции (статья 52) с тем же названием[37]. На современном этапе вопросы взаимоотношения предпринимательской деятельности стремительно

[33] М.Х.Баратов. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида давлат иштирокининг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фан. докт. ...Дисс. –Тошкент: 2008. 102-б. (Дисс... докт. юрид. наук. М.Х.Баратова на тему «Теоретические и практические проблемы участия государства как субъекта гражданско-правовых отношений» на соискание учёной степени доктора юридических наук. –Ташкент: 2008. 102-с./ Dissertation of Baratov Mirodiljon Khamudjanovich on the theme «Theoretical and Practical Problems of Participantion of the State as the Subject of Civil-legal Relations» submitted for a doctor's degree on legal sciences. –Tashkent: 2008. –P.102.).

[34]//Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1995 г., № 12, ст. 252. 124. URL.: https://lex.uz/docs/97220.

[35]//Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1999 г., № 5, ст. 106. URL.: https://lex.uz/docs/8582.

[36]//Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2000 г., № 5-6, ст. 140. URL.:https://lex.uz/docs/4177.

[37]//Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2012 г., № 18, ст. 201. URL.: https://lex.uz/docs/2006777.

развивается в открытом правовом пространстве. В частности, данная сфера регулируется более чем 440 нормативно-правовыми актами (более 80 законов, более 170 Указов и Постановлений президента, более 70 Постановлений Кабинета Министров).

Выше приведенные факты утверждают об очевидности беудержанности масштабов и разобщенности отношений в данной сфере. Такая ситуация создает трудности как для правоохранительных органов, так и для предпринимателей и администраторов. Для прояснения своего отношения к реальному положению дел, необходимо перебрать десятки документов.

Указом Президента «Об утверждении Национальной стратегии Республики Узбекистан по правам человека»[38] от 22 июня 2020 года предусмотрена разработка 5 новых кодексов, в т.ч. – проекта Предпринимательского кодекса. В нем особое внимание уделено необходимости полной кодификации законодательства в сфере предпринимательской деятельности, радикального пересмотра антимонопольного регулирования предпринимательской деятельности с учетом перехода национальной экономики к рыночным отношениям, регулирования возникающих общественных отношений с правовыми, экономическими и социальными условиями и гарантиями, которые обеспечивают свободу предпринимательства в Республике.

В условиях становления цифровой экономики важное значение имеет изучение состояния и тенденций развития предпринимательского законодательства. Цифровая экономика оказывает значительное влияние на приведение законодательства в сфере бизнеса в единую систему и его совершенствование. Однозначно можно утверждать, что разработка проекта Предпринимательского кодекса в стране проводится впервые.

Цель – совершенствование законодательства в сфере взаимодействия между субъектами и государством, включая государственное регулирование предпринимательской деятельности,

[38]//Национальная база данных законодательства, 23.06.2020 г., № 06/20/6012/0953. URL.: https://lex.uz/docs/4872357.

предпринимательских отношений, правопорядка, ликвидации организаций, либерализации права, создания правовых, экономических и социальных условий, а также гарантии законности.

Кодификация законодательства, регулирующего предпринимательскую деятельность, - довольно сложный процесс. Поэтому важно изучить ситуацию в государствах с передовым опытом, а также понять важность кодификации для хозяйствующих субъектов и правоохранительных органов. В 1994 году в Российской Федерации был поставлен вопрос о разработке и принятии нового Гражданского кодекса, наряду с Гражданским процессуальным и Налоговым кодексом. В условиях, когда основная часть Кодексов и законов была принята, Предпринимательский кодекс не был принят. Проблема кодификации предпринимательского законодательства в стране до сих пор была предметом наибольших дискуссий научных кругов.

Однако мнение некоторых ученых заключается в том, что правовая база, регулирующая предпринимательство в Российской Федерации, то есть специальные законы, направленные на развитие положений Гражданского кодекса и регулирующие предпринимательство, работают и преуспевают, что свидетельствуют об отсутствии необходимости в принятии Предпринимательского кодекса.

Среди стран, входивших в состав бывшего Союза, Украина одной из первых приняла Хозяйственный кодекс. Но и здесь можно увидеть разные мнения ученых и практиков о его значении.

Необходимо обратить особое внимание на то, что нормы отраслевого законодательства, которые повторяются в Хозяйственном кодексе Украины, привели к тому, что в 2016 году Министерство юстиции Украины выступило с предложением об отмене этого кодекса.

В некоторых странах Европы разрабатываются Экономические кодексы. Когда Предпринимательский кодекс принимается в странах дуалистической системы, экономический блок основывается на триаде, то есть на Гражданском, Торговом и Предпринимательском кодексе. А в странах с монистической системой, как например,

Узбекистан, возникает дуалистическое противоречие: Гражданский кодекс - Предпринимательский кодекс. В этом случае главное - четко определить сферы влияния и пересечения Предпринимательского кодекса и Гражданского кодекса, не допустить дублирования друг друга и различных форм конкуренции. Правовое поле регулирующее предпринимательскую деятельность в нашей стране, действуют четыре источника ресурсов: законодательные акты Республики Узбекистан; правовое поле саморегулирования – система местных, корпоративных источников; «традиции» делового оборота, связанные с местными обычаями и традициями; зарубежное законодательство.

В нашей стране в последнее время в особых экономических зонах широко применяется англо-саксонская система права. Правовая основа для применения норм исламского финансирования установлена в законопроектах о небанковской деятельности. Известно, что население традиционно придерживается категорий «халял» («честность»), «харам» («нечестности»), «инсоф» («совесть»), «адолат» («справедливость»), и его моральные устои, неразрывно связанные с нормами мусульманского права. В Гражданском кодексе Кыргызстана договорным конструкциям посвящено около пятидесяти норм мусульманского права. Возможно, в проекте Предпринимательского кодекса также можно будет создать систему возможностей для предпринимателей, основанную на выборе альтернатив.

Кодификация законодательства с целью унификации актуализировался не только с точки зрения национальной законодательной системы, но и в связи с опытом зарубежных стран. Такой способ систематизации также встречается в древних романо-германской и англосаксонской правовых системах. Уже сейчас опыт кодификации правового регулирования предпринимательской (торгово-промышленной) деятельности эффективно используется в США, некоторых государствах Европы и Азии.

Вышесказанное включает в себя Единый Коммерческий кодекс, принятый в США в 1952 году[39]; Коммерческий кодекс, принятый во Франции в 2000 году (законодательная часть) и в 2007 году (нормативные части), Коммерческий кодекс, принятый в Германии в 1897 году, пакет коммерческого законодательства, принятый в Испании в 1885 году, Коммерческий кодекс, принятый в Республика Корея в 2012 году. Изучение опыта этих государств позволяет предположить, что разработка законодательства в этой области, имеющий приоритетный статус, является продуктом законотворческой деятельности, которая систематически осуществляется на местах.

Существуют также мнения о том, что подход к консолидации действующих законодательных актов должен быть приоритетным при разработке Предпринимательского кодекса. Как следствие, возникает вопрос: какими должны быть форма и содержание этого кодекса?

Сфера предмета регулирующих отношений Предпринимательского кодекса должна включать правовые основания для создания организации субъектов предпринимательства, установления и управления ее деятельностью, определения договорно-правовой базы, методов и средств осуществления государственного контроля, реорганизации, ликвидации субъектов предпринимательства, установления прав и обязанностей субъектов предпринимательства, установления системы гарантий.

В общей части Кодекса желательно отразить понятие предпринимательства, круг его субъектов, их основные права и обязанности, система гарантий и особенности защиты их прав. При создании системы этих норм может быть эффективно использован закон «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности». Отношения между предпринимателем и государством предлагается регулировать государственными органами на основе адаптации, переработки и совершенствования норм закона «О государственном контроле деятельности хозяйствующих субъектов» в разделе о

[39] https://pravo.hse.ru/intprilaw/doc/0201.

контроле хозяйствующих субъектов[40]. Закон «О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов»[41] также может быть использован для создания Предпринимательского кодекса, будучи адаптирован в соответствующей форме.

Нынешний период стратегического развития диктует необходимость существования справедливых, разумно выгодных «цифровых правил» для государств в различных правовых системах. Потому что база нормативного правового акта, созданного в сфере предпринимательства и частной собственности, рассчитана исходя из основных вопросов, представляющих интерес для иностранных инвесторов.

С этой целью при осуществлении государственно-частного партнерства с зарубежными странами в области экономического сотрудничества эволюционное развитие законодательных норм следует рассматривать как объект специального правового мониторинга в вопросах защиты прав и интересов не только национальных хозяйствующих субъектов, но и инвесторов зарубежных стран. Классическое, буквальное понимание частного и публичного права, которое сегодня неоднократно подчеркивается, уже не соответствует общественной реальности.

В литературе законы об организационно-правовых формах хозяйствующих субъектов, в том числе законы «О частном предприятии», «О семейном предпринимательстве», «Об обществах с ограниченной ответственностью и дополнительной ответственностью», «О ширкатных (кооперативных) хозяйствах», «О фермерском хозяйстве», «Об акционерных обществах и защите прав акционеров», «О дехканском хозяйстве», как определяющих статусы отдельных юридических лиц части. Также есть также предложения о включить в систему Предпринимательского кодекса законы «О конкуренции», «О банкротстве», «О рекламе», хотя это привело бы к неуместному расширению системы Предпринимательского кодекса.

[40]//Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1999 г., № 1, ст. 8. URL.: https://lex.uz/docs/1824.
[41]//Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1998 г., № 9, ст. 170. URL.: https://lex.uz/docs/10872.

Доктринальные вопросы предпринимательского права, которые должны быть закреплены в Предпринимательском кодексе - понятие предпринимательства, приоритет прав субъектов предпринимательства, разрешено то, что не запрещено законом, установление презумпции добросовестности субъектов предпринимательства до тех пор, пока не будет доказано обратное, нормы об имущественном иммунитете, свободе от заключения, полная компенсация понесенных убытков.

Кстати, в проекте есть попытка обрисовать фермерское хозяйство в новой интерпретации, отказавшись от ее традиционного подхода, который принят во всем мире. Ферма является семейным предприятием, которое, согласно традиционной концепции, производит сельскохозяйственную продукцию, управляется одним руководителем на основе частной собственности на землю. А в проекте это рассматривается как предпринимательская деятельность по выращиванию сельскохозяйственной продукции в качестве квалифицирующего признака, которая может быть организована в любой организационно-правовой форме. В данном случае упор делается на индивидуальное предпринимательство и простую кооперацию (ширкат). Индивидуальный предприниматель не может организовать крупномасштабное производство и попадает в зависимость от кластерной системы.

Тот факт, что коммерческим юридическим лицам, таким как частное предприятие, ООО, будет разрешено производить сельхоз продукцию, скорее всего, будет положительно характеризовать ликвидацию монополии в этой области. Трудно заранее спрогнозировать, каким будет результат интерпретаций и толкований проекта. Если считается, что в таком подходе есть рациональный смысл, то необходимо экспериментировать в той или иной области не менее двух лет. На наш взгляд, было бы неразумно рассматривать ферму как готовую концепцию, отступая от традиционного толкования.

Необходимость принятия Предпринимательского кодекса заключается также в том, что пока нет единой концепции системного

развития предпринимательских законодательных актов, их слишком много и в них есть противоречивые нормы. Так, нормы правового регулирования цифровой предпринимательской деятельности не имеют системного содержания. Также можно сослаться со стремительным развитием правоприменительной практики в отношении законодательства о предпринимательской деятельности, сложностью осуществления исполнительного мониторинга довольно большого нормативно-правового массива, наличия нормативных «лазеек» в отношении небольших институтов предпринимательской деятельности, слабость степени применения правовых механизмов, связанных с административными процедурами.

Какой результат и какой эффект может дать принятие данного Кодекса?

Нормативный массив, регулирующий предпринимательскую деятельность становится компактным, обеспечивается взаимная гармония актов, минимизируются коллизии между компонентами, решаются противоречия, возникают новые механизмы для усиления механизма защиты прав предпринимателей, усиления их гарантий.

Использование единого нормативного ресурса, формирующего механизм универсального правового регулирования, создает большие удобства для субъектов предпринимательства, особенно для малого и среднего бизнеса, не имеющих собственных структурных подразделений юридической службы. Им способствует переход от стадии простой правовой грамотности – к стадии юридических квалификационных навыков. То есть упрощаются административные процедуры взаимодействия хозяйствующих субъектов и государства, и осуществляется переход к ведению цифрового бизнеса.

В целом, комплекс нормативно-регулирующих мер, связанных с обеспечением неприкосновенности имущественных прав субъектов предпринимательства, особенно в отношении их недвижимости, преодолении барьеров на пути реализации гарантий их прав, создания условий для развития механизмов применения инновационных цифровых технологий, расширение правовых механизмов передачи имущества в доверительное управление, направленных на увеличение

эффективности реализации гражданского права, в конечном итоге - повысит экономическую свободу, независимость в принятии решений и серьёзной экономии.

Одним словом, необходимо добиться того, чтобы Предпринимательский кодекс не повторял нормы Гражданского кодекса и не содержал противоречивых норм. Это обуславливает необходимость рационального и эффективного использования законотворческой деятельности для правового регулирования данной сферы.

Как отметил президент нашей страны, «многовековой опыт прогресса показывает, что без частной собственности, без ее надежной гарантии не может быть построено сильное социальное государство. Поэтому мы должны усилить конституционные гарантии, необходимые для обеспечения защиты частной собственности в нашей Генеральной Ассамблее. Чтобы каждый предприниматель, каким бы большим и маленьким он ни был, всегда чувствовал на практике, что он находится под защитой государства, Конституции, законов и Президента. Как и в развитых странах, такая процедура должна быть установлена таким образом, чтобы собственник не был лишен своего имущества без решения суда, без его согласия, без справедливой компенсации. В то же время я думаю, что пришло время определить вопрос о не пересмотре и не отмене как конституционную норму, а также результаты децентрализации и приватизации»[42].

В реальности это так: в проекте закона о Конституции Республики Узбекистан отражено правило о том, что «результаты разгосударствления и приватизации не будут пересмотрены или отменены».

В заключении необходимо отметить, что стратегический курс реформ национального законодательства в конечном итоге должно быть направлено на переход к абсолютной системе защиты прав собственности. То есть, если нет признаков нарушения и использования прав собственности, то отмена прав собственности без

[42] https://president.uz/uz/lists/view/5272.

согласия собственника должна быть строго исключена. Суд не должен иметь права выносить решения по «сносу», как это принято в Японии или в Китае. В связи с этим предлагается ввести в Конституцию Республики Узбекистан правовую процедуру «отмена прав собственности без согласия собственника исключается, если нет прецедентов при возникновении и использовании прав собственности в криминальных целях».

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ВОЕННОГО ПРАВА В СИСТЕМЕ ВОЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ КИТАЯ КАК ФАКТОР ОБЕСПЕЧЕНИЯ СТАБИЛЬНОСТИ СТРАНЫ

Девяткин Александр Валерьевич –
начальник отдела организации научно-
исследовательской деятельности
Университета общественной безопасности РУ, доцент

В мире продолжаются сложные политические и социально–экономические процессы, повышается необходимость определения приоритетов национальных интересов, выявления внутренних и внешних угроз национальной безопасности, определения реальных возможностей
и ресурсов государства и общества для предотвращения угроз национальной безопасности, а также оценки и определения стратегических целей национальной безопасности.

На современном этапе развития и становления правоохранительных органов развитых стран, изучение истории и проводимых в этих странах реформ в системе обеспечения внутренней безопасности, представляет особенный интерес для Республики Узбекистан, кроме того, опыт Китайской Народной Республики является одним из передовых в мире и нуждается в особом изучении соответствующими специалистами.

Необходимо отметить, что история органов обеспечивающих внутреннюю безопасность КНР ведет свое начало с 1928 г., когда при Коммунистической Партии Китая (далее - КПК) была создана партийная разведка - Особый комитет ЦК КПК. В его функции

входили охрана партии и его руководящих органов, разведывательная, диверсионная и информационная работа.

Одновременно с этим, в конце 1951 - начале 1952 г. в Китае были развернуты две массовые политические кампании: движение против
«трех зол» (коррупция, расточительство, бюрократизм) в партии, массовых организациях, государственных учреждениях и движение против «пяти зол» (подкуп работников государственного аппарата, уклонение от уплаты налогов, хищения государственной собственности, махинации с государственными заказами, хищения экономической информации и использование ее в спекулятивных целях) среди буржуазии. Особенно энергичной была компания против «трех зол», вылившаяся в широкую чистку городских парторганизаций и госаппарата. Во время этой кампании во всех крупных учреждениях и войсковых частях создавались народные трибуналы, имевшие право выносить смертные приговоры. Председателями трибуналов были руководители учреждений и военачальники. По всей стране проходили судебные митинги, нередко сопровождающиеся расстрелами обвиняемых на глазах у многотысячной толпы[43]. Именно в это время Отдел по социальным вопросам был переименован в Бюро расследований Центрального комитета. Затем в начале 1980-х на базе этого Бюро организовывается Министерство государственной безопасности, которое берет на себя функции внешней разведки. Кроме того, был создан единый, координирующий все эти службы орган (он подчинялся лично Мао Цзэдуну) - Центральный контроль безопасности и внешних связей КПК.

Для защиты наиболее важных учреждений ЦК КПК и районов, где жили руководители КПК, была создана специальная воинская часть. Она подчинялась непосредственно Военному совету ЦК КПК. Отбор в это подразделение был очень жесткий. В первые дни образования данного подразделения Мао Цзэдун лично отбирал претендентов. Одновременно с проведением политических кампаний предпринимались попытки навести в стране элементарный правопорядок. На освобожденной территории действовали многочисленные отряды гоминьдановских войск и помещичьи банды, шайки уголовных преступников. Особенно высокий уровень

[43] См.: Новейшая история Китая. М., 2010. - С. 254 - 255.

общеуголовной преступности был в крупных городах Китая - Шанхае и Гуанчжоу, которые традиционно являлись центрами китайской преступности[44].

Общая численность остатков гоминьдановских войск и уголовных банд достигала в 1950 г. 2 млн. человек. Вооруженные банды совершали налеты на части НОАК, местные органы власти и партийные комитеты, разрушали коммуникации, убивали партийных и государственных работников, грабили и терроризировали население. На ликвидацию бандитизма были брошены регулярная армия и войска общественной безопасности, привлечено народное ополчение. Данная кампания продолжалась весь 1951 г. и часть 1952 г. В ходе движения были разгромлены подпольные организации гоминьдановцев, ликвидирована деятельность тайных феодальных обществ «Инуаньдао», «Дуньшанынэ»[45]. По оценкам китайских политических деятелей, в ходе кампаний начала 1950-х годов было уничтожено более 800 тыс. человек[46].

Следующим этапом развития правоохранительных институтов КНР является период «Великой культурной революции». Данный период времени в Китае означал по существу свертывание юридической политики. С 1966-1969 г. разрабатывались и осуществлялись политические акции, прямо направленные на уничтожение правовой системы, правоохранительных органов.

Леворадикальное, нигилистическое отношение к праву и законности было господствующим направлением китайской юридической политики в период «большого скачка» и «Великой культурной революции». В это время начавшаяся складываться после 1949 г. правовая система была подвергнута значительным деформациям. Нормы закона заменялись идеологическими принципами «линии масс» и «продолжающейся революции». Преступления рассматривались не столько с точки зрения противозаконности действий, нарушающих общественный порядок, сколько с учетом социального происхождения, мотивов преступного поведения и его самооценки нарушителем. Политическая практика была поставлена выше Конституции - основного закона страны. Важнейшие конституционные положения отменялись партийными решениями без внесения соответствующих вопросов в

[44] См.: Государственный строй Китайской Народной Республики. - М., 1988. - С. 26 - 28.

[45] См.: Новейшая история Китая. М., 2010. - С. 246.

[46] См.: Инако Цунэо. Право и политика современного Китая. - М., 1978. - С. 72.

государственные органы[47].

«Великая культурная революция» привела к практически полному отказу от использования правовых форм социального регулирования, к нарушению элементарных принципов законности в отношении политических противников и инакомыслящих. Она оказала дестабилизирующее воздействие на многие сферы жизни китайского общества. Наиболее разрушительное воздействие испытала на себе правовая система.

«Продолжение революции в условиях диктатуры пролетариата» ослабило правоохранительные органы. В первую очередь именно они подвергались атакам радикальных активистов культурной революции - хунвэйбинов и цзаофаней. В декабре 1966 г. Цзян Цин заявила: «Войска общественной безопасности, прокуратура, Верховный суд - все это пришло к нам от капиталистических государств! стоит над партией, над правительством: все они в конечном итоге занимаются надзором за ними, поставляют на нас черные материалы, являются органами бюрократии. На протяжении последних лет они неизменно противостояли председателю Мао»[48].

Отход от принципов юридической законности и политики первых лет строительства социализма в КНР привел к тому, что доминирующим методом поддержания общественного порядка в стране стали внесудебные репрессии и использование армии - «основы диктатуры пролетариата».

Рассматривая следующий этап развития правоохранительных органов, необходимо отметить период после «Великой культурной революции» (1977 г.). На вооруженные силы - НОАК и Народное ополчение - были возложены не только оборонные, но и хозяйственные, а также полицейские функции. Армия объявлялась «рабочим и производственным отрядом», который мог быть использован в целях защиты от подрывной деятельности.

При этом, официальному упразднению была подвергнута ликвидированная ранее система органов прокуратуры. Ее функции были возложены на органы общественной безопасности (в 1978 г. система органов прокуратуры восстановлена). Но по мере развития КНР непрерывно совершенствовалось само государство, как следствие, усложнялась структура его аппарата, непрерывно возрастала специализация государственных институтов. В этих

[47] См.: Государственный строй Китайской Народной Республики. - М., 1988. - С. 21 - 22.

[48] См.: Цит. по: Гудошников Л.М. Политический механизм Китайской Народной Республики. - М., 2005. - С. 161.

условиях, а именно необходимости экономического развития, установления правопорядка в структуре государственного механизма появляется специальный орган, ответственный за выполнение решений центральных органов власти и обеспечение правопорядка в стране - полиция.

Необходимо отметить, что исторический анализ возникновения, становления и развития различных элементов СОВБ КНР показал, что данная система детерминирована политическими, экономическими, социально-культурными и географическими факторами. При этом, процесс становления и развития СОВБ КНР начался с момента образования КНР - 01 октября 1949 г. и последовательно прошел три этапа.

Первый этап - с момента образования КНР и до «Культурной революции» (1949 – 1966 гг.). Данный период характеризуется возникновением в структуре органов исполнительной власти Министерства общественной безопасности, Министерства обороны и Отдела по социальным вопросам (внешняя разведка), которые наряду с Народной освободительной армией Китая осуществляли функции по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности.

Второй этап - с начала «Культурной революции» до ее окончания (1966 – 1977 гг.) и характеризуется слиянием органов общественной безопасности, суда и прокуратуры в единые карательные органы - «комитеты» диктатуры пролетариата. Эти органы производили аресты, проводили следствие и организовывали массовые митинги для вынесения «судебных» решений.

Третий этап - с начала экономических реформ по настоящее время, характеризуется образованием в 1983 г. МГБ КНР и появлением в структуре МОБ КНР Народной вооруженной полиции Китая. Данный шаг был предпринят руководством КНР с целью централизации разведывательных и контрразведывательных функций, которые выполняли различные органы государственной безопасности и пограничной охраны, в том числе некоторые функции, выполнявшиеся МОБ КНР.

Необходимо отметить, что уже к началу 1980-х годов в КНР четко обозначились все элементы полицейской системы, входящие в СОВБ КНР, осуществляющие задачи по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности, которые функционируют и в настоящее время: органы общественной

безопасности (Министерство общественной безопасности КНР; Народная вооруженная полиция КНР[49] (компонент вооруженных сил КНР); органы государственной безопасности (Министерство государственной безопасности КНР); Центральный военный совет КНР; Министерство обороны КНР.

С учетом вышеизложенного, можно сделать следующий вывод, что даже после образования органов общественной безопасности КНР, которые возникли в результате проведенного вскоре после провозглашения КНР слияния Управлений общественной безопасности местных властей КПК и одноименных подразделений военно-контрольных комитетов, роль НОАК по поддержанию общественного порядка в стране оставалась главенствующей.

Одновременно с этим, необходимо подчеркнуть, что в связи с нестабильной обстановкой, активизацией международного терроризма
и экстремизма, возрастания противоборства в информационном и киберпространстве роль правоохранительных органов в СОВБ КНР, занимает особое место в обеспечении общественной безопасности и правопорядка
в КНР, в связи с чем, исследование процессов формирования правоохранительных институтов и их взаимодействие в СОВБ КНР является одной из актуальных задач исследователей и требует системного изучения.

Список используемой литературы:

1. Закон Президента Республики Узбекистан № ЗРУ – 489 «О противодействии экстремизму» от 30 июля 2018 года // lex.uz.
2. Закон Президента Республики Узбекистан № ЗРУ - 647 «О Национальной гвардии Республики Узбекистан» от 18 ноября 2020 года // lex.uz.
3. Новейшая история Китая. М., 2010. - С. 254 - 255.
4. Инако Цунэо. Право и политика современного Китая. - М., 1978. - С. 72.

[49] Народная вооружённая милиция Китая (кит. упр. 中国人民武装警察部队, пиньинь Zhōngguó Rénmín Wǔzhuāng Jǐngchá Bùduì, палл. Чжунго жэньминь учжуан цзинча будуй, сокр. кит. упр. 武警, пиньинь Wǔjǐng, палл. Уцзин) - составная часть Вооружённых сил Китайской Народной Республики, внутренние войска КНР. До 1 января 2018 года войска милиции были включены в организационную структуру Госсовета, находясь в двойном подчинении у Госсовета и Центрального военного совета.
С 1 января 2018 года войска милиции включены в организационно-штатную структуру Центрального военного совета и больше не находятся в организационной структуре Госсовета, перейдя под единое руководство Центрального военного совета. Войска имеют трёх степенные органы управления - штаб, дивизия и полк.

5. Государственный строй Китайской Народной Республики. - М., 1988. - С. 21 - 22.
6. Brady J. Justice and politics in People's China: Legal order or continuing revolution? - Boston, 1982. - С. 112.
7. Гудошников Л.М. Политический механизм Китайской Народной Республики. - М., 2005. - С. 161.
8. Егоров К.А. Государственный аппарат Китайской Народной Республики 1967 - 1981. -М., 1982. - С. 33-34.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРИГА ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ (ЭГАЛИК ҚИЛИШ), ИЖАРА ВА МЕРОС ҚИЛИБ ҚОЛДИРИЛАДИГАН УМРБОД ЭГАЛИК ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ АСОСИДА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

А.Раҳимжонов - Ўзбекистон миллий университети
“Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси ўқитувчиси

Эътироф этиш лозимки, кўчмас мол-мулк ҳар доим ер участкаси билан узвий боғлиқ ҳисобланади ва мол-мулкнинг бу объектини ердан алоҳида ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Кўчмас мулк объектларининг ер билан узвий боғлиқлик хусусиятларини таҳлил қилар экан, Ю.Б.Саипова қуйидагиларни билдириб ўтади: умуман олганда айтиш мумкинки, адабиётларда кўчмас ашёларнинг фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатидаги хусусиятлари бир неча маротаба қайд этиб ўтилган. Ушбу объектларнинг ўзига хослиги икки жиҳат: ҳуқуқий ва моддий жиҳат асосида талқин қилинади. Моддий белгиларга кўчмас мулкка оид ашёларнинг табиий хусусиятлари киради. Хусусан, буларга табиий хусусиятлари, жумладан, ер билан чамбарчас боғланганлик, мустаҳкамлик, алмаштириб бўлмаслик, узоқ муддатлилик, муқимлик, фундаменталлик ва индивидуал белгиланганлик киради.

Юридик боғлиқлик соддалаштирилган ҳолатда эгалик қилувчининг ер участкасига ва ундаги иморатга нисбатан ашёвий

ҳуқуқларининг мос (ёки “биргаликда мавжудлиги” эҳтимоли) лиги сифатида талқин этилади. Классик жиҳатдан (бино ер участкасига мансубдир) дарҳақиқат, бундай боғлиқлик мавжуд ва унинг бўлиши зарурдир .

Кўчмас мулк жойлашган ер участкаларига нисбатан давлат мулкчилигидан хусусий мулкчиликка ўтиш бугунги кундаги замонавий фуқаролик муомаласининг зарур шартларидан биридир. Бинобарин, кўчмас мулк билан боғлиқ битимларда битим объекти сифатида мол-мулк сифатида кўчмас мулк билан бирга ер участкалари ҳам муомалада бўлмоқда. Хусусан, кўчмас мулк сотилганда у жойлашган ер участкаси ҳам кўчмас мулкнинг таркибий қисми сифатида сотувчидан сотиб олувчига ўтиш ҳолатлари кузатилади. Мазкур ҳолатларни ҳисобга олиб, кўчмас мулклар жойлашган ер участкаларини хусусийлаштириш бугунги кунда нуқтаи назаридан, бозор иқтисодиёти талабларидан ва замонавий фуқаролик муносабатларидан келиб чиқиб айни вақтда амалга оширилаётган зарурий тадбир деб баҳолаш мумкин.

Юқорида эътироф этилганидек, кўчмас мулк - бу биринчи навбатда ер участкаси ва у билан узвий боғлиқ бўлган объектлардир. Кўчмас мулк объектлари сотилганда улар жойлашган участкасига нисбатан ҳуқуқий муносабат ўзгаришига олиб келади . Кўчмас мулклар олди-сотди қилинганда, мулкдор ўзига тегишли ер участкасини сақлаб қолиши ёки уни кўчмас мулкни сотиб олаётган шахсга эмас, балки учинчи шахсга сотиб юбориши мумкин. Бироқ бу ҳолат сотиб олувчи қўлга киритган кўчмас мулкка нисбатан мулкий ҳуқуқларни амалга оширишга тўсқинлик қилмаслиги, акс ҳолда мулк ҳуқуқи тамойиллари бузилиши мумкинлигини назарда тутиб, фуқаролик қонунчилигида махсус норма белгиланган. Унга кўра, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан сотиб олувчига бундай кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини топшириш билан бир вақтда ушбу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасининг муайян қисмига бўлган ҳуқуқлар ҳам топширилади (ФКнинг 482-моддаси 1-қисми).

Бундан нафақат кўчмас мулк жойлашган ер участкаси, балки ундан фойдаланиш учун зарур бўлган майдон, масалан, бинога олиб кирадиган йўлак ҳам назарда тутилади.

Таъкидлаш ўринлики, бунги кунда мамлакатимизда кўчмас мол-мулклар жойлашган ер участкалари ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Шу сабабли ҳам кўчмас мулклар жойлашган ер участкаларига давлат эътибори бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур фикрни исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.06.2021 йилдаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармонини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Унга кўра, **2021 йил 1 августдан бошлаб:**

- ер участкалари хусусий секторга — мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига — доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади;

- мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилинади, бунда илгари ажратилган ер участкаларига бўлган бундай ҳуқуқлар уларнинг эгаларида амалдаги тартибда сақланиб қолиши;

- ижарага олинган ер участкасида қонунчиликда белгиланган тартибда қурилган кўчмас мулк объектига мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектга мулк ҳуқуқи билан биргаликда у жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳам янги мулкдорга ўтиши;

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган очиқ электрон танлов якунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилиши;

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиниши;

- кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси, агар кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлмаса, уларга умумий фойдаланиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилиши[50] белгилаб қўйилди.

Кўчмас мулклар жойлашган ер участкаларини хусусийлаштириш бугунги кунда амалиётда аҳолимизни қийнаб келаётган долзарб муаммолардан бири эди. Эндиликда "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни[51] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон Фармони[52] ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги 2022 йил 14 февралдаги 71-сон Қарори кучга кирди. **Ушбу қарор билан жисмоний ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштирилиши мумкин бўлди.**

Қарорга кўра,

- "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ер участкаларини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари томонидан уларга доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини сотиб олиш, шунингдек, ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали сотиш йўли билан амалга оширилиши;

[50] https://lex.uz/uz/docs/5450176
[51] https://lex.uz/uz/docs/5729966
[52] https://lex.uz/uz/docs/5450176

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон Фармонига мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиниши;

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари томонидан уларга доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш «Yerxususiylashtirish» ААТ орқали амалга оширилиши;

- Давактив агентлиги «Yerxususiylashtirish» ААТнинг техник қўллаб-қувватлаш бўйича оператори ҳисобланиши;

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун мулк ёки ижара ҳуқуқлари асосида, якка тартибда уй-жой қуриш учун мулк ҳуқуқи асосида реализация қилиш «E-auksion» электрон савдо платформаси орқали амалга иширилиши,

- «Yerxususiylashtirish» ААТни техник қўллаб-қувватлаш, хусусийлаштирилган ер участкасига мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, ягона биллинг ҳисоб-китоб тизими хизматлари учун тўловлар ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилди.

Фуқароларимиз якка тартибдаги уй-жой, юридик шахслар эса нотурар бино-иншоотларга эга. Энди улар ўзларига тегишли кўчмас мол-мулк – ер участкаларини (кўп қаватли уйлар бундан мустасно) кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш орқали хусусийлаштириши мумкин (агар бино кадастрдан ўтмаган бўлса, ер хусусийлаштирилмайди).

Шу кунга қадар фуқароларга тегишли уй-жойлар жойлашган ер участкалари, мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқидаги ерлар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган нотурар жой объектларининг ер участкаларига доимий фойдаланиш

ҳуқуқи берилар эди. Яъни бино ўзингизга тегишли бўлса ҳам, унинг ери давлатники эди.

Энди мана шу ер участкаларини хусусийлаштириш учун жисмоний ва юридик шахслар my.gov.uz орқали онлайн мурожаат қилишлари (https://my.gov.uz/uz/service/313) мумкин. Келиб тушган ариза Кадастр агентлиги ва Қурилиш бўлимларига йўналтирилади. Кадастр бўлимлари ер участкасининг ариза берган фуқаро номига расмийлаштирилганми ёки йўқми, яъни рўйхатдан ўтказилганини текширади. Бунда ўша ер участкаси ўзгармагани, бугунги кунда ҳам реестрда мавжудлиги, тақиқ ва чекловлар йўқлиги, хуллас, хусусийлаштиришга монелик қилмайдиган томонлари текшириб чиқилади.

Қурилиш бўлимлари эса ер участкаси ҳудудининг шаҳарсозлик меъёрларига мос келишини ўрганади. Барча текширувлардан ўтгач фуқарога хусусийлаштириш ҳақида хабарнома юборилади ва талабгор тўловни амалга оширади.

Муҳим бир жиҳати шундаки, ҳар бир жисмоний ва юридик шахс ўзига тегишли бўлган ер участкасини фақат ўзигина сотиб олади. Бу аукционга қўйилмайди ва бошқа одам сотиб олиши ёки бошқа одамга ўтиб кетиши мумкин эмас.

Жорий йил 15 июлда Давлат активларини бошқариш агентлиги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларга доимий фойдаланиш (эгалик қилиш) ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш жараёни бошланганлигини эълон қилди.

Ушбу жараён, Давактив агентлигининг «Yerxususiylashtirish» ААТ орқали электрон тарзда амалга оширила бошлади.

Айтишларича, фуқаролардан хусусийлаштириш учун аризалар аллақачон келиб тушишни бошлаган. Ер майдонига мулк ҳуқуқини берадиган биринчи давлат ордери Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, «Ёғ бозори» МФЙ, О. Маҳмудов кўчаси, 27-уйда яшовчи фуқаро Рамз Муҳамадиевга 271 кв/м ер майдони учун берилибди.

Бугунги кунда фуқароларга тегишли уй-жойлар жойлашган ер участкалари, мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш

ҳуқуқидаги ерлар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган нотурар жой объектларининг ер участкаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилар эди. Яъни бино ўзингизга тегишли бўлса ҳам, унинг ери сизга тегишли эмас эди.

Мана шу ер участкаларини хусусийлаштириш учун энди жисмоний ва юридик шахслар Давлат хизматлари марказлари (ДХМ)га ёки Ягона давлат интерактив портали (my.gov.uz) орқали ҳам мурожаат қилиши мумкин. Ариза Кадастр агентлиги ва Қурилиш бўлимларига йўналтирилади. Кадастр бўлимлари ўз навбатида ушбу ер участкаси ариза берган фуқаронинг номига расмийлаштирилганми ёки йўқми, яъни рўйхатдан ўтказилганини текширади. Ўша ер участкаси ўзгармагани, ер участкаси бугунги кунда ҳам реестрда мавжудлиги ҳақидаги маълумотларга тўлиқ мос келиши, тақиқ ва чекловлар мавжуд эмаслиги – хусусийлаштиришга монелик қилмайдиган барча томонлар текшириб чиқилади.

Иккинчи томондан, қурилиш бўлимлари ер участкаси ҳудуди шаҳарсозлик меъёрларига мос келиши, хусусийлаштириш учун мумкинлигини ўрганади. Барча текширувлардан ўтгандан кейин фуқарога тўловни амалга ошириш, яъни хусусийлаштириш ҳақида хабарнома юборилади. Хабарнома орқали хусусийлаштириш учун тўловни амалга оширади.

Барчамиз ер участкасига ер солиғи тўлаймиз. Мулкдорлар, ердан фойдаланувчилар учун хусусийлаштириш тўлови мазкур ер участкаси учун ҳисобланган ер солиғи миқдорининг 20 баробари деб белгиланган.

Масалан: агар фуқаро битта ҳовлига бир йилда 200 минг сўм солиқ тўлайдиган бўлса, (бунда мол-мулк солиғи қўшиб ҳисобланмайди, айнан ер участкасига тўланадиган солиққа нисбатан ҳисобланади), хусусийлаштириш учун 4 млн сўм тўлов амалга оширилади. Мана шу тўлов амалга оширилгандан кейин маълумотлар биллинг тизимида ҳисобга олиниб, давлат органлари томонидан ўша ер участкасига бўлган давлат ордери берилади. Мазкур ордер асосида кадастр органлари ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказади.

Ҳар бир жисмоний ва юридик шахс ўзига тегишли бўлган ер участкасини фақат ўзи сотиб олиши мумкин. Бу аукционга қўйилмайди ва бошқа одам сотиб олиши ёки бошқа одамга ўтиб кетиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ер участкалари эса аукцион савдолари орқали шаффоф тарзда сотиб олинади.

Қандай ерларни хусусийлаштириш мумкинлиги ва мумкин эмаслиги **“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги** қонунда келтириб ўтилган бўлиб, Хусусийлаштириш мумкин бўлган ерлар қуйидагилар:

- юридик шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер участкалари;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, шунингдек тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер участкалари;

- хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкалари;

- бўш турган ер участкалари.

Қуйидаги ер участкалари хусусийлаштирилмайди:

- фойдали қазилма конлари, қонунчиликка мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки объектлари жойлашган ер участкалари;

- табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадлари ва тарихий-маданий мақсадлар учун мўлжалланган ерлар таркибига кирувчи ер участкалари, шунингдек ўрмон ҳамда сув фондларининг, муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси объектларининг муҳофаза зоналари, шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, скверлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари);

- хавфли моддалар билан зарарланган ва биоген заҳарланишга дучор бўлган ер участкалари;

- қонунчиликда белгиланган тартибда махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига тақдим этилган ер участкалари – махсус иқтисодий зона фаолият кўрсатадиган даврда;

- кўп квартирали уйлар жойлашган, шунингдек кўп квартирали уйларга туташ ер участкалари;

- давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, ижтимоий шериклик тўғрисидаги келишувлар ва шартномаларни амалга ошириш учун берилган, шунингдек юридик шахсларга давлат ва жамият эҳтиёжлари учун берилган ер участкалари.

Ер участкалари қуйидаги шаклларда хусусийлаштирилади:

- умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ерни сотиб олиш;

- ерни электрон онлайн-аукцион орқали сотиб олиш.

Қуйидаги ҳолатларда хусусийлаштирилган ерни мулкдордан олиб қўйиш мумкин:

- ерга ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилганда;

- ер давлат ва жамият эҳтиёжлари учун сотиб олинганда (эгасининг ёзма розилиги билан);

- ер мусодара қилинганда;

- ер реквизиция қилинганда (эпидемия, табиий офат вақтида).

Хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар Давлат бюджетига йўналтирилади. Ер участкаларини хусусийлаштиришда фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган тартибда ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқи белгиланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу қонунчиликдаги янгиликлардан фуқарога ер участкаларидан фойдаланишда ва ер участкасиганисбатан мулк ҳуқуқи бўйича кўплаб фойда ва енгилликлар яратилди.

Биринчидан, фуқаро ерга бўлган мулк ҳуқуқига эга бўлади.

Дейлик, “ҳовлимнинг бир қисмини ўғлимга ҳадя қилмоқчиман ёки кимгадир бермоқчиман, ярмини сотмоқчиман”, дейсиз. Ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи ер участкасини қисмларга бўлиб

сотиш имконини беради. Қанчасини кимга сотиши мулкдорнинг хоҳиши, ер – ўзиники.

Иккинчидан, ерни фуқародан давлат олиб қўя олмайди, фақат сотиб олиши мумкин.

Қонунчиликда давлатга тегишли ерлар ёки бошқа шахслар фойдаланишида бўлган ерлар олиб қўйилиши назарда тутилади. Мулк ҳуқуқидан бошқа 5та ҳуқуққа тегишли бўлган ер участкалари олиб қўйилиши мумкин. Фуқаро ўз ерига нисбатан мулк ҳуқуқини олиши билан (хусусийлаштириш орқали) давлат шунчаки унга тегишли бўлган ерни олиб қўя олмайди.

Агар ер участкаси давлатга керак бўлса, фуқародан бозор нархида, шартнома асосида сотиб олиши мумкин. Фуқародан давлат ерини келишилган нархда сотиб олсагина, ер давлатга ўтади. Ер “снос”га тушиб кетмайди. Бу – мулк ҳуқуқининг кафолатланиши.

Ер кодексида ер бу давлат мулки деган нарса йўқ, ер – умуммиллий мулк дейилади.

Чет элда ҳам ер участкаси 100 миллион сўм турадиган бўлса, фуқарога шундай таклиф бериладики, фуқаро бу таклифга рози бўлади, фуқаро рози бўлсагина, давлат ерни шартнома асосида сотиб олади.

Туркияда ҳам шундай ҳолат бўлган. Аэропорт қурилаётганда давлат бир бобонинг ерини сотиб ололмаган. Бутун лойиҳа бир неча йилга кечикиб кетган. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Сиз хоҳласангиз, ерингизни сотасиз.

Учинчидан, фуқаро ерини эркин қўшиш, тақсимлаш ва ажратиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қонунчиликда шу кунгача мулк ҳуқуқи ер участкасига нисбатан бўлмаган. Ер участкаларини қўшиб юбориш, ажратиш ва қайта тақсимлаш механизмлари бор. Шу механизмлар ер участкасига мулк ҳуқуқи бўлгандагина ишлайди. Бу Ўзбекистон шароитида янги нарса бўлгани учун бунинг самараси 1-2 кунда кўринмайди. Бунинг учун маълум ҳудудда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи кўпайса, механизмлар эффектини кўрамиз.

Оддий мисол, чет элда шунақа ҳолатлар бор, бир ҳудудда 20та ер участкаси бор, умумий нархи 1 млн доллар. Шаҳарсозлик эҳтиёжларига қараб 20та ер участкаси эгалари келишиб, ер участкасини қайта тақсимлаш ҳисобига ер нархини 3-4 баробар қимматга ошириши мумкин. Бунда умумий нарх 3-4 миллионга етади. Буни энди аҳоли тиғиз жойларда кўриш мумкин.

Тўртинчидан, ердан гаров сифатида фойдаланиш имконияти.

Фуқаро ерга нисбатан мулк ҳуқуқини олганидан кейин ундан гаров объекти сифатида ҳам фойдаланиши мумкин. Ерни мулк сифатида банкка гаровга қўйиб ипотека олиш имконияти ҳам юзага келади.

ЭКОЛОГИЯ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК

М.Т.Ахмедова – Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети
“Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар” кафедраси
профессори, юридик фанлар доктори, доцент

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган асосий жавобгарлик турларидан бири фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бўлиб, у табиат объектларига мулкий зарар етказилганда келиб чиқади. Бу жавобгарлик юридик жавобгарликнинг мустақил тури ҳисобланиб экологик муносабатларда табиий бойликлар эгаси, мулкдори, фойдаланувчисига нисбатан мулкий зарар, яъни ерни, сувни, ҳавони ифлослантирганлик, ишдан чиқарганлик каби ҳолатларда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси табиатни муҳофаза қилишнинг асосий манбаи, конституциявий асоси ҳисобланади. Асосий Қонунимизнинг 55-моддасига биноан ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар

умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Конституциямизнинг 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” деб белгилаб қўйилган.

Конституцияда мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик ва ишлаб чиқариш жараёнида экологик муҳитга зарар етказмаслиги, яъни уларнинг экологик мжбуриятлари мустаҳкамланиб қўйилган. 54-моддада бу ҳақда шундай дейилган: “Мулкдор мулкига ўз ҳоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмасликлиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт”.

Асосий Қонунимизнинг XXI бобида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ҳолати белгиланган. Унинг 100-моддасида маҳаллий давлат ҳокимият органлари ваколатларининг асосий йўналиши сифатида атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби масъулияти эътироф этилган.

Атроф табиий муҳитга етказилган зарарнинг таркибига қуйидагилар киради: ҳақиқий етказилган зарар, экологик зарарнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган харажатлар, олинмаган даромадлар ва бошқалар. Ҳақиқий етказилган зарарга нобуд бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг қишлоқ хўжалик экинларининг қиймати киради. Табиий объектларни тиклаш, ифлосланган сувларни тупроқ ва ҳавони тозалашга кетган харажатлар ҳамда экологик зарар оқибатларини бартараф этишга қаратилган бошқа сарф-ҳаражатлар мажбурий харажатларни ташкил этади. Олинмаган даромадга шу табиий объектнинг фойдаланишидан келиб тушиши лозим бўлган, аммо унинг нобуд бўлиши ёки ёмонлашуви оқибатида олинмаган ёхуд олиш имконияти йўқолган даромадлар киради, масалан, тупроғи кимёвий моддалар билан ифлосланган ер майдонидан тушадиган даромад олинмаган даромад ҳисобланади.

Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг қўлланилишида у қуйидаги ўзига хосликларда намоён бўлади: жавобгарлик мулкий характерда бўлади ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклашга имкон яратади.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, “фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузарликнинг салбий, мулкий оқибатларини ҳуқуқбузар зиммасига юклатилган давлат мажбурлови бўлиб, ҳар доим ҳуқуқбузар ахлоқининг жамоатчилик томонидан қораланиши билан боғлиқ бўлади”[53].

Экология қонунчилигини бузганлик учун юклатиладиган фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузар зиммасига жабрланган томон кўрган зарарни натура шаклида (реал қоплаш) ёки пул шаклида қоплаш мажбуриятининг юклатилишидан иборатдир. Бу зарар атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий талабларнинг бузилиши натижасида юзага келади[54].

Жавобгарликнинг бу тури экологик ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш бўйича амалга ошириладиган фаолиятнинг асосий тарки-бий қисмидир. Айбдорлар жиноий, маъмурий ёки бошқа юридик жавобгарликка тортилганликларидан қатъи назар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Чунончи, О.С.Иоффенинг ёзишича: “Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузарлик учун айбдорга субъектив фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этиш кўринишида ёмон ҳолат келтирувчи ёки янги фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар юкловчи санкциядир”[55].

“Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик деганда деб, - таъкидлайди А.А.Собчак, - қонунда ёки шартномада белгиланган бузилган ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқбузар ҳисобидан жабрланувчини қондириш мақсадида қўлланиладиган мулкий характердаги давлат мажбурлов чорасини тушуниш мумкин”[56].

---

[53] Белякова А.М. Возмещение причиненного вреда. Отдельные вопросы.- М.: Изд-во МГУ, 1972, 28-бет.

[54] Колбасов О.С. Правовые исследования по охране окружающей среды в СССР.- М., ВНИИТИ, 1978.- Б. 123.

[55] Иоффе О.С. Обязательственное право. - М., 1977. - 97-бет.

[56] Қаранг: Советское гражданское право.- Л.: Изд-во ЛГУ, 1982.- 362-бет.

Баъзи муаллифларнинг фикрича, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчиликни тараққий этиши ва такомиллашиши ҳамда бир тизимга солиниши билан боғлиқ равишда табиатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчилик нормалари санкциялари табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқининг мустақил бўлимига айланади. Ҳозирча эса, ушбу институтнинг таъсир доираси муносабатларнинг конкрет турларига ва усуллари хусусида фикр юри-тиш имкониятига эга бўлиш учун табиатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчилик нормалари диспозициялари ва санкция-ларини ҳуқуқнинг бошқа соҳаларидан ахтаришга тўғри келади[57].

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 49-моддасига биноан атроф муҳитга, одамлар саломатлигига ва давлатга атроф муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунчиликни бузиш оқибатида зарар етказган юридик ва жисмоний шахслар зарарни қоплашлари шарт. Бу модда “Фуқаролик кодекси”нинг 985-моддасида назарда тутилган зарарни қоплаш тўғрисидаги умумий қоидаларни назарда тутади.

Атроф табиий муҳит соҳасидаги мулкий жавобгарликнинг характерли хусусияти зарарни ҳисоблаб чиқишнинг такса усулидир. **Такса** - табиат объектларига етказилган зарарни ҳисоблашнинг тахминий бирлигидир. Унинг миқдори давлат табиат муҳофазаси йўлида қилинган харажатларининг тегишли қисми ва бундан ташқари яна маълум суммани ташкил этади[58]. Таксага оид жавобгарликнинг ўзига хослиги шундаки, у махсус норматив ҳужжатлар асосида белгиланади ҳамда табиий равишда, инсон меҳнати синмаган табиат объектларини муҳофаза қилишга йўналтирилган бўлади.

Таксага оид жавобгарликнинг юридик табиати масаласига мутахассислар жуда кўп эътибор қаратишган. Масалан, В.В.Петровнинг ҳисоблашича, таксага оид жавобгарлик табиий ресурслар тўғрисидаги қонунчилик бўйича жавобгарликнинг мустақил тури бўлиб, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликдан фарқли ўлароқ махсус норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади; инсон

[57] Осипов Н.Т. Методы правовой охраны окружающей среды.- Л., 1979,- 55-бет.

[58] Природноресурсовое право и правовая охрана окружающей среды.- М.:Юрид. лит., 1988,- 162-бет.

меҳнатининг моддий маҳсулотлари эмас, балки табиат элементлари унинг муҳофаза объектидир. У махсус таксаларга мувофиқ зарарни қоплатиш йўли билан амалга оширилади. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги моддий жавобгарлик институти томонидан амалга ошириладиган зарарни қоплаш ҳамда жазо функциялари унга фуқаролик ҳамда маъмурий жавогарликдан тубдан фарқ қиладиган табиатни муҳофаза қилувчи жавобгарлик-нинг мустақил тури аҳамиятини бахш этади[59]. Яна бир қатор муаллифлар, шу жумладан С.Н. Кравченко[60], Н.И. Титовалар[61] таксага оид жавобгарликни жавобгарликнинг мустақил тури сирасига киритадилар.

Аммо бошқа фикр-мулоҳазалар ҳам мавжуд. Чунончи, О.С. Колбасов[62] таксани асосий функцияси зарарни қоплаш бўлган мулкий жавобгарликнинг махсус санкциялари қаторига киритади. Табиат объектлари йўқ қилинганда ёки уларга шикаст етказилганда мулкий (таксага оид) жавобгарлик юзага келади. М.Г.Масевич эса таксага оид жавобгарлик зарарни қоплаш инсти-тутининг бир тури деб ҳисоблайдиган муаллифларнинг фикрига қўшилгандай бўлиб, зарарни қоплаш тўғрисидаги фуқаролик ҳуқуқининг умумий нормалари ғайриҳуқуқий зарар етказишнинг ҳар қандай ҳолларида ҳам қўлланилади, чунки улар махсус қонун билан ўзгартирилгани йўқ, деб кўрсатади. Махсус қонун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг баъзи масалаларини бошқача талқин этиши мумкин, яъни бу жавобгарлик ҳажмини кенгайтириши ёки торайтириши мумкин, бундай ҳолларда умумий норма эмас, балки махсус норма қўлланилади. Табиий ресурслар тўғрисидаги қонунчиликда ҳам шундай махсус нормалар мавжуд, аммо бу ҳол фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий табиати, тамойиллари ва шарт-шароитларини ўзгартирмайди[63].

---

[59] Петров В.В. Экология и право.- М., 1981, 154-бет.

[60] Кравченко С.Н. Имущественная ответственность за нарушение природоохранительного законодательства.- Львов, 1979, 71-бет;
Титова Н.И. Материальная ответственность работников сельскохозяйственных предприятий.- М., 1978, 8-10-бетлар.

[62] Колбасов О.С. Правовое исследование по охране окружающей среды.- М.: ВНИИТИ, 1978, 101-бет.

[63] Масевич М.Г. Споры о возмещении вреда, причиненного природным ресурсам.- М.,1981, 63-бет.

Жавобгарликнинг ушбу турининг ўзига хослигини таъкидлаб, О.С.Колбасов табиий ресурслар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш йўли билан етказилган зарарни қоплаш бўйича бўлган муносабатларни тартибга солиш учун фуқаролик ҳуқуқининг мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалари қўлланиши мумкин, деб ҳисоблайди. Бу мажбуриятлар зарар етказиш натижасида юзага келади. Аммо барибир, ушбу зарарни қоплашнинг тартибини қўшимча равишда махсус тартибга солиш заруриятини келтириб чиқаради. Шунинг учун зарарни қоплаш тўғрисидаги фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидаларини ривожлантириш мақсадида табиат объектларидан ноқонуний фойдаланиш оқибатида етказилган зарарни қоплаш тўғрисида махсус нормалар чиқарилади[64].

Бизнинг назаримизда, таксага оид жавобгарлик мулкий жавобгарликнинг алоҳида тури бўлиб, у зарарни қоплашнинг фуқаролик ҳуқуқида назарда тутилган умумий асослари мавжуд бўлганда юзага келади. Атроф табиий муҳитга етказилган зарар учун такса жавобгарлиги республикамизда ўсимлик дунёсига нисбатан тартибга солинган.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунда атроф муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунчиликни бузиш йўли билан етказилган зарар тўлиқ ва мажбурий равишда қопланиши назарда тутилган. Ушбу қонунга биноан зарарнинг қопланиши ихтиёрий равишда ёки суд қарорига кўра белгиланган тартибда тасдиқланган таксалар ҳамда зарарни ҳисоблаб чиқиш усулларига мос равишда, агар улар мавжуд бўлмаса, кўрилган зарарларни ҳисобга олган ҳолда атроф муҳитнинг бузилган ҳолатини тиклаш учун амалда қилинган харажатларга мос равишда амалга оширилади.

Реал зарарнинг қопланишидан ташқари фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликда бой берилган фойда шаклидаги зарарнинг қопланиши ҳам назарда тутилади. Бой берилган фойда ҳосилдорлиги пасайиб кетган ерлардан фойдаланилганда олинмай қолинган фойдадир.

[64] Колбасов О.С. Возмещение вреда, причиненного неправомерным использованием природных объектов.- М.,1963, 99-100-бетлар.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик фақат қонунда кўрсатилган шарт-шароитлар вужудга келгандагина келиб чиқади. Бу шарт-шароитлар фуқаролик ҳуқуқбузарлигининг таркибини ташкил қилиб, шу хилдаги ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Булар қуйидагилардир: 1) Зарарнинг мавжудлиги. 2) Ҳуқуққа зид ҳулқ атвор.3) Ҳуқуққа зид ҳулқ-атвор билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш. 4) айбнинг мавжудлиги. Мана шу элементлар бўлгандагина фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Умумий қоидага кўра, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартномага асосланган ва асосланмаган мажбуриятлар учун юзага келиб чиқади, аммо қонунда назарда тутилган баъзи бир ҳолларда фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарни қоплашга бўлган жавобгарлик фуқаролик ҳуқуқининг бутун тизимида учрайди. Буларга қуйидагилар киради: умумий фалокат, реквизация, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ерни олиб қўйганда етказилган зарар, охирги зарурат ҳолатида етказилган зарарни қоплаш. Уларни ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан фарқлаш лозим. Ҳуқуқий хатти-ҳаракат натижасида етказилган зарарни қоплаш мажбурияти ўз моҳияти бўйича фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ҳисобланади.

Экология қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун табиат объектига ҳақиқатдан ҳам зарар етказилган бўлиши, ушбу зарарни етказган юридик ёки жисмоний шахснинг хатти-ҳаракати қонунга зид бўлиши, ушбу қонунга зид хатти-ҳаракат билан зарар ўртасида сабабий боғланиш бор бўлиши ва айбдорнинг айби мавжуд бўлиши керак. Қонунга хилоф хатти-ҳаракат билан унинг оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланиш фуқаролик ҳуқуқбузарлиги таркибининг асосий элементларидан биридир. Ушбу ҳолат Фуқаролик кодексида белгиланган. Агар Қонунга хилоф хатти-ҳаракат билан оқибат сифатида унинг зарарли натижаси ўртасида боғланиш бўл-маса фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик ҳам келиб чиқмайди. Фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркибининг элементи сифатида сабабий боғланишнинг аҳамияти

фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чегараларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга, чунки улар ғайриқонуний хатти-ҳаракат ва унинг оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланишнинг аҳамиятга эга бўлган чегараларига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Айбнинг мавжудлиги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашнинг асосларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси ФК нинг 333-моддасига кўра қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Юридик таркибдаги барча элементлар мавжуд бўлганда, яъни айб, ғайриқонуний хатти-ҳаракат, улар билан юзага келган натижа ўртасидаги сабабий боғланиш мавжуд бўлганда, табиатга ёки инсон саломатлигига зарар етказилганлик факти ёки зарар етишининг реал хавфи экологик ҳуқуқбузарликнинг ҳал этувчи, унинг бутун юридик таркибига ўзига хослик бахш этувчи белги ҳисобланади.[65]

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашнинг зарурий шарти сифатида зарар мавжуд бўлиши лозим, агар зарар етказилмаган бўлса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаб бўлмайди. Зарарнинг тўлиқ қопланишини таъминлаш учун зарар тушунчасининг аниқ таҳлилини бериш ҳамда уни етказишнинг эҳтимолий чегараларини аниқлаш лозим. Фуқаролик ҳуқуқидаги зарар тушунчасининг адабиётларда берилган баъзи тавсифларини кўриб чиқайлик. Уларнинг моҳиятан бир-бирларига ўхшаш эканликларини таъкидлаб ўтиш керак. В.Г.Вердниковнинг ҳисоблашича: “зарар қонун билан ҳимоя қилинадиган шахсий ва мулкий бойликларнинг йўқ қилиниши ёки камайтирилишини англатади[66]. Ушбу тавсиф бўйича зарар ҳуқуқ нормасида назарда тутил-ган шароитларнинг камайтирилиши ва шахснинг субъектив ҳу-қуқларига таъсирини англатади. Г.К.Матвеев ҳам ҳудди шу фикрни таъкидлайди: “У ёки бу шахсий ёки мулкий бойликларнинг ҳар қандай камайтирилиши зарар деб аталади[67]. А.М.Беляков эса зарарни “моддий ёки моддий бўлмаган (инсоннинг

[65] Петров В.В. Экология и право.- М.,1981, 147-бет.
[66]Советское гражданское право. Ч.2.- М.: Юрид. лит., 1987, 383-бет.
[67] Матвеев В.В. Основания гражданско-правовой ответственности.- М.: Юрид. лит., 1970, 37-бет.

ҳаёти ва соғлиғи), қонун билан муҳофаза қилинадиган бойликларнинг камайтирилиши (йўқ қилиб юборилиши)дир”, деб тавсифлайди[68].

Моддий бойликларни камайтириш (йўқ қилиб юбориш) деганда атроф муҳитнинг ифлослантирилишини, унга шикаст етказиш, йўқ қилиб юбориш, путур етказиш, табиат ресурсларидан нооқилона фойдаланишни, номоддий бойликларни камайтириш деганда эса атроф муҳитни ифлослантириш натижасида инсон саломатлигига зиён етказишни тушунмоқ лозим. Экология ҳуқуқида зарар тушунчаси ишлаб чиқилмаган, у реал зарар ёки бой берилган фойда сифатида тушунилади ҳамда экологик ва иқтисодий турларда ифодаланади. Экологик зарар бутун жамиятнинг тоза ва соғлом табиий муҳитга нисбатан бўлган манфаатларига етказилади, иқтисодий зарар эса табиатдан фойдаланувчининг хўжалик манфаатларига етказилади. Шундай қилиб, “юридик маънода экологик зарар экологик сабаблар натижасида келиб чиққан мулкий зарарнинг бир туридир”[69]. Шунга асосланиб экологик зарар тушунчасининг қуйидаги тавсифини таклиф этамиз: экологик зарар экологик ҳуқуқбузарликларнинг салбий, баъзи ҳолларда эса қайтарилмас оқибатларини ташкил этади. Улар қонун билан ҳимоя қилинадиган моддий ва номоддий бойлик-ларнинг йўқотилиши, камайтирилишида ифодаланиб, узоқ вақт-лар давомида намоён бўла боришлари мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг иккита асосий шакли мавжуд. Булар биринчидан, зарарни қоплаш ва иккинчидан, неустойка. Зарарни қоплаш ва неустойка ўзига хос хусусиятларга эга. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг шакллари ичида зарарни ундириш алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки фуқаролик ҳуқуқбузарлик, жумладан мажбуриятларни бажармасликка кўпинчалик ҳолларда зарар етказишга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам жавобгарликнинг ушбу шакли умумий аҳамиятга эга ва агар қонунда ёки шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, зарарни ундириш фуқаролик ҳуқуқи бузилиши юз берган барча ҳолларда қўлланилади. Фуқаролик

[68] Советское гражданское право. Т.2.- М.: Юрид. лит., 1980, 349-бет.

[69] Колбасов О.С. Возмещение гражданам экологического вреда //Государство и право.- 1994.- № 10, 107-бет.

ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа шакллари бундай умумий аҳамиятга эга эмас, улар муайян ҳуқуқбузарликка нисбатан бевосита қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин. Шикаст етказилганлиги учун неустойкани ундиришга фақат қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Юқорида айтиб ўтилган ҳар бир мулкий зарар келтириш билан боғлиқ ҳолатларда жавобгарлик чораси сифатида зарарни тўлаш жазоси қўлланилади. Бу жазо шартнома шартларини бузган айбдорни жазолаш ва зарар кўрган томоннинг мулкий ҳуқуқларини тиклашга ёрдам беради. “Зарарни ундириш, В.А.Хохловнинг таъкидлашича, мулкий жавобгарликнинг асосий, умумий шаклидир, чунки умумий қоидаган биноан у асосий жавобгарлик вазифасини бажаради: зарарни тўлашда ўз мулкининг бир қисмидан маҳрум бўлган кредиторнинг йўқотишларини компенсация қилади, қарздорни таъминлайди”[70].

Неустойка (пеня, штраф) фуқаролик-жавобгарликнинг бир шакли сифатида табиатни муҳофаза юзасидан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз вақтида ва етарли даражада бажаришни таъминлашнинг муҳим усулларидан бири сифатида қўлланилади. Агар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида зарарни тўлаш етказилган мулкий зиённи тўлдирса, неустойка эса шартнома мажбуриятини бузганлик учун жарима солиш ва пеня ундиришни билдиради.

Неустойка қонунда ҳам аниқ белгиланган бўлиши ёки томонларнинг келишувига биноан ҳам белгиланиши мумкин. Агар неустойка томонларнинг келишувига биноан белгиланса, у шартномада аниқ белгилаб олиниши керак.

Мулкий жавобгарликнинг шакллари сифатида зарарни ундириш ва неустойкага хос хусусиятларни Ҳ.Р.Рахмонқулов қуйидагича тавсифлайди: биринчидан, гарчи зарарни ундириш қонунда жавобгарлик чораси сифатида кўрсатилсада, уларнинг миқдори қоидага кўра, етказилган зарар миқдорига борлаб ҳисобланади ва

[70] Хохлов В.А. Ответственность по обязательствам (колхоз, совхоз, арендатор).- М.: Юрид. лит., 1990.- 46-бет.

улар исботланиши керак. Зарарни ундириш шартномада олдиндан аниқ суммада белгиланиши мумкин. У ёки бу ҳуқуқбузарлик тури учун неустойка (пеня ва жарима) қўллаш ва унинг миқдори ҳам қандай ҳолатда олдиндан қонун ва шартномада белгиланади; иккинчидан, зарарни ундириш учун умумий даъво муддати ҳаракатда бўлади, неустойка (пеня, жарима) учун қисқартирилган даъво муддати; учинчидан, зарарни ундириш учун жавобгарлик асосларининг тўла таркиби, яъни ҳуқуққа қарши ҳаракат, зарар, ҳуқуққа қарши ҳаракат билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш, зарар етказганнинг айби бўлишлиги талаб этилади. Неустойка шундай таркибсиз ҳам ундириб олиниши мумкин. Неус-тойкани ундиришда зарар ва сабабий боғланиш тўғрисида исбот талаб этилмайди, қонунга қарши ҳаракат ва қарздорнинг айби бўлса етарли[71].

Атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплашда юқори даражадаги хавф манбаларини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Қуйидагилар зарарн қоплаб бериш мажбуриятидан озод этиладилар:

Биринчидан, табиий муҳитга заҳарли ва бошқа чиқиндилар чиқарадиган саноат корхоналари, транспорт воситалари, далалар ва ўрмонларнинг зараркунандалардан тозалаш учун химиявий воситаларни ишлатадиган қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналар.

Иккинчидан, фаолиятлари атроф табиий муҳитга юқори хавф туғдириш билан боғлиқ бўлган корхоналар зарар қайтариб бўлмас куч оқибатида етказилганлигини исботлаб берсалар зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этиладилар.

Хулоса қилиб айтганда, инсон она-табиат фарзандидир. Инсон дунёга келибдики, табиат бағрида яшайди. Ер сув билан барҳаёт бўлганидек одамзод табиат билан тирик. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Табиатга меҳр одам дунёга келган пайтдан, гўдаклик чоғидан бошлаб унинг қалбига сингга бошлайди. Бу жараён умрбод давом этади. Табиатга меҳри кучли бўлган одамнинг эл-улусга,

[71] Қаранг: Рахманкулов Х.Р. Договорные отношения в агропроммшленном комплексе - Т Фан, 1989 – 206-бет.

миллати ва халқига, Ватанига меҳр-муҳаббати юксак бўлади. Қалбида меҳр-шафқат, раҳмдиллик сингари юксак маънавий-аҳлоқий фазилатлар устуворлик қиладиган одамлар табиатдаги ҳар бир нарса ва ҳодисага, тирик ва нотирик нарсаларга оқилона муносабатда бўлади. Ўсиб турган дарахт шоҳини синдирмайди, ахлат ташлаб, сувни ифлос қилмайди, ҳавонинг булғанишига йўл қўймайди, ям-яшил майса-гиёҳларни пайҳон қилмайди, башарти, битта дарахтни кесгудек бўлса, ўрнига ўнтасини, ундан ҳам кўпроғини ўтказади, боғу-бўстон яратади, шу тариқа ободончиликка, тўкин-сочинликка сабаб бўлади, меҳнати, ақл-идрок ва тафаккурини эзгуликка, савоб ишларга бағишлайди.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎРНИ

К.М.Рахимов - Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник

Мамлакатимизда йўл ҳаракати қатнашчилари хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш ва ушбу соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш йўналишида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида қатор муаммолар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йил 11 февралда ўтказилган "Хавфсиз ва равон йўл" тамойили асосида йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилиши мазкур соҳада тўпланиб қолган муаммолар ечимларини топиш, соҳани ислоҳ этишга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»га ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони ва у билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси, 2022 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси, 2022 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»га мувофиқ «Инсон қадри учун» тамойили асосида мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш орқали инсоннинг соғлиғи ва ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида соҳага доир барча йўналишларида кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган чора-тадбирларга қарамасдан йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ва уларнинг оғир оқбатлари камаётгани йўқ. Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2021 йилда содир этилган 10 004 та йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 9 230 нафар фуқаро жароҳатланган ва 2 436 нафар фуқаро ҳалок бўлган. 2022 йилнинг дастлабки уч ойида 1469 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган бўлиб, улардан 204 таси болалар иштирокида содир бўлган, 39 таси ўлим билан тугаган. Қурбонларнинг аксарияти ўсмирлардир.

Таҳлилларга кўра, аксарият қоидабузарлик ва йўл-транспорт ҳодисалари автомактабларни эндигина тугатган ёш ва тажрибасиз ҳайдовчилар томонидан содир этилган.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабаблари:

• тезликни ошириш;

• йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик;

• зарур инфратузилманинг йўқлиги;

• пиёдалар ўтиш жойининг йўқлиги сабаб бўлган.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва автоҳалокатларнинг олдини олиш ва уларнинг оғир оқибатларини енгиллаштириш учун ушбу соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари мукаммал, барча жабҳаларни тартибга солувчи нормаларни ўзида мужассамлаштириши лозим. Айниқса, мазкур соҳадаги мавжуд фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш муҳум аҳамиятга эга.

Автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарувчилар, импортёрлар, сотувчилар, сотиб олувчилар, унга эгалик қилувчи мулкдорлар ва ҳайдовчилар, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар, йўловчи ва юк ташувчилар, суғурталовчи ва бошқалар ўртасидаги ушбу муносабатлар фуқаровий –ҳуқуқий қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини қоидабузарликлар содир этишдан тийиб турадиган муҳим омиллардан яна бири транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўлиб, ундан йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш ва қоидабузарликларни камайтиришда самарали восита сифатида фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-155-сон «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун[72] қабул қилиниб, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди. Шу кундаги ЎРҚ-156-сон қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси янги 135-1-модда билан тўлдирилиб, йўл-транспорт ҳодисаси ва бошқа бахтсиз ҳодисалар туфайли автотранспорт воситасига мулкий шикаст етганда, зарарни қоплаш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаси киритилди ҳамда шу орқали транспорт воситаси мулкдорининг мулкий ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилди.

72

Шундай бўлсада, ундан қоидабузар ҳайдовчиларга нисбатан йўл ҳаракати интизомини кучайтириш воситаси сифатида фойдаланиш назардан четда қолди. Ушбу миконiятдан фойдаланиб келаётган ва етарли тажриба ҳамда нитажаларга эришган мамлакатлар мавжуд. Ф.Файзуллаевнинг фикрига кўра, «Ўзбекистонда йўлтранспорт ҳодисасида айбдор бўлсангиз, мажбурий суғурта жабрланувчига пул тўлаб беради. Сиз ўзингиз жарима тўлайсиз ва машинангизни тузаттириб оласиз. Канадада эса йўл-транспорт ҳодисасида айбдор бўлсангиз суғурта жабрланувчига пул тўлайди, агар ўз автомобилингизни ҳам суғурталаган бўлсангиз, у ҳолда ўз машинангизни тузаттириб оласиз, жарима тўламайсиз. Энг қиммати кейин бошланади. Сиз йўл-транспорт ҳодисасига тушганингиз учун суғурта компанияси сизни хавфли ҳайдовчи деб ҳисоблайди ва олти йил сиз шундай бўлиб қоласиз. Бу йиллар давомида суғурта компаниясига ойлик тўловингиз ошиб кетади»[73]. Бизнингча, бу жуда тўғри тизим. Чунки моҳиятан суғурта компанияси ҳайдовчини қоидаларга риоя этиб, хавфсиз юришидан манфаатдор, қоидабузар ва хавфли (йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмайдиган, қоидабузар) ҳайдовчиларнинг ҳаракатлардан зарар кўради. Шу сабабли ҳам суғурта компаниялари бундай ҳайдовчиларни муғурталашдан ўзларини тийишга мажбур бўладилар ёки уларни суғурталаш қиммат баҳоларда амалга оширилади. Бу эса ўз ўзидан ҳайдовчиларни қоидаларга риоя этиб юришга мажбурлайди. Шунга мувофиқ тизимни йўлга қўйилгани тўғри йўлдир. Фикримизча аслида тезликни меъёридан оширган ҳайдовчиларга «хавфли ҳайдовчи» деб қараш ва улар учун суғурта тўловларини ошириб белгилаш керак.

М.Р. Нуриллоҳ фикрига кўра, «жазо ҳам, жарима ҳам нафсга хеч ёқмайди. Айниқса, миқдор катта бўлса! Ҳолбуки, катта жазо-жарималар катта жиноятнинг олдини олиш учун белгиланади. Жариманинг катталиги нафснинг чегарадан ошувчи истакларини жиловлаб турадиган бир чорадир»[74]. Дарҳақиқат, қоидабузарлик учун моддий жавобгарликни муқараралиги ва унинг моддий оқибатлар

[73] URL:https://t.m/zambarakning_o’qi (мурожаат санаси 23.09.2021 й)
[74] URL:https://t.m/uzbeku (мурожаат санаси 23.09.2021 й)

келтириб чиқариши ҳайдовчини қоидани бузишдан тийиб турувчи бўлиб хизмат қилади.

Шуларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари»[75]га «хавфли ҳайдовчи» тушунчасини ва юқорида қайд этилган ҳолатга мувофиқ қоидани киритиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги ПҚ-190-сон “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори асосан йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш ҳамда уларни такроран бузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 2022 йил 1 декабрдан бошлаб ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш тизими жорий этилади. Унга кўра, ҳар бир йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун 12 ой давомида алоҳида жарима баллари ҳисоблаб борилади;

ҳисобланган жарима баллари белгиланган миқдордан ошган ҳолларда ҳайдовчи маълум муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ўрнатилган тартибда маҳрум қилинади;

муайян давр мобайнида йўл ҳаракати қоидабузарлиги содир этмаган ҳайдовчиларга кейинчалик ҳисобланган жарима балларини қисқартириш орқали рағбатлантириш чоралари қўлланилади.

Мазкур тартиб жорий этилгач, такрорий қоидабузарликлар учун жазо чоралари кучайтирилади ва уларни қоидаларни бузишдан тийилишга мажбур этсада, ушбу чораларни таъсирини янада ошириш учун фуқаровий ҳуқуқий чораларни ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ. Юқорида кўриб чиқилган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда ушбу жарима баллари натижаларини ҳисобга олиш тизимини жорий этиш лозим.

[75] Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https: //lex.uz

Шунда, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ушбу янги тартибни самарадорлиги янада ошади.

Шунга асосан ҳар бир қоидабузарлик учун жарима балларини ҳисоблаш ва қоидабузарларни огоҳлантириш тартибини жорий этиш, ҳайдовчиларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда тўланадиган суғурта бадалини жарима балларидан келиб чиқиб белгилаш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НЕКОТОРЫХ СИСТЕМ ПРОВЕРКИ НА ПЛАГИАТ ПРИ НАПИСАНИИ НАУЧНЫХ РАБОТ

З.И.Муракаева - Самостоятельный соискатель
Университета общественной безопасности
Республики Узбекистан

В настоящее время вопросы плагиата в научном мире рассматриваются очень серьёзно и использование чужих работ с присвоением авторства категорически порицается. С резким скачком в информационно-коммуникационной сфере вопросы соблюдения авторских прав стали одними из наиболее актуальных.

В наше время в интернете можно найти не одну программу, позволяющую проверить работу на степень плагиата. В первую очередь при поиске на русском языке можно будет обнаружить наиболее востребованные программы, такие text.ru, antiplagiat.ru, advego и другие.

Так, программа проверки антиплагиата text.ru [1] выводит уровень процентной оригинальности работы с указанием процентного соотношения так называемой «воды», то есть слов, добавленных для увеличения объема, но по своей сути не несущих ценностной нагрузки. К ним относятся многие вводные фразы «кроме того», «в связи с этим», «помимо вышесказанного» и им подобные. Программа приведет список ссылок с процентным соотношением использования их в проверенном тексте.

Так, согласно приказу Минобрнауки все высшие учебные заведения Российской Федерации подключены к данной системе [2] и постоянно используют её в своей повседневной деятельности. Причем не только в научной, но и в учебной. Так, на электронном портале Южно-Уральского государственного университета Российской Федерации [3] при дистанционном обучении при выполнении таких заданий как курсовая работа, реферат, выпускная квалификационная работа и другие в условиях задания проставляется уровень оригинальности на сайте antiplagiat.ru [4], который является одним из критериев оценки работы и при несоответствии которого работа возвращается студенту на доработку. При этом, студенту магистратуры на весь период обучения исходя из количества общих крупных отчетных заданий на бесплатной основе предоставляется 10 проверок в данной системе [5]. Преподавательский состав имеет постоянный доступ к использованию данной версии в преподавательской деятельности, так как вуз обеспечивает постоянное функционирование коммерческой версии данной системы для внутренних работ. Каждая профилирующая дисциплина имеет отчетный вид работы будь то эссе, курсовая или реферат, к которым одним из требований выставляется определенный процентный уровень оригинальности в системе Антиплагиат. Таким образом, обеспечивается полная прозрачность при выставлении оценки, осуществляется защита преподавателя от необоснованных претензий, а также предотвращаются коррупционные поползновения в системе образования.

Исходя из анализа различных систем проверки на плагиат в Узбекистане было принято решение об использовании широкого круга возможностей antiplagiat.ru и наша страна вошла в так называемое «Кольцо ВУЗов» данного сайта с использованием национального доменного имени antiplug.uz [6].

При анализе этих двух программ можно увидеть некоторые различия при их использовании. Так, программа «Антиплагиат.ру» предоставляет бесплатный доступ к своим базам, но ограниченно: в ней используются только открытые базы сети Интернет. При покупке

коммерческой версии пользователь пользуется полным набором баз данных программы. Зачем это нужно знать? Дело в том, что при написании статей и других работ автор не обязательно пользуется только своими наработками, но и использует печатные варианты ранее вышедшей литературы, электронные варианты каких-либо пособий, вышедших в каком-либо вузе. Бесплатная версия программа, не проверяя по полной базе выдает более низкий процент оригинальности, чем коммерческая. В среднем при сравнительном анализе, в котором использовались несколько текстов юридического профиля в виде курсовых работ и рефератов, разница с коммерческой версией по личному опыту автора составила примерно 10%. Естественно, что при использовании коммерческой версии проверки на плагиат точек соприкосновения выявляется больше, соответственно, качественный уровень жестче.

В программе «текст.ру» имеется другая особенность использования. Данный сайт ограничивает бесплатное использование возможностей количеством знаков – 15.000 знаков. Изначально может показаться, что это большая цифра, но, к сожалению, это примерно 2-3 страницы текста. Естественно для полноценной проверки автору работу потребуется приобрести доступ. Однако, это никоим образом не говорит о том, что данная система проверки на плагиат хуже.

В национальной версии программы antiplug.uz для физических лиц имеется только разовый оплачиваемый доступ. Это, в свою очередь, не предоставляет пользователю возможности предварительного тестирования использованной программы, но требует материальных вложений, пусть и небольших.

Кроме того, в настоящее время версия программы предоставлена только на узбекском языке и не имеет возможности использования её на других языках, что также снижает уровень её использования. А при необходимости проверки на русском и других языках проще использовать непосредственно базу сайта antiplagiat.ru, что снижает конкурентоспособность используемой национальной базы. Однако,

стоит учитывать и то, что наполнение интернета контентом на узбекском языке – это работа не одного дня и даже года.

В связи с вышеизложенным предлагается:

1. разработать и внедрить в национальную систему проверки на плагиат antiplug.uz возможность ограниченного бесплатного доступа;
2. рекомендовать ВУЗам приобретение коммерческой версии национальной системы antiplug.uz для поднятия научных работ на более качественный уровень;
3. каждому ВУЗу разработать критерии оценки применения национальной системы antiplug.uz для более широкого применения контента;
4. объединить высшие учебные заведения Узбекистана в единую систему, что позволит более широкому внедрению системы antiplug.uz.

Интернет ресурсы:

1. http://text.ru
2. Антиплагиат для частных пользователей – новая версия
3. Приказ Минобрнауки России №636 от 29 июня 2015 года (ред. от 27.03.2020) «Об утверждении Порядка проведения государственной итоговой аттестации по образовательным программам высшего образования – программам бакалавриата, программам специалитета и программам магистратуры» (Зарегистрировано в Минюсте России) - // http://consultant.ru
4. Собственная электронная платформа для студентов Южно-Уральского государственного университета Российской Федерации. Закрытый доступ // http://susu.ru
5. http://antiplagiat.ru
6. http://antiplug.uz

ФОРС-МАЖОРНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА ЮРИДИК ТАБИАТИ

Х.Исанов - Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби докторанти,
юридик фанлар номзоди, доцент.

Бугунги кунда ер юзида тез-тез содир бўлиб турган кўплаб ҳалокатли табиий офатлар, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий-иқтисодий вазиятлар оқибатлари форс-мажор ҳолатларини юзага келтириб, инсонлар ҳаёти, соғлиги ва турмуш тарзига хавф солиши билан бирга, амалдаги ҳуқуқий муносабатларга ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитларда пайдо бўлган хавф-хатарларнинг салбий оқибатларини камайтириш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг янгича ёндашувлари шаклланиб бормоқда. Шу сабабли, ҳуқуқий муносабатлар тизими ва суд амалиётида форс-мажорни қўллашнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш объектив заруратга айланди. Айниқса, шартномавий муносабатлар иштирокчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва улар ўртасидаги муносабатларнинг истиқболдаги барқарорлигини таъминлашда форс-мажорни қўллашга оид концептуал ғояларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Бу эса, форс-мажорнинг фуқаролик-ҳуқуқий категория сифатида юридик табиатини тадқиқ этиш заруратини туғдиради.

Маълумки, “форс-мажор” – инглизча (“force-major”) ёки французча (“force-majeure”) “енгиб бўлмайдиган куч” деган маънони англатади ва одатда ҳалокатли табиат ҳодисалари (тошқинлар, ёнғинлар, зилзилалар ва бошқалар) “енгиб бўлмайдиган куч” сифатида намоён бўлади. Лекин, “форс-мажор” ҳолати анча кенгроқ мазмун-моҳиятга эга бўлган тушунча бўлиб, у ҳалокатли табиат ҳодисаларидан ташқари турли кўринишдаги ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва бошқа вазиятларни (пандемия, уруш ҳолати,

оммавий иш ташлашлар ва намойишлар, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш кабилар) ҳам қамраб олади. Яъни, форс-мажор ҳолати шартнома тузилгандан кейин иштирокчиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган, тўсатдан ва фавқулодда, муайян шароитларда оқибатлари олдини олиб бўлмайдиган ва муқаррар, кутилмаган ташқи таъсирлар натижасида қарздорнинг айбисиз шартнома мажбуриятларининг бузилишига олиб келадиган ҳолат эканлигини таъкидлаш ўринли.

Ҳозирги замон ҳуқуқ тизимлари ривожланган ва фуқаролик қонунчилиги кодификация қилинган қитъа ҳуқуқ тизими (Германия, Франция, Россия, Хитой, Ўзбекистон ва бошқалар) мамлакатларининг фуқаролик кодексларида форс-мажор ҳолати тушунчаси қоида тариқасида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, уларда форс-мажор ҳолатларининг батафсил таърифи ва рўйхати мавжуд эмас. Аслида эса, буни тўлиқ амалга оширишнинг имкониятлари ҳам чегараланган. Чунки, форс-мажор ҳолатлари ниҳоятда турли-туман бўлиб, ҳар бир ҳолат алоҳида ҳодиса ёки воқеа сифатида вужудга келиши туфайли ўзига хос хусусиятлари ва белгилари билан намоён бўлади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик қонунчилиги ҳужжатларида ҳам форс-мажор ҳолати ва унинг белгиларига оид айрим тушунчаларни учратиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 333-моддаси 3-қисмида “башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги бундай вазиятлар

жумласига кирмайди”[76] деб кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 199-моддасида эса, “агар зарар, уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар натижасида келиб чиққан бўлса, ходимнинг моддий жавобгарлиги истисно этилади”[77] деб кўрсатилган. Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилиги ҳужжатларида форс-мажорга оид ҳуқуқий нормалар юридик жавобгарликдан озод қилиш ёки жавобгарликни истисно этишнинг асоси сифатида белгилаб берилган. Худди шулар каби илмий юридик адабиётларда ҳам форс-мажор ҳолатига қарздорнинг кредитор олдидаги мажбуриятини бажаришда инсон хоҳиш-иродаси, ихтиёридан ташқари тўсатдан юзага келадиган ва олдини олиш мумкин бўлмаган ҳодиса ёки вазият туфайли қарздорни жавобгарликдан озод этишнинг асоси сифатида қараш лозимлиги тўғрисидаги фикрлар учрайди. Жумладан, “форс-мажор – тасодифий ва енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари бўлиб, қоида тариқасида, қарздорни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан озод қиладиган ҳолатлар қаторига киради, тасодифийлик эса, мажбурият иштирокчиларидан бирортасининг айби йўқлигини кўрсатувчи ҳолат бўлиб, енгиб бўлмайдиган куч – бу фавқулодда ва енгиб бўлмайдиган ҳодисани англатиши, буларга ҳалокатли табиат ҳодисалари (тошқинлар, зилзилалар ва бошқалар), шунингдек баъзи ижтимоий ҳодисалар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар ва бошқалар) киради”[78], дея таъкидланади.

Бошқа цивилист олимлар ҳам енгиб бўлмас кучни шахснинг муайян ҳаракатларни амалга оширишга халақит қилган ёхуд аксинча, шахсни муайян ҳаракатларни қилишга мажбур қилган ҳолатлар сифатида эътироф этадилар ва шу маънода енгиб бўлмас кучни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрадилар[79]. Ушбу фикрлар бизнинг назаримизда, форс-мажорнинг барча фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятлари ва юридик табиатини

[76] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. https://lex.uz/ru/docs/111189.
[77] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. https://lex.uz/ru/docs/142859
[78] Фоков А.П. Гражданское право. –М., КРОНУС, 2005. С 315-316.
[79] Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности. –М., Юридическая литература, 1970. С 152.

тушуниш учун етарли эмас. Яъни, юзага келган ҳар қандай вазият форс-мажор ҳолати сифатида тан олиниши учун қуйидаги шартлар қаноатлантирилиши керак: а) вазият тўсатдан юзага келиши ва муайян шароитларда ноодатий бўлиши; б) шартнома тузилган вақтда тарафлар юзага келиши мумкин бўлган бундай вазиятни олдиндан кўра билмаган бўлишлари; в) юзага келган вазият тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаслиги ва унинг оқибатлари нафақат тарафлар учун олдини олиб бўлмайдиган, балки ҳар қандай фуқаролик муомаласи иштирокчилари учун ҳам бартараф этиб бўлмайдиган ҳолат бўлиши; г) мажбуриятни бажара олмаслик ва юзага келган ҳолат ўртасида сабабий боғланиш бўлиши лозим. Ушбу шартлар қаноатлантирилганда, иш муомаласи одатлари ёки шартнома шартлари асосида юзага келган вазиятни юридик факт сифатида форс-мажор ҳолати эканлигини тасдиқлашга оид далиллар тўпланиши ва ваколатли ташкилотда белгиланган тартибда сертификат расмийлаштирилиши мумкин.

Шу ўринда қонунчилиги суд амалиёти (прецедент ҳуқуқи) таъсири остида ривожланган ва кўпинча кодификацияланган фуқаролик қонунчилигига эга бўлмаган умумий ҳуқуқ (common lawe) тизими мамлакатларида (Англия, АҚШ, Ҳиндистон ва бошқалар) форс-мажор ҳолатлари ҳар доим ҳам одатий қоида сифатида қаралмаслиги, балки бунинг ўрнига форс-мажор тушунчаси, унинг ўзига хос шартлари, яъни айнан қандай ҳолатларни тарафлар форс-мажор ҳолати сифатида қабул қилиши мумкинлиги тўғрисида шартномада аниқ қилиб кўрсатилиши одатий ҳол ҳисобланишини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, агар шартнома умумий ҳуқуқ тизими қонунчилиги асосида тузилган бўлса, албатта, форс-мажорга оид шартлар шартномада аниқ кўрсатилади ва бундай ҳолатнинг юзага келиши томонларга шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки чекланган жавобгарликка тортилиш мумкинлиги имконини беради. Шу билан бирга, кейинги даврларда барча фуқаролик ҳуқуқи тизимлари ўртасида ўзаро яқинлашув, бир-биридан андоза олиш жараёнлари кечаётганлиги ва бу жараёнлар асосан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва инновацион

соҳалардаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларда яққол намоён бўлаётганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида (333-моддаси 3-қисми) форс-мажор ҳолати тушунчаси қоида тариқасида мустаҳкамлаб қўйилганлиги билан бир қаторда, қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги каби вазиятлар форс-мажор ҳолатига кирмаслиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Бунда қонун чиқарувчи баъзи вазиятлар ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари фаолиятидаги таваккалчилик (хавф-хатар) туфайли юзага келиши ва бевосита мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида зарар етказилиши мумкинлигини назарда тутган. Жумладан, бундай ҳолатларга чет эл валютаси курсининг тебранишлари, миллий валюта девальвацияси, бозорда товар ва маҳсулотлар нархларининг ошиши, қарздорга нисбатан учинчи шахсларнинг ноинсофлик билан қилган ҳаракатлари, бозорда товарга бўлган талабнинг йўқолиши, молиявий зарар кўриш, банкротлик ва бошқа жуда кўплаб вазиятларни киритиш мумкин. Фуқаролик кодексининг зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари (985-модда)га кўра, зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади. Қонунда зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилиши мумкин. Демак, мажбуриятни бузганлик учун жавобгарликни белгилашда зарар етказишга олиб келган вазият таваккалчилик (хавф-хатар) ёки форс-мажор ҳолати эканлигини аниқлаш ва уларни бир-биридан аниқ ажратиш қарздорнинг айби мавжуд ёки мавжуд эмаслигини белгилашда муҳим ҳисобланади. Бу эса, таваккалчилик ва форс-мажор ҳолатларининг қиёсий фуқаролик-ҳуқуқий нисбатини тадқиқ этишни тақозо этади.

Ҳозирги замон цивилистика фанида таваккалчилик (хавф-хатар) тушунчаси тўғрисида учта – объектив, субъектив ва дуалистик концепциялар мавжуд бўлиб, улардан объектив концепция вакиллари “таваккалчилик (риск) – бу мулкий ва шахсий характердаги салбий

таъсирларнинг мавжудлиги ва пайдо бўлиши”[80] деб тушунтирсалар, субъектив концепция вакиллари “таваккалчилик (хавф-хатар)ни шахс ҳатти-ҳаракатларининг тасодифий оқибатларга ёки муайян вазиятларда феъл-атворнинг мавжуд имкониятларга руҳий муносабати”[81], дея таъкидлайдилар, дуалистик концепция вакиллари эса, объектив ва субъектив концепцияларни бирлаштирган ҳолда “таваккалчилик (хавф-хатар) муқобил (альтернатив) танлов билан боғлиқлиги ва бу танлов натижалари субъектив томони ижтимоий хавфни сезишда намоён бўлади”[82], деб ҳисоблайдилар. Ушбу қарашлар билан бир қаторда илмий адабиётларда “таваккалчилик (хавф-хатар) қарздор томонидан мажбуриятни бажаришдаги носозлик ва оқсаш туфайли зарар етказиши мумкин бўлган вазият”[83] эканлиги тўғрисидаги фикрлар, шунингдек “қарздорнинг тўловга лаёқатсизлик таваккалчилиги”, “зарар кўриш таваккалчилиги”, “фойда кўрмаслик таваккалчилиги”, “банкротлик таваккалчилиги”[84] каби кўплаб тушунчалар ҳам учрайди. Ушбу таваккалчилик (хавф-хатар) тушунчасига оид келтириб ўтилган объектив, субъектив ва дуалистик концепция тарафдорлари фикрларига таяниб шуни айтиш мумкинки, таваккалчилик (хавф-хатар) – бу мажбуриятни бажаришда қарздорнинг айбли ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида юзага келган ноқулай вазият туфайли мулкий зарар етказишдир. Таваккалчилик оқибатлари қарздорнинг айби туфайли юзага келади ва шу сабабдан кредиторга зарар етказилади.

Шу билан бирга, таваккалчилик қарздорнинг ўзини мулкий аҳволини ҳам ёмонлаштиради ва пайдо бўлган зарарни жавобгарлик механизми воситасида бошқа шахсга юклаш ёки жавобгарликдан озод этишнинг имконияти бўлмайди. Айтилганларга кўра, таваккалчилик категориясини фуқаролик ҳуқуқининг ҳам субъектив, ҳам объектив категорияси сифатида тушуниш лозим. Форс-мажор

---

[80] Малеин Н.С. Гражданско-правовое положение личности. М.: Наука, 1975. С 399.

[81] Ойгензихт В.А. Проблема «риска» в гражданском праве. Душанбе: ИРФОН, 1972. С 224.

[82] Арямов А.А. Общая теория риска: юридический, экономический и психологический анализ. М.: РАП; Волтерс Клувер, 2010. С 208.

[83] Победоносцев К.П. Курс гражданского права. Т.3. М., 2003. С 250.

[84] Агарков М.М. Избранные труды по гражданскому праву. Т.1. М., 2002. С 119.

эса, таваккалчиликдан фарқли равишда ўз моҳияти ва қамрови жиҳатидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган муқаррар, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган, тўсатдан ва муайян шароитларда оқибатлари олдини олиб бўлмайдиган ташқи таъсирлар натижаси (айбсиз ҳолат)да мажбуриятларнинг бузилишига олиб келадиган ҳолатдир. Яъни, форс-мажор ҳолатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари мажбуриятларни лозим даражада бажаришлари учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрган бўлишларига қарамасдан, мажбуриятларни лозим даражада бажаришларига енгиб бўлмайдиган куч – форс-мажор ҳолати туфайли имкониятлари бўлмайди ва шу сабабдан ҳам улар айбсиз, деб топиладилар. Бу эса, форс-мажор ҳолатини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизимида юридик жавобгарликдан озод этиш ёки қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилувчи объектив категория эканлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликдан озод этиш ёки қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно этиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар тараққиёти олимлар томонидан тегишли ҳуқуқ соҳалари, институтлари ва категориялари шаклланиши тўғрисидаги масалаларни доимий тадқиқ этилишига асос бўлиб келган. Фуқаролик ҳуқуқий нормалар тўғрисидаги таълимотларга кўра[85], фуқаролик ҳуқуқий норманинг бузилиши, агар ҳаракатлар субъектив хусусий ҳуқуқларни ва (ёки) конкрет хусусий субъектнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаса, ўз-ўзидан ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларини қонунга хилоф деб тан олиши учун асос бўла олмайди. Шундан келиб чиқиб, фуқаролик ҳуқуқининг мажбурият ҳуқуқи институти таҳлил қилинганда, мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликдан озод этиш ёки қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар сифатида ақли норасолик (шахс ўзининг ҳаракатларига ҳисобот бера олмайдиган ҳолат), зарурий мудофаа (шахс, жамият, давлат манфаатлари ҳимоясидан келиб чиқиб, зарар

[85] Белов В.А. Гражданское право. –М., Центр ЮрИнфоР, 2003. С 31-32.

этказувчига нисбатан зарурий мудофаа доирасида қаршилик кўрсатиш ёки зарар етказиш), охирги зарурат (шахс жамият, давлат манфаатларига хавф туғдирадиган ҳолатларда, бу хавфнинг олдини олишга қаратилган чоралар доирасидаги ҳаракатлар) ва казус (тасодифлар) кабилар киритилганлигини кўриш мумкин. Форс-мажор ҳолатини тўсатдан юзага келадиган тасодиф вазият бўлганлигини ҳисобга олганда, казус (тасодиф) сифатида жавобгарликдан озод этиш ёки қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилувчи алоҳида ва муҳим асослардан бири дейиш мумкин.

Шу ўринда, форс-мажорга оид ҳуқуқий нормалар фуқаролик ҳуқуқининг қайси ҳуқуқ институти таркибига киришини аниқлаб олиш ҳам муҳим. Зеро, ҳуқуқ назариясида[86] “ҳуқуқ институти” деганда, етарли даражада такомилга етган моҳият англашилади ва ҳуқуқ нормаларининг юридик бирлиги, ижтимоий муносабатлар маълум мажмуасини тартибга солишнинг тўлиқлиги, қонунчилик ҳужжатларида ҳуқуқ институтини ташкил этувчи нормаларнинг алоҳидалаштирилганлиги каби белгилар ҳуқуқ институти мустақиллигининг мезони бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан олганда, форс-мажор мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликдан озод этиш ёки қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилувчи фуқаролик-ҳуқуқий категория сифатида фуқаролик ҳуқуқининг мажбурият ҳуқуқи институтига киради. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Янги Фуқаролик кодекси[87] лойиҳасида ҳам форс-мажор мажбуриятларни бузганликда айбни истисно этишнинг асоси сифатида кўрсатилганлигини таъкидлаш жоиз.

Хулоса қилиб айтганда, форс-мажорнинг фуқаролик-ҳуқуқий категория сифатида юридик табиати, унинг қуйидаги асосларни вужудга келтириши орқали намоён бўлади, жумладан:

Биринчидан, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизимида мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун юридик жавобгарликдан озод этиш ёки жавобгарликни истисно этишнинг асоси;

[86] Общая теория права. Под ред. Пиголкина А.С. –М., Наука. 1996. С 181-182.

[87] Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик кодекси лойиҳаси. https://regulation.gov.uz/uz/d/29059

Иккинчидан, шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишнинг асоси;

Учинчидан, шартнома мажбуриятини бажаришнинг мумкин бўлмаслиги туфайли унинг бекор бўлиш асоси;

Тўртинчидан, давлат органи ҳужжати асосида, яъни унинг қабул қилиниши натижасида форс-мажор ҳолати юзага келиши ва мажбуриятнинг бекор бўлиш асоси;

Бешинчидан, табиий офатлар ва фавқулодда тусдаги форс-мажор ҳолатлари юз берганда, давлат органлари қарорига мувофиқ, мол-мулкни жамият манфаатларини кўзлаб, мулкдордан унга мол-мулкнинг қийматини тўлаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда олиб қўйишнинг (реквизиция) асоси;

Олтинчидан, форс-мажор ҳолатида мол-мулкнинг нобуд бўлиши (йўқолиб кетиши) натижасида мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш асоси;

Еттинчидан, форс-мажор ҳолатида мол-мулкига зарар етган шахс билан тегишли суғурта органлари ўртасида ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиш асоси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. https://lex.uz/ru/docs/111189.

2. Фоков А.П. Гражданское право. –М., КРОНУС, 2005. С 315-316.

3. Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности. –М., Юридическая литература, 1970. С 152.

4. Ҳ.Раҳмонқулов. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. I-қисм. –Т.: ТДЮИ. 2010. -10 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. https://lex.uz/ru/docs/111189.

6. Малеин Н.С. Гражданско-правовое положение личности. М.: Наука, 1975. С 399.

7. Ойгензихт В.А. Проблема «риска» в гражданском праве. Душанбе: ИРФОН, 1972. С 224.

8. Арямов А.А. Общая теория риска: юридический, экономический и психологический анализ. М.: РАП; Волтерс Клувер, 2010. С 208.

9. Победоносцев К.П. Курс гражданского права. Т.3. М., 2003. С 250.

10. Агарков М.М. Избранные труды по гражданскому праву. Т.1. М., 2002. С 119.

11. Белов В.А. Гражданское право. –М., Центр ЮрИнфоР, 2003. С 31-32.

12. Общая теория права. Под ред. Пиголкина А.С. –М., Наука. 1996. С 181-182.

13. Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик кодекси лойиҳаси. https://regulation.gov.uz/uz/d/29059

ЭКОНОМИКА ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА

Г.А.Алимова - доктор философии (PhD)
по экономическим наукам, доцент кафедры
«Экономические науки» университета
«Общественной безопасности» Республики Узбекистан

Гражданское право является одной из важнейших и наиболее распространенных отраслей права в Республике Узбекистан. Гражданское право в условиях рыночной экономики – это в первую очередь обеспечение «нормальных» экономических отношений в обществе. Действительно, динамичные и справедливые отношения строятся не только на ограничивающих функциях гражданского право (правонарушений), но и на «развивающих», способных организовать и обеспечить нормальные имущественные отношения. Поэтому он по своей сути, конечно же, должен содержать минимальное количество необходимых запретов и максимальное количество возможных разрешений. [88]

[88] Чернявский А.Г. Экономическая функция права в условиях формирования рыночных отношений: дисс…. канд. юр. наук. - 1213. 00. 01 - Теория права и государства. - М., 2008. - С. 56.

С помощью инструментария гражданского права участники имущественных отношений самостоятельно организуют свою деятельность для достижения необходимых результатов. Одной из актуальных современных проблем науки гражданского права является изучение принципов гражданского права, обеспечивающих наиболее полное раскрытие социальной значимости гражданского права, а также механизма, обеспечивающего надлежащее осуществление прав и исполнение обязанностей субъектами гражданского права. Принципы являются исходными, руководящими принципами любой области права, включая гражданское право.[89]

Говоря об экономике в системе гражданского право нужно отметить, что она по своей сущности представляет собой систему отношений по производству, распределению, обмену и потреблению материальных благ. Становление экономических отношений породило новые институционные формы их закрепления, стабилизации, развития. Что же касается государства и права, здесь нужно чётко понимать, что это социально-политические институты, вызванные к жизни экономикой, потребностями ее развития и регулирования.

Как же «право» воздействует на экономику?

Необходимо подчеркнуть, что право есть наиболее адекватная форма экономических отношений. Экономические отношения могут нормально функционировать исключительно в правовой форме. Все иные формы (традиционная, религиозно-нравственная, директивно-государственная) не являются оптимальными, поскольку не отвечают потребностям рыночной экономики, искажают или попросту отвергают рыночные начала как безнравственные, анархические, противоречащие духу народа и т.п. Таким образом, право - это не нечто внешнее для экономики. Право - естественная форма экономических отношений.

[89] Чернявский А.Г. Экономическая функция права в условиях формирования рыночных отношений: дисс…. канд. юр. наук. - 1213. 00. 01 - Теория права и государства. - М., 2008. - С. 82.

Экономические отношения, как и любые иные социальные взаимосвязи, могут стабильно функционировать, если они закреплены в нормативной, форме. Нормативные формы разнообразны, но среди них только правовая (это показывает исторический опыт), в наибольшей степени отвечает сущности экономических отношений, их рыночной природе. Единой юридической основой всех отношений экономического цикла является право собственности. При этом в сфере экономики главным объектом собственности выступает труд человека. В этой связи вещи, деньги, ценные бумаги и другие объекты экономического оборота имеют ценность не сами по себе, а как носители или знаки, символы определенной стоимости, воплощенного в них труда. Вещи как объекты права собственности вторичны, они носители овеществленного труда, придающего им стоимость. И самое главное: обмен трудовой деятельностью, результатами труда (вещами, деньгами и т.д.) осуществляется на основе частного права между равноправными собственниками.

Экономика как производство товаров и услуг имеет объективное содержание. Это содержание определено, с одной стороны, характером потребностей населения, а с другой - уровнем развития техники, производительности труда, природными условиями.

Как, каким образом отдельный производитель получает информацию о том, что необходимо производить?

Подобные вопросы не возникают в условиях традиционного, натурального хозяйства, свойственного феодализму. Не нужна здесь и регулирующая функция права. В условиях рыночной экономики ситуация иная. Цена на рынке товаров и услуг регулируется соотношением спроса и предложения. Но для этого все собственники должны быть свободны юридически, т.е. должны самостоятельно решать, что производить, в каком количестве, по какой цене продавать. [90]

[90] Рожкова М. Меры обеспечения и меры ответственности в гражданском праве: антология / М. Рожкова. - М.: Статут, 2010. - С. 112.

Юридическая свобода - необходимое условие для выявления экономической необходимости. Она дает возможность производителю слышать сигналы рынка и учитывать их. Производитель сам регулирует экономические аспекты своей деятельности и делает это по праву и благодаря праву, с помощью которого его свобода закреплена и защищена.[91]

Итак, право не просто воздействует на экономику, оно - неотъемлемая ее часть. Более того, есть основания считать, что становление права как регулятивной системы завершается с появлением развитой рыночной экономики.

Таким образом, существует неотделимая взаимосвязь между правом, государством и экономикой. И каждая из этих категорий регулирует правоотношения, возникающие в обществе. С учетом того что гражданское право императивно нормирует лишь основополагающие моменты возникновения и функционирования гражданских отношений, допускает их автономное индивидуальное регулирование и существование отношений, прямо не предусмотренных нормами гражданского права, оно выполняет функцию организации общественных отношений.

Литература

1.Рожкова М. Меры обеспечения и меры ответственности в гражданском праве: антология / М. Рожкова. - М.: Статут, 2010. - С. 112.

2.Чернявский А.Г. Экономическая функция права в условиях формирования рыночных отношений: дисс… канд. юр. наук. - 1213. 00. 01 - Теория права и государства. - М., 2008. - С. 82.

[91] Рожкова М. Меры обеспечения и меры ответственности в гражданском праве: антология / М. Рожкова. - М.: Статут, 2010. - С. 116.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ў.М.Давлетов - Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети кафедра бошлиғининг ўринбосари, ю.ф.б.ф.д (PhD), подполковник

Ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, муаммонинг ечими судга бориб тақалади. Бироқ ҳамма ҳам судга мурожаат қилишнинг тартиби, йўл-йўриғини билавермайди. Шундан келиб чиқиб, бу борада аввало шуни англаб олиш керакки, суд аксарият одамлар тасаввур қилгани каби жазоловчи муассаса эмас, балки адолатни қарор топтирадиган, бузилган ҳақ-ҳуқуқларни тиклайдиган органдир. Конституциямизнинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Фуқароларнинг мурожаатини судларда кўриб чиқиш тартиби ва муддати Фуқаролик-процессуал кодекси, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Мурожаатингизнинг тааллуқлилигини, яъни фуқаролик ёки жиноят ишлари бўйича судларнинг қай бирида кўриб чиқилишини аниқлаштириб олишингиз керак. Дейлик, ишингиз фуқаролик ҳуқуқига оид. Демак, сиз даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судларига мурожаат қилишингиз лозим.

ФПКнинг 399^3-моддасида иш суд томонидан ғайриқонуний таркибда ёки тааллуқлилик тўғрисидаги қоидалар бузилган ҳолда кўрилмаслиги талаб этилади.

Тааллуқлилик деганда, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун билан муайян давлат органи ёки жамоат ташкилоти зиммасига юклатилганлиги тушунилади. Мазкур таърифдан кўринадики, тааллуқлилик шахсларнинг судга мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқларини юзага келтирадиган юридик шартлардан бири эканлиги унинг фуқаролик процессуал ҳуқуқнинг асосий институтларидан бири ҳисобланишини кўрсатади.

Ҳуқуқни амалга ошириш нуқтаи назаридан тааллуқлиликни фуқаролик протсессининг юзага келишини белгилаб берувчи асосий юридик фактлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Чунки фуқаролик ишларини қўзғатишнинг муҳим шартларидан бири бўлган тааллуқлилик мазкур масалани ҳал қилиш давомида судья томонидан аниқланиши лозим бўлган юридик факт сифатида намоён бўлади.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 40-моддасида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судининг ваколатлари берилган бўлиб, унда фуқаролик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши белгиланган. Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)нинг 2-моддасига кўра фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари fuqarolarning shaxsiy, siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy huquqlarini, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini, O‘zbekiston Respublikasining huquqlari va manfaatlarini, shuningdek korxonalar, muassasalar, tashkilotlar, jamoat birlashmalari va fuqarolar o‘zini o‘zi boshqarish organlarining (bundan buyon matnda tashkilotlar deb yuritiladi) huquqlari hamda qonun bilan qo‘riqlanadigan manfaatlarini himoya qilish maqsadida fuqarolik ishlarini to‘g‘ri, o‘z vaqtida ko‘rib chiqish va hal этишдан иборатдир.

Албатта, судга мурожаат қилишдан олдин қуйидаги масалалалар бўйича маълумотга эга бўлиш фойдадан холи бўлмайди. Булар:

- ✓ судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгамисиз-йўқми;
- ✓ даъво аризасини қандай ёзиш керак;
- ✓ суд процессида кимлар иштирок этиши мумкин ва улар қандай ҳуқуқ, мажбуриятларга эга;
- ✓ судда ишингизни ўзингиз юритмоқчимисиз ёки вакилингиз орқалими;

- ✓ ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун судга қандай далиллар келтирмоқчисиз;
- ✓ қандай ҳолатларда суд иш юритишни тўхтатиб туриши шарт;
- ✓ қачон суд аризани кўрмасдан қолдириши ёки иш юритишни тугатиши мумкин;
- ✓ қанча давлат божи тўлаш керак бўлади, яна қандай чиқимлар бор;
- ✓ агар судда ютқазсангиз, қаерга ва қандай тартибда шикоят қилиш мумкин ва ҳ.к.

Мабодо сиз далиллар тўғрисида олдиндан ўйлаб қўймасангиз, гарчи ҳақ бўлсангиз ҳам, суд процессида ютқазиб қўйишингиз мумкин. Агар юқори турувчи судга кассация шикояти бериш тартибидан бехабар бўлсангиз, бундай шикоят қилиш муддатини ўтказиб юборишингиз ҳеч гап эмас.

Шу ўринда, фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриладиган даъво аризалари қуйидаги турлардан иборат:

- ➢ ишга тиклаш;
- ➢ зарарни қоплаш;
- ➢ алимент ундириш;
- ➢ оталикни белгилаш;
- ➢ ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш;
- ➢ никоҳни бекор қилиш;
- ➢ тураржойдан кўчириш;
- ➢ уй-жой билан боғлиқ низолар;
- ➢ мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар;
- ➢ мулкни рўйхатдан чиқариш ҳақидаги даъволар;
- ➢ ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар ва ҳ.

Фуқаролик суд ишларини кўриш ва ҳал этиш ФПК ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

ФПКнинг 3-моддасида белгиланганидек, ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун фуқаролик суд

ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, судга мурожаат қилаётган киши низо предмети бўлган ҳуқуқ (ёки қонуний манфаатлар) соҳиби (тегишли даъвогар) бўлиши шарт. Масалан, қизининг никоҳидан норози бўлган она мазкур никоҳни бекор қилишни сўраб судга мурожаат қила олмайди. Чунки бу ҳолатда она ҳуқуқ соҳиби эмас. Никоҳнинг бекор қилинишини сўраб мазкур никоҳда бўлган эр ёки хотин судга мурожаат қилиши мумкин.

Вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек, муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари, бинобарин ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ва ҳомийлар ҳимоя қилади. Аммо бу ҳол вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан ва олинган иш ҳақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаганлар судда ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини шахсан ҳимоя қила олади. Суд бу каби ишларда вояга етмаганларга ёрдам бериш учун уларнинг ота-оналарини, уларни фарзандликка олганларни ёки ҳомийларни жалб қилиши ҳам мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар мамлакатимиз судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, улар процессуал ҳуқуқлардан ҳам Ўзбекистон фуқаролари билан баравар фойдаланади. Бундан ташқари, чет эл ташкилотлари республикамиз судларига мурожаат қилиши ва ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

ФПКнинг 3-моддасига мувофиқ судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас. Яъни сиз бу ҳуқуқдан воз кечсангиз ҳам бу ҳуқуқ сизда қолаверади. Шу боис шартномада

тарафлардан бири судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш мажбуриятини олган бўлса, бундай шартноманинг айнан шу қисми ноқонуний ҳисобланади. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, фуқаролар ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқлардан ўз ихтиёри билан фойдаланадилар.

Суд фуқаролик ишини ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг, прокурорнинг ҳамда давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар агар қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлсалар, уларнинг берган аризалари бўйича қўзғатади.

Даъвогар ё жавобгар яшайдиган ёки жойлашган ердаги судга, ё ўзининг яшаш жойидаги судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. ФПКнинг 33-моддасида Судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга, ташкилотларга нисбатан аризалар улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга берилади. Бир неча квартира ёки ҳовлига эга бўлган фуқаронинг доимий яшаш жойини ёки кўп вақт яшайдиган жойини аниқлаш қийин бўлган ҳолларда паспорти бўйича рўйхатдан ўтган манзил унинг яшаш жойи ҳисобланади. Демак, бундай ҳолларда даъво фуқаронинг рўйхатдан ўтган жойи бўйича қўзғатилади.

Жавобгар даъво қўзғатилгандан кейин яшаш жойини ўзгартирган тақдирда иш даъво тақдим этилган судда кўрилаверади. Турли манзилда жойлашган бир неча жавобгарга нисбатан даъво даъвогарнинг танлови бўйича жавобгарлардан бири жойлашган ерда қўзғатилиши мумкин.

ФПКнинг 34-моддаси (даъвогарнинг танлови бўйича судловга тегишлилик)га биноан яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулки турган жойдаги ёки унинг маълум бўлган сўнгги яшаган жойидаги судга тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган жавобгарга нисбатан даъволар Ўзбекистон Республикасида унинг мол-мулки турган жойдаги ёки маълум бўлган сўнгги яшаш жойидаги судга тақдим этилиши мумкин.

Алимент ундириш тўғрисидаги, оталикни белгилаш ҳақидаги ва майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик ёхуд боқувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар даъвогар томонидан ўзи яшаб турган жойдаги судга ҳам тақдим этилиши мумкин.

Кемалар тўқнашуви натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, шунингдек сувда ёрдам берганлик ва қутқарганлик учун ҳақ ундириш тўғрисидаги даъволар ҳам жавобгарнинг кемаси турган ёки кема рўйхатга олинган порт жойлашган ердаги судга ҳам тақдим этилиши мумкин.

Ижро этиш жойи кўрсатилган шартномалардан келиб чиқадиган даъволар шартномани ижро этиш жойидаги судга ҳам тақдим этилиши мумкин.

Фуқаронинг ёки юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар зарар етказилган жойдаги судга ҳам тақдим этилиши мумкин.

Юридик шахснинг филиали фаолиятидан келиб чиқадиган даъволар филиал жойлашган ердаги судга ҳам тақдим этилиши мумкин.

Турли жойларда яшовчи ёки турувчи бир нечта жавобгарга нисбатан ёки юридик шахс бўлиб, турли манзилда жойлашган жавобгарларга нисбатан даъво жавобгарлардан бири яшайдиган ёхуд давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга даъвогарнинг танлови бўйича тақдим этилади.

Фуқаронинг меҳнат, пенсия ва уй-жойга доир ҳуқуқларни тиклаш, мол-мулкни ёки унинг қийматини қайтариб бериш, ғайриқонуний ҳукм қилиш, ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида ғайриқонуний қамоққа олиш ёхуд ҳибсга олиш тарзида ғайриқонуний маъмурий жазо қўллаш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг яшаш жойидаги судга ҳам тақдим этилиши мумкин.

Агар даъвогарнинг вояга етмаган болалари борлиги, шунингдек ногиронлиги ёки оғир касаллиги туфайли у жавобгар яшаб турган жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига боришга қийналса, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг яшайдиган жойидаги судга тақдим этилиши мумкин.

Бедарак йўқолган деб ёхуд руҳий ҳолати бузилганлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг хоҳишига кўра ўз яшаш жойидаги судда кўрилиши мумкин.

ФПКнинг 35-моддаси (судловга тегишлиликнинг алоҳида ҳоллари)да белгиланишича, иморатга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги, мол-мулкни хатлашдан чиқариш ҳақидаги, ер майдонидан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъволар иморат, мол-мулк ёки ер майдони жойлашган ердаги, мерос қолдирувчининг кредиторлари ворислар томонидан мерос қабул қилингунига қадар тақдим этган даъволар мерос мол-мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган ердаги, йўловчиларни, юкларни ёки багажни ташиш шартномаларидан юк ташувчиларга нисбатан келиб чиқадиган даъволар белгиланган тартибда талабнома тақдим этилган транспорт ташкилотининг органи давлат рўйхатидан ўтган ердаги суднинг судловига тегишлидир.

Хулоса қилиб айтганда, судга мурожаат қилишда белгиланган тартибга риоя қилиш талаб этилади. Албатта, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этишда мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлиши, манфаати ҳимоя қилиниб иш қўзғатилаётган шахснинг (фуқаронинг) илтимосномаси бўлиши талаб этилади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТУЗИЛАДИГАН ШАРТНОМАЛАРНИНГ ХУСУСИЯТИ ВА УЛАРНИНГ БЕКОР БЎЛИШИНИНГ АЙРИМ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Хомидов Элдор Олимович
Жамоат хавфсизлиги университети
“Давлат ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш” Концепциясида “олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепцияси босқичма-босқич жорий этилиши белгилаб қўйилди. Шу маънода, ОТМлар фаолиятида илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришда шартномалар муҳим аҳамият касб этади. Давлат ОТМларининг бошқа фуқаролик муомаласи иштирокчилари билан тузган шартномаларни амалга ошириш жараёнида, шунингдек, низоли ҳолатларни бекор қилиш ўзига хос хусусиятларга эга.

Қайд этиш лозимки, ОТМлар бошқа юридик шахслар каби ўзининг кундалик эҳтиёжлари, устав мақсадларига эришиш учун турли шартномалар тузади. Бунда қонун ҳужжатларида белгиланган талаб шартномавий муносабатлар мазмунига, унинг ижросига ва жавобгарликни қўлланишига ўзининг таъсирини кўрсатади.

Шу билан бирга мавжуд рақобат шароитида ОТМларга ўзини ўзи молиялаштиришида турли шартномалар тузишига тўғри келади.

ОТМ тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир шартномаларни бекор қилиш умумий қоидага кўра тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилиши мумкин (ФКнинг 382-

моддаси[1]). Бу борада М.И.Брагинский ва В.В.Витрянскийлар томонидан “Ўз эркига кўра шартнома тузишга ҳақли бўлган шахслар, табиийки, ушбу шартномани ўзгартириш ва бекор қилишда ҳам эркин бўлишлари лозим”[2] дея билдирган фикри эътиборлидир.

Ҳақиқатан ҳам умумий қоида эрк-иродани билдиришга эркин бўлган шахслар томонидан қарор қабул қилиниши натижасида юзага келган шартномавий муносабатлар, айнан ушбу шахсларнинг хоҳишига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ҳисобланади. Шу билан бирга ОТМлар иштирокидаги шартномаларни бекор қилишда ўзига хос хусусиятлар мавжудлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

ОТМ тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир шартномани бекор қилишни талаб қилишга талаба (унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар), буюртмачи ҳақли. Бу ўринда буюртмачининг шартномани бекор қилишга доир ҳуқуқини кенг доирада талқин қилиб бўлмайди. Масалан, талаба ОТМда ўқиётган вақтда буюртмачи ўз хоҳиши билан шартномани бекор қила олмайди. Чунки, гарчи у талабанинг таълим олишида буюртмачи сифатида иштирок этса ҳам талабанинг таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш унинг ваколатига кирмайди. Бу ўринда талаба билан ОТМ ўртасидаги ҳуқуқий алоқаларни бекор қилишда ОТМ ички тартиб қоидалари ҳамда Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида Низом[3] асосий ўринни эгаллайди.

Мазкур низомнинг 36-бандига кўра, талаба олий таълим муассасасидан ўқиш учун белгиланган тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун) четлаштирилиши мумкин[4]. Бундай ҳолларда шартномани бекор қилиш ташаббускори бўлиб ОТМ ҳисобланади.

Мазкур ҳолатда, буюртмачининг ОТМ билан тузилган шартномани бекор қилиш ҳуқуқи бевосита қўшимча пулли хизматлар кўрсатиш ёки ОТМ бошқа тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиҳатларга татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ. Буюртмачининг ОТМ билан шартномавий муносабатларда иштирок этиши шартномани

бекор қилишда фақат унинг қарор қабул қилиши етарли бўлмайди.

ОТМ тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир шартномани бекор қилиш ҳақидаги бир тарафлама эрк-иродани изҳор қилиш орқали амалга оширишни кенг маънода тушунмаслик лозим. ФКнинг 382-моддаси тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлигини назарда тутади. Бу ўз навбатида бир тарафнинг шартномадан воз кечиши ўз ўзидан шартномани бекор бўлишини келтириб чиқармайди. Мазкур ҳолатда тарафлар ўртасида ўзаро келишув бўлиши ёки бу борада суднинг тегишли ҳал қилув қарор бўлиши зарур.

Суд томонидан ОТМ тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир шартномани бекор қилишда иккита саволга жавоб бериши лозим 1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузганлиги, бунда тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказишининг мавжудлиги ҳамда 2) ФК, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларнинг юз бериши[5].

В.Э.Минаевнинг фикрича, ҳақ эвазига таълим хизматларини кўрсатишда шартномани жиддий равишда бузиш деганда, ижрочи томонидан – таълим хизматларини камчиликлар билан кўрсатиш, яъни тегишли мутахассислик дастури ва давлат таълим стандартларини бузган ҳолда хизмат кўрсатиш; буюртмачи томонидан эса – таълим хизматлари ҳақини тўламаслик, хизматлар ҳақини бўлиб бўлиб тўлашда эса, камида икки маротаба кетма кет тўламаслик ҳолларида; таълим олувчи томонидан – ўқув режасида назарда тутилган топшириқларни бажармаслик ҳисобланади[6].

Фикримизча, буюртмачи, ижрочи ва таълим олувчи томонидан шартномани жиддий бузиш фақат В.Э.Минаев томонидан кўрсатиб ўтилган ҳолатлар билан чекланмайди. Бу ўринда муаллиф томонидан умумий мажбуриятларни бажармаслик ва ҳақ эвазига хизмат кўрсатишга оид шартнома шартларини бажармаслик ҳолатларига эътибор қаратмайди. Чунки, биринчидан, таълим хизматларини

тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда буюртмачи, ижрочи ва таълим олувчи томонидан риоя қилиниши шарт бўлган қоидаларни белгилайди. Иккинчидан ушбу қоида (талаб)ларига риоя қилмаслик тарафлар учун шартномани жиддий равишда бузиш сифатида баҳолашга ва шартномани бекор бўлишига олиб келади. Учинидан, таълим олувчининг ўз ҳуқуқий мақомини йўқотиши, яъни талабанинг ОТМдан четлаштирилиши ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор бўлишига олиб келади ва уни ижро этиш заруратини йўқотади.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом[7] да шартномани расмийлаштириш, тўлов миқдори ва уни амалга ошириш тартиби, ўқитишнинг контракт шаклидан тушган маблағларни олий таълим муассасалари томонидан тақсимланиши кабилар белгилаб берилган бўлсада, шартномани бекор қилишга доир тартиб назарда тутилмаган.

Таълим соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат, ОТМ Ички тартиб қоидалари, Ахлоқ-одоб қоидаларида талабаларнинг мажбуриятларини белгиловчи бир қатор шартлар мавжуд. Жумладан, ўқув режа ва дастурда белгиланган талабларни бажариш, барча дарсларда иштирок этиш, имтиҳон топшириш ва ҳ.к. Мазкур мажбуриятларни талабалар томонидан бажарилмаслиги турли таъсир чораларини қўлланилишига олиб келади. Ушбу таъсир чораларини қўлланилиши мутахассислар томонидан турлича баҳоланади.

Айрим мутахассислар талабанинг ОТМдан четлаштирилиши унинг таълим олишга бўлган Конституциявий ҳуқуқини чекланиши деб ҳисобласа, бошқалари ҳар қандай асосга кўра талабани ОТМдан четлаштириш агар тўлов-контракт асосида хизматлар кўрсатилганда талабанинг конституциявий ҳуқуқни бузиш бўлиб ҳисобланади деб таъкидлайди[8].

Фикримизча, ҳар қандай мажбурият-ҳуқуқий муносабатда бўлгани каби мажбуриятларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий санкциялар бўлиши табиий. Бу ўзига хос мувозанат сақловчи

функциясини бажаради ва тарафларга ҳушёрликни ўргатади, унинг оқибатлари ҳақида огоҳлантириш вазифасини ўтайди. Шу боисдан ОТМ тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир шартномани бекор қилишда шартномада иштирок этувчи барча субъектлар томонидан мажбуриятларни бажармаслик ҳоллари кўрсатиб ўтиши зарур. Бу ўз навбатида турли низолар ва тушунмовчиликларни олдини олишга хизмат қилади.

Давлат олий таълим муассасаси сифатсиз таълим берганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгар бўладими? – деган ўринли савол туғилади. Бу борада П.М.Ходырев ўз муносабатини билдириб, талаба сифатсиз таълим олган ҳолларида фуқаролик қонунчилигининг умумий нормаларига асосан ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин. Бундай жавобгарлик деликт жавобгарлик эмас, балки мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик бўлиб ҳисобланади. Гап шундаки, ОТМ ва талаба таълим жараёнида ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳуқуқий шаклга эга бўлган нисбий мажбурият-ҳуқуқий муносабатга киришади. Агар талаба бюджет (грант) асосида таълим олса, у ҳолда шартномадан ташқари мажбурият, тўлов-контракт асосида ўқиётган ҳолларда эса, шартномавий мажбурият юзага келади[9].

Бу ўринда муаллиф томонидан шартноманинг мавжудлиги ёки мавжуд бўлмаслиги асосида турлича жавобгарликнинг белгиланишига доир фикрлари бирмунча баҳсли ҳисобланади. Чунки, ҳар иккала ҳолатда ҳам талаба ОТМ билан ҳуқуқий боғлиқликда, давлат таълим стандартлари асосида таълим олувчи субъект сифатида намоён бўлади. Шартноманинг мавжуд бўлиши ёки мавжуд бўлмаслиги ОТМ жавобгарлигини белгиловчи ягона мезон вазифасини бажармайди. Қолаверса, шартнома аксарият ҳолларда нақдсиз шаклда тўловни амалга ошириш воситаси сифатида қаралади. Шартноманинг шартларида эса, қонунчиликда белгиланган нормалар тарафларнинг ҳуқуқ в мажбуриятлари сифатида назарда тутилади. Шу боисдан сифатсиз таълим бериш ОТМ учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7

июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон Қарори билан Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди. Мазкур низомнинг 44-бандига кўра, олий таълим ташкилотида мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг умумий сонига нисбатан 67 ва ундан кўп фоизи “аттестациядан ўтди” деб хулоса қилинса, олий таълим ташкилоти “аттестациядан ўтди”, 67 дан кам фоизи аттестациядан ўтганда “аттестациядан ўтмади” деб эътироф этилади[10].

Фикримизча, ушбу қонун ҳужжатида турли ҳуқуқий таъсир кўрсатиш механизмлари асосан оммавий-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. Шу билан бирга, олий таълим муассасасини тугатиш каби масалалар ҳам назарда тутилган. Бу эса, айнан юридик шахсни ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топишини назарда тутади. Давлат олий таълим муассасасининг аттестациядан ўтмаслиги нафақат фуқаролар, юридик шахслар, балки давлат олдидаги ўзига хос жавобгарлик сифатида кўрилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзига хос камчилик бартараф этилиши чораси кўрилади.

Айнан ОТМнинг аттестациядан ўтмаслигининг ҳуқуқий оқибатлари, ҳуқуқий жавобгарлиги масаласи ҳал қилинмаган. Бу ўринда ҳам асосан маъмурий-ҳуқуқий функцияларга эътибор қаратилган. Ваҳоланки, ОТМнинг аттестациядан ўтмаслиги талабалар учун турлича ҳуқуқий оқибатлар, мулкий йўқотишлар, бошқа ОТМда қўшимча равишда ўқиш каби ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу борада сифатсиз таълим берганлик, аттестациядан ўтмаслик ва қонун ёки шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилганда, давлат олий таълим муассасаси нафақат мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик, балки деликт жавобгарликнинг субъекти ҳам ҳисобланади. Гарчи мажбуриятларни бузганлик учун чекланган жавобгарлик қоидаси амал қилиши мумкин

бўлса-да, олий таълим муассасаси деликт жавобгарлик субъекти бўлганда мулкий жавобгар бўлиб етказилган зарарни тўлиқ қоплаши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.-Т.: Адолат 2019. 560 б.
2. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. М.: Статут, 1998. – С. 348.
3. Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 545-модда, 37-сон, 996-модда.
4. Юқоридаги манба.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.-Т.: Адолат 2019. 560 б.
6. Минаев В.Э. Основания и порядок прекращения договора возмездного оказания образовательных услуг // Проблемы экономики и юридической практики. 2011. – С.106.
7. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 9-сон, 120-модда.
8. Куров С.В. Защита права в образовании // Право и образование. 2002. N 5. – С. 130.
9. Ходырев П.М.Гражданско-правовая ответственность высших учебных заведений // Вестник Удмуртского университета. Экономика и право. 2010. Вып.2. – С 90-91.
10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2019 йил., 09/19/470/3251-сон.

КОРХОНАНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А.А.Нуридуллаев - Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети "Махсус-ҳуқуқий фанлар ва ҳарбий дипломатия" кафедраси доценти, ю.ф.н.

Корхоанани ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва у давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади (ЎзР ФК 580-моддаси). Юридик адабиётларда таъкидланганидек, ушбу қоида шартнома тузиш учун шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича тарафлар ўртасида келишувга эришиш зарур ва етарли эканлигини белгиловчи умумий қоидадан истисно ҳолатни белгилайди.[1]

Бир йилдан ортиқ муддатга тузилган тақдирда рўйҳатдан ўтказиладиган бошқа турдаги кўчмас мулк (бино ва иншоотлар, нотурар жой бинолари, ер участкалари)ни ижарага бериш шартномаларидан фарқли ўлароқ, корхонани ижарага бериш шартномаси қанча муддатга тузилишидан қатъий назар давлат рўйхатидан ўтказилади. Шуни таъкидлаш керакки, корхонани ижарага олувчига топшириш ва ижарага берувчига қайта топширишга тайёргарлик шу қадар кўп вақт ва маблағ талаб қиладики, ижара шартномасини бир йилдан кам муддатга тузиш ҳеч қандай амалий маъно касб этмайди. Фуқаролик кодексининг 580-моддаси қоидаларига мувофиқ, давлат рўйҳатидан ўтказиш номуайян муддатга тузилган корхонани ижарага бериш шартномасига ҳам тааллуқлидир.

Корхонанинг фуқаролик муомаласида бўлишини соддалаштириш мақсадида В.В.Витрянский корхонани кўчмас мулк объекти сифатида тан олишни бекор қилишни ва натижада корхоналар билан боғлиқ ҳуқуқ ҳамда битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш заруриятидан озод қилишни таклиф қилади. В.В.Витрянскийнинг фикрича,

“кредиторлар ва мулк айланмасининг бошқа иштирокчиларини ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг зарурий кафолати сифатида корхоналар билан тузилган битимлар тўғрисидаги маълумотларни мажбурий нашр қилишни жорий этиш билан таъминлаш мумкин”.[2]

Бироқ, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, корхоналар билан боғлиқ битимларни амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга нашр этиш орқали эмас, балки корхона эгасининг ўзгаришини тегишли реестрда рўйхатдан ўтказиш орқали эришилади. Масалан, Францияда корхонани топшириш махсус ёзма далолатнома тузиш йўли билан амалга оширилади, кейинчалик у корхона жойлашган ҳудудаги судининг идорасида сақланадиган махсус тижорат реестрга киритилиши керак ва рўйҳатдан ўтган далолатномадан кўчирма тегишли нашрларда эълон қилинади.[3] Германияда корхоналар бўйича тузилган битимларнинг ошкоралиги судлар томонидан юритиладиган савдо регистрида рўйҳатга олиш, сўнгра расмий нашрларда эълон қилиш орқали таъминланади. Савдо реестрига киритилиши керак бўлган факт рўйхатдан ўтказилмаган ва эълон қилинмаган бўлса, ушбу факт кимнинг манфаати учун рўйҳатга олинса у ўзининг ҳуқуқларини учинчи шахсга қарши қўя олмайди, фақат ушбу факт учинчи шахсга маълум бўлган ҳолатлар бундан мустасно.[4]

Фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида корхонани ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, корхона билан боғлиқ ҳуқуқлар ва битимларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ижобий томонларини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, давлат рўйхатидан ўтказиш корхона бўйича битим тузаётган тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолати даражасини оширади.

Иккинчидан, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига тегишли ёзувни киритишдан олдин, корхона фақат иқтисодий маънодаги мулкий комплекс ҳисобланади. Давлат рўйхатидан ўтказиш – бу корхонани фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида номоён бўладиган пайтдир. Ҳуқуқ рўйхатга олинган пайтга

қадар корхона таркибига қайси мулк кирганлиги ва шунга мос равишда фуқаролик ҳуқуқининг қайси субъектлари ҳуқуқий муносабатларга киришганлиги номаълум бўлиб қолади. Фуқаролик ҳуқуқининг ягона объекти сифатида корхонанинг ўзига хос таркиби фақат давлат рўйхатидан ўтказилганда аниқланади. Бунгача корхона фуқаролик ҳуқуқининг объекти эмас, балки мураккаб мулкий мажмуа бўлади. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳолат корхоналар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Учинчидан, корхонанинг кўчмас мулкка тегишли бўлиши мулк мажмуасига нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан пайдо бўлишини англатади. Корхона билан боғлиқ битим давлат рўйҳатидан ўтмаган тақдирда, шахс қайси пайтдан корхона эгасига айланиши номаълум бўлиб қолади.

Тўртинчидан, амалдаги қоидалар корхоналар билан боғлиқ ҳуқуқ ва битимларни рўйхатдан ўтказиш жараёнини иложи борича соддалаштирди.

Бундан ташқари, кўчмас мулк ҳуқуқий режимининг корхонага нисбатан тадбиқ этилмаслиги, корхона бўйича тузиладиган битимларни тартибга солишда қонун нормаларидаги номувофиқликни келтириб чиқаради. Масалан, бу биринчи навбатда шартномалар шаклига таъсир қилади. Демак, корхонани сотиш, ижарага бериш, ишончли бошқариш шартномалари тарафлар томонидан имзолаган ягона ҳужжат тузиш йўли билан ёзма шаклда тузилиши керак. Аммо, агар ушбу қоида қонун чиқарувчи томонидан корхонани сотиш ва ижарага бериш билан боғлиқ битимлар бўйича тегишли бандларда (ЎзР ФК 490, 580-моддалари) тўғридан-тўғри белгиланган ҳамда корхона кўчмас мулк сифатида тан олинадиган бўлса, мазкур қоидалар тегишли тартибда корхона билан боғлиқ мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига нисбатан ҳам қўлланилади (ЎзР ФК 854-моддаси 2-банди).

Вахоланки, корхонага нисбатан кўчмас мулкнинг ҳуқуқий режимини қўллашни рад этадиган бўлсак, мазкур объектга нисбатан Фуқаролик кодексининг 854-моддаси 1-қисмининг қоидалари

қўлланилади, яъни шартнома тарафларига шартнома шакли бўйича қўшимча талаблар ўрнатилмайди ва у оддий ёзма шаклда тузилади. Шундай қилиб, корхонани мулкий мажмуа сифатида ишончли бошқарувга топшириш тўғрисидаги битим фуқаролик кодексининг 366-моддаси 4-бандида назарда тутилган ҳар қандай усулда тузилиши мумкин.

Ижара шартномаси консенсуал эканлигини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, учинчи шахслар нафақат корхонани ижарага бериш шартномасини тузишга оид маълумотларга, балки ижарага олинган мулк мажмуасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи пайдо бўлган пайтга оид маълумотларга ҳам қизиқишади. Фикримизча, корхонанинг янги мулкдорга ўтиши ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Корхонанинг ўзига хослиги шундаки, у турли хил объектлардан ташкил топган бўлиши мумкин, улар билан тузилган битимлар ҳам махсус рўйхатга олиниши мумкин. Хусусан, хизмат ихтиролари, фойдали моделлар, саноат намуналаридан фойдаланиш ҳуқуқини ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, корхонани ижарага бериш шартномасининг тегишли қисми ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (ЎзР ФК 1036-моддаси 6-қисми, 1088-моддаси).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, фақат Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг фаолияти мувофиқлаштирилган деб ҳисобланиши мумкин. Шунинг учун корхоналар бўйича тузилган битимларни давлат рўхатидан ўтказишни максимал даражада соддалаштириш учун фақатгина Давлат хизматлари агентлигига мурожат қилиш орқали Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари ва Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини мувофиқлаштириш лозим. Бу ўз навбатида корхона билан боғлиқ битим иштирокчиларининг рўйхатдан ўтказувчи органларга ортиқча мурожаатлар қилиш сонини камайтиришга хизмат қилиб, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Павлова И.Ю. Незаключенность или недействительность договора как последствия несоблюдения требований к форме и государственной регистрации договора // Государство и право. 2005. №10. - С. 52.

2. Витрянский В.В. Предприятие как объект гражданских прав // эж-ЮРИСТ. 2003. №1.-С. 2.

3. http://oceanlaw.ru/wp-content/uploads/2018/02

4. Германское право. Часть II. Торговое уложение и др. законы: Пер. с нем. / Серия «Современное зарубежное и международное частное право». - М.: Международный центр финансово-экономического развития, 1996. - С. 18-23.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA RIELTORLIK FAOLIYATINI VUJUDGA KELISHIDA YER VA KO‘CHMAS MULK SOHASINI RIVOJLANISH TARIXI

F.Asqarov - *O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi Farg‘ona viloyat adliya boshqarmasi bosh maslahatchisi, 1-darajali yurist, O‘zbekiston Respublikasi Sudyalar Oliy Kengashi huzuridagi Sudyalar oliy maktabi mustaqil izlanuvchisi*

Bozor munosabatlarini rivojlantirishga qaratilgan O‘zbekiston iqtisodiyotining negizini xilma-xil shakllardagi mulk tashkil etadi. Davlat iste’molchilarning huquqi ustunligini hisobga olib, iqtisodiy faoliyat, tadbirkorlik va mehnat qilish erkinligini, barcha mulk shakllarining teng huquqliligini va huquqiy jihatdan bab-baravar himoya etilishini kafolatlaydi.

Xususiy mulk boshqa mulk shakllari kabi daxlsiz va davlat himoyasidadir. Mulkdor faqat qonunda nazarda tutilgan xollarda va tartibdagina mulkidan mahrum etilishi mumkin[92].

Konstitutsiyaviy norma etib belgilangan ushbu qoida respublikamizda bozor iqtisodiyotining rivojlanishi turli mulkchilik shakllariga asoslanishi,

*[92] O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi 53-modda.

ayniqsa qiymati jihatidan ancha yuqori turuvchi ko‘chmas mulklarga bo‘lgan huquqlarni kafolatlanishida namoyon bo‘ladi. Davlatning bosh islohotchi sifatida iqtisodiyotga ko‘mak berishi, o‘tgan yillar mobaynida davom etgan jahon moliyaviy inqirozi oqibatlarini bartaraf etishda O‘zbekiston Respublikasi misolida yaqqol ko‘rinadi.

O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari va qonun osti hujjatlarining Konstitutsiyaga muvofiq holda bo‘lishi, yuqorida keltirilgan normaning mustahkam asosga ega ekanligini ko‘rsatadi.

Shuningdek, qonunchiligimiz tarixiga murojaat qiladigan bo‘lsak, dastlab mamlaktimizda yer bilan bog‘liq munosabatlar O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi tomonidan 1990-yil 20-iyunda qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasining “Yer to‘g‘risida”gi Qonuni bilan tartibga solingan. Ijtimoiy munosabatlarning rivojlanishi, xususan o‘sha davrda mamlakatda jadal sur’atda olib borilayotgan davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish jarayonlari ushbu turdagi munosabatlarni tartibga solishda qonunchilik hujjatlarini takomillashtirishni taqozo qilardi. Shu sababdan “O‘zbekiston Respublikasining Yer kodeksini tasdiqlash to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni bilan amaldagi Yer kodeksi qabul qilindi. Shuningdek, O‘zbekistonn Respublikasi Oliy Majlisining 1998-yil 30-apreldagi “O‘zbekiston Respublikasining Yer kodekisni amalga kiritish tartibi to‘g‘risida”gi Qarori qabul qilinishi bilan oldingi “Yer to‘g‘risida”gi Qonun o‘z kuchini yo‘qotdi. Yer kodeksining qabul qilinishi yer bilan bog‘liq munosabatlarni tizimli tarzda tartibga solinishiga olib keldi. Umumiy ma’noda, O‘zbekiston Respublikasi Yer kodeksi ko‘chmas mulkning huquqiy asosini ta’minlovchi normalar yig‘indisi hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasining “Mulkchilik to‘g‘risida”gi Qonunida mulkning daxlsizligi, har bir shaxsning mulkdor bo‘lishga haqliligi, respublikada iqtisodiyotning samarali amal qilishiga va xalq farovonligining o‘sishiga imkoniyat yaratuvchi har qanday shakldagi mulkchilik bo‘lishiga ruxsat berilishi, mulkchilikning hamma shakllari daxlsiz bo‘lishiga va ularning rivojlanishi uchun teng sharoit yaratilishi va O‘zbekiston Respublikasi mulkdorga qarashli bo‘lgan mol-mulkni saqlash va ko‘paytirib borish uchun barcha zarur sharoitlarni yaratib berishi

to‘g‘risidagi huquq va kafolatlar o‘z aksini topgan. Ushbu qonun ko‘chmas mulk va unga nisbatan mulkiy huquqlarning ta’minlanishida muhim rol o‘ynaydi. O‘zbekiston Respublikasi qonunchiligida birinchi marotaba O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasidagi korxonalar to‘g‘risida”gi Qonuni[93]da korxonaga berilgan ta’rif bilan birgalikda xo‘jalik yurituvchi subyektlarga ham taalluqli bo‘lgan ta’rif berilgan edi. Unga binoan, huquqiy shaxs huquqiga ega bo‘lgan, mulkchilik huquqi yoki xo‘jalikni to‘la yuritish huquqi bo‘yicha o‘ziga qarashli mol-mulkdan foydalanish asosida mahsulot ishlab chiqaradigan va sotadigan yoki mahsulotni ayirboshlaydigan, ishlarni bajaradigan, xizmat ko‘rsatadigan, bellashuv hamda mulkchilikning barcha shakllari teng huquqliligi sharoitida amaldagi qonunlarga muvofiq o‘z faoliyatini ro‘yobga chiqaradigan mustaqil xo‘jalik yurituvchi subyekt korxona hisoblanadi. Ammo, mazkur Qonun O‘zbekiston Respublikasining 2000-yil 15-dekabrdagi 175-II-sonli “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirishlar va qo‘shimchalar kiritish, shuningdek ayrimlarini o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi Qonuniga asosan o‘z kuchini yo‘qotgan. Yana bir jihat shundan iboratki, xo‘jalik yurituvchi subyektlar albatta tijorat tashkilotlari bo‘lmasligi ham mumkin, ya’ni nodavlat notijorat tashkilotlari ham o‘z mol-mulkiga egalik qilib, undan foydalanishi va tasarruf qilish huquqlariga ham ega hisoblanadi.

Shuningdek amaldagi qonun hujjati O‘zbekiston Respublikasining “Kooperatsiya to‘g‘risida”gi Qonuni[94] bilan belgilangan normaga ko‘ra, yuridik shaxs huquqiga ega bo‘lgan, jamoa mulki huquqi asosida o‘ziga qarashli mulkka egalik qiladigan, undan foydalanadigan va uni tasarruf etadigan mustaqil xo‘jalik yurituvchi subyekt kooperativ hisoblanadi.

“Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to‘g‘risida”gi Qonunning 2-moddasi (aksiyadorlik jamiyatining huquqiy holati)da: ustav fondi jamiyatning aksiyadorlarga nisbatan majburiyatlarini tasdiqlovchi muayyan miqdordagi aksiyalarga taqsimlangan xo‘jalik yurituvchi subyekt aksiyadorlik jamiyati deb hisoblanadi. Yuqoridagi ta’riflardan ko‘rinib turibdiki, xo‘jalik yurituvchi

[93] O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi, 1991-y., 4-son, 78-modda.
[94] O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi, 1991-y., 8-son, 193-modda.

subyektlar yuridik shaxs maqomiga va o‘z mulkiga ega bo‘lgan tijorat hamda notijorat tashkilot hisoblanadi.

Mamlakatimizda so‘nggi yillarda amalga oshirilayotgan xususiylashtirish jarayoni xo‘jalik yurituvchi subyektlar xususiy mulkining vujudga kelishida hozirgi vaqtda o‘ta muhim ahamiyat kasb etmoqda. Xususiylashtirish o‘z mohiyatiga ko‘ra davlat mulki hisoblangan obyektlarni jismoniy va yuridik shaxslarga topshirish hisoblanadi. Ye.A.Suxanovning ta’kidlashicha ham davlatga mulk huquqi asosida tegishli bo‘lgan ko‘chmas mol-mulklarni maxsus qonun hujjatlarida belgilangan tartibda fuqarolar va yuridik shaxslar xususiy mulkiga topshirishdir[95].

Xususiylashtirish ma’muriy buyruqbozlikka asoslangan iqtisodiyotdan erkin bozor iqtisodiyotiga o‘tishni ta’minlovchi usullardan biri sifatida ilgari sotsialistik ishlab chiqarish munosabatlariga asoslangan mamlakatlarda keng qo‘llanilmoqda. Bu jarayon bozor iqtisodiyotining muhim harakatlantiruvchi vositasi bo‘lgan xususiy mulkni tarkib toptirishga, tadbirkorlikning rivojiga xizmat qiluvchi vaqtinchalik o‘tish chorasi hisoblanadi.

Mamlakatimiz mustaqilligining dastlabki yillaridn iqtisodiyotni isloh qilish, ya’ni bozor qonunlariga asosan qayta qurish yo‘lida o‘ta muhim o‘zgarish hisoblangan mulkni davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirishga katta e’tibor qaratildi. Jahon tajribasini inobatga olgan holda O‘zbekistonning o‘z xususiylashtirish modeli ishlab chiqildi. Mazkur modelning mazmun-mohiyati quyidagi asosiy tamoyillarda o‘z ifodasini topdi: xususiylashtirish uning dasturi asosida bosqichma-bosqich amalga oshirilishi; davlat mulki boshqa mulk shakliga qonunda nazarda tutilgan xollardan tashqari, faqat haq baravariga topshirilishi; xususiylashtirish sharoitida barcha fuqarolar ijtimoiy himoya qilinishi va xo‘jalik yurituvchi subyektlarga imtiyozlar berilishi, ular huquqlarining o‘zaro tengligini ta’minlash. Xususiylashtirish jarayonini amalga oshirishning huquqiy asosi O‘zbekiston Respublikasining 1991-yil 19-oktyabrda qabul qilingan “Davlat tasarrufidan chiqarish va

[95] Mattei U., Suxanov Ye.A. Osnovnые polojeniya prava sobstvennosti. – M.: Yurist, 1999.

xususiylashtirish to‘g‘risida”gi Qonuni[96] bo‘ldi. Xususiylashtirishning fuqarolik-huquqiy jihatiga e’tibor beradigan bo‘lsak, xususiylashtirish davlat mulki bekor bo‘lishining o‘ziga xos asoslaridan biri bo‘lib, bunda davlat mulki davlat rezidentlarining mulkiga haq evaziga yoki tekinga topshiriladi. R.A.Mametovaning qayd etishicha, xususiylashtirish – maxsus qonun hujjatlari doirasida mulkdor sifatida davlatning erki (irodasi)ga ko‘ra davlat mulkini fuqarolarga, nodavlat va chet el yuridik shaxslariga sotishdir[97].

1995-yil 21-dekabrda va 1998-yil 29-avgustda qabul qilingan qonunlar bilan O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining qabul qilinishi bilan ko‘chmas mulklarga huquqiy asos yaratildi. O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi 83-moddasi (mol-mulkning turlari), 84-moddasi (ko‘chmas mol-mulkni davlat ro‘yxatidan o‘tkazish) hamda 85-moddasi (korxona)da mulkiy komleks sifatida ko‘chmas mulklarga huquqiy maqom berildi. Ko‘chmas mulk borasidagi barcha munosabatlar endi ushbu normalardan kelib chiqib tartibga solinadigan bo‘ldi. Shuningdek kodeksning 212-moddasi (o‘zboshimchalik bilan imorat qurish va uning oqibatlari) bilan o‘zboshimchalik bilan qurilgan imorat – ko‘chmas mulkning ta’rifi va asosini belgilab berdi.

1998-yil 1-mayda qabul qilingan yangi tahrirdagi “Garov to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni 4-moddasiga muvofiq ko‘chmas mulk, garov turi bo‘lgan, ipoteka tarzida garov narsasi bo‘lishi mumkin. Shuningdek, ko‘chmas mulk bilan bog‘liq garov shartnomasi yozma shaklda tuzilishi va ipoteka to‘g‘risidagi shartnoma notarial tasdiqlanishi shartligi hamda uning tartibi qonunning 11-moddasi (garov to‘g‘risidagi shartnomaning shakli va uni ro‘yxatdan o‘tkazish) bilan belgilab qo‘yildi. Bu kabi norma 2006-yil 4-oktyabrda qabul qilingan “Ipoteka to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunida ham mavjud bo‘lib, ipoteka to‘g‘risidagi shartnomani notarial tartibda tasdiqlash va davlat ro‘yxatidan o‘tkazish (12-modda) hamda ipotekani davlat ro‘yxatidan o‘tkazish (13-modda) tartibi keltirilgan. “Garov to‘g‘risida”gi qonunda ko‘chmas mulklar qatorida korxonalar ham garov narsasi sifatida

[96] O‘zbekiston Oliy Kengashining Axborotnomasi, 1992-y., 1-son, 43-modda.
[97] Pravo i sobstvennost. – Almatы.: Jertы jargы, 1998. – S.43.

tan olingan. Respublika ko‘chmas mulk birjasining samarali faoliyat ko‘rsatishini ta’minlash maqsadida qabul qilingan Vazirlar Mahkamasining “Respublika ko‘chmas mulk birjasining samarali faoliyat ko‘rsatishini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori bilan ko‘chmas mulk sohasiga oid qoidalar belgilab berildi. Jumladan, ushbu hujjatda O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo‘mitasi zimmasiga vazirliklar, idoralar bilan birgalikda:

- tugallanmagan qurilish obyektlarini ham o‘z ichiga oluvchi respublika va mintaqaviy ko‘chmas mulk bozorlarini shakllantirish;

- davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirishning davlat, tarmoq va mintaqaviy dasturlaridan kelib chiqqan holda ko‘chmas mulk obyektlarining sotuvga qo‘yish;

- ko‘chmas mulk bozori mutaxassislarini tayyorlash va ularning malakasini oshirish kabi vazifalar yuklatilgan.

O‘zbekiston Respublikasida ko‘chmas mulk munosabatlari bundanda ko‘proq rivojlanish salohiyatiga ega, shu maqsadda qonunchilik tizimiga yangiliklarni tatbiq etish bugungi ko‘chmas mulk sohasidagi tadqiqotlarning samarasi bo‘ladi, desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.
2. O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi.
3. O‘zbekiston Respublikasi Uy-joy kodeksi.
4. “Rieltorlik faoliyati to‘g‘risida”gi O‘RQ-269-sonli qonuni.
5. Lex.uz. president.uz. research.uz
6. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2011-yil 10-maydagi 129-sonli qarori bilan tasdiqlangan “Rieltorlik faoliyatini litsenziyalash to‘g‘risida”gi nizom.
7. Rahmonqulov H.R. Xususiy mulk va uning daxlsizligi. – T.: Adolat, 2000.
8. Abdugopirovich, Yuldashov Abdumumin. “Types Of Legal Protection Of A Trademark (Service Mark) In Foreign Countries: The Example Of The Madrid System.” Turkish Journal of Computer and Mathematics Education (TURCOMAT) 12.4 (2021): 1068-1073.

9. Yuldashov, A. A. “Government policies related to social protection of disabled persons in Uzbekistan: National and international aspects.” (2012): 186-191.

10. Abdumumin Yuldashov, Sreenivasulu N Shanmuka Raqamli muhitda mualliflik huquqi muhofazasi // Central Asian Academic Journal of Scientific Research. 2022. №6. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/raqamli-muhitda-mualliflik-huquqi-muhofazasi (дата обращения: 04.09.2022).

11. А.Юлдашов. Важные аспекты международной охраны авторского права и развитие договорно-правовой базы // Review of law sciences. 2020. №Спецвыпуск. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/vazhnye-aspekty-mezhdunarodnoy-ohrany-avtorskogo-prava-i-razvitie-dogovorno-pravovoy-bazy (дата обращения: 04.09.2022).

12. А.Юлдашов Ўзбекистонда муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилишининг долзарблиги // Review of law sciences. 2020. №2. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-mualliflik-va-turdosh-u-u-larni buzganlik-uchun-zhavobgarlik-kuchaytirilishining-dolzarbligi (дата обращения: 04.09.2022).

13. Юлдашов А. Интеллектуал мулк бўйича миллий стратегияларнинг аҳамияти ва бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг бу борада тутган ўрни //Юрист ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 53-59.

ҚЎРИҚЛАШ ШАРТНОМАСИ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ў.Т.Хошимов - Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин кўп жабҳаларда ўзгаришлар бўлгани каби, фуқароларга ва ташкилотларга

ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасида, хусусан Қўриқлаш бош бошқармаси томонидан ҳақ эвазига объектлар ва фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Зеро, қўриқлаш шартномалари объектларни ва фуқароларнинг хонадонларини турли жиноий тажовузлардан муҳофаза қилишнинг зарур воситаси бўлиб қолмоқда.

Бозор муносабатлари қўриқлаш шартномаларининг ҳуқуқий тартибга солиш доирасини кескин кенгайиб кетишига таъсир кўрсатди. Масалан, турли мулк шаклларига асосланган ва қўриқланиши лозим бўлган кўплаб корхоналар, тадбиркорлар вужудга келганлиги, хусусан, тижоратчи дўконларнинг тинимсиз ортиб бораётганлиги сабабли, қўриқлаш шартномаларининг кўплаб тузилаётганлиги уларни ҳуқуқий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади, чунки ушбу шартномаларнинг аҳамияти қўриқланаётган объектларда жиноятчиликнинг олдини олишда бевосита намоён бўлади.

Қўриқлаш бош бошқармаси билан ташкилотлар ва фуқаролар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда, шартномалар асосида ҳам тартибга солинади.

Қўриқлаш шартномаси деб тарафлардан бири (Қўриқлаш бош бошқармаси) шартлашилган муддатда хизматлар кўрсатиш, яъни мулк ёки бошқа объектни қўриқлаш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф (“буюртмачи” ташкилотлар, фуқаролар) эса хизматларни қабул қилиб олиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишувга айтилади. Мазкур шартнома моҳиятан ва мазмунан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари туркумига киради. Чунки объектларни, фуқароларнинг хонадонларини шартнома асосида қўриқлаш натижасида “ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” шартномаларининг объекти бўлган муайян “ҳаракат” ёки “фаолият” амалга оширилади ва қўриқлаш шартномалари орқали кўрсатиладиган бундай хизмат замирида моддий манфаатдорлик ётади. Бунда хизмат кўрсатиш (объектларни ва фуқароларнинг хондонларини қўриқлаш) натижасига эмас, балки унга олиб келган “ҳаракат”га ҳақ тўланади. Умумий қоидага кўра, ҳақ

эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари сингари, қўриқлаш шартномаларини ҳам оммавий шартномалар турига киритиш мумкин, негаки Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларига мурожаат қилган барча шахсларга қўриқлаш хизмати кўрсатилади. Зеро, ҳақ эвазига тузиладиган шартномаларнинг барчаси бошқа фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларга қараганда, ижрочининг жавобгарлик доираси юқори даражада бўлиши билан ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ташкилотлар ва фуқароларнинг мулкларини қўриқлаш шартномасини ҳуқуқий тартибга солиб турувчи алоҳида боб берилмаган, лекин ташкилотлар ва фуқароларнинг мулкларини қўриқлашга оид шартномавий муносабатлар Фуқаролик кодексининг мажбуриятлар тўғрисидаги, даъво муддати, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳақидаги умумий қоидалари ва бошқа ҳуқуқий нормалари билан тартибга солинади.

Бундан ташқари, қўриқлаш шартномалари қўриқланаётган объектнинг турига ва хусусиятларига қараб қуйидаги иккита асосий турга бўлинади:

1. Қўриқлаш бош бошқармаси томонидан объектларни қўриқлаш шартномаси;

2. Қўриқлаш бош бошқармаси томонидан хонадон (уй)ларни қўриқлаш шартномаси.

Маълумки, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида объектларни қўриқлаш шартномасининг аҳамияти ортиб бормоқда, чунки мамлакатимизда бозор муносабатлари тизимини шакллантириш, унинг ҳуқуқий негизларини такомиллаштириш хўжалик юритувчи субъектлар доирасини, уларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини ғоятда кенгайтирди.

Объектларни қўриқлаш шартномаси бўйича қўриқлаш бўлинмалари ўз зиммасига “буюртмачи” ташкилот, муассаса, корхоналарнинг мулкини қўриқлаш, белгиланган кириш-чиқиш ва рухсатномалар бериш тартибини таъминлаш ҳамда моддий бойликларни сақлаш мажбуриятини; “Буюртмачи” ташкилот,

корхона, муассасалар эса қўриқлаш ходимлари хизматлари учун қулай шароитларни яратиб бериш ва уларга белгиланган тариф асосида ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Қўриқлаш шартномаларини тузиш учун таклиф киритаётган "буюртмачи" ташкилот, корхона ва муассасалар қуйидаги икки талабга жавоб беришлари шарт:

биринчидан, булар "юридик шахс" мақомига эга бўлишлари;

иккинчидан, улар тузаётган қўриқлаш шартномалари ўзларининг таъсис ҳужжат (низом, устав ва ҳ. к.)ларига зид бўлмаслиги лозим.

"Буюртмачи"нинг тегишли моддий бойликларни қўриқлашни ташкил қилиши ва амалга ошириши объектларни қўриқлаш шартномасининг предмети бўлиб ҳисобланади.

Айрим ҳолларда, республика аҳамиятига эга бўлган объектлар Миллий гвардия ва тегишли вазирлик ўртасидаги ўзаро келишувга биноан, Қўриқлаш бош бошқармаси томонидан шартнома тузилади. Масалан, давлат ҳудудидаги банк идораларини қўриқлаш шартномалари, Миллий гвардия ва Марказий банк ўртасидаги ўзаро тасдиқланган қоидаларга асосан тузилади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, республика аҳамиятига эга бўлган ва қўриқланиши лозим бўлган объектлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди. Амалиётда, баъзи ҳолларда қўриқлаш хизмати билан ташкилот, муассаса, корхоналар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этишда объектларни тўғри баҳолаш катта аҳамият касб этади, яъни "қўриқланаётган хона, омбор, қурилиш иншооти кабилар мустақил объектми ёки қўриқланаётган асосий объект билан биттами?" деган саволни ечиш қўриқлаш хизматининг моддий жавобгарлиги ҳақидаги муаммонинг ҳал этилишига олиб келади.

Мавжуд қоидага кўра, ишлаб чиқариш корхонаси ўз ҳудудида жойлашган ва унга бўйсунадиган иншоотлар билан бирга, уни қўриқлашга қўйилган постлар сонидан қатъи назар, битта объект бўлиб ҳисобланади. Масалан, база, дўкон, устахона, гараж, дорихона, ресторан, ошхона, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари уларга

тегишли бўлган омборлар, буфетлар билан бирга битта объект бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, объектларни қўриқлаш шартномаларини предмети, шартлари, қўриқлаш усуллари, субъектлари ва бошқа хусусиятларига қараб қуйидаги тоифаларга бўлиш мумкин:

1) юридик шахсларга қарашли объектларни қўриқлаш шартномаси:

а) тижоратчи юридик шахсларга қарашли объектларни қўриқлаш шартномаси;

б) нотижоратчи юридик шахсларга қарашли объектларни қўриқлаш шартномаси;

2) юридик шахс бўлмаган тадбиркорларга қарашли объектларни қўриқлаш шартномаси.

Ёхуд объектларни қўриқлаш шартномаларини шартнома предметига, хусусан қўриқланадиган мулк шаклига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1) хусусий мулк ҳисобланган объектларни қўриқлаш шартномаси;

2) давлат мулки ҳисобланган объектларни қўриқлаш шартномаси ва ҳ.к.

Шуни таъкидлаш жоизки, қўриқлаш шартномаларининг объектлари қўриқланиш усулига қараб бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Масалан, банкларни қўриқлаш усули озиқ-овқат дўконини қўриқлаш усулларидан фарқ қилиши табиий. Айтайлик, банкларни Қўриқлаш бош бошқармаси ходимлари ёрдамида, озиқ-овқат дўконини эса МҚП (марказий қўриқлаш пульти)дан фойдаланиб қўриқлаш мумкин. Лекин, муҳофаза қилиниши нуқтаи назаридан, барча объектлар ҳуқуқий жиҳатдан тенгдир.

Маълумки, фуқароларнинг меҳнат билан топилган даромадлари ва жамғармалари, турар-жой ва ёрдамчи хўжалиги, уй-рўзғор буюмлари, шахсий истеъмол буюмлари ва бошқа хусусий мулки ҳамда мулкка ворислик ҳуқуқи қонун билан қўриқланади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикасида, мулкнинг бошқа турлари каби,

хусусий мулк ҳам маъмурий, жиноий, фуқаролик ва бошқа ҳуқуқий нормалар билан муҳофаза этилади.

Айтиш жоизки, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида, давлатга тегишли бўлган уй-жойларнинг хусусийлаштирилиб, фуқароларга ўтказилиши хонадон (уй)ларни қўриқлашга доир муносабатларнинг кенгайишига, ушбу шартномалар моҳияти ва аҳамиятининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Фуқароларнинг хусусий мулкларини қўриқлашда Миллий гвардия органларининг амалий фаолияти муҳим ўрин тутади, яъни фуқароларнинг хусусий мулкларини қўриқлаш жараёнида мулкка бўлган ҳуқуқни учинчи шахс томонидан бўладиган тажовуздан ҳимоя қилиш Қўриқлаш бош бошқармасининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Мазкур шартноманинг мазмунини таҳлил қилиб, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Хонадон (уй)ларни қўриқлаш шартномаси бўйича Қўриқлаш бош бошқармаси ўз зиммасига “буюртмачи” фуқароларнинг мол-мулкини қўриқлашни амалга ошириш мажбуриятини олади, “буюртмачи” фуқаролар эса Қўриқлаш бош бошқармаси ходимларига сигнализация воситалари билан жиҳозланган хонадонни топшириш ва белгиланган тариф асосида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Шартномада "буюртмачи" тараф сифатида қатнашган фуқаро муомала лаёқатига эга бўлиши шарт. Бу шартноманинг ўзига хос томони шундаки, унда, бир томондан, фуқаролар, иккинчи томондан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган Қўриқлаш бош бошқармаси унинг иштирокчилари бўлиб қатнашадилар.

Шартнома хонадонни қўриқлаш шартномаси деб аталгани билан, аслида, хонадонда мавжуд бўлган моддий бойликлар шартноманинг объектини ташкил қилади.

Хонадонни қўриқлаш шартномаси қуйидаги белгиларга эга:

Биринчидан, икки томонлама шартномалар турига киради. Чунки, ҳар икки томон ҳам мажбуриятга, ҳам талаб қилиш ҳуқуқларига эгадир.

Иккинчидан, хонадонни қўриқлаш шартномаси ҳақ бараварига тузилади, чунки икки томон ҳам мулкий манфаатдордир: биринчи томон – мулкнинг сақланишидан, иккинчи томон – қўриқлаётгани учун ҳақ олишдан.

Учинчидан, реал шартномалар туркумига киради. Чунки, шартнома хонадон қўриқлаш учун қабул қилиниб олинган вақтдан бошлаб кучга киради. Хонадонни қўриқлаш шартномасининг объектларни қўриқлаш шартномаси билан ўхшашлик томони ҳам мавжуд. Иккала шартномада ҳам Қўриқлаш бош бошқармаси ходимларига муайян мулкни сақлаш мажбурияти юклатилади. Иккала шартномада ҳам Қўриқлаш бош бошқармаси ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларни, яъни давлат ва хусусий мулкни қўриқлаш вазифасини амалга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг хонадон (уй)ларини қўриқлаш тўғрисидаги шартномани тузишнинг ўзига хос жиҳатлари ташкилотларнинг мулкларини қўриқлаш шартномасидан фарқ қилади, шу билан бирга, барча фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар ичида хонадонларни қўриқлаш шартномаси мазмунан омонат сақлаш шартномасига яқиндир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 875-моддасига асосан, омонат сақлаш шартномаси ашёни топшириш асосида тузилади, лекин, фарқи шундаки, фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш шартномаси бўйича фуқаро моддий бойликларни “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлимларига топширмайди, балки улар ушбу моддий бойликларни турган жойида қўриқлайдилар.

Иккинчидан, омонат сақлаш шартномаси ҳақ бараварига ёки текинга тузилиши, реал ёки консенсуал бўлиши мумкин. Хонадонларни қўриқлаш шартномаси эса доимо ҳақ бараварига ва реал тузилади. Қўриқлаш шартномаси мулкларнинг сақланишини таъминлаш шаклида бўлиб, хизмат кўрсатишга йўналтирилгандир.

Шунингдек, юқорида кўрсатилган шартномаларни субъектлар таркиби бўйича ҳам таснифлаш мумкин: омонат сақлаш шартномасида омонат сақловчи сифатида ташкилотлар ҳам,

фуқаролар ҳам, қўриқлаш шартномасида эса Миллий гвардия тизимидаги махсус ташкилот – Қўриқлаш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари иштирок этиши мумкин.

Хонадонларни қўриқлаш шартномаси пудрат шартномасига ҳам ўхшаб кетади: иккала шартнома ҳам бошқа тарафнинг топшириғини бажаришга қаратилган, лекин уларнинг мақсад ва вазифалари турлича. Хонадонларни қўриқлаш шартномаси фуқаролар мулкларининг муҳофаза этилишини таъминлашга қаратилган бўлса, пудрат шартномасиники эса янги моддий объектларни тайёрлаш ёки унга ишлов беришдан иборат.

Шунинг учун фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш шартномасини бошқа шартномалар билан таққослаганда шу ҳолат кузатиладики, кўрилаётган шартномаларнинг ўхшаш томонлари кўп бўлсада, аммо ҳар бири мустақил фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар ҳисобланади.

Айни вақтда, фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш шартномасининг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари мавжудлигини таъкидлаш жоиз:

- шартноманинг профилактик йўналишга эга эканлиги;
- шартномани фақат техник воситалардан фойдаланиш орқали бажариш мумкинлиги;
- фуқароларга хизмат кўрсатиш доирасидаги шартнома эканлиги ва ҳ.к.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, фуқароларнинг мулкларини ва хонадонларини қўриқлаш шартномасини тузиш жараёнида фуқароларга хизмат кўрсатишга доир умумий қоидаларни ҳисобга олиш зарур. Зеро, ишлар ва хизматлар фуқаро ва ташкилотларга кўрсатиладиган ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари бўлиб ҳисобланади.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Х.А. Даминов - Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби таянч докторанти

Республикамизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, барча соҳалардаги каби қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилди. Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш мақсадида тадбиркор фермерлар фаолиятини ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш орқали, улар фаолиятини кенгайтириш, ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш асосий мақсад қилиб олинди.

Аслида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг туб моҳияти аграр соҳани ривожлантириш натижасида мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш ва экспорт қилиш, қолаверса аҳоли бандлигини таъминлаш орқали халқни рози қилишдан иборатдир.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб, республикамизда аграр соҳага жиддий эътибор қаратилди.

Натижада мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришда республикада амалга оширилган ислоҳотлар, аста-секинлик билан ўз мевасини бера бошлади. Дарҳақиқат, ўтган 31 йил ичида олиб борилган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятини ташкил қилиш ҳамда амалга оширишда катта тажриба тўплади. Қолаверса, соҳада тўпланиб қолган муаммоларга ечим топиш мақсадида, қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш баробарида, уларни вақти-вақти билан тизимли равишда такомиллаштиришга эътибор қаратди.

Айтмоқчимизки, Ўзбекистон бугунги кунда тадбиркор фермерлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва ривожлантириш бўйича муайян тажриба тўплади.

Мисол учун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси[98] асосида Фуқаролик кодекси[99], Фермер хўжалиги тўғрисида[100]ги ва Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида[101]ги Қонунларнинг қабул қилиниши, республикада тадбиркор ва фермерларнинг фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар яратди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36, 53, 54 ва 55-моддалари[102]да тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладиган ва кафолатлайдиган қоидалар мавжуд бўлиб, ушбу нормалар тадбиркорлик, фермерлик ва деҳқончилик фаолиятини амалга оширишда бирламчи ҳуқуқий манба ҳисобланишини таъкидлаш лозим.

Ўз даврида мамлакатимизда деҳқончилик, фермерлик, тадбиркорлик соҳасини мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида 1991 йил 29 ноябрда “Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қуватлаш тўғрисида”[103]ги ПФ–295-сон Фармони ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 30 декабрдаги “Республикада деҳқон фермер хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чоралари ҳақида”[104]ги 315-сон Қарори қабул қилинган эди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш ва фаолият юритиши учун ўз даврида ҳуқуқий асос

---

[98] https://constitution.uz/uz/clause/index.

[99]//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова.

[100]//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 40-41-сон, 433-модда.

[101]//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 18-сон, 201-модда.

[102] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси https://lex.uz/docs/20596.

[103] Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон Фармонига асосан ўз кучини йўқотган // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 йил, 06/21/6218/0398-сон.

[104] Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги 192-сон “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

бўлиб хизмат қилди. Қабул қилинган ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар мустақил Ўзбекистон давлатчилиги ва ҳуқуқий тизимидаги мазкур соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркор – фермер ва деҳқонларимизнинг узоқ йиллардаги азалий орзуси бўлиб, уларнинг чин маънода ерга бўлган эгалик ҳуқуқи, мулкдорлик ҳуқуқини ҳис этиш имкониятини амалга оширишда ва вужудга келишида асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда "Фермер хўжалиги тўғрисида"[105]ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилиниши, фермер хўжалигини ташкил этиш, фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари бериш, ердан фойдаланиш ва сув истеъмоли, фермер хўжалигининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда мол-мулки, фермер хўжалиги фаолиятининг ташкил этилиши билан боғлиқ нормалардан иборат бўлиб, республикамизда фермерлик муносабатларини ривожлантириш, такомиллаштиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Фикримизча, фермер хўжаликларини республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини асосий етиштирувчиси сифатида ва соҳада ишлаб чиқаришнинг асосий кучига айланиши, бу фермерларнинг келажакда юртимизни иқтисодий томонлама ривожланишига кўмаклашувчи асосий тадбиркорлик субъектларининг замонавий янги бир шакли (типи) сифатида шаклланишига шарт-шароит яратди.

Кези келганда маълумот ўрнида таъкидлаб ўтиш керакки, "бугунги кунда дунё аҳолисининг салмоқли қисми иқтисодиёти қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳукмрон бўлган мамлакатларда яшамоқда"[106].

Аслини олганда, сўнгги йилларда фермерлик ҳаракати халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида бутун масъулиятни ўз зиммасига оладиган, аграр соҳани янада

[105]// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 40–41-сон, 433-модда.
[106]Муртазакулов Дж.С. Гражданско-правовые проблемы организации и деятельности дехканских (фермерских) хозяйств в Таджикистане: Автореферат. дисс. ...докт. юрид. наук. –М., 2012. 42-с.

ривожлантиришга хизмат қилувчи қудратли кучга айланиб бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлардан кўзланган мақсад мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда тадбиркорлик субъекти фермер хўжаликлари мақомини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, республикада фермерлик фаолиятини янада барқарор ривож топиши учун "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунни босқичма-босқич такомиллаштириб бориш керак. Сабаби, нормалар бир жойда қотиб қолмайди, шунинг учун вақти-вақти билан соҳавий қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали тўлдирилиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш – давр талабидир.

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 29-моддаси биринчи қисмида "давлат фермер хўжаликларининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди" деб белгилаб қўйилган.

Ваҳоланки, фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқаришнинг асосий субъекти сифатида эътироф этилди ва бу мақом "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида "Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир. Фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъектидир"[107] деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Бироқ республикамизда ислоҳотлар даври шиддат билан кечмоқдаки, бугунги норма эртанги кун талабидан ортда қолмоқда.

Дарҳақиқат, ўтган йилларда қабул қилинган қонунларни танқидий қайта кўриб чиқиш, керак бўлса, уларга бугунги замон талабидан келиб чиқиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиганларни, ҳаволаки

[107]// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 40–41-сон, 433-модда.

нормаларни бекор қилиш, янгиларини ишлаб чиқиш, яратиш, жорий этиш орқали соҳа қонунчилиги сифатини ошириш зарурати бугунги куннинг долзарб масалалари сирасига киради. Шунинг учун ҳам у қайси соҳа бўлмасин, қонунларни ишлаб чиқишда мукаммалликка эътибор қаратиш лозим.

Умуман олганда, тадбиркорлик соҳасида қабул қилинган амалдаги қонунларимиз бўйича вақти келиб, янгиларини яратиш шарт ва зарур бўлиш эҳтимоли катта.

Фикримизча, вақт ҳар бир соҳани тартибга соладиган қонунлар бўшлиқ ва камчиликлардан ҳоли эмаслигини кўрсатмоқда.

Назаримизда, тадқиқотчиларнинг асосий вазифаси миллий қонунларни мунтазам равишда ўрганиб боришдан ташқари, тадбиркорлик, фермер хўжаликлари ривожланган давлатларнинг фаолияти ва қонунлар таҳлилини олиб бориш, илмий башорат қилиш (прогнозлаш)ни ҳам мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасини қуйидаги янги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Фермер хўжалиги – қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп тармоқли замон талабларига жавоб берадиган замонавий тадбиркорлик субъектларидан бири бўлиб, ўзига мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи асосида узоқ муддатга ижарага ёки бир умрлик олинган ер участкасида чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш, хом ашё кўринишидаги маҳсулотларни қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулотга айлантириш, сотиш, ўз мол-мулкига эга бўлиш, тарафлар олдида мажбуриятлар юзасидан ушбу мол-мулклар билан жавоб берадиган, юридик шахс мақомига эга бўлган тижоратчи ташкилотдир”.

Мамлакатимизда фермер хўжаликлари тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида фаолият юритиши, бугунги кунда фермерларга бўлган эътиборнинг долзарблигидандир. Сабаби, фермер биринчи галда тадбиркордир.

Ҳақиқатан “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун фермер хўжаликларини аграр соҳада фаолият юритишида асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Чунки, ушбу қонуннинг 4-моддаси “Фермер хўжалигининг бошлиғи” деб номланиб, унинг биринчи қисмида “фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг муассиси – фермердир. Ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси фермер бўлиши мумкин”[108]лиги назарда тутилган.

Шу ўринда “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасини атрофлича таҳлил қилиш, ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Хўш, фермер аслида ким? Фермер ким бўлиши мумкин? – деган саволга жавоб берадиган бўлсак, ҳақиқий фермер ташкилотчи, деҳқон, агроном, сувчи, чорвадор, механизатор, ҳисобчи каби вазифаларни уддалай оладиган шахс бўлиши кераклигини барчамиз тушунамиз. Лекин таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб, ушбу тушунчанинг ўзи етарли эмас. Бундан ташқари, фермер замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан хабардор бўлиши билан бирга, ҳуқуқий билим ва қишлоқ хўжалиги соҳасида юксак малака ва кўникмаларга эга бўлиши керак. Фермернинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана билиши келажакда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритишида унга кенг имкониятларни очиб беради.

Шу ўринда МДҲ республикалари тажрибасига эътибор қаратсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хусусан, Россия Федерациясининг “Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида”[109]ги Федерал Қонуни 3-моддасида, Беларусь Республикасининг “Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида”[110]ги Қонуни 4-моддасида мамлакат фуқаролари билан бир қаторда, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фермер хўжалигини

[108]// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 40–41-сон, 433-модда.

[109] Федеральный закон от 11.06.2003 №74-ФЗ (ред. от 06.12.2021) «О крестьянском (фермерском) хозяйстве» (с изм. и доп.,вступ. в силу с 01.03.2022.) https://legalacts.ru/doc/federalnyi-zakon-ot-11062003-n-74-fz-o/.

[110] Закон Республики Беларусь «О крестьянском (фермерском) хозяйстве» от 18 февраля 1991 г. № 611-XII. https://kodeksy-by.com/zakon_rb_o_krestyanskom_fermerskom_hozyajstve.htm.

ташкил этиши белгилаб қўйилганлиги, назаримизда, муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмини қуйидаги сўзлар билан тўлдирилишини таклиф қиламиз: “ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси” деган сўзлардан кейин “чет эл фуқароси ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда” деган сўзлар билан тўлдириш лозим.

Фикримизча, мазкур тўлдириш келажакда республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида фермер хўжалиги ташкил этиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар ўртасида инсофли рақобат муҳити пайдо бўлишига хизмат қилади.

Хулоса. Юқоридаги фикр, мулоҳаза ва таклифлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, фермер хўжаликларига доир қонунчиликни такомиллаштириш фермерлар ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш баробарида улар фаолиятини кафолатлайди.

Республикамизда тадбиркор фермер ва деҳқонларимизни аграр соҳада фаолият олиб боришлари учун барча имконият ва имтиёзлар амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ўз аксини топган.

Қабул қилинган аграр соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга вақти-вақти билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ва тизимли равишда такомиллаштириб бориш давр тақозосидир.

Демоқчимизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 5 апрелдаги Ф–5464-сон Фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”[111]дан келиб чиқиб, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунни босқичма-босқич ривожлантириб бориш келажакда бошқа тадбиркорлик субъектлараро юз берадиган муаммолар олдини олишга хизмат қилган бўлар эди.

[111]// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2019 йил, 08/19/5464/2891-сон.

АУТСОРСИНГ ШАРТНОМАСИ ПРЕДМЕТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ш.Б.Норбоев - Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

Ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг мазмунини унинг барча шартлари йиғиндиси ташкил этади. ЎР ФК 364-моддаси 1-қисмига мувофиқ, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади [1].

Шартнома шартлари муҳим, одатдаги ва тасодифий шартларга бўлинади. Шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб хисобланган шартлар, шунингдек, тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади [2].

Қонун ҳужжатининг (ЎР ФК 364-моддаси 2-қисми) тўғридан-тўғри кўрсатмасига биноан бундай муҳим шартлардан бири шартнома предмети (нарсаси) тўғрисидаги шарт ҳисобланади. Шартномада унинг предмети (нарсаси) тўғрисидаги шарт мавжуд бўлмаса ёки тарафлар шартнома предмети (нарсаси) тўғрисида келишувга эришолмаган бўлса шартнома тузилмаган деб ҳисобланади.

Фуқаролик қонунчилиги шартнома предмети (нарсаси)нинг тушунчасини очиб бермаган. Бундан ташқари, ЎР ФК бу иборани бошқа бир ибора, яъни “шартнома объекти” билан бирга қўллайди. Масалан, ЎР ФК 537-моддаси “Мулк ижарасининг объектлари” деб номаланиб, унга кўра ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий

хусусиятларини йўқотмайдиган бошқа ашёлар (истеъмол қилинмайдиган ашёлар) мулк ижарасига берилиши мумкин [3].

Шартнома объектининг тегишлилиги уни турларга ажратишда муҳим таснифловчи белги сифатида номоён бўлади. Масалан, олди-сотди шартномасининг турларини ажратишда объектнинг тегишлилиги муҳим роль ўйнайди: контрактация, энергия таъминоти, кўчмас мулкни сотиш ва корхонани сотиш.

Айрим ибораларнинг турлича талқин қилиниши унинг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳалақит бермайди. Хусусан, предмет тўғрисидаги шарт шартнома-битимнинг таркибий қисми сифатида номоён бўлар экан у ўзида муайян ахборот ҳамда маълумотлар мазмунини ифодалайди. Бу ахборот ҳамда маълумотлар шартнома турига қараб у ёки бу даражада тўлиқ бўлиши лозим. Масалан, олди-сотди шартномасида тарафлар товарнинг номи ва миқдори тўғрисида келишувга эришишининг ўзи етарли ҳисобланади (ЎР ФК 387-модда 3-қисми).

Таъкидлаш жоизки, ибораларнинг бундай қўлланилиши шартнома-битим ва шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар (шартномавий мажбуриятлар)ни бир-биридан ажратишда қийинчилик туғдиради. Хусусан, В.В.Витрянский “предмет” иборасини шартнома-битим мазмунига нисбатан ҳам, шатномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар тавсифига нисабатан ҳам қўллайди. Масалан, унинг фикрига кўра, айирбошлаш шартномасининг предмети икки турдаги объектни ўз ичига олади: биринчи турдаги объектга мажбурият юкланган шахсларнинг бир-бирига айирбошланаётган товарларни топширишга қаратилган хатти-ҳаракатлари кирса; иккинчи турдаги объектга айирбошланаётган товарларнинг ўзи киради [4]. А.Н.Обыденное фикрича, “объектни ажратиш орқали аниқ бир шартнома бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ижрони индивидуаллаштириш қийин (аниқ бир ашёни топшириш, аниқ бир топшириқ бўйича ишларни бажариш). Бунинг учун шартнома предмети категориясини қўллаш мақулроқ” [5].

Фуқаролик ҳуқуқи фанида шартнома предметини тушунишда турлича ёндошувлар мавжуд. Жумладан, Д.И.Мейернинг фикрича,

шартнома предмети ҳар доим бегона шахсларнинг хатти-ҳаракатига нисбатан ҳуқуқ сифатида ифодаланади [6]. О.С.Иоффенинг таъкидлашича эса, “мажбурият предмети икки турдаги объектни ўз ичига олади. Бунда мажбуриятнинг юридик объекти сифатида ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқий муносабатда бўлгани каби мажбурият юкланган шахснинг муайян хатти-ҳаракати тан олинади. Бундан ташқари, мажбуриятнинг иккала иштирокчиси бир вақтнинг ўзида ҳам кредитор ҳам қарздор сифатида иштирок этадиган бўлса, иккита юридик объект вужудга келади, яъни ҳар иккала иштирокчи томонидан қарздор функциясини бажариш жараёнида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар. Моддий объектларга тўхталадиган бўлсак, баъзи мажбуриятларда у умуман мавжуд эмас. Масалан, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича айрим шартнома мажбуриятларида моддий объект мавжуд бўлмайди. Шунингдек, шундай мажбуриятлар мавжудки, уларда иккита юридик объектга мос равишда иккита моддий объект ҳам мавжуд бўлади. Масалан, олди-сотди шартномасида сотувчининг мулкни топшириш бўйича ҳаракати ва сотиб олувчининг пулни тўллаш бўйича ҳаракати юридик объект ҳисобланса, мулкнинг ўзи ҳамда тўланадиган пул суммаси ҳуқуқий муносабатларнинг моддий объекти ҳисобланади” [7].

Бизнинг фикримизча, О.С.Иоффенинг билдирган фикрлари ўринли ва унга қўшилиш мумкин. Хусусан, М.И.Брагинский ушбу фикрни қўллаб-қувватлаб қуйидагиларни таъкидлайди: “Шартномаларни бирлаштирувчи белгиларидан бири шуки, улар мураккаб предметга эга бўлиши мумкин. Яъни у ўз ичига мажбурият юкланган тарафларнинг хатти-ҳаракатларини, шу жумладан мулкни топшириш ва қабул қилишга қаратилган ҳаракатларни (биринчи турдаги объект) ҳам, шунингдек мулкнинг ўзини (иккинчи турдаги объектни) ҳам олади” [8].

Шундай қилиб, шартнома предметини мазмун-моҳиятини очиб бериш учун қилинган таҳлил асосида хулоса қилиш мумкинки, шартнома предмети категориясини тўғри белгилаб олиш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чунки бу нарса шартномани қўллаш доирасини, тарафларнинг ҳуқуқ ва

мажбуриятлари мажмуасини, шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги чегарасини белгилаш имконини беради.

Аутсорсинг шартномаси ҳам бундан мустасно эмас. Бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқи назариясида аутсорсинг шартномасининг предмети тушунчасига нисбатан ягона фикр шаклланмаган.

И.С.Шиткина аутсорсинг шартномасининг предмети деганда бир ташкилот томонидан зарур малака ва ихтисосликка эга бўлган мутахассисларни иккинчи бир ташкилотга унинг манфаатлари учун муайян функцияларни бажариш учун топширишини тушунади. Унинг фикрига кўра, аутсорсинг шартномасини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасидан фарқлаш лозим. Чунки, дейди у, ходимларни тақдим қилувчи ташкилот қандайдир (масалан, бошқарув, ишлаб чиқариш, қурилиш, ахборот коммуникация ва бошқа соҳалардаги) хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олмайди, балки унинг ягона мажбурияти малака ва ихтисосликка қўйилган талабларга жавоб берадиган муайян сондаги ходимларни тақдим этиш ҳисобланади [9].

Г.А.Корнийчук аутсорсинг шартномасининг предмети масаласини бироз бошқача ҳал қилган. Унинг фикрига кўра, аутсорсинг шартномасининг предмети компаниянинг ўзи учун хос бўлмаган фаолият турини профессионал-компанияга топширишидан, бошқа ташкилот томонидан одатда ташкилотнинг асосий фаолиятига кирмайдиган, аммо бизнеснинг тўлиқ ишлаши учун зарур бўлган баъзи вазифалари, бизнес функциялари ёки бизнес жараёнларини бажаришдан иборат [10].

Л.В.Санниковнинг таъкидлашича, ходимларни тақдим этиш бўйича мажбуриятнинг объектини фойдаланувчининг муайян ихтисосликдаги ходимга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган ҳаркакатлар ташкил этади [11].

Т.Ю.Коршунованинг таъкидлашича, пудрат шартлари бўйича ишларни бажаришда меҳнат шакллари жудаям хилма-хилдир. Хусусан, бундай шартнома ҳақида компания ихтисослиги бўлмаган ҳар қандай функциясини ўзининг профессионал ходимлари томонидан ушбу функцияни бажарадиган ташқи компанияга

ўтказганда гапиришимиз мумкин. Масалан, бу функциялар биноларни тозалаш, хавфсизлигини таъминлаш, IT қўллаб-қувватлаш бўлиши мумкин. Ушбу функцияларни бажаришга жалб қилинган компания ўз устав ва фаолият мақсадига кўра бундай хизматларни кўрсатадиган ихтисослашган ташкилот бўлиб ҳисобланади. Халқаро амалиётда ҳам бундай фаолият аутсорсинг деб номланади [12].

Бу ҳолатда икки ташкилот ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилади. Ходимлар хизмат кўрсатувчи ташкилот штатида бўлади ва хизматларни қабул қилувчи (буюртмачи) ташкилотда ўз меҳнат фаолиятини (бинони тозалаш, уни қўриқлаш, унга компьютер тармоғини ўрнатиш ва таъминлаш хизматларини) амалга оширади. Ходимлар томонидан меҳнат фаолиятини амалга оширишининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар хизмат кўрсатувчи ташкилот штати ҳисобида бўлишса ҳам, амалда бошқа ташкилотда иш бажаришади ҳамда унинг талабларига ва махсус қоидаларига амал қилишади.

Махсус адабиётларда юқоридаги фикрларни тасдиқловчи қарашларни учратиш мумкин. Хусусан, уларга кўра аутсорсинг шартномасининг предмети ташкилотнинг бир ёки бир неча функциялари (масалан, дастурий таъминлаш, кадрлар билан ишлаш ва бошқалар) бўйича хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Бунда фақат бир шарт бўлади, яъни ташкилотнинг штатида хизмат кўрсатилаётган соҳа бўйича ўз мутахассислари мавжуд бўлмайди ва мазкур функциялар тўлиқ аутсорсерга топширилади [13].

Аутсорсинг шартномасининг предмети ҳақида гапирар эканмиз, шуни инобатга олиш лозимки, кўпчилик ҳолатларда мазкур шартнома ўз ичига ЎР ФК 37 ва 38-боби нормалари билан тартибга солинадиган пудрат шартномаси ва ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси элементларини олади. Шу билан биргаликда, у ўз ичига ЎР ФКда назарда тутилган ва назарда тутилмаган шартномаларнинг элементларини ҳам ўз ичига олиши мумкин (масалан, меҳнат шартномасининг элементларини).

Кўриб чиқилаётган шартноманинг ушбу хусусиятларини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, аутсорсинг шартномасининг предмети мажмуавий (комплекс) мазмунга эга бўлиб, қоидага кўра,

бу маълум функцияларни ёки муайян фаолият (ишлаб чиқариш жараёнида иштирок етиш, ишлаб чиқаришни бошқариш ёки мижознинг товарларини ишлаб чиқариш ва (ёки) сотиш билан боғлиқ бошқа вазифаларни бажариш)ни амалга ошириш учун талаб қилинадиган малака талабларига жавоб берадиган аутсорсер-ташкилот ходимларини тақдим этишни ўз ичига олади.

Аутсорсинг шартномасининг яна бир хусусияти шундаки, мажбуриятга эга бўлган шахснинг хати-ҳаракатлари аутсорсинг ходимларининг фаолияти (ҳаракатлари), уларнинг касбий сифатлари (махсус маълумот, фаолият натижадорлиги, иш тажрибаси ва бошқалар.) билан индивидуаллаштирилади.

Шу асосда хулоса қилиб айтиш мумкинки, аутсорсинг шартномаси бўйича кўрсатиладиган хизматлар аутсорсер-ташкилотнинг малакали ходимлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар бўлиб, улар буюртмачининг ишлаб чиқариш жараёнидаги, ишлаб чиқаришни бошқаришидаги ёки мижознинг товарларини ишлаб чиқариш ва (ёки) сотиш билан боғлиқ бошқа вазифаларини бажаришдаги эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://lex.uz/docs/111189#155621
2. Fuqarolik va oila huquqi. Darslik / R.J.Ro‘ziyev, V.R.Topildiyev, M.Sh.Choriyev. -Toshkent, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2022. 323-бет.
3. https://lex.uz/docs/180552#184363
4. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга вторая: Договоры о передаче имущества. М.: Статут, 2017. -С. 22, 263.

5. Обыденное А.Н. Предмет и объект как существенные условия гражданско-правового договора // Журнал российского права. 2003. № 8. С. 64-65

6. Мейер Д.И. Русское гражданское право (в 2-х ч. Часть 2). М.: Статут, 1997. -С. 161.

7. Иоффе О.С. Обязательственное право // Иоффе О. С. Избранные труды: В 4 т. Т. III. Обязательственное право. - СПб.: Изд-во «Юридический центр Пресс», 2004. -С. 62-63.

8. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга вторая: Договоры о передаче имущества. М.: Статут, 2017. -С. 6.

9. Шиткина И. Договор предоставления персонала: что это такое? // Хозяйство и право. - 2014. - № 1. - С. 98-100.

10. Корнийчук Г.А. Прием и увольнение работников: подбор и оценка персонала, оформление трудовых отношений. - М.: «Омега-Л», 2007. --С. 37.

11. Санникова Л.В. Обязательства об оказании услуг в российском гражданском праве. -М.: Вольтерс Клувер. 2007. -С. 99.

12. Коршунова Т.Ю. Правовое регулирование отношений, связанных с направлением работников для выполнения работ в других организациях (заемный труд) // Трудовое право. 2005. № 6. -С. 17.

13. Ефимова С., Пешкова Т., Коник Н., Рытик С. Аутсорсинг. - М.: ООО «Журнал «Управление персоналом», 2006. -С. 49.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИШ ҲАМДА ҲАЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ў.М.Давлетов - Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети
кафедра бошлиғининг ўринбосари,
ю.ф.б.ф.д (PhD), подполковник

Фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашда фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ролини алоҳида қайд этиш жоиз. Шу мақсадда, фуқаролик ишлари бўйича судлар

тизимини оптималлаштириш, хусусан, фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш мақсадида энг қулай ва энг яхши натижа берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Оптималлаштириш (лотинчада optimus – энг яхши, энг соз, аъло) деганда, мавжуд ҳолатларнинг энг яхшисини танлаш имконияти тушунилиб, унинг натижасида у ёки бу тизим фаолияти янада яхшиланади. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг оптималлаштирилиши деганда эса, одил судловнинг мақсад ва вазифаларига эришишнинг энг яхши ва мақбул йўлини танлаш имконини берувчи фуқаролик ишларини кўриш ҳамда ҳал этиш механизмини такомиллаштириш тушунилади.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, шаклланган ва фаолияти тобора такомиллашиб бораётган фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилаётган ишларнинг сони ортиб бораётганлигининг ўзи судларнинг инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора сифатида аҳамиятининг ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, фуқаролик ишларини уларнинг ўзига хос махсус хусусиятларини эътиборга олмай, барча ишлар учун бир хил тартиб-таомилнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Хусусан, айрим тоифадаги низосиз талабларни фуқаролик процессида буйруқ тартибида ҳал этиш институтининг жорий этилганлиги ва мазкур институт тобора такомиллашиб бораётганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда кўплаб ривожланган давлатлар фуқаролик процессида тарафларни ўзаро муросага келтирадиган, яраштирадиган, ишнинг хусусияти ва турига қараб махсус соддалаштирилган ва жадаллаштирилган тартиб-таомилларни жорий этиш йўлини танлаганлар. Хусусан, Буюк Британия, Германия, АҚШ каби давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида фуқаролик ишлари уч турдаги, яъни оддий, стандарт ва мураккаб тартиб-таомилларга ажратган ҳолда кўрилади.

Германияда фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этиш нафақат судьялар сонини кўпайтириш орқали, балки суд ишларини

ҳал этишнинг соддалаштирилган ва жадаллаштирилган тартиб-таомилларини жорий этиш эвазига тезлашган. Шунинг учун ҳам немис қонунчилиги фуқаролик процессини соддалаштириш бўйича бир неча бор жиддий ислоҳотларга дуч келган ва оқибатда “Соддалаштириш, жадаллаштириш ва судьялар юкламалари бўйича қонунлар ва қонунлар тўплами” деб номланган махсус қонунлар қабул қилинган.

Ғарбий Европа давлатларида соддалаштирилган суд ишларини юритиш тартибида қарздорликни ундириш бўйича умумлаштирилган (summary) ва ҳужжатли (Urkundenprozess) иш юритиш эътиборга лойиқ.

Соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг муҳим шартларидан бири сифатида ёзма далилларга алоҳида эътибор берилади. Чунки ёзма далиллар бошқа далилларга қараганда ишончлироқ ҳисобланади. Мазкур далилларнинг мавжудлиги бошқа далилларни йиғиш ва текширишни талаб этмайди, шунингдек иш бўйича материаллар билан ишлаш жараёнларини тезлаштиради.

Бирмунча соддалаштирилган ҳужжатли иш юритиш билан бир қаторда немис фуқаролик процессида ҳуқуқни самарали ҳимоя қилишнинг воситаси сифатида “мажбур қиладиган” қарорнинг чиқарилиши ёки бошқача айтганда, суд буйруғи чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Муқаддам мазкур қарор “тўлов ҳақида буйруқ” деб аталган.

Мажбур қиладиган иш юритишнинг асосий вазифаси судда ишни кўрмасдан туриб, ижро ҳужжатини олиш ҳисобланади. Бундай иш юритишнинг асосий шарти – қарздор томонидан ўз зиммасидаги мажбуриятни белгиланган муддатларда бажарилмаслигидир. Бу ўринда қонун қарздорнинг ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилишни назарда тутади. Хусусан, қарздор ишни одатдаги тартиб-таомиллар асосида кўрилишини талаб қилиш ва ушбу жараёнда ўз эътирозларини билдириш ҳуқуқига эга бўлади.

Шунинг учун ҳам мажбур қиладиган иш юритиш судда иш кўришдан аввалги босқич ҳисобланиши ҳақида фикр-мулоҳазалар илгари сурилади.

Британия судлари 1998 йилги фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари қабул қилингунга қадар фуқаролик ишларини судда кўриш, ҳал қилув қарорини қабул қилиш ҳамда суд харажатларини тақсимлаш жараёнида низолашаётган шахсларнинг ўзаро муносабатларини эътиборга олган ҳолда суд ишларини соддалаштириш ёки ихчамлаштиришга ҳаракат қилганлар.

Тарафларнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ факторларни эътиборга олиш жараёнида судьялар асосан ўзларининг ички ишончларига таянганлар. Фуқаролик процесси иштирокчиларининг ўзаро муносабатларидан келиб чиқиб, уларга қўшимча имкониятлар бериш орқали суд ишини соддаштириш ва ихчамлаштиришни назарда тутувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлмаган.

Бироқ 1999 йилнинг январь ойида “Practice Direction — Protocols” (амалда қўлланиладиган баённомалар) номли амалий қўлланманинг чоп этилиши муносабати билан бу борадаги ҳолат бирмунча ўзгарди ва иш юритиш жараёнида фуқаролик процессидаги низолашувчи тарафларнинг ўзаро муносабатларини эътиборга олиш қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топди. Унга кўра, “судловга қадар баённома” атамаси кириб келди ва мазкур баённомада келгусида бўладиган суд процесси ҳақида тарафларни хабардор қилиш билан бирга уларнинг бир-бирлари ҳақида маълумотлар олишга қаратилган ҳаракатлари ҳам қайд этилади.

Ҳозирда мазкур қўлланмада ҳар қандай ҳолатда ҳам низолашувчи тарафлар ишни судгача олиб бормасдан ўзаро музокара олиб бориш, далиллар юзасидан ўзаро фикрлашиши мумкинлиги ҳақида тавсиялар берилган.

Европада шундай давлатлар мавжудки, улар инглиз фуқаролик процессидаги судловга қадар баённомага доир тартиб-таомилларни тўлалигича ўзлаштириб олганлар.

Масалан, Голландия фуқаролик процессуал қонунчилигида бир-бирига нисбатан қарама-қарши бўлган тарафлар ўртасида далилларнинг таркиби ва бошқа фактлар бўйича ўзаро фикр алмашишни назарда тутувчи махсус босқич – судга қадар шакл жорий қилинган. 2004 йилда эса Европа Иттифоқининг Европа

судлари маслаҳат Кенгаши ўз хулосасини қабул қилиб, унда инглиз фуқаролик процессидаги судловга қадар баённома тартиб-таомилини бирмунча ижобий деб баҳолаган.

Бир қарашда инглиз фуқаролик процессидаги судловга қадар баённома деб ном олган тартиб-таомил Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 110-моддасида назарда тутилган муаяйн тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш имконияти бой берилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, иш юритишни тугатадига асос бўладиган ҳолатларга ўхшаб кетади.

Бироқ инглиз фуқаролик процессидаги судловга қадар баённома тартиб-таомили бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан юқоридаги тартибдан фарқланади. Хусусан, инглиз судида умумий қоидага кўра, судловга қадар баённома тузилган-тузилмаганлигидан қатъи назар, муайян фуқаролик иши бўйича судда иш юритиш даъво аризаси рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланган ҳисобланади.

Хулоса ўрнида, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш, одил судловга йўл қўйиш ва унинг учун шарт-шароит яратиш борасидаги вазифаларни ҳал этиш кўп жиҳатдан суд ишларини юритишнинг махсус соддалаштирилган тартиб-таомилларини жорий этиш ҳамда унча мураккаб бўлмаган ва кенг кўламдаги суд муҳокамасини талаб этмайдиган низоларни муқобил ҳал этиш усулларини қўллаш билан боғлиқдир. Зеро, даъво тақдим этишдан то суд ҳал қилув қарорини чиқаргунгача бўлган жараён қанчалик қисқа ва енгил бўлса, процесс шунча такомиллашган бўлади.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ИШТИРОКИ КАФОЛАТЛАРИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ

Иззатулло ТОЛИБОВ, Судьялар олий мактаби докторанти, юридик фанлар номзоди

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, эркин фуқаролик жамиятининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Аслида бундай ташкилотлар қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солишда жамиятдаги турли қатлам ва гуруҳлар, қолаверса кенг жамоатчиликнинг қонуний манфаатларини ифодалайди. Давлат ва жамият ҳаётида манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш ҳам бевосита ушбу ташкилотларнинг қонун ижодкорлигидаги иштироки билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу механизм орқали давлат органлари ва жамоатчилик манфаатлари ўртасидаги мувозанат таъминланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ижодкорлигида иштирок этиши кафолатларини ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, дастлаб амалдаги Конституциявий нормаларга аҳамият қаратиш ўринли бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII-боби 56-моддасида “Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади”[112] - дея қайд этилган. Лекин, мазкур конституциявий норма бугунги кундаги нодавлат нотижорат

[112] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси., “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи., Тошкент 2012 йил., 11-бет

ташкилотлари тушунчасини тўлақонли қамраб олмайди. Чунки, “Жамоат бирлашмалари” тушунчаси бизга собиқ Иттифоқдан мерос бўлиб келаётган эски юридик атама бўлиб, ҳали Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритимасдан олдин, яъни 1990 йил 9 октябрда қабул қилинган собиқ Иттифоқнинг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни ҳисобланади. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида: “Жамоат бирлашмалари сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, фахрийлар ташкилотлари, ногиронлар ташкилотлари, ёшлар ва болалар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, спорт ва бошқа кўнгиллилар жамиятлари, ижодий уюшмалар, фуқароларнинг биродарлик бирлашмалари, жамғармалар ва бошқалар жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.”[113] – деб белгиланган.

Маълумки, ягона Коммунистик партия ва унинг ғоялари ҳукмронлик қилган собиқ иттифоқ даврида жамоат бирлашмалари деб қаралган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ривожланишига йўл қўйилмаган. Кам сонли бундай ташкилотлар номигагина ташкил этилиб, давлат назоратида фаолият юритиб келган. Чунки, бу институтларнинг ривожланиши давлат ва жамият бошқарувида фуқаролар иштирокини кенгайтириб, давлат органларининг бир қатор ваколатлари ўз-ўзидан нодавлат нотижорат ташкилотларига ўтишини тақоза этади. Бу эса, партия бюрократларининг фақат маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган Коммунистик мафкурасига мутлақо зид эди. “Советлар ва жамоат ташкилотлари юқоридан берилган директив кўрсатмаларнинг пассив ижрочиларига айланиб қолдилар. Ҳукмрон партия органларисиз бирорта қарор ҳам, қабул қилиш мумкин бўлмай қолди.”[114] “Собиқ иттифоқ даврида ҳам нодавлат ташкилотлар бор эди. Бироқ улар номигагина нодавлат ташкилоти бўлиб, аслида давлат органларининг бир бўғини эди. Нодавлат ташкилот бўлган

[113]Закон СССР от 09.10.1990 N 1708-1 (с изм. от 19.05.1995) "Об общественных объединениях"., http://www.consultant.ru/

[114] “Қатағонлик сиёсати”., https://e-tarix.uz/

партия давлат, ҳукумат ва шахслар устидан барча соҳа ҳатто шахсий дунёқарашларимизга ҳам ҳукумронлик қилар эди.”[115]

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида ҳали мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланиб улгурмаган бир пайтда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясининг XIII-бобидан ўрин олган “Жамоат бирлашмалари” тушунчасини нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тарзида акс эттириш фурсати келди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиши кафолатлари ҳақида фикр юритилар экан, 1991 йил 15 февралда қабул қилинган ва ҳозир ҳам амал қилаётган, тан олиб айтганда мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланиши учун дастлабки ҳуқуқий асос бўлган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни ва унда белгиланган баъзи бир меъёрларга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Мазкур қонуннинг 1-моддаси 2-қисмига мувофиқ, “Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.”[116]

Алоҳида аҳамият қаратишимиз лозим бўлган жиҳат шундан иборатки, миллий қонунда “Жамоат бирлашмалари”га берилган ҳуқуқий таъриф юқорида келтириб ўтилган собиқ Иттифоқнинг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунида белгиланган “Жамоат бирлашмалари” тушунчаси билан айнан бир хиллиги, бундай ташкилотларга нисбатан янгича ёндашув йўқлигини кўрсатиб туради.

---

[115]Р.Эшбоев., “Нодавлат нотижорат ташкилотлар мустақиллик йилларида”., https://sirdaryo.adliya.uz/

[116] “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун., https://lex.uz/

“Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида: “Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ишларини амалга ошириш; табиатни, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади. Фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек конституцион тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан синфий, шунингдек ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонунчилик билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўймайди”[117] – деб ифодаланган.

Қонуннинг бутун моҳиятини, унинг ҳуқуқий аҳамиятини белгилаб берадиган мазкур нормалар ҳам собиқ Иттифоқнинг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни 3-моддаси ҳеч бир ўзгаришсиз, шундайлигича миллий қонунга кўчириб ўтказилган. Шу сабабли Собиқ иттифоқ қонуни билан мустақил Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган нормаларнинг айнан бир хиллигини бежиз таққослаб келтираётганимиз йўқ.

[117] “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун., https://lex.uz/

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, мамлакатдаги ижтимоий ҳаёт, жамият тараққиёти бевосита “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши”[118] тўғрисидаги конституциявий қоида ўрнатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги Янги Ўзбекистон даврида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини кенгайтириш, улар олдида турган муҳим вазифа – аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳларини манфаатини ифодалаш билан бирга жамоатчиликнинг қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш масаласи замон талаби эканлиги собиқ тузумдан қолган “Жамоат бирлашмалари” тушунчасидан воз кечишни тақоза этади. Чунки, собиқ иттифоқ давридаги жамоат бирлашмалари билан бугунги кундаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида жуда катта тафовут борлигини кўрамиз. Статистик маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, 1991 йилда республикада атиги 100 га яқин Нодавлат нотижорат ташкилотлар мавжуд бўлган бўлса, ҳозирга келиб эса уларнинг сони 10462 тани ташкил этади. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳанининг турли йўналишларида, хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида – 2 000 дан ортиқ, экологияни асраш соҳасида – 100 дан ортиқ, спортни ривожлантириш соҳасида – 1200 дан ортиқ, имконияти чекланган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида – 600 дан ортиқ, ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳасида – 600 дан ортиқ, аёлларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишда – 300 дан ортиқ, фахрийларни қўллаб-қувватлаш соҳасида – 400 дан ортиқ, миллий маданий алоқаларни ва миллатларо дўстликни ривожлантириш соҳасида – 200 дан ортиқ, ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида – 570 дан ортиқ, таълим, фан ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш соҳасида – 240 дан ортиқ, соғлиқни сақлаш соҳасида – 220 дан ортиқ, ОАВ ва

[118]Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси., “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи., Тошкент 2012 йил., 5-бет

журналистикани ривожлантириш соҳасида – 30 га яқин, маданият, тарих ва маърифат соҳасида – ортиқ ННТ ва унинг ҳудудий бўлимлари мавжуд.”[119] Мана шу омиллардан келиб чиқиб, 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунининг ҳалигача амал қилаётгани қай даражада тўғри, деган ҳақли савол туғилади. Масалага нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунида Жамоат бирлашмаларининг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этишини кафолатлайдиган ҳеч қандай тартиб ёки алоҳида меъёр белгиланмаган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб хулоса қилиб айтганда Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг бугунги даврдаги ривожланиш тенденциялари бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришни тақоза этади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 4 октябрда имзоланган “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4473-сонли қарорида белгиланган қуйидаги масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим: “Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва шаклланган миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликни кодекслаштириш ва тизимлаштириш унинг асосий вазифаси этиб белгилансин.”[120]

---

[119]“Нодавлат нотижорат ташкилотлари рақамларда”., https://www.minjust.uz/uz/press-center/news/

[120]“Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”., Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори., 04.10.2019., ПҚ-4473-сон., https://lex.uz/

Айни пайтгача мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантиришга қаратилган 200 ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тарқоқлиги уларни қўллаш амалиётида баъзи бир муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Шунинг учун яхлит юридик ҳужжат – “Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси” қабул қилиниши бундай ташкилотларнинг янги жамият талаблари асосида фаолият юритишига мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори билан 2-иловага мувофиқ тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4473-сон қарорини амалга ошириш бўйича батафсил амалий чора-тадбирлар режасининг 8-бандида “Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси лойиҳасини тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳ 2020 йил 1 февралга қадар манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилган Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин”[121] деган вазифа юклатилган эди. Лекин, орадан 2 йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлишига қарамасдан, “Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси” қабул қилинмаган.

[121]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4473-сон қарорини амалга ошириш бўйича батафсил амалий ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ., https://lex.uz/

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиши борасидаги миллий амалиёт қонунчиликка нисбатан анча илгарилаб кетганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фикримизга жорий йилнинг 10 август куни Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси, Демократик ва инсон ҳуқуқлари институти, USAIDнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотлар Дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамкорлигида "Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий давлатчиликни қарор топтириш жараёнларига таъсири: нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қонун ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш жараёнларидаги ўрни ва роли" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида мутахассислар томонидан келтириб ўтилган қуйидаги мулоҳазалар далил бўла олади:

"Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида аҳолининг, қолаверса, жамоат ташкилотларининг роли сезиларли даражада ортди. Буни куни кеча муҳокамаси якунланган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси мисолида ҳам кўриш мумкин."

"Мамлакатимизда фаолият юритаётган 9 мингдан ортиқ фуқаролик жамияти институтлари мисолида таҳлил қилинганда, биргина Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси ва унга аъзо нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ваколатли органларга фуқаролик жамияти ривожига хизмат қилувчи қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан жорий йилнинг ўтган даври давомида 400 дан ортиқ таклифлар киритилган."[122]

Юқорида билдириб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ижодкорлиги

[122]**Абдулазиз Рустамов.,"**Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий давлатчиликни қарор топтириш жараёнларига таъсири..."., https://uza.uz/., 18:02 / 10.08.2022

жараёнидаги иштирокини кенгайтириш учун қуйидаги таклиф-мулоҳазаларни билдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, “Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси” лойиҳасини қисқа муддат ичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек кенг жамоатчилик томонидан атрофлича муҳокамасини ўтказган ҳолда қабул қилиниши лозим;

иккинчидан, мазкур кодексда қуйидаги масалаларга алоҳида аҳамият қаратиш, хусусан:

- амалдаги қонунчиликда белгиланмаган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини таъминлаш билан боғлиқ аниқ, тўғридан-тўғри амал қиладиган нормаларни киритиш;

- нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қонун лойиҳалари юзасидан билдирган таклиф ва фикр-мулоҳазалари бўйича давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан асослантирилган жавобини юбориш мажбуриятини юклаш;

- нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, экологик ва бошқа социал аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этиш, жумладан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишдаги ваколатларини кенгайтириб кучайтириш;

- давлат органлари ҳузурида тузиладиган Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш, хусусан Жамоатчилик кенгашлари томонидан қабул қилинадиган қарор мажбурий характерга эга ҳужжат сифатида белгиланиши;

- нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ янги меъёрлар киритиш;

- Адлия вазирлигига қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этиб бориш билан боғлиқ нормаларни бекор қилиш;

- мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларини бирлаштириб турган ягона ташкилот Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциациясининг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари бирон-бир қонунда белгиланмаганлиги сабабли қабул қилинадиган Кодексда бу ташкилотга бағишланган алоҳида боб киритилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу нормаларнинг кодексда акс эттирилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сонли фармонида белгиланган вазифа “қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг барча босқичида, шу жумладан Вазирлар Маҳкамасига киритиш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”[123]нинг ижросини таъминлашга хизмат қилади;

учинчидан, миллий қонунчиликдан “Жамоат бирлашмалари” тушунчасини чиқариб, ўрнига нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтлари тушунчасини акс эттирилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

FUQAROLIK QONUNCHILIGINI RIVOJLANTIRISHDA XORIJIY TIL MALAKASINING AHAMIYATI

Radjabov Nasir Nasimovich
O‘R Jamoat xavfsizligi universiteti
Tillarni o‘rganish kafedrasi professori
fil.fan.falsafa doktori (PhD), dotsent

Xorijiy tillarni bilishning ahamiyati shundaki, u barcha soha vakillariga o‘z mutaxassisligi bo‘yicha yanada kengroq bilim va imkoniyatlarga ega bo‘lishida *“beminnat do‘st”* bo‘lib xizmat qiladi.

[123]“2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”., Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 04.03.2021 йилдаги ПФ-6181-сон., https://lex.uz/

Xorijiy tilni o‘zlashtirish jatayonida nafaqat muloqot vositasi bo‘lgan til, balki shu til sohiblarining madaniyatini o‘rganish uchun ham qulay fursat yuzaga keladi. Bunday fursatdan unumli foydalanish har qanday soha mutaxassisini keng dunyoqarashga ega bo‘lish, madaniyatlararo hurmat va sezgirlik hissini oshirish, eng muhumi jahon mehnat bozorida raqobatbardosh ustunlikka sazovor bo‘lish imkoniyatini qo‘lga kiritishida asosiy omil vazifasini bajaradi.

Shu nuqtai nazardan, so‘nggi yillarda barcha soha vakillarining xorijiy tillarni bilish masalasi ko‘pgina davlatlarda, xususan, O‘zbekistonda ham davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi, Prezident farmonlari va hukumat qarorlari e’lon qilindi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 yil 10 dekabrdagi PQ-1875-son “Chet tillarni o‘rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g’risida”gi Qarori, 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar Strategiyasi to‘g’risida”gi Farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 8 avgustdagi “Ta’lim muassasalarida chet tilini o‘qitishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari haqida”gi Qarori shular jumlasidandir. Muxtasar qilib aytganda, xorijiy tillarni rivojlantirish doirasida ko‘rilayotgan chora-tadbirlar mutaxassisligidan qat’iy nazar barcha soha vakillarining til bilish malakasini oshirishga qaratilmoqda. Bu borada har bir mamlakat o‘z ehtiyojidan kelib-chiqib tegishli qarorlar, dasturlar qabul qilmoqda.

Ba’zi davlatlarda mansabdor shaxslar va davlat xizmatchilarining chet tillarini o‘rganishi bo‘yicha Milliy dastur” ham ishlab chiqilgan [3]. Keltirilgan fikrlar har bir sohada xorijiy tillarni rivojlantirishga dunyo miqyosida ahamiyat berilayotganidan dalolat beradi. Shu nuqtai nazardan, bugungi kunda xorijiy tillarni o‘zlashtirishga bo‘lga ehtiyoj iqtisod, siyosat, tibbiyot kabi sohalar bilan bir qatorda huquqshunoslik, xususan, harbiy huquqshunoslik sohasida ham kun sayin oshib bormoqda.

Harbiy sohada ham xorijiy tillarni bilishning ahamiyati muhim ekanligi bois, bugungi kunda mazkur masalaga dunyo miqyosida alohida e’tibor qaratilmoqda. Har bir mamlakat o‘z harbiy mutaxassislarining xorijiy til bilish malakasini oshirish masalasiga o‘zining strategik shart-

sharoitlaridan kelib chiqqan holda yondashmoqda. Jumladan, ma’lum bir mamlakatning harbiy salohiyatini mustahkamlashda qaysi xorijiy tillarning ahamiyati yuqori bo‘lsa, harbiy mutaxassislar o‘sha xorijiy tillarni o‘zlashtirishga yunaltirilmoqda [1]. Zero, mamlakat mudofaasi ilg’or moddiy-texnik bazaga ega harbiylarning nafaqat jismoniy va ruhuy tayyorgarligi, balki xorijiy ommaviy axborot vositalaridan kerakli ma’lumotlarni saralab olish qobiliyatiga ega ekanligiga ham tayanadi. Harbiy sohada xorijiy tillarni bilish, ayniqsa, harbiy hamkorlik masalasida yanada muhim ahamiyatga ega bo‘ladi. AQSH armiyasi polkovnigi Filip Depertning fikriga ko‘ra, harbiylar nafaqat xorijiy tillarni, balki o‘sha til vakillarining madaniyatini ham bilishi lozim. Chunki, biron bir mamlakat bilan harbiy hamkorlik munosabatlarini o‘rnatishda ularning madaniyatidan xabardor bo‘lish muhim ahamiyat kasb etadi [2].

Ma’lumki, davlatlararo harbiy hamkorlikni samarali yo‘lga qo‘yish ko‘p jihatdan harbiy huquqshunoslarning bilim-saviyasi, malaka va mahoratiga bog’liq bo‘ladi. Harbiy huquqshunoslar qanchalik ko‘p bilim va tajribaga, shuningdek, dunyo standartlariga mos saviyaga ega bo‘lsa, harviy hamkorlik o‘rnatish va undan ko‘zlangan maqsadga erishish shunchalik oson kechadi. Zero, faylasuflar ta’kidlashganidek, bir tilni o'rganish insonga ‘hayot’ deb atalmish ma’lum bir davrdan o‘tish uchun yo‘lak vazifasini bajarsa, ikki va undan ortiq tillarni bilish shu yo'lda uchraydigan har qanday eshikni ochish imkonini beradi [4]. Demak, harbiy huquqshunoslarning yuqorida qayd etilgan malakaga ega bo‘lishlarida xorijiy tillarni bilishning ahamiyati beqiyos sanaladi.

Huquq sohasida xorijiy tillarni bilishning yana bir ahamiyati xalqora huquqshunoslik sohasida namoyon bo‘ladi. Xalqaro huquqshunoslar bir qator muhim masalalar yuzasidan ish olib boradilar va shunga ko‘ra, ularning aksariyati huquqning muayyan sohasiga ixtisoslashgan bo‘ladi. Turli mamlakatlarda joylashgan kompaniyalar uchun biznes bitimlari bo'yicha muzokaralar olib borish kabi korporativ masalalar, boshqa yurtlardagi fuqarolar yoki korxonalar bilan bog'liq sud ishlari, xalqaro shartnomalar ustida ishlash kabi sohalarga ixtisoslashish shular jumlasidandir. Xalqaro miqyosda huquq sohasi bo‘yicha faoliyat olib

borayotgan huquqshunosning yuksak muvaffaqiyatlarga erishishi uning kerakli xorijiy tillarni qay darajada bilishiga bog'liq bo'ladi.

Huquq sohasida xorijiy tillarni bilishning boshqa bir ahamiyati ichki qonunlarni, xususan, fuqarolik qonunchiligini takomillashtirishda ham ko'zga tashlanadi. Huquqiy demokratik davlat qurishning asosiy tamoyillaridan biri bu inson manfaatlarini yuqori daraga ko'tarish ekan, unga erishishda dunyo tajribasini o'rganish, erishilgan natijalarni, yutuq va kamchiliklarni tahlil qilish, millat manfaati hamda mintalitetiga mos keladigan ijobiy jihatlarini o'zlashtirish foydadan xoli emas, albatta. Tabiiyki, mazkur tajriba haqidagi ma'lumotlar xorijiy tillarni bilish orqali qo'lga kiritiladi.

Umuman olganda, huquqiy amaliyot transmilliy xususiyatga ega, desak, mubolag'a bo'lmaydi. Chunki, qonunchilik, xususan, fuqarolik qonunchiligi butun dunyo mamlakatlarida u yoki bu jihatdan farq qilsada, umumiy maqsad – fuqarolarning tinchligi, osoyishtaligi, qadr-qimmatini hurmat qilinishi, farovon turmush tarzini ta'minlanishi nuqtai nazaridan o'xshashlik kasb etadi. Shunday ekan, fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish borasida biron bir mamlakatda amalga oshirilgan islohotlar xalq farovonligiga ham moddiy, ham ma'naviy jihatdan manfaatli bo'lsa, uni boshqa davlatlarning u yoki bu jihatdan o'ziga xosliklarini hisobga olgan holda fuqarolik qonunchiligiga tadbiq qilinishi ijobiy natijalar berishi tabiiy. Tajriba almashish har bir soha singari fuqarolik qonunchiligini takomillashtirishda ham muhim ahamiyatga ega. Zero, istalgan sohani yutuq va kamchiliklari uni boshqa bir turdosh soha bilan taqqoslaganda namoyon bo'ladi. Fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish borasida ijobiy yutuqlarga erishgan davlatlar bilan tajriba almashishda xorijiy tillarni bilish muhim omil sanaladi.

Xulosa qilib aytganda, har bir sohani, xususan, fuqarolik qonunchiligi sohasini rivojlantirishda dunyo tajribasini chuqur o'rganish, uning yutuq va kamchiliklarini sinchiklab tahlil qilish, ijobiy yutuqlarni millatning ham moddiy, ham ma'naviy manfaatlarini hisobga olgan holda sohaga tadbiq etish samarali natija beradi. Buning uchun soha mutaxassislari xorijiy til bilish malakasini rivojlantirishlari, shuningdek, erishilgan malakani bosqichma-bosqich takomillashtirib borishlari

maqsadga muvofiq bo‘ladi. Zero, xorijiy tillarni mukammal o‘zlashtirish mazkur soha mutaxassislarini dunyo standartlariga to‘liq javob beradigan, raqobatbardosh kadr sifatidagi faoliyatlarida, shuningdek, fuqarolik qonunchiligini rivojlantirish borasida ko‘zlangan maqsadga erishishda muhim omil bo‘lib xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. Foreign Language Skills In The Army. https://www.daytranslations.com/
2. Languages Help Improve Military, International Relations. https://learningenglish.voanews.com/a/us-soldiers-study-languages-and-culture-diplomacy/3347369.html
3. Phan Van Giang, Deputy Minister of National Defence. To enhance foreign language training within the Military\ National Defence Journal/ http://tapchiqptd.vn/
4. Saisha Bacha. Linguistic Lawyer: Benefit of Learning Foreign Languages. // https://lawlex.org/lex-pedia/linguistic-lawyer-benefit-learning-foreign-languages.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

З.Ирсалиев - ЖХУ Жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш гурухи магистранти
адлия подполковниги
М.Рахматов ЖХУ Жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш гурухи магистранти подполковник

Халқаро тажрибада, умуман фуқаролик жамиятини шакллантириш ва унинг институтлари фаолиятини самарадорлигини таъминлашда асосий устувор йўналишлардан бири сифатида ННТлари ва давлат органлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни амалга ошириш белгиланган.

Президентимизнинг 2021 йил 6 ноябрда Узбекистан Республикаси Президентининг ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимда жамиятимизнинг барча соҳаларини ислоҳ этиш, жумладан, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жамиятимиз аъзоларининг фаоллигини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари муҳим ўрин тутади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда “Ислоҳотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим”[124].

Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларда, хусусан Бразилия, Германия, АҚТТТда нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мазкур ташкилотларни “ижтимоий фойдали” деб эътироф этиш орқали амалга оширилмоқда.

D.Moor фикрига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотини ижтимоий фойдали деб топиш қуйидаги 6 та ташкилий-ҳуқуқий асосдан иборат бўлади: ижтимоий фойдали деб эътироф этишнинг норматив-ҳуқуқий базанинг шаклланганлиги; ижтимоий фойдали деб эътироф этиш тартиби; мазкур соҳада қарор қабул қилувчи органлар; рўйхатга олиш ёки сертификатлаштириш тартиби; ижтимоий фойдали ташкилотга нисбатан давлат томонидан кафолатланган имтиёзлар; ижтимоий фойдали ташкилотларнинг ҳисобдорлиги тартиби белгиланган.

Ижтимоий фойдали деб эътироф этиш ва солиқ имтиёзларини тақдим этиш масалалари Германия ва Нидерландия каби давлатларда Солиқ кодексида мустаҳкамланган бўлиб, мазкур модел ижтимоий фойдали деб эътироф этиш солиққа тортишнинг предмета ҳисобланиши билан маъмурий ҳуқуқни қўллашда устунлик беради. Ушбу моделнинг камчилиги сифатида солиқ қонунчилигида

йил 21 январь)

ижтимоий фойдали деб эътироф этилган нодавлат нотижорат ташкилотини ҳуқуқий тартибга солишининг имкони йўқлигини келтириш мумкин.

Бошқа моделга кўра нодавлат нотижорат ташкилотини ижтимоий фойдали деб эътироф этиш Босния, Болгария, Руминия каби давлатларда муайян доиравий қонунлар билан тартибга солинади. Мазкур моделни камчилиги сифатида жамоат бирлашмалари, фондлар ва шу каби нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳар бир ташкилий-ҳуқуқий шакли учун алоҳида қонун ҳужжатларида ижтимоий фойдали деб эътироф этиш тартиби келтирилади.

Шу сабабли, айрим давлатларда ижтимоий фойдали деб эътироф этиш бўйичаягона ҳуқуқий механизмни таъминлаш мақсадида Венгрияда 1997 йил ижтимоий фойдали деб эътироф этиш қонунчилик нормалари, Литвада 2002 йилда Хайрия ва ҳомийлик фаолияти тўғрисидаги қонун, Польшада ижтимоий фойдали фаолият ва кўнгиллилик тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

Фикримизча, нодавлат нотижорат ташкилотларига ижтимоий фойдали мақомини бериш бўйича тажриба шуни кўрсатадики, ижтимоий хизматлар учун кўшимча бозорга чиқиш имкониятига эга бўлади[125]. Шуни ҳам айтиш керакки, нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар давлат муассасалари томонидан курсатилганларга қараганда арзон ва уларга бюджетдан ташқари маблағлар, грантлар жалб қилиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш осон ҳисобланади.

“Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу жабҳада амалга оширилаётган

[125] (Королева Л. П. Проблемы и предложения по квалификации статуса социально ориентированной некоммерческой организации в качестве налогоплательщика //Налоги и финансовое право.-2 0 1 1 . — №. 6.-С. 192-196. 353 Избранные положения из мировой практики о порядке предоставления организациям статуса благотворительных, общественной пользы и освобожденных от налогообложения. Сборник материалов. // Международный центр Некоммерческого права. Алмата 2008. С. -10. 354 Сигидаева А. В., Коропец А. А., Павлова В. С. Анализ зарубежного опыта налогообложения некоммерческих организаций //Проблемы развития предприятий: теория и практика. -2019. -№ . 1-3.-С . 126-130. 355 Михеева Е. М., Пешкова Н. Н. Статус благотворительной организации в структуре региона. -2 0 1 2 . 356 Гончаренко Л. И. и др. Налогообложение некоммерческих организаций. - 2017.)

ишлар кўламини янада кенгайтириш, фуқаролик жамияти институтларининг мақоми ва мавқеини юксалтиришда яна бир муҳим қадам бўлди.

Қарорда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкил қилиш учун рухсат берувчи тартибларни соддалаштириш, ННТлар билан боғлиқ маъмурий тартиб-таомилларни рақамлаштириш орқали такомиллаштиришга алоҳида урғу берилмокда. Бу борадаги янгиликлардан бири - нодавлат нотижорат ташкилотларини қайта рўйхатдан ҳамда унинг рамзини давлат рўйхатидан ўтказиш муддати 15 кунга қисқаргани бўлди. Илгари бу муддат бир ойни ташкил этарди. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, нуронийлар, хотин-қизлар, болалар жамоат бирлашмалари рамзларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи ундирилмаслигининг белгиланиши мамлакатимизда ҳар бир шахснинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш бўйича ишларни янада жадаллаштиради.

Сир эмас, нодавлат нотижорат ташкилотларининг худудийлик тамойили уларнинг эркин фаолият олиб бориш хуқуқини чеклар эди. Масалан, қишлоқ, овул ёки туман ҳудудида фаолият олиб бориши лозим бўлган нодавлат нотижорат ташкилоти бошқа қишлоқ, овул ёхуд туман худудида фаолият кўрсатишидан олдин қайта рўйхатдан ўтиши лозим бўлар эди. Шу боис, қарор билан мазкур ташкилотлар худудийлик тамойилига кўра республика ва худудий нодавлат нотижорат ташкилотларига ажратилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларга чет эллик шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олинишини келишиш тартиби кейинги пайтда экспертлар томонидан танқидга учраётган бу йўналишдаги ишларни ҳам замон талабидан келиб чиқиб ташкил этишга туртки бўлди. Эндиликда ННТлар томонидан рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилган ҳолда хорижий манбалардан олинадиган пул маблағлари ва мол-мулкнинг бир календарь йилидаги жами суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан юз бараваригача оширилиши белгиланмокда. Бу жамоат ташкилотлари иш фаолиятида ортиқча оворагарчиликнинг олдини олиш, эркин

фаолият юритиш имкониятини кенгайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартиби белгиланган бўлса-да, амалиётда бу тажрибадан деярли фойдаланмаяпти. Шу боис, Узбекистан нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига маҳаллий ННТларни ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат субсидиясини ажратиб бориш вазифаси белгиланмоқца. Бу янгилик камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринларини ташкил этиш каби ижтимоий фойдали лойиҳаларни манзилли ижтимоий буюртма бериш орқали молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш имконини беради

МУНДАРИЖА

KIRISH 3

О.Окюлов ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЛАРИНИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ 5

A.A.Muxammadiyev FUQAROLIK HUQUQLARINI HIMOYA QILISH TARTIBI 15

М.А.Усманова ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ 21

Б.Б.Самарходжаев, Мансуров А.Ф.
НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ МЕЖДУНАРОДНОГО ЧАСТНОГО ПРАВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 27

Р.Дж.Рўзиев, Н.Р.Рустамова АРАЛАШ ВА ЯНГИ (НОМЛАНМАГАН) ШАРТНОМАЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 37

В.Р.Топилдиев ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИ 47

К.О.Синдаров, М.Қ.Комилжонов СУҒУРТА ШАРТНОМАЛАРИДА СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ 62

В.Э.Умаралиев ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИНИ, АМАЛДАГИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ 67

Чориев М. Ш ПРАКТИЧЕСКИЕ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СИСТЕМАТИЗАЦИИ ДОГОВОРОВ, НАПРАВЛЕННЫХ НА РАСПОРЯЖЕНИЕ ИМУЩЕСТВОМ 72

Ф.Тохиров ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА АСОСЛАНГАН ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАР 86

А.К.Закурлаев ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАР ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ 89

Юрий Пулатов, Вали Умаралиев ОИЛА ВА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАЪМИНЛАШ 94

Шарипова Г.С. ИМУЩЕСТВЕННО - ДОГОВОРНЫЕ ОТНОШЕНИЯ МЕЖДУ СУПРУГАМИ 99

Ғ.Т.Хакимов ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИГА ОИД НОРМАЛАРНИ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ 110

Т.Х. Норметов МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ 115

A.Yuldashov TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINING RIVOJLANISHI ORTIDAN MUALLIFLIK HUQUQI SOHASIDAGI QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISHNING AHAMIYATI: MULKIY HUQUQLARNI JAMOAVIY ASOSDA BOSHQARUVCHI TASHKILOTLAR FAOLIYATI MISOLIDA 121

Абдухолиқов С., Толипов А.А. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ҲУҚУҚИ: МАФКУРАВИЙ ЁНДОШИШНИНГ АҲАМИЯТИ 128

Д.Бобомуродов ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТЛАРИНИ МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯМИЗДА-МУСТАҲКАМЛАНИШИ 131

А. Боротов ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО И НЕПРИКОСНОВЕННОСТЬ СОБСТВЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ: СТАТУС, ГАРАНТИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ 137

Девяткин А.В. ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ВОЕННОГО ПРАВА В СИСТЕМЕ ВОЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ КИТАЯ КАК ФАКТОР ОБЕСПЕЧЕНИЯ СТАБИЛЬНОСТИ СТРАНЫ 150

А.Раҳимжонов ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРИГА ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ (ЭГАЛИК ҚИЛИШ), ИЖАРА ВА МЕРОС ҚИЛИБ ҚОЛДИРИЛАДИГАН УМРБОД ЭГАЛИК ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ АСОСИДА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ 156

М.Т.Ахмедова ЭКОЛОГИЯ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК 166

К.М.Рахимов ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎРНИ 177

З.И.Муракаева ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НЕКОТОРЫХ СИСТЕМ ПРОВЕРКИ НА ПЛАГИАТ ПРИ НАПИСАНИИ НАУЧНЫХ РАБОТ 182

Х.Исанов ФОРС-МАЖОРНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА ЮРИДИК ТАБИАТИ 186

Г.А.Алимова ЭКОНОМИКА ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА 195

Ў.М.Давлетов ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 199

Хомидов Э.О. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТУЗИЛАДИГАН ШАРТНОМАЛАРНИНГ ХУСУСИЯТИ ВА УЛАРНИНГ БЕКОР БЎЛИШИНИНГ АЙРИМ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ……..206

А.А.Нуридуллаев КОРХОНАНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 213

F.Asqarov O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA RIELTORLIK FAOLIYATINI VUJUDGA KELISHIDA YER VA KO‘CHMAS MULK SOHASINI RIVOJLANISH TARIXI..... 217

Ў.Т.Хошимов ҚЎРИҚЛАШ ШАРТНОМАСИ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ..... 223

Х.А. Даминов ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 231

Х.А. Даминов АУТСОРСИНГ ШАРТНОМАСИ ПРЕДМЕТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ..... 238

Ў.М.Давлетов ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИШ ҲАМДА ҲАЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ..... 244

И.ТОЛИБОВ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ИШТИРОКИ КАФОЛАТЛАРИ:ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ..... 249

Radjabov N. N.
FUQAROLIK QONUNCHILIGINI RIVOJLANTIRISHDA XORIJIY TIL MALAKASINING AHAMIYATI..... 258

З.Ирсалиев, М.Рахматов ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ 262

FUQAROVIY HUQUQIY FANLAR KAFEDRASI

“Fuqarolik huquqiy fanlarini rivojlantirish tendensiyalari va fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish istiqbollari” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya

Muxarrirlar: N.Niyazova
Musahhih: R.Yunusova
Texnik muxarrir: Asror Muhamedov

Bosishga ruxsat etildi 04.10.2022. Qog'oz bichimi 60x84 1/16.
Bosma tabog'i 14,1. Nashriyot hisob tabog'i 9,6. Adadi 100 nusxa. 05-02 buyurtma. «IMPRESS MEDIA» MChJ bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent shahri, Qushbegi ko'chasi, 6-uy